


84(510p)

11-53

Шин Кёнг Сук

# ОНАМНИ ЎЗ ПАНОҲИНГДА АСРА



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

**Ilgarigi berilmalar miqdori**\_\_\_\_\_

|  |  |
|--|--|
|  |  |
|--|--|

ШИН КЁНГ СУК

# ОНАМНИ ЎЗ ПАНОҲИНГДА АСРА

*Роман*

2020/11-59

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент-2017

УЎК 821.531–32  
КБК 84 (5 Кор)  
Ш 53

The WORK is published under the support of Literature Translation  
Institute of Korea (LTI Korea)

Ушбу асар Корея Адабиёти Таржима Институтининг кўмагида  
нашр қилинди.

Корейс тилидан **Санъат Тажимуратов** таржимаси

Шин Кёнг Сук

Онамни ўз паноҳингда асра. Роман / Шин Кёнг Сук. – Тошкент:  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –236 б.

Дунёда она мадҳидан мукаддас ва бегараз мавзу йўқ. Биз инсонийлик,  
олийжаноблик, фарзандлик бурчи, онанинг кадр-киммати, унинг улуғвор-  
лиги, унга садокат, вафодорлик, иззат-хурмат ҳақида сўз юритар эканмиз,  
ушбу асарда ана шу инсоний туйғулар, ширин ҳислар мағрур ва қувонч,  
баъзан ҳаяжону изтироб билан тасвирлаб берилган.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

엄마를 부탁해

Copyright © 2008 by Shin Kyung-sook

All rights reserved.

Originally published in Korea by Changbi Publishers, Inc.

УЎК 821.531–32  
КБК 84 (5 Кор)

ISBN 978-9943-5013-7-9

© Санъат Тажимуратов, 2017  
© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2017

Сева олганингча сев.

*Лист Ференц*

**1-боб**

## **ҲЕЧ КИМ БИЛМАЙДИ**

Онангнинг йўқолганига бир ҳафта бўлди.

Акангнинг уйига йиғилган оила аъзоларинг ўйлаб-ўйлаб охири варақа тайёрлашга ва уни онанг йўқолган жой яқинида таркатишга қарор қилишди. Аввал варақанинг дастлабки лойиҳасини тузиб кўришга қарор қилинди. Бу аввалдан қўлланилиб келинаётган эскича усул эди. Оила аъзосини, у ҳам бўлса онасини йўқотиб қўйган оила аъзоларининг қўлидан келадиган чораси кўп эмасди. Сизлар онангизнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида ариза беришингиз, яқин-атрофларни қараб кўришингиз, ҳар кимни бир ушлаб, мана бу одамни кўрмадингизми деб сўраб кўришингиз мумкин эди. Кийим-кечак савдо марказини юритадиган уканг интернетда онанг йўқолишининг сабаби ва йўқолган жой ҳамда онангнинг суратини қўйиб, “шунга ўхшаш одамни кўрсангиз хабар беришингизни сўраймиз”, деб эълон бердим, деди. Онанг бориши мумкин бўлган жойларни қараб кўришни хоҳладинг-у, лекин бу шаҳарда онанг ёлғиз ўзи бориши мумкин бўлган жой йўқлигини сен яхши билардинг.

– Сен ёзувчисан, шунинг учун варақа лойиҳасини сен ёз, – дея аканг бу ишни сенга топширди. Ёзувчилик. Ножўя иш билан шуғулланаётганинг фош бўлгандек қизариб кетдинг. Чиндан ҳам сен биладиган қайсидир гап йўқолган онангни топишингда нафи тегармикин?

Онангнинг туғилган кунини 1938 йил 24 июль деб ёзганида, отанг онангни 1936 йилда туғилган, деди. Фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжатдагина 1938 йил бўлиб, аслида 1936 йилда туғилган экан. Бу ҳақиқатни сен биринчи марта эшитётган эдинг. Отанг ўша даврда ҳамма шундай қилган, деди. Туғилганига юз кун ҳам тўлмасдан ўлган гўдаклар кўп бўлганлиги боис икки-уч йил ўстириб, катта қилгандан кейингина рўйхатга киритишга ариза берган, деди. 1938 деган сонларни 1936 га ўзгартириб ёзмокчи бўлаётганида аканг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдагидек, 1938 йил деб ёзиш керак, деди. Бу биз тайёрлаётган варақа бўлиб, бу ер маҳалла идораси ёки туман идораси бўлмаса, ҳақиқатдан кўра ҳужжатда кўрсатилган санани ёзиш керакмикин? Савол пайдо бўлди-ю, лекин сен индамай 1936 деган сонни яна 1938 қилиб тўғриладинг. Ундай бўлса, ойимнинг туғилган куни 24 июль эканлиги тўғримикин деб ўйладинг.

Онанг бир неча йилдан буён “менинг туғилган кунимни алоҳида нишонлаш керак эмас”, дерди. Отангнинг туғилган куни онангнинг туғилган кунидан бир ой олдин эди. Авваллари туғилган кун ёки шунга ўхшаш бошқа нишонланадиган кун бўлса, сен ва шаҳарда яшайдиган бошқа ака-укаларинг Чонгип шаҳридаги онангнинг уйига борардиларинг. Ҳамма йиғилса, фақат якин қариндошларнинг ўзи ҳам йиғирма икки киши бўларди. Онанг ҳамма оила аъзоларингиз бир жойга йиғиладиган сершовқин ҳолатни яхши кўрарди. Оила аъзоларингиз йиғиладиган бўлса, онанг бир неча кун олдин янги кимчи тузлар, бозорга бориб гўшт олиб келар ва тиш ювиш пастаси ҳамда чўткасини тайёрлаб кўярди. Қайтиб кетаётганингизда сизларга бир шишадан улашиш учун кунжут ёғини чиқариб олар, кунжут ва периллани алоҳида туйиб кўярди. Бола-чакаларининг келишини кутиб юрган вақтда онанг маҳалладошлари ёки бозорда учратиб қолган одамлар билан гаплашганида

чиндан ҳам кўтаринки руҳда бўларди ва юракдан ғурурланаётгани ҳаракатию гапларидан билиниб турарди. Айвонда онанг ҳар фасл тайёрлаб қўйган олхўри шарбати, малина шарбати солинган катта-кичик турли хил шиша банкалари қатор бўлиб турарди. Шаҳардаги болаларига кўп қилиб солиб бериш учун тайёрлаб қўйилган зираворли тузланган анчоус балиғи, денгиз моллюскаларига ўхшаган нарсалар онангнинг кўзачаларига лик тўлдирилган бўларди. Пиёз соғлик учун фойдали деган гапни эшитса, пиёз шарбатини тайёрлар ва қиш киришидан олдин кизилмия қўшиб тайёрланган қовок шарбатини шаҳардаги болаларига юборарди. Онангнинг уйи шаҳардаги бола-чақалари учун йил бўйи ниманидир тайёрлаб берадиган фабрикага ўхшарди: қайла, нўхат пастасини тайёрлаш, шоли янчиб гуруч тайёрлаш. Қайсидир бир вақтдан бошлаб шаҳардаги бола-чақаларнинг Чонгип шаҳрига боришидан кўра, онангнинг отанг билан бирга шаҳарга келиши кўпайди. Шундай қилиб, ота-онангнинг туғилган кунини ҳам шаҳардаги ошхоналардан бирида овқатланиш орқали нишонлайдиган бўлдиларинг. Шундай қилган осонроқ эди. Кейинчалик онанг “менинг туғилган кунимни отангнинг туғилган куни билан бирга нишонлайлик”, деди. Ёзнинг ўртасида, устига-устак кун ҳам иссиқ бўлганда икки кун давомида қилинадиган аждодларни хотирлаш маросими ҳам иккита бўлса, бунинг орасида қачон яна туғилган кунни нишонлайсан, деганди. Аввалига сенинг оила аъзоларинг онангга “бу нима деганингиз?” дея эътироз билдириб, шаҳарга келмоқчи бўлмаса, бир нечтангиз қишлоқдаги уйингизга бориб, онангнинг туғилган кунини нишонлардиларинг. Кейинчалик отангнинг туғилган кунида онангга ҳам совға ола бошладиларинг ва шундай қилиб, онангнинг туғилган куни сезилмасдан ўтиб кетадиган бўлди. Оила аъзоларининг сонига қараб ҳар бирига пайпоқ олишни яхши кўрган онангнинг жавонида олиб кетилмаган пайпоқлар сони кўпая бошлади.

Исми: Пак Со Нё

Туғилган йили: 1938 йил 24 июль (69 ёш)

Ташқи кўриниши: Соч толалари оқарган, калта жингалак соч, ёноғининг суяклари кўзга ташланади. Йўқолган вақтида хаво ранг кўйлак, оқ жакет ва оч жигарранг кат-кат тахли юбкада бўлган.

Йўқолган жойи: “Сеул темирйўл вокзали” метро бекати.

Онангизнинг қайси суратидан фойдаланиш борасида фикрлар ҳар хил бўлди. Энг яқинда тушган суратлардан бирини кўйишга ҳамма рози бўлса-да, ҳеч кимда онангнинг яқинда тушган сурати йўқ эди. Сен қайсидир вақтдан буён онанг суратга тушишни жуда ёмон кўрганлигини эсладинг. Ҳамма бирга тушган оилавий суратда ҳам фақат онангнинг қиёфаси кўринмади. Отангнинг 70 ёшлик юбилейида олинган оилавий фотосуратдаги онангнинг юзи суратда қолган энг сўнгги қиёфаси эди. Ўша вақтдаги онанг сув рангидаги ҳанбоқ<sup>1</sup> кийимини кийган, гўзаллик салонига бориб сочини турмаклатган, лабига кизил рангли лаб бўёғини суртиб чиройли қилинган қиёфада эди. Сенинг уқанг суратдаги онангнинг қиёфаси йўқолишидан олдинги кўринишидан жуда фарқ қилиб, суратни катталаштириб ёпиштирганда ҳам одамлар таний олмаса керак деган фикрда эди.

– Интернетга шу суратни қўйгандим, “онангиз чиройли эканми, йўлидан адашадиган одамга ўхшамайди”, дея фикрларини ёзиб қолдирганлар, – деди уқанг.

Сизлар ҳар бирингиз онангизнинг бошқа сурати йўқмикин дея яна қараб кўришга қарор қилдиларинг. Катта аканг сенга жумлага яна қўшимча қилиб кўр, деди. Сен акангга бепарво қараганингда, янада диққатни тортадиган жумлани ўйлаб кўр, деди. Диққатни тортадиган жумла? “Онамизни топишда ёрдам беринг”, деб ёзганинг жуда оддий ва содда, деди. “Онамизни

---

<sup>1</sup> Корейс миллий либоси.

излаяпмиз”, деб ёзгандинг, бу ҳам ўша-ўша ва она деган сўз жуда расмий сўз бўлгани учун ойи деган сўзга ўзгартириб кўр, деди. “Ойимизни излаяпмиз”, деб ёзганингда бачкана, деди. “Юкоридаги шахсни кўрсангиз албатта хабар беришингизни сўраймиз”, деб ёзганингда катта аканг сенга ёзувчи бўлиб ҳам шундай гапни ёза олмайсанми, деб каттиқ бакирди. Катта аканг хоҳлаган диққатни тортувчи жумла нима эканлигини сен ўйлаб топа олмадинг.

– Диққатни тортадиган алоҳида гап бўладими? “Мукофот пули бор”, деб ёзиш диққатни тортадиган гап, – деди кичкина аканг.

“Мукофот пулини кўп қилиб берамиз”, деб ёзганингда кен-нойинг бундай ёзиш тўғри келмаслигини айтди: – Мукофот пулининг аниқ қанчалигини кўрсатсанггина одамлар қизиқади.

– Ундай бўлса, қанча ёзай? Бир миллион вон<sup>1</sup>?

– Бу жуда кам.

– Уч миллион?

– Бу ҳам камга ўхшаяпти.

– Унда, беш миллион.

Беш миллион вонга ҳеч ким эътироз билдирмади. Сен “беш миллион вон мукофот пули берамиз”, деб ёзиб, нукта қўйдинг. Кичкина аканг “мукофот пули: беш миллион вон”, деб тўғрила, деди. Уканг беш миллионни бошқа сўзлардан каттарок қилиб ёз, деди. Ҳамма уйига қайтиб бориб, онангизнинг суратини излаб кўришга ва мос келадиган сурат бўлса сенинг электрон почта манзилингга юборишга келишилди. Варақадаги гапларга яна қўшимча қилиб босиб чиқаришни сенга, уни ҳар бирингизга тарқатишни укангга топширишди. Варақа тарқатиш учун алоҳида кунбай ишчи ёллашим ҳам мумкин деганингда аканг гап бошлади:

– Бу ишни ўзимиз қилишимиз керак. Иш кунлари ҳар ким бўш вақти бўлганда, ҳафта охиридаги дам олиш кунлари ҳаммамиз бирга таркатамиз, – деди.

<sup>1</sup> Корея Республикасининг пул бирлиги.

– Бунақада ойимни қачон топамиз? – дея сен минғиллашинг билан, аканг шундай деди:

– Қўлдан келадиган ишнинг ҳаммасини қияпмиз, варақа таркатиш бу шунчаки жим қараб ўтира олмаганимиз учун қилинаётган иш.

– Қўлдан келадиган иш нима у?

– Газетада эълон бердик.

– Газетада эълон бериш – қўлдан келадиган ишнинг ҳаммаси шуми?

– Ундай бўлса, нима қилайлик? Эртадан ҳаммамиз ишни ташлаб, у худуддан-бу худудга ўтиб, дайдиб юрайликми? Агар ойимнинг топилишига кафолат бўладиган бўлса шундай қиламиз.

Сен катта аканг билан тортишишни бас қилдинг. Доимгидек одат. Акамиз бўлганинг учун бир иложини топ дея доим ишни акангга юклайдиган одатинг бундай ҳолатда ҳам қўлланяётганини тушунганинг сабабли эди. Оила аъзоларинг катта акангнинг уйида отангни қолдирганча шошиб тарқалишди. Тарқалмасаларинг яна тортишиб қолишларинг мумкин эди. Ўтган бир ҳафта давомида доим шундай бўлиб келди. Онангни қандай қилиб топишни маслаҳатлашиш учун йиғилган сенинг оила аъзоларинг кутилмаганда, авваллари онангизга қилган нотўғри ҳаракатларни танқид қилишди. Ҳар сафар ўзингизни олиб қочган ишларни айтиб, натижада бақириб, сигарет чекканча эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетардиларинг.

Сен онангнинг йўқолганлиги ҳақида биринчи марта эшитганингда нимага шунча оила аъзоларингиз орасидан ҳеч ким Сеул темирйўл вокзалига кутиб олишга чиқмаган дея жаҳлинг чикқанди.

– Ўзинг-чи?

– Мен, – дея сен оғзингни юмдинг. Нимагаки, сен ҳатто онангнинг йўқолганлиги ҳақида тўрт кун ўтгандан кейин эшитгандинг. Сенинг оила аъзоларинг бир-биридан онангнинг

йўқолганлиги тўғрисида жавобгарликни сўраб, ўзаро кўнглингиз яраланди.

Акангнинг уйидан чикиб, метрода уйингга кетаётганингда онанг йўқолган “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатида тушдинг. Онангни йўқотган жойга бораётган вақт мобайнида жуда кўплаб одамлар сенинг елкангдан туртиб ўтиб кетишди. Отанг онангнинг кўлини кўйиб юборган жойда турган вақтингда ҳам одамлар сенинг елкангни орқадан ва олдиндан туртиб ўтиб кетишди. Ҳеч ким узр сўрагани йўқ. Онанг нима қилишини билмасдан турган ўша вақтда ҳам одамлар шундай ўтиб кетган бўлса, ажабмас.

Онангнинг бағридан шаҳарга кетишдан бир неча кун олдин онанг кўлингдан ушлаб сени бозордаги кийим дўконига олиб борганди. Сен ҳеч қандай безаги бўлмаган оддий кўйлакни танлаганингда онанг юбканинг энг четига бурма тақилган кўйлакни сенга узатганди.

– Бу қалай?

– Эй, – дея сен итаргандинг.

– Нимага? Кийиб кўр, – деганди. Ўша вақтда ҳали ёш бўлган онанг кўзларини катта қилиб очганди. Бурма тақилган кўйлак ва онанг бошига боғлаган рўмол ўзаро бошқа-бошқа дунёдек кескин фарқ қиларди.

– Бачкана, – дегандинг сен.

Сенинг гапингга жавобан онанг “шунақами?” дея худди кўйлакни кўйгиси келмагандек бир неча марта орқа-олдини кўздан кечирганди. – Мен сенинг ўрнингда бўлганимда кийиб кўрган бўлардим, – деганди.

Бачкана деб гапирганинг учун хижолат тортганингдан шундай дегандинг:

– Бу сизга ҳам ёкмайди-ку!

Шунда онанг:

– Йўқ, мен шундай кийимни яхши кўраман, фақат кия олмаганман, холос, – деганди.

Бир инсонга нисбатан бўлган хотира қаергача бўларкан? Онага нисбатан бўлган хотира-чи?

Онангнинг ёнида бўлган вақтларингда бутунлай унутилган ишлар тинмасдан эсингга туша бошлаганлиги боис сен онанг ҳақидаги хабарни эшитган вақтдан то ҳозиргача ҳеч бир хаёлга бир дақиқадан кўп диққат қилолмасдинг. Хотирадан кейин шубҳасиз афсусланиш бўларди. Ўшанда ўша кийимни кийиб кўрсам бўларкан. Сен эҳтимол, онанг тиз чўкиб ўтирган бўлиши ҳам мумкин бўлган жойда тиззангни букиб ўтириб кўрдинг. Ниҳоят, сен хоҳлаган оддий кўйлакни танлагандан бир неча кун ўтиб, сен мана шу Сеул темирйўл вокзалига етиб келгандинг. Сени Сеулга олиб келган онанг юкоридан мағрур қараб турган бинони ҳам яксон қиладигандек қадам ташлаб, ўтиб кетаётган одамлар тўдаси орасида ҳам сенинг кўлингдан маҳкам ушлаганча майдонга қараб юриб бориб, соатли минора остида акангни кутганди. Ўшандай она йўлдан адашиши мумкинми? Кириб келаётган поезднинг ёруғлиги кўриниши билан одамлар поездга чиқиш жойига йиғила бошлашди ва оёқ остида ўтирган сенга халакит қиляпсан дегандек, кўз кири билан қарашди.

\* \* \*

Онанг “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатида отангнинг кўлини кўйиб юборган ўша вақтда сен Хитойда эдинг. Ёзувчи ҳамкасбларинг билан Пекинда очилган китоблар ярмаркасида эдинг. Кейинчалик ўйлаб қарасанг, онанг “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатида йўқолиб қолган ўша вақтда сен китоблар ярмаркасининг бир бурчагида хитой тилига таржима қилинган китобингни кўздан кечираётган эдинг.

– Ота, нимага таксига ўтирмасдан метрога чикдингиз? Метрога чикмаганингизда бундай бўлмаган бўларди!

– Темирйўл вокзали метро бекати билан боғланганлиги боис таксига ўтириш учун ташқарига чиқиб юриш шарт эмас

деб ўйладим, – деди отанг. Ҳамма иш, айникса, нохуш иш рўй берганда бўлиб ўтган нарсаларни хаёлда қайта тасаввур қилиб кўрадиган ҳолатлар бўлади. Ўша вақтда шундай қилмасам бўларкан деган хаёллар. Оила аъзоларинг нимага олдинги сафарларидагидан фарқли равишда отанг онанг билан иккаласи кичкина акангнинг уйига ўзимиз бора оламиз, деган гапига қулоқ солишган экан? Оила аъзоларингдан кимдир Сеул темирйўл вокзалига ёки экспресс автобус бекатига ота-онангни кутиб олишга чиқиши доим қилиб келинаётган табиий иш эди-ку! Шаҳарда бир жойга бормокчи бўлса оила аъзоларингизнинг енгил машинасидан ёки таксидан фойдаланадиган отанг нимага ўша вақтда метродан фойдаланишга қарор қилган экан? Онанг отанг билан бирга эндиgina етиб келган поездга чиқмокчи бўлишган. Отанг поездга чиққандан кейин караса, онанг йўқ экан. Аксига олиб шанба куни тушдан кейин одамлар гавжум вақт бўлган. Онанг одамлар тўдаси томонидан итарилиши оқибатида отангнинг қўлини қўйиб юборган ва нима қилишни билмаётган вақт орасида поезд жўнаб кетган. Онангнинг сумкасини отанг олиб юрганлиги боис қўллари бўм-бўш қолган онанг метро бекатида ёлғиз ўзи қолган вақтда сен китоблар ярмаркасидан чиқиб, Тяньаньмэнь майдонига бораётган эдинг. Пекинга учинчи марта келишинг бўлса ҳам Тяньаньмэнь майдонига бориб кўрмаган эдинг. Бу жойга келсанг фақат автобус ёки енгил машина ичидан бепарво қараб ўтар эдинг. Сизларни бошлаб юрган талаба кечкурунгача вақт борлиги боис Тяньаньмэнь майдонига бориб кўришни таклиф қилди ва сенинг ҳамроҳларинг унга рози бўлишди. Сен Император саройи олдида таксидан тушаётганингда, “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатида ёлғиз ўзи қолган онанг нима қилаётган экан? Император саройига кириб бораётган сенинг ҳамроҳларинг яна қайтиб чиқишди. Пекин шаҳрининг ҳамма жойида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётганди. Кейинги йил бўладиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриляпти,

деб тушунтирди. Император саройида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги боис фақат бир қисмигина очиб қўйилганди, бунинг устига деярли ёпиладиган вақт бўлиб қолганди. “Охирги император” фильмидаги қари Пу И ёшлигини ўтказган Император саройига қайтиб келиб, ёш сайёҳга “кўрсатадиган нарсам бор”, дея тахтига яшириб қўйган чигиртка кутичасини олиб кўрсатаётган лавҳаси эсингга тушди. Қопқоғини очиб қараса, Пу И ёшлигида ушлаб ўйнаган чигиртка ҳали ҳам тирик бўлади. Сен Император саройига бораётган ўша вақтда онанг елкасидан туртиб ўтиб кетаётган одамлар тўдаси орасида паришонхотир турганмикин? Эҳтимол, кимдир олиб кетишга келишини кутган бўлиши ҳам мумкин. Император саройи ва Тяньаньмэнь майдонини боғловчи йўлда ҳам қурилиш ишлари олиб борилаётганди. Майдон нақ олдингда кўринган бўлса ҳам чалкаш йўллардан ўтгандан кейингина у ерга ўта олдинг. Сен Тяньаньмэнь майдонининг осмонида парвоз қилаётган қоғоз илонларга қараб турган вақтингда, онанг ер ости ўтиш йўлида умиди узилгандек ҳолсиз ўтириб, сенинг исмингни айтиб чақирган бўлиши ҳам мумкин. Тяньаньмэнь майдонининг темир дарвозаси очилиб, ҳарбийларнинг бир бўлинмаси оёқларини баланд кўтарганча ҳарбийча кадам ташлаб юриб келиб, Хитой Халқ Республикасининг давлат байроғини тушираётганини томоша қилиб турганинда, онанг “Сеул темирйўл вокзали” метро бекати ҳудудидаги чалкаш йўлларда сандироклаб юрганга ўхшайди. Ўша вақтдаги онангни кўрдим деган метро бекати ҳудудидаги одамларнинг гувоҳлиги буни тасдиқлайди. Улар сенинг онанг деб тахмин қилган бир кекса аёл жуда секин кадам босаётганини, ора-сира ҳолсиз ўтирганини, эскалатор олдида бепарво турганини кўришганини айтди. Сенинг онангга ўхшаган бир кекса аёл анча вақт метро бекатида ўтирганини ва поездга чиқаётганини кўрдим деган одамлар ҳам бўлди. Онанг қаергадир ғойиб бўлган ўша тунда сен ҳамроҳларинг билан бирга таксида Пекиннинг кўркем ресторанлари жой-

лашган кўчасига бориб, қизил чироқлар остида ўткирлиги 56 даража бўлган Хитой ароғи билан бирга қизил ёғда қовурилган қайноқ денгиз қисқичбақасини еб ўтиргандинг.

Отанг кейинги бекатда тушиб, онанг билан айрилган “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатига қайтиб борганида онанг йўқ экан.

– Поездга чиқа олмаган бўлса ҳам қандай қилиб йўлдан адашиши мумкин? Ҳамма жойда йўлкўрсаткичлар ёпиштирилган-ку. Ойимиз телефон қилишни ҳам билмайдими? Жамоат телефон автоматидан телефон қилса бўларди. Поездга чиқа олмагани боис ўғлининг уйини топа олмайдиган бўлса, ойимизга бошқа бир нима бўлган, – деди кеннойинг.

Бошқа бирнима бўлган? Бу нарса онасини нима бўлганда ҳам олдинги ҳолатидагидек ўйлашни хоҳлайдиган одамнинг фикри эди.

– Ойим йўлдан адашган бўлиши мумкин, – деганингда кеннойинг ҳайрон қолгандек кўзларини катта очиб қаради.

– Кеннойи, сиз ҳам яхши биласиз-ку, ойим қандай аҳволдалигини? – дединг сен.

Кеннойинг мен билмайман деган қараш қилди. Онангнинг аҳволи қандайлигини ва бундай ҳолатда қайтиб кела олмаслигини ҳам сенинг оила аъзоларинг яхши биларди.

\* \* \*

Онанг ўқишни билмаслигини сен қачон билган экансан?

Шаҳарга кетган акангга айтмоқчи бўлган онангнинг гапларини тинглаб ёзган биринчи мактубдан бошланганди. Аканг сизлар туғилган қишлоқни ўз ичига олган кичкина туманда юқори мактабни тамомлаб, бир йил мобайнида давлат ишчиси бўлиш учун топшириладиган имтиҳонларга мустақил тайёрланди ва ишга тайинланиб, шаҳарга кетди. Бу ўзи тукқан

фарзанди билан онангнинг дастлабки айрилиши эди. Телефон бўлмаган ўша даврда ягона алоқа воситаси мактуб ёзиш эди. Шаҳарга кетган аканг қоғозга катта-катта ҳарфларда хат ёзиб онангга юборарди. Онанг акангдан мактуб келадиган кунни ҳайрон колгудек аниқ биларди. Тушдан олдин тахминан соат ўн бирларда хат ташувчи катта сумкасини велосипеднинг олдида осиб қишлоққа келарди. Акангдан мактуб келадиган кун онанг далада ишлаб юрган бўлса ҳам, ариқ бўйида кир юваётган бўлса ҳам уйга қайтиб келиб, акангнинг мактубини хат ташувчидан шахсан ўзи оларди. Шундан кейин сенинг мактабдан қайтиб келишингни кутарди. Мактабдан қайтиб келишинг билан онанг сени уйнинг орқа тарафидаги супага олиб борарди ва акангнинг мактубини чиқариб сенга узатарди. Баланд овозда ўқи, дерди.

Уйдан кетган акангнинг хати “Меҳрибон онажонимга”, деб бошланарди. Хат ёзиш услубини дарслик китобидан ўргангандек аканг уйдагиларнинг ҳол-аҳволини сўрарди ва шаҳарда яшаётган ўзининг ҳаёти тўғрисида ёзарди. Қирларини ҳафтада бир марта отангнинг амакиваччасининг турмуш ўртоғига олиб бориб берса, ювиб беради, деб ёзилган эди. Бу онанг отангнинг амакиваччасининг турмуш ўртоғидан ўтиниб илтимос қилган нарсга эди. Овқатни яхши еяётганини ва даҳа идорасининг тунги навбатчилари ётадиган хонасида навбатчилик қилиш орқали ётиш жойига ҳам эга бўлганлиги учун хавотир олманг, деб ёзган эди. Аканг шаҳарга келиб ҳамма нарсга эриша оладиганга ўхшаётганлигини ва қилгиси келган ишлари ҳам кўплигини ёзганди. Аниқ муваффақиятга эришиб, келажақда оймизни яхши яшайдиган қиламан, дея ўз орзусини ҳам ошкор қилганди. Йигирма ёшли аканг дадиллик билан “шундай экан, онажон, мендан хавотирланмасдан фақат ўзингизнинг соғлиғингизга қаранг”, деб ёзган эди. Акангнинг мактубини баланд овозда ўқиётиб онангга қарасанг, у орқа ховлидаги колоказия ўсимлигининг дастасига ёки соя қайласи солинадиган сопол кўзаларга

кўз узмасдан тикилиб караб ўтирарди. Мактубни ўкиб бераётган сенинг бир гапингни ҳам эшитмай қолмаслик учун онанг диққат билан тинглаб ўтирарди. Мактубни ўкиб бўлганингдан кейин онанг сенга ўзи айтадиган гапларни мактуб қоғозига ёз, дерди. Онанг айтадиган биринчи гап “Хёнг Чолга”, деб бошларди. Хёнг Чол катта акангнинг исми. Сен онанг айтганидек “Хёнг Чолга”, деб акангнинг исмини ёзардинг. Онанг нукта қўй деб айтмаган бўлса ҳам исмнинг кетидан нукта қўярдинг. Онанг “Хёнг Чол”, деб айтса, сен “Хёнг Чол!” деб ёзардинг. Айтадиган гапи эсидан чиққандек онанг Хёнг Чол дегандан кейин сукунат сакласа, сен ёйилиб кетаётган калта сочларингни қулоғингнинг орқасига ўтказардинг ва ручкани ушлаган ҳолда диққат билан қулоқ солиб, мактуб қоғозига караганча онангнинг кейинги гапини кутардинг. “Ҳаво салқинлашди”, деса сен “ҳаво салқинлашди”, деб ёзардинг. Хёнг Чолга дегандан кейин онангнинг кейинги гапи об-ҳаво тўғрисида бўларди. “Бу ерга баҳор келиб, гуллар очилди. Ёз бошланиб, шоли даласининг ости ёрила бошлади. Йиғим-терим вақти бўлгани учун шоли даласининг четида ловия жуда мўл.” Онанг шевадан фойдаланмаган вақт фақат акангга айтадиган гапларини ёздирганда бўларди, холос. “Умуман бизлар ҳакимизда хавотир олмасдан ўзингнинг соғлигингни ўйла. Онангнинг истаги фақат мана шу нарса.” Хёнг Чолга деб бошланган онангнинг гапи “сенга ҳеч қандай ёрдам бера олмаганим учун узр болам” каби таъсирчан гаплар билан давом қиларди. Сен мактуб қоғозига аниқ қилиб онангнинг гапларини эшитиб ёзаётган вақтда онангнинг қўлига кутилмаганда катта кўз ёш томчиси тушарди. Онанг айтадиган охириги гап доим бир хил эди: “Нима бўлса ҳам оч юрмагин. Онанг.”

Сен оилада учинчи фарзанд бўлганинг учун сендан катта акаларинг уйдан кетганида онанг бошидан кечирадиган айриликнинг ғами ва азоби ҳамда хавотирига гувоҳ бўлардинг. Кат-

та акангни кузатгандан кейин онанг ҳар куни тонгда ҳовлин-гиздаги турли хил қайлалар сакланадиган жойда турган сопол кўзаларни артарди. Қудук уй олдидаги ҳовлида бўлганлиги боис сувни олиб келиш ҳам қийин бўлишига қарамасдан орқа ҳовлини тўлдириб турган сопол кўзаларни бирма-бир артарди. Қопқоғини ҳам очиб, орқа-олдини ялтиратиб артарди. Кўзаларни артиб юрганда онанг паст овозда куйларди: “агар сен билан менинг ўртамизда денгиз бўлмаганида, азобли айрилиқ ҳам бўлмасди...” Қўллари тез-тез латтани совук сувга ботириб олгандан кейин қаттиқ сиқиб, кўзалар орасини артиш билан овора бўлганда онанг “қачонлардир сен мени ташлаб кетмайдиган кун келса керак”, деб кўшиқ куйларди. Ўша вақтда сен “ойи!” деб чақирсанг, қайрилиб қараётган онангнинг катта, меҳрибон кўзлари кўз ёшига тўла бўларди. Қайсидир кўза олдида онанг “Хёнг Чол болам”, дея акангнинг исмини айтиб, мадори қолмагандек ҳолсиз ўтирганида сен аста онангдан латтани олиб, қўлларини баланд кўтариб елкангга қўйгандинг.

Онанг катта акангни яхши кўрарди ва мактабдан кечки мустақил ўқишни тугатиб қайтганида унга рамён<sup>1</sup> қайнатиб берарди. Сен баъзан йигитингга ўша вақтдаги ҳикояларни айтиб берсанг, у “рамённинг нимаси яхши?” деб жавоб берарди.

Шунда сен:

– Рамённинг нимаси яхши дейсанми? Ўша вақтда рамён энг мазали таом эди. Яшириб қўйиб еяр эдик! – деганингда ҳам шаҳарда ўсган у буни яхши тушунмагани учун ҳам “унчалик-масдир”, дея бунга ишонмасди.

Янги пайдо бўлган рамённинг мазаси шу вақт мобайнида онанг тайёрлаб берган ҳамма таомлардан ҳам мазали чикди. Онанг янги чикқан рамённи сотиб олиб, қайлалар турадиган бўш кўзаларнинг бирига яшириб қўярди ва кеч тунда фақат катта аканггагина қайнатиб беришни хоҳларди. Қайнаётган рамённинг мазали ҳиди сабабли сен ва қолган ака-укаларинг

<sup>1</sup> Тез тайёрланадиган, сувда қайнатиб пишириладиган корейс утриси.

бараварига кўзларингизни очардиларинг. Ўша тунда рамён хиди сабабли уйғонган сенга ва сенинг ака-укаларингга онанг “сенлар ётаверинглар”, дея қаттиқ гапирса ҳам сен ва ака-укаларинг эндигина рамённи оғзига солаётган катта акангга бараварига қарардиларинг. Хижолат тортган аканг ҳар бирингизга бир қошиқдан едирса, онанг “ейдиган нарсани қандай қилиб дарров биласанлар?!” дея қозонга сувни тўлдириб қуяр ва яна бир рамённи қайнатиб келиб, сен ва сенинг ака-укаларингга бўлиб берарди. Рамёндан кўра шўрваси кўпроқ бўлган идишни олиб мамнун бўлардиларинг. Онанг жуда кўп бўлган кўзаларни артаётиб, рамённи яшириб қўядиган кўза олдида ниҳоят акангни эслаганидан нима киларини билмасдан юраги тўлиб-тўлиб йиғларди.

Акаларинг уйдан жўнаб кетаётганида, ғамга ботган онангга сен қилиб бера оладиган иш улардан келган мактубни овоз чиқариб ўқиб бергандан кейин онанг айтган гапларни ёзган мактубни мактабга бораётиб, почта қутисига ташлаш эди, холос. Шундай қилиб ҳам нимага сен онанг ёзув дунёсига бир марта ҳам қадам боса олмаган зот эканлигини билмасдан юрган экансан? Онангга мактубларни ўқиб бериб, онангнинг гапларини ёзиб бериб ҳам онанг ўқиш ва ёзишни билмагани учун ёш қиз бўлган сенга суянганди дея нима учун бир марта ҳам ўйлаб кўрмагансан? Сен онангнинг илтимосларини уйингнинг олдидаги полиздан тугмагул узиб олиб келиш ёки мой сотадиган дўконга бориб, мой сотиб олиб келишга ўхшаш топширик сифатида қабул қилардинг. Ҳатто сен ҳам уйдан кетганингдан кейин онанг бу ишни бошқа одамга топширмаганга ўхшайди. Нимагаки, сен онангдан битта ҳам мактуб олмаган эдинг. Эҳтимол, сен мактуб ёзмаганинг учун шундайдир? Телефон сабабли шундай бўлса керак. Сен уйингдан кетаётган вақтда кишлок раиси уйига жамоат телефони ўрнатилди. Бу кишлокда биринчи марта пайдо бўлган телефон эди. Ҳар куни тонгда “а-а”, деб микрофонни синаб кўргандан кейин “фалончининг уйига Се-

улдан телефон келди, дарров келиб олинг”, деган эълон эшитиларди. Мактуб оркали хол-аҳвол сўрашган акаларинг ҳам қишлоқнинг жамоат телефониға қўнғирок қиларди. Қишлоқда жамоат телефони пайдо бўлгандан кейин оила аъзосини бошқа ҳудудга юборган одамлар шоли даласида бўлсин, полизда бўлсин “а-а”, деган микрофон овози эшитилса, ҳамма кимни чакираётган экан дея кулок солишарди.

\* \* \*

Она ва қиз муносабати икки хил бўлади, яъни бир-бирларини жуда яхши биладиган ёки худди бегоналардек умуман билмайдиган бўлади.

Ўтган кузгача ҳам сен онангни яхши биламан деб ўйлардинг. Онанг нимани ёқтиришини, жаҳли чиққанда қандай тинчлантиришни, қандай гапни хуш кўришини, ҳаммасини биламан деб ўйлардинг. Кимдир ҳозир онанг нима қилаётганини биласанми деб сўраса, “қирқкулок ўсимлигини қуритаётган бўлса керак, якшанба куни бўлгани учун ибодатхонаға кетган бўлса керак”, дея дарров жавоб бера олардинг. Бирок ўтган кузда сенинг ўйинг нотўғри бўлиб чиқди. Онанг сенинг олдинда уйни йиғиштираётганда сен онангга қиз эмас, меҳмондек туюлганлигингни ҳис қилгандинг. Қачондандир бошлаб онанг хонада тушиб ётган сочиқни олиб илиб қўяр, дастурхон устиға овқат тўқилса дарров артиб қўярди. Олдиндан хабар бермасдан онангнинг уйига борганинда онанг бетартиб бўлиб ётган ҳовли, кир кўрпа сабабли хижолат тортганди. Музлаткични очиб кўргандан кейин сен керак эмас десанг ҳам салат сотиб олиб келиш учун бозорга югурганди. Бир оила даврасида овқатланиб бўлгандан кейин дастурхонни йиғиштирмаган ҳолда хижолат тортмасдан бемалол бошқа ишға ўтса бўлади. Бетартиб кундалик ҳаётини кўрсатишни хоҳламаётган онангнинг олдида сен онанг учун меҳмонга айланганлигингни тушуниб етдинг.

Эҳтимол, сен ундан анча олдин, онанг сени шаҳарга олиб борган вақтдан бошлаб унинг учун меҳмонга айлангандирсан. Онанг сени шаҳарга юборгандан кейин сени қойимади. Ундан олдин онанг қандай эди? Сен бир нимани озгина бўлса ҳам нотўғри қилсанг қаттиқ уришарди. Кўпдан бери онангнинг оғзига ёпишиб қолган гаплардан бири “сен қиз” эди. Кўпинча акаларинг билан сени фарқлашда бу гапни ишлатарди. Олма ёки узумга ўхшаган нарсаларни ушлаб еяётганингда, шубҳасиз юриш-туриш, қийиниш, гапириш одатинг тўғрисида ҳам “сен қиз”ни ишлатиб, сендан қилиқларингни тўғрилашни талаб қиларди. Шундай деяётиб онанг баъзан чуқур ғамга ботганча сенинг юзингга тикилиб қарарди. Крахмалланган кўрпа чойшабини текислаш учун икки четини тенг ушлаб тортишадиган одам бўлмагани учун ёш қиз бўлган сени бир томонига ўтказганда ёки гуручга дам едириш учун эски ошхонада ўчоққа ўт ёқтирганда онанг сенга маънос қарарди. Қайсидир бир йили совуқ қиш куни қудуқ олдида хотирлаш куни безатиладиган дастурхонга қўйиладиган скат балиғининг пўстини ажратиб олаётганида, онанг пичокни ушлаган ҳолда сенга шундай деди:

– Сен кўп ўқишинг керак, шундагина яхши яшай оласан.

Ўша вақтда сен онангнинг гапини тушундингмикин? Онанг сени қаттиқ уришиб берган вақтларида сен ойи, дея онангга тез-тез мурожаат қилганга ўхшайсан. Ойи деган сўз нафақат яқинлик ҳиссини балки менга ғамхўрлик қил деган мурожаатни ҳам ўз ичига олган: фақат уришиб бермасдан бошимни сила, тўғри-нотўғрилигини бир четга қўйиб, менинг ёнимни ол қаби мурожаатлар. Сен она дейишнинг ўрнига ойи деб чақиришдан тўхтамадинг. Онангни йўқотиб қўйган ҳозирги вақтгача ҳам. Ойи деб чақирган вақтда кўнглингда онанг соппа-соғ деб ишонгинг келади. Онанг қучли, онангнинг қоқиладиган нарсаси йўқ бўлиб, бу шаҳарда сен ҳар сафар нимадандир мушкул аҳволга тушсанг, телефон гўшагининг нариги тарафида онанг бор деб ишонгинг келади.

Ўтган кузда сен онангнинг уйига огоҳлантирмасдан борганинг, бораман деб айтсанг қиладиган ишлари кўпайиб кетиши боис онангни беҳаловат қилмаслик учун эмасди. Онангнинг уйи сен ўша куни эрта тонгда самолётга ўтириб борган Поҳанг шаҳридан узоқ масофада жойлашган эди. Эрта тонгда самолётга чиқиш учун сочингни ювиб, уйингдан чиқаётган вақтда ҳам сен Чонгип шаҳрига ойимни кўришга бораман деб ўйламагандинг. Поҳанг шаҳридан Чонгип шаҳрига борадиган транспорт, сенинг ҳозирги уйинг жойлашган шаҳардан тўғри боришга нисбатан анча ноқулай ва йўл ҳам узоқ эди. Сен ҳам кутмаган иш эди.

Сен уйингга етиб келган вақтда дарвоза очик эди. Уйга кириш эшиги ҳам очик эди. Эртаси куни шаҳарда йигитинг билан тушлик қилишга келишиб қўйганлигинг учун сен тунги поездга ўтириб, қайтиб кетмоқчи эдинг. Сен туғилган жой бўлса-да, она уйинг жойлашган қишлоқ энди сенга бегона эди. Ёшлик даврингни эслатадиган из деса бўладиган арик бўйидаги бир неча туп қатранғи дарахти қолганди, холос. Қариган уч туп қатранғи дарахти ҳали ҳам ўша жойда турганди. Шунинг учун бўлса керак. Сен она уйингга борганингда катта йўлдан бормасдан қатранғи дарахти турган арик томондаги йўлдан борардинг. Шу ерга борсанг уйингга кирадиган орқа эшик чиқарди. Авваллари кичкина эшикнинг қок олдида қишлоқнинг умумий қудуғи бўларди. Ҳамма уйда сув ўтказгич қувурлари ўрнатилгандан кейин қудук табиий ҳолда бекитилган бўлса-да, ўша қудукни эслайдиган сен кичкина эшикдан киришдан олдин ногоҳ қудук бўлган жойда бир оз вақт турдинг. Қаттиқ бетонни тақиллатиб ҳам кўрдинг. Авваллари шу ерда қуримас қудук бўлганлиги ростмикин? Сен ажабландинг. Шу кўчанинг одамларини бокиб ҳам доим сувга тўлиб турган ўша қудук шу зим-зиёликда нима қилаётган экан? Сен ўша қудук бекитилганини кўрмадинг. Бир куни онангнинг уйига келиб кўрганингда

кудук ғойиб бўлиб, унинг ўрнида бетон йўл турганди. Қудук бекитилганини ўз кўзинг билан кўрмаганинг учун ҳам сен бетон остидаги кудукда сув ҳали ҳам тўлиб турибди деб тасаввур қилардинг.

Бекитилган кудук устида бир оз вақт тепиниб туриб, кичкина эшикдан киришинг билан “ойи!” деб чақирдинг, лекин ҳеч ким жавоб бермади. Кун ботар тарафга қараган уйнинг ҳовлиси эндигина оғишаётган кузги қуёш нурларига тўла эди. Сен уйга кириб қарадинг, лекин умумий хонада ҳам, ётоқхонада ҳам онанг йўқ эди. Уйнинг ичи бетартиб эди. Дастурхон устидаги сув идишининг қопқоғи очик бўлиб, сув стакани дастшўйда турганди. Умумий хонанинг полига тўшалган бўйрада латта савати ағдарилиб ётганди, диванда отанг ечиб қўйган кир қўйлак енги ёйилган ҳолда осилиб турганди. Кун ботарга қараган уйлиги боис қуёш ботаётган бўлса ҳам кучли ёруғлик бўм-бўш хонага сизиб кириб турганди.

– Ойи! – бўм-бўшлигини билсанг ҳам сен яна бир марта “ойи!” деб чақирдинг.

Шундан кейин кириш эшигини очиб, қайтиб чиқаётганингда ён ҳовлидаги эшиги қўйилмаган айвонда турган ёғоч каравот устида онангни кўрдинг. Онанг ёғоч каравот устида ётган эди.

– Ойи! – деб чақирдинг, лекин жавоб бўлмади. Сен оёк кийимингни тўғрилаб кийиб, онангга қараб айвон томонга юриб бординг. Айвондан ҳовлини кўрса бўларди. Авваллари ўша жойда онанг шароб тайёрлаш учун дон аталасини тайёрларди. Ёнидаги чўчкахонанинг деворлари очиб ташланганлиги сабабли айвон анча яроқли жойга айланганди. Деворга токча ўрнатиб, бошқа ишлатилмайдиган ошхона жиҳозлари йиғиб қўйилганди, унинг остида онанг ёпган банкалар турарди. Онанг эскирган ёғоч каравотни айвонга ўтказиб қўйган эди. Эски уйни бузиб ташлаб, Европача услубдаги уй қурилгандан

кейин туриб овқат тайёрланадиган ошхонада бемалол бажара олмаган ишларини мана шу жойда қиларди. Кимчи тайёрлаш учун қизил қалампирни янчар, ғадир-будур ловия поясини кесиб олиб келиб, орқа-олдини қовлаштириб топган ловиянинг пўстини арчар, қалампир пастасини тайёрлар, кимчи учун қарам тузлар, соя дуккакларини қуритар эди.

Айвон ёнидаги итхона бўм-бўш эди. Ит арқони ечилган ҳолда ерда ёйилиб ётганди. Шундагина онангнинг уйига кириб келган вақтингда итнинг овози эшитилмаганини англадинг. Кўзинг билан итни излаб, онангнинг ёнига борганинда онангнинг нафас олиши ҳам эшитилмас эди. Онанг бир оз олдингача қуёшда қуритиш учун қовокни майдалаб тўғраб ўтирганга ўхшайди. Тахтақач, пичоқ ва қовок бир четга суриб қўйилган, эски бамбук саватда бир хилда тўғралган қовок солиниб турганди. Аввалига ойим ухлаб қолибдимикин деб ўйладинг. Онангнинг кундузи ухлამаслиги эсингга тушиб, унинг юзига яхшилаб қарадинг. Онанг пешанасига қўлининг орқасини қўйиб, нимагадир бардош бериш учун нафас ҳам олмасдан чидаб ётганди. Онангнинг лаблари очилган бўлиб, пешанасини қаттиқ тириштирганидан унинг ўртасида жуда чуқур ажин пайдо бўлганди.

– Ойи! – деб қақирсанг ҳам онанг кўзини очмади.

– Ойи! Ойи!

Сен онангнинг олдида тиззангни қўйиб, уни қаттиқ туртганидан кейин онанг кўзини сал очди. Кўзи қизариб кетган ва пешанасини тер босган эди. Онанг сенинг қимлигингни билмаганга ўхшади. Оғриқдан азоб чекаётган онангнинг юзи ачинарли даражада буришган эди. Кўзга қўринмас қандайдир қаттиқ нарса онангнинг бошига урмаётган бўлса юз ифодаси бундай бўлмаган бўларди. Онанг яна кўзини юмди.

– Ойи!

Сен ўзинг ҳам билмаган ҳолда ёғоч қаравотга чиқиб, онангнинг ғамгин бошини тиззангга қўйдинг. Онангнинг боши тиз-

зангдан сирпаниб тушиб кетмаслиги учун кўлтиғига кўлинг-ни кўйдинг. Қандай қилиб ойимни бундай ёлғиз қолдиради? Кимдир онангни айвонга ташлаб кетгандек сенинг онггингда ғазабингни келтирадиган ўйлар пайдо бўлди. Одамзод дегани шундай худбин бўлади. Ўша фурсатда худди кимдир онангни айвонга ташлаб кўйгандек жаҳлинг чиқиб, қаттиқ ғазабланган-лигингни айтаман-да. Онангни айвонга ёлғиз ташлаб кўйган айнан ўзинг эдинг. Одам қаттиқ кўркқанида нима қилишини билмайди. “Тез ёрдам машинасини чақирсаммикин, ойимни уй ичига ўтказсаммикин, отам қаерга кетган экан?” Хаёлингга турли хил ўйлар келиб кетган бўлса-да, аслида ҳеч нарса қилмаган ҳолда онангнинг бошини тиззанга кўйиб қараб ўтирардинг. Шу даражада оғриқдан бужмайган онангнинг ачинарли юзини кўрмаган эдинг. Пешанасини босиб турган онангнинг кўли ерга кулаб тушди. Онанг ҳолсиз нафас олди. Азоб бераётган оғриққа бардош бермокчи ва ундан қутулмокчи бўлган кучи бир лаҳзада йўқолгандек оёқ-кўли осилиб тушди.

– Ойи! – онангнинг баданини кучмокчи бўлаётган сенинг юрагинг ларзага келди. Сен аввалига ойим шундай жон бериши ҳам мумкин, деб ўйладинг. Секин кўзини очган онангнинг кўз қорачиғи сенда тўхтади. Нимага сен кўз олдида эканлигиндан ҳайрон қолса бўларди, лекин онангнинг кўз қорачиғи қимирламаётганди. Бир нимани сезишга кучи етарли эмасга ўхшади. Бир оздан кейингина онанг ранги ўчган, ҳушсиз ҳолда сенинг исмингни айтди. Шундан кейин ноаниқ минғирлади. Сен қулоқ солдинг.

– Холанг ўлганида мен ҳатто йиғлай олганим ҳам йўқ.

Ранги ўчган онангнинг юзи жуда руҳсиз бўлганидан сен ҳатто нима деб тасалли беришни ҳам билмадинг.

Холангнинг дафн маросими баҳорда бўлганди. Сен дафн маросимига бора олмадинг. Дафн маросими тугул, ҳатто холанг бир йил давомида касал бўлиб ётган вақт мобайнида бир мар-

та ҳам кўришга бора олмадинг. Хўш, сен нима қилаётгандинг? Ёшлигингда холанг сенга иккинчи онангдек эди. Ёзги таътил бошланса, тоғнинг нариги томонида жойлашган холангнинг уйига бориб яшардинг. Холанг ака-укаларинг орасида фақат сени ўзига жуда яқин оларди. Сен онангга ўхшаганинг учун шундай қилган бўлса ажабмас. Холанг сенга “онанг билан сен худди икки томчи сувдек бир-бирингизга ўхшайсизлар!” дерди. Онанг билан бирга ўтказган ёшлик даврини такрорлаётгандек холанг сен билан бирга куёнга овқат бериб, сенинг сочингни уч ўрам қилиб турмаклаганди. Арпа ёрмаси устига гуруч солиб димларди ва фақат сенгагина гуручини солиб берарди. Тунда сени тиззасига ётқизиб, бошингнинг остига қўлини қўйган ҳолда эртақлар айтиб берарди. Холанг дунёдан ўтган бўлса-да, ёш холангнинг баданидан келадиган муаттар ҳид ҳали ҳам эсингда. Холанг кексалик даврини новвойхона юритадиган ўғлининг боласига қараш билан ўтказди. Холанг болани оркалаган ҳолда нарвондан йиқилиб тушгач, шифохонага олиб борилганидан кейин аниқ бўлган нарса саратон касаллиги бутун баданига тарқалганлиги боис ҳеч қандай чораси йўқ деган ҳақиқат эди. Онанг сенга шу хабарни етказаётиб, “бечора опам!” деганди.

– Нимага шу вақтгача бу нарсани билмабди? – деб сўрагандинг.

– Бир марта ҳам тиббий кўрикдан ўтиб кўрмаган экан, – деб жавоб берганди онанг.

Онанг вақти-вақти билан гуручдан суюқ бўтқа тайёрлаб бориб, холангга едириб келарди. Онанг баъзан телефон қилиб, “кеча холангни кўриб келдим, кунжут ва гуручдан суюқ бўтқа тайёрлаб боргандим иштаҳа билан еди”, деб айтган гапларини жим тинглардинг. Холанг ўлганлиги тўғрисида онанг биринчи бўлиб сенга хабар қилганди.

– Опам ўлди.

– ...

– Сен келиб ўтирма, бандсан-ку!

Онангнинг шу гапи учун эмас, кўлёмани тугатиш билан банд бўлганинг учун ҳам сен холангнинг дафн маросимига бора олмасдинг. Холангнинг дафн маросимига бориб келган аканг сенга онанг ҳақида гапириб берганди:

– Ойим жуда ғам чекса керак деб қайғургандим, лекин йиғлагани ҳам йўқ ва қабристонга ҳам бормайман деди, – деганди.

– Ойим шундай қилдими?

– Бу нарса таажжуб иш бўлса-да, ойим хоҳлаганидек уни ўз ҳолига қўйдим, – деганди аканг.

Лекин ўша айвонда оғриқдан юзи бужмайган ҳолда зўрға уйғонган онанг “холанг ўлганида мен ҳатто йиғлай олганим ҳам йўқ”, деб айтаётганди.

– Нимага ундай қилдингиз? Йиғлагингиз келган бўлса йиғлайвермайсизми? – ҳушсиз бўлиб кўринса-да, аста-секин сен билган онангнинг қиёфасига қайтаётганидан бир оз тинчланиб, шундай деб сўрадинг.

Онанг кўзини бепарво очиб-юмди:

– Энди мен ҳатто йиғлай олмайман ҳам.

– ...

– Бошим ёрилгудек оғриятти.

Қуёшнинг кечки нурлари елкангни киздирарди, сен тиззангга қўйган онангнинг юзини худди биринчи марта кўраётган одамдек тикилиб қарадинг. Ойим бош оғриғига мубтало бўлдимми? Йиғлай олмайдиган даражадами?

Яқинда болалайдиган сигирнинг кўзларидек яркираган ва катта бўлган онангнинг кўзлари ажин остида деярли кўринмаганидан кичкина бўлиб турганди. Ранги ўчган қалин лаблари қуриган ва ёрилган эди. Сен холанг ўлганда ҳам йиғлай олмайдиган даражада онанг кескин бош оғриғига мубтало бўлганлигини билмадинг. Сен ёғоч қаравотга ўзидан-ўзи тушиб ётган қўлини олиб қорнига қўйдинг. Бутун умр машаққатли меҳнатга

ўрганган онангнинг кўли орқасида ёйилиб турган кора доғларга бепарво карадинг. Сен энди ойимни яхши биламан деб айтолмайдиган бўлдим деган хаёлга бординг.

\* \* \*

Тоғанг хаётлигида эди.

Бошқа ҳудудларда дайдиб юриб, Чонгип шаҳрига қайтиб келган тоғанг ҳар чоршанбада онангни кўришга келарди. Мухим иши бўлганлиги учун эмас, велосипедини миниб келиб фақат онангни кўриб кетарди, холос. Баъзи пайтлари уйга кирмасдан дарвозадан “синглим яхши юрибсанми?” деб сўраб, онанг ҳовлига чиқишидан ҳам олдин “унда мен кетдим!” дея велосипедини орқасига айлантириб қайтиб кетарди. Сенинг билишингча, онанг билан тоғангнинг муносабатлари унчалик ҳам яқин бўлмаган. Сен билмайдиган даврда, эҳтимол, сен туғилишингдан ҳам олдин тоғанг отангдан катта пулни қарзга олиб, уни қайтариб бермаганга ўхшайди. Онанг баъзан ўша гапни айтиб тоғангдан норози бўларди. Тоғанг олган қарз сабабли амманг билан отангнинг юзига тўғри қарай олмайман, дерди. Гарчи қарзни тоғанг олган бўлса-да, уни қайтариб беролмагани онангни қийнаганга ўхшайди. Тоғангдан тўрт-беш йил мобайнида хабар бўлмаганида онанг “тоғанг умуман каерда, нима қилиб юрган экан?” деган гапни оғзидан туширмасди. Онанг тоғангдан хавотир олаётганмиди ёки нафратланаётганмиди, буни сен яхши тушуна олмасдинг.

Ҳозирги онангнинг уйи янгидан қурилишидан олдин бўлиб ўтган иш эди. Ҳозир ер юзида йўк бўлган ўша уйнинг супаси ҳовли билан дарвозага қаратиб қўйилган эди. Сен онангнинг уйига борган вақтингда кимдир дарвозани итариб, кириб келаётган товуш чикди ва тинмасдан “синглим уйдამисан?” деган овоз эшитилди. Сен билан бирга хонада мандарин арчиб еб ўтирган онанг ўша овозни эшитиб бирдан ўрнидан турди ва шошиб хонанинг эшигини очиб чиқиб кетди. Қанчалик тез

чикиб кетганини тасаввур қилиш қийин. Кимнинг келганидан шунчалик хурсанд бўлган экан? Қизикканингдан сен ҳам кетидан чикдинг. Бир фурсат ҳовлида туриб, дарвоза томонни кўздан кечираётган онанг дарвоза олдида турган одамни кўрди ва оёқ кийимини ҳам чала кийганча “ака!” дея кичқириб югурди. Бу тоғанг эди. Шамолдек елиб-югуриб борган онанг тоғангнинг кўкрагига уриб, “ака! ака!” деди. Сен супада турган ҳолда онангнинг киёфасига қарадинг. Онангнинг кимгадир “ака!” деяётган овозини биринчи марта эшитдинг. Тоғанг ҳақида гапирганда доим “сенинг тоғанг”, дерди. Бир фурсат сени эсанкиратиб қўйган нарсанинг нималигини сен тезда тушуниб етдинг. Тоғанг тўсатдан пайдо бўлмаган бўлса-ю, онанг тоғангга қараб “ака!” дея хурсанд бўлиб югуриб борганини кўрганингда нимага бунчалар ҳайрон қолганлигингни. “Ҳа, ойимнинг ҳам акаси бор экан!” дея азалдан сен билган шу нарсани янгидан ҳис қилгандинг. Сен баъзан ўша кунги кекса онангнинг ёш болаларникидек овозда “ака!” дея кичкирганча супадан сакраб тушганини ва ҳовлини кесиб ўтиб, дарвоза олдида турган тоғангга қараб югуриб бораётган ўша киёфасини эслаганингда ўзингдан ўзинг кулардинг. Ўша вақтдаги онангнинг ўзини тутиши сендан ҳам анча ёш бўлган қизалокларникидек эди. Онангнинг ўша киёфаси сенинг миянгга каттик ўрнашиб қолди. “Ойимнинг ҳам қизалоклик даври бўлган”, деган тасаввур пайдо бўлди. Табиий бўлган нарсани нимага шундагина тушуниб етган экансан? Онанг сен учун бошидан она эди. Сенинг онанг ҳам дастлабки қадамини босган вақт бўлганлигини, уч ёшга тўлган вақт бўлганлигини, ўн икки ёш ёки йигирма ёш бўлганлигини тасаввур қилиб кўрмагандинг. Сен бошидан онангни фақат она деб ҳисоблардинг. Бошидан она сифатида туғилган инсон деб билардинг. Онанг тоғангга “ака!” дея кичкирганча югуриб бораётган ўша лаҳзадаги онангни кўргунингча. Онанг ҳам кўнглида сенда акаларингга нисбатан бўлгани сингари ҳис-туйғуга эга бўлган инсонлигини тушуни-

шинг тезда онангнинг ҳам ёшлик даври бўлганлигини эсингга туширди. Ўша вақтдан буён бўлса керак, вақти-вақти билан сен аслида 1936 йилда туғилган бўлса-да, ҳужжатда 1938 йил деб кўрсатилган онангнинг болалигини, қизалоклик даврини, ўспиринлик даврини, қизлик даврини, янги турмуш курган даврини, сени тукқан вақтини ўйлаб кўрадиган бўлдинг.

Айвонда йиқилиб ётган онангни ташлаб, шаҳарга қайтиб кета олмасдинг. Отангни Корейс классик мусиқа институти ходимлари билан бирга Сокчо шаҳрига кетган, деди. Икки кундан кейингина қайтиб келади, деди. Қаттиқ оғриқдан кутулган бўлса-да, онанг оғзини очиб кула олмайдиган даражадаги бош оғриғидан халос бўла олмади. Нафақат кула олмасди, балки йиғлай ҳам олмайдиган даражада эди. Онанг шифохонага бориб кўрайлик деган сенинг гапингни ҳам тушунмади. Онангни айвондан уйга олиб бораётган вақтда ҳам боши шанғиллаётганиданми, жуда секин юрди. Онанг билан гаплаша оладиган вақтгача яна анча вақт кетди. Онангнинг доим боши оғрирди-ю, жуда қаттиқ оғрийдиган ҳолатлар “баъзан” бўлади, деди. Ўша лаҳза ўтиб кетса, чидаса бўлади, деди.

Онангнинг бош оғриғини аканглар билармикин? Отанг-чи?

Сен шаҳарга қайтиб борсанг, акаларингга онангнинг бош оғриғи борлигини айтиб, онангни катта шифохонага олиб бориш керак деб ўйладинг. Онанг ҳаракат қила оладиган даражага етгандан кейин сендан “қайтиб кетмасанг ҳам бўладими?” деб сўради. Сен қайсидир вақтдан бошлаб онангнинг уйига борсанг ҳам уч-тўрт соат бўлиб, тезда шаҳарга қайтиб кетардинг. Сен эртаси куни йигитинг билан учрашувинг борлигини ўйлаган бўлсанг-да, онангга бугун шу ерда тунаб қоламан, деб жавоб бердинг. Ўша вақтда онангнинг юзига табассум ёйилганди.

Поҳанг шаҳрининг балиқ бозоридан сотиб олиб келган тирик саккизоёкни онанг ва сен нима қилишни билмай, шунчаки қўйган ҳолда узок ўтмишдагидек овкатни жон куйдириб тай-

ёрламаган оддий дастурхон олдида ўтирдиларинг. Сувли кимчи, димлаб пиширилган тофу, ковурилган анчоус балиғи ва дудланган денгиз ўти билан димлаб пиширилган гуручни жим ўтириб едиларинг. Онанг димлаб пиширилган гуручни денгиз ўтига ўраб узатса, сен болалигингдагидек жим олиб единг. Овкатланиб бўлгандан кейин овкатни ҳазм қилиш учун онанг билан бирга уйнинг атрофини айландиларинг. Болалик даврингни ўтказган уй бўлмаса-да, аввалгидек олд ҳовли, ён ҳовли ва орқа ҳовли бир-бири билан боғланган эди. Орқа ҳовлидаги турли хил қайлалар сақланадиган жой сопол кўзаларга тўла эди. Ёшлик даврингда соя қайласи, қизил қалампир пастаси, туз ва соя дуккасидан тайёрланган паста ва бошқаларга тўла бўлган бўлса, энди сопол кўзалар бўм-бўш эди. Онанг билан сен бир олдинда, бир орқада юриб, уйни айланиб юрган вақтда онанг бирдан эсига тушгандек нимага тўсатдан уйга келганлигингни сўради.

- Поҳанг шаҳрига боргандим...
- Поҳанг шаҳри бу ердан узок-ку!
- Тўғри.
- У ердан бу ергача келиш, Сеулдан тўғри келгандагидан ҳам узокроқ бўлса керак.
- Шундай бўлди.
- Уйга бир келишга ҳам вақтинг йўққа ўхшарди, қандай қилиб Поҳанг шаҳрига бориб, яна бу ерга келишни ўйладинг?

Сен жавоб беришнинг ўрнига қоронғида тушган арқонни маҳкам ушлагандек онангнинг қўлини ушладинг. Сен ҳам ҳис-туйғуларингни қандай қилиб тушунтиришни билмаганинг учун шундай қилгандинг. Сен онангга эрта тонгда Поҳанг шаҳрининг Брайль кутубхонасига маъруза ўқишга бордим, дединг.

- Брайль кутубхонаси? – деб сўради онанг.
- Кўзи ожиз инсонлар бармоқлари билан ушлаб кўриб ўқийдиган ёзув Брайль алифбоси дейилади.

Онанг бошини қимирлатди. Орқа ҳовли, ён ҳовли ва олд ҳовлини яна бир неча марта айланган вақт мобайнида сен онангга Поҳанг шаҳрига бориб келган ҳикоянгни айтиб бердинг. Бир неча йилдан буён ўша жойдаги Брайль кутубхонаси ходими сенинг келишингни сўраган бўлса-да, ҳар сафар бошқа ишлар билан банд бўлганинг боис жавоб бера олмадим, дединг. Эрта баҳорда яна телефон бўлди. Айнан сенинг янги китобинг босиб чиқарилган вақтда эди. Кутубхона ходими сенинг янги китобингни Брайль алифбосида босиб чиқаришни хоҳлаётганини айтди. Брайль алифбоси. Сен Брайль алифбоси тўғрисида яхши билмасдинг. Онангга тушунтирганингдек кўзи ожиз инсонларнинг ёзуви эканлигини билардинг, холос. Китобингизни Брайль алифбосида босиб чиқаришни хоҳлаймиз деган гапини сен ҳали ўқиб кўрмаган китоб ҳақида ўйлаб ўтирган вақтдагидек тушунарсиз тинглаб турганингда кутубхоначи Брайль алифбосида китоб чиқаришга рухсат берсангиз яхши бўларди, деди. Кутубхоначи “рухсат”, деган сўзни ишлатмаганида сенинг Брайль кутубхонасига боришинг эҳтимол, бу сафар ҳам амалга ошмаган бўларди. Кутубхоначи талаффуз қилган “рухсат”, деган сўз сенинг кўнглингни жунбишга келтирди. Кўзи ожиз инсонлар мен ёзган ёзувни ўқимокчи бўлиб, ўзлари тушунадиган ёзувда китобни қайтадан чиқаришга рухсат сўраяпти... Хаёлинг ўша ерга етганда сен бўшашиб, майли, деб жавоб бердинг. Кутубхоначи Брайль алифбосидаги китоб тайёр бўладиган вақт ноябрь ойи бўлиб, “Брайль алифбоси куни” ҳам шу ойда бўлади, деди. Ўша куни кутубхонага келиб, китоб совға қилиш маросимини қилсангиз яхши бўларди, деди. Сен қандай қилиб ўзимни олиб қочсам экан деб ўйладинг-у, лекин майли деган гапингни қайтариб бўлмасди. Эрта баҳорги иш бўлиб, ноябргача ҳали узок деб ўйлаганинг ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлса керак. Вақт сувдек тез оқиб, баҳор, ёз ўтиб, куз келди ва ноябрь ойи ҳам бўлди. Ва ўша кун келди.

Дунёнинг кўпчилик ишлари чуқуррок ўйлаб қарасанг олдиндан тахмин қилса бўладиган ишлар. Кутилмаган деб айтиладиган ишлар ҳам яхшилаб ўйлаб қарасанг, рўй бериши керак бўлган иш рўй берган бўлади. Кутилмаган ишга тез-тез дучор бўлиш ўша ишнинг оқибатини чуқур ўйламаганликдан далолат беради. Брайль кутубхонасига боришинг ҳам, ўша ерда дуч келган ишлар ҳам агар сен Брайль кутубхонаси деган жойга кизиқиб, ўйлаб кўришга вақт ажратганингда олдиндан тахмин қилса бўладиган ишлар эди. Лекин сен баҳор, ёз ва куз давомида доим банд эдинг. Ҳатто Брайль кутубхонасига отланаётган ўша кун ҳам сен учрашиш керак бўлган одамлар ҳақида ўйлашдан кўра тушдан олдин соат 10:00 даги учрашувга кечикаманми дея хавотирландинг. Соат 8:00 да жўнаб кетадиган самолёт вақтига зўрға улгуриб, Поҳанг шаҳрига етиб келгандан кейин таксига ўтирдинг ва Брайль кутубхонасига келишинг билан қабулхонага кирдинг. Брайль кутубхонасининг директори кўнгилли хизматчининг ҳамроҳлигида сенинг олдингга келиб ўтирди. “Келганингиз учун ташаккур”, дея самимий кўришиб, кўлини узатди. Сен ҳаяжонингни яшириш учун “ассалому алайкум”, дея хурсандчилик билан кутубхона директори узатган кўлини ушладинг. Унинг кўли юмшок эди. Тадбир бошлангунча кутубхона директори сен ёзган китоб ҳақида гапирди. Кўзи ожиз бўлишига қарамасдан сен ёзган асарни ўқиган унга жилмайиб бошингни кимирлатдинг. У сенинг на табассумингни, на бошингни кимирлатганингни кўра олмаса ҳам. Ўша кун Брайль алифбоси куни. Уларнинг байрам куни. Маъруза залига кирганингда тўрт юзга яқин одамлар ўтирган эди ва кўнгилли хизматчиларнинг ҳамроҳлигида эндигина маъруза залига кириб келаётган одамлар ҳам кўринди. Ўрта ёшдаги аёллар ва эркаklar, кексалар ва ёшлар аралашиб ўтиришганди. Ёш болалар кўринмади. Тадбир бошланди ва бирнеча киши навбат-ма-навбат чиқиб нутқ сўзлади. Шундан кейин бирнеча кишига ташаккурнома берилди. Брайль алифбосида чиқарилган се-

нинг китобингни таништирди ва сен ўша китобни олиш учун олдинга чиқдинг. Кутубхона директорининг кўли орқали сенга узатилган китобнинг ўлчами олдинги китобдан икки баробар катта бўлса-да, енгил эди. Олқишлаб чалинган қарсақлар товуши эшитилди ва сен кўлингга тушган китобни олиб, жойингга қайтиб келдинг. Тадбир давом этди. Кўп китоб ўқиган одамларга соврин топширилаётган вақтда сен Брайль алифбосида босилиб чиққан китобни очиб кўрдинг. Бир фурсат кўз олдинг қоронғи бўлиб кетди. Оқ қоғозга сон-саноксиз нукталар босилган эди. Худди қора туйнукка тушиб қолгандек туюлди. Яхши биладиган зинапоя дея ўйлаб ҳам кўрмасдан бошқа нарсалар ҳақида ҳаёл сурганча тушиб кетаётганда сирпаниб кетиб, пастга юмалаб, кулаб тушгандек туюлди. Оқ қоғознинг устига игна билан тешганга ўхшаган Брайль алифбоси ҳарфларидан ташкил топган сўзларнинг биттасини ҳам сен ўқий олмасдинг. Биринчи варағини очиб кўриб, иккинчи варағига ўтдинг ва учинчи варағини очиб кўраётиб, китобни ёпиб қўйганлигингни онангга айтиб бердинг. Онанг сенинг гапларингни кизиқиб тинглаб ўтиргани учун сен кейинги ҳикояни ҳам айтиб бердинг. Тадбирнинг охирида сен уларнинг олдида туриб, асаринг ҳақида гапириб беришинг керак эди. Брайль алифбосида босилган китобни тиззангга қўйиб ўтирганингда сенинг исминг айтилиши билан китобни шундайлигича ушлаб, олдинга чиқдинг. Брайль алифбосида босилган китобни минбарга қўйиб уларга қараганингда, қаддинг ростланди. Кўзи ожиз бўлган тўрт юз киши олдида турганингда қаерга қарашни билмай безовта бўлдинг.

– Хўш, нима қилдинг? – деб сўради онанг.

Сенга берилган эллик дақиқа вақт жуда узун туюлганлигини айтиб бердинг. Сен биров билан гаплашганда суҳбатдошининг кўзига қараб гаплашадиганлар тоифасидансан. Сен гапирганингда суҳбатдошнинг кўзига қараб, вазиятдан келиб чиққан ҳолда гапинингнинг ҳаммасини ёки бўлмаса фақат ярми-

нигина айтадиган одамсан. Қандайдир кўз олдида шу вақтгача айтмаган гапларингни ҳам айтасан. Сенинг шундайлигингни онанг билармикин? Тўрт юзта кўзи ожиз киши олдида сен қайси кўзга қараб гап бошлашни билмадинг. Қайсидир кўз юмилган, ярим очилган кўзлар ҳам бўлиб, қайсидир кўз устидан рангли кўзойнак тақилган, ажин босган қайсидир кўз ҳаяжонланаётган сенга тикилиб қараб тургандек ҳам бўлди. Ҳаммаси сенга қараб турган бўлса-да, сени кўра олмайдиган кўзлар олдида сен ёлғизландинг. Ўша кўзлар олдида асар ҳақида гапиришнинг нима маъноси бор, деб ўйладинг. Лекин бошқа ҳикоя, мисол учун, турмушда бўлаётган ҳикояларни гапириш ҳам мос келмасди. Турмуш ҳикояларини сен уларга айтгандан кўра улар сенга айтиб бергани тўғри, деб ўйладинг. Нима қилишни билмай микрофонни ушлаб айтган сенинг биринчи гапинг “нимани айтиб берай?” деган гап эди. Улар кулиб юборди. Уларнинг кулгани хоҳлаган нарсангни айтсанг ҳам бўлаверади деганимикин? Ёки таклифга биноан келиб, жуда ҳаёжонланиб турган сени тинчлантириш учун бўлган кулгимикин? Қирк беш ёшлардан ошган киши “асарингиз ҳақида гапириб бериш учун келгансиз-ку”, дея сенинг ўрнингга гапирди. Шундай деб гапирган киши минбарда турган сенга қараган бўлса-да, унинг кўзлари юмилган эди. Сен унинг юмилган кўзларига қараб, улар чиқарган Брайль алифбосида босилган китобдаги асаринг ҳақида гапира бошладинг. Ўша китобни ёзишининг сабаби, ёзаётганингда кўнглингдан кечирган ишлар ва ёзиб бўлгандан кейин ўша китобга бўлган сенинг умидинг. Сен ҳайратда қолдинг. Улар шу вақтгача сен учратган одамларнинг барчасига нисбатан сенинг гапингни диққат билан тинглаётганди. Сенинг ҳикоянгни диққат билан тинглаётгани уларнинг тана ҳаракатидан сезиларди. Кимдир бошини кимирлатиб, кимдир бир оёғини олдинга узатиб, яна кимдир гавдасини олдинда ўтирган одам томонга яқин тақаган ҳолда тинглаб ўтирган эди. Сен уларнинг ҳарфидаги бир гапни ҳам ўқий олмаганингда,

улар сен ёзган китобни ўқиб, саволлар бериб, таассуротларини айтишди. Ўша китобга нисбатан уларчалик дўстона ҳис-туйғуларини билдирган одамларни шу вақтгача учратмаганга ўхшайман, дея онангга айтиб бердинг. Сенинг гапларингни жим тинглаб ўтирган онанг “шундай бўлса ҳам улар сен ёзган китобни ўқишибди-а”, деди. Онанг билан сенинг ўртангга қисқа фурсатли сукунат чўкди. Онанг ҳикоянгни давом қилдиришни сўради. Сенинг ҳикоянг тугаган вақтда уларнинг орасидан кимдир туриб, савол берсам бўладими, деб сўради. Сен бўлади, дединг.

– Ойи, кўзи ожиз инсон бўлишига қарамасдан саёҳат қилиш севимли машғулоти деб айтди, – дединг.

Онанг яна сенинг ҳикоянгга қулоқ солди. Ҳеч нарсани кўрмайдиган ўша инсон сайр қиладиган жой қаер экан? Сен бир фурсат довдираб қолдинг. У бир вақтлар сенинг ёзган асарларинг орасида воқеалар Перуда бўлиб ўтган асар бор, деди. Шу асардаги ҳикоячи Мачу-Пикчу деган жойга боради, ўша ерда поезд тескарига юриши ҳақидаги гап бор. У шу асарни ўқигач, Перуга бориб, ўша поездга миниб кўриш орзуси пайдо бўлганини айтди. У сендан “ўша поездга миниб кўрдингизми?” деб сўради. Сенинг ўн йилдан ҳам кўпроқ вақт олдин ёзган асаринг ҳақида гап бораётганди. Музлаткич эшигини очгандан кейин нимани олмоқчи бўлганингни эсдан чиқариб, ичидан сизиб чиқаётган муздек ҳавога юзингни тутиб турган ҳолда анча вақт тик туриб, қайтадан эшигини ёпишинг тез-тез бўладиган сен, ўн йил бурун ўша асарни ёзишингдан олдин саёҳатга борган Перу ҳикоясини равон гапириб бераётгандинг. Перунинг пойтахти Лима. Коинотнинг киндиги деб номланган Куско, эрта тонгда Мачу-Пикчуга борадиган поездга чиқиш учун борган Сан-Педро вокзали. Орқага ва олдинга юришни бир неча ўн марта такрорлаб, Мачу-Пикчуга жўнаб кетаётган поезд тўғрисида.

– Унутилган ҳудуд, мамлакат, тоғ тизмаси номлари ҳам аниқ талаффуз қилина бошланди, – деб онангга айтиб бердинг.

Сен шу вақтгача кўрмаган кўз, сенинг ҳар қандай камчилигинг бўлмасин ҳаммасини тўғри тушуниб қабул қиладиганга ўхшаган шундай кўзларнинг хайрихоҳлигини ҳис қилиб, ўзинг ҳам билмаган ҳолда ўша асар ҳақида шу вақтгача ҳали бирон марта ҳам айтмаган гапларни айтдим, дединг.

– У қандай гап эди? – деб сўради онанг.

– Қайтадан ёзсам, ундай ёзмайдиганга ўхшайман дедим, – деб жавоб бердинг.

– Бу шунчалик муҳим гапми? – дея онанг яна сўради.

– Бу нарса мен ўз-ўзидан ҳозир мавжуд бўлган нарсани инкор қилган ҳам бўламан-ку, ойи! – сен сиқилиб кетиб, онангнинг кўлидан ушладинг.

Онанг қоронғидан сенга бепарво қараб, “бундай гапни нимага ичингда саклаб яшайсан, қандай ҳис қилсанг шундайлигича гапириб яша”, дея сен ушлаган кўлини олиб, сенинг орқангни силади. Болалигингда онанг катта кафти билан сенинг юзингни ювган вақтдагидек кўл ҳаракати эди.

– Сен ҳикояни жуда яхши айтаркансан, – деб мактади онанг.

– Менми?

Онанг бошини кимирлатди.

– Ҳа, ҳикояни жуда қизик қилиб айтаркансан, – деб қайтарди.

– Менинг ҳикоям қизиқарлими?

– Ҳа, қизиқарли.

Менинг ҳикоям қизиқарли? Сен маъюс бўлиб қолдинг. Сен ҳикоянг қизиқарли эмаслигини, фақат Брайль кутубхонасига боргач, онангга нисбатан гапириш тарзинг аввалгиларидан ўзгарганлигини тушуниб етдинг. Шаҳарга келгандан кейин сен қандай эдинг? Сен онангга доим жаҳл қилаётгандек гапирардинг. “Сиз нимани биласиз?” дея назар-писанд қилмагандек гапирардинг. “Она бўлиб нимага бундайсиз?” деб қойиётгандек гапирардинг. “Сиз буни билиб нима қилардингиз?” дея менсимагандек гапирардинг. Онангнинг сени уришиб берадиган кучи йўқолганини билганингдан кейин, онанг “у ерга

нимага бординг?” деб сўраса, “ишим бор бўлгани учун”, деб қисқа жавоб берардинг. Бошқа мамлакатда китобинг таржима қилинганида ёки семинар бўлгани учун самолётга чиқишингга тўғри келганида ҳам “у ерга нима учун боряпсан?” деб сўраса, “шунчаки ишим бўлгани учун”, дея расмий равишда жавоб берардинг. Онанг самолётга бошқа чикма дерди:

– Ҳалокат юз берадиган бўлса, икки юз киши бараварига ўлади дейишса ҳам нимага унга чиқасан?

– Ишим бўлгани учун чикаман-да, – десанг, “сенинг ишинг намуноча кўп бўлмаса”, деб сўрарди.

– Шунга айтиш, ойи, – дея норози бўлиб жавоб қайтарсанг бўлди эди.

Онангга ўзинг ҳақингда гапиришинг қийин бўларди. Сен қиладиган иш онангнинг ҳаёти билан ҳеч қандай алоқаси йўқ-дек туюларди. Лекин Брайль алифбосини кўрганда сен ҳис қилган ноаниқлик ҳамда тўрт юздан ортиқ кўзи ожиз инсонлар олдида турган вақтингдаги саросима ҳақида гапирганингда онанг бош оғриғидан халос бўлгандек диққат билан тинглаганди. Онангга ишларинг ҳақида узок гапирган вақтинг қачон бўлган экан? Қайсидир вақтдан бошлаб онанг билан сенинг суҳбатинг камайиб кетди. Бу ҳам юзма-юз эмас, телефон орқали амалга ошарди. Сенинг гапларинг асосан “овқатландингизми, ҳеч қаерингиз оғримайдими, отам яхши юрибдими, шамоллашдан эҳтиёт бўлинг, пул юбордим” бўлиб, онангнинг гапи “кимчи тузлаб юбордим, ёмон туш кўрдим, гуруч юбордим, чонггукчанг<sup>1</sup> юбордим, арслонқуйруқ ўсимлигидан қайнатма тайёрлаб юбордим, элтиб берувчи ҳайдовчи телефон қилади, телефонингни ўчириб қўйма” каби сўзлардан иборат бўларди.

Сен ёзган бир томли китоб уларнинг Брайль алифбосида босиб чиқарилганда тўрт том бўлди. Ўша китоб солинган қоғоз сумкани бир қўлингга олган ҳолда улар билан хайрла-

<sup>1</sup> Ачитиб тайёрланган нўхат пастаси.

шиб чикканингдан кейин қарасанг, шаҳарга қайтадиган самолётнинг учиш вақтигача икки соатдан кўп вақт қолганди. Минбарда туриб уларнинг кўзидан ўзингни олиб қочиб дераза томонга нигоҳ ташлаган вақтингда, кутилмаганда катта-кичик кемалар лангар ташлаб, тўхтаб турган порт кўрингани эсингга тушди. Порт бўлса, балиқ бозори ҳам бўлса керак, деб ўйладинг. Таксига ўтириб, балиқ бозорига элтиб қўйишни сўрадинг. Ўзга ҳудудга борганингда бўш вақтинг бўлса, бозорни томоша қилиш сенинг севимли машғулотиңг. Иш куни бўлса-да, балиқ бозорида одамлар гавжум эди. Ҳали балиқ бозорининг ичига кирмасингдан енгил машинадек келадиган олабуға балиғини икки киши берилиб кесаётгани кўринди. Жуда катта бўлганидан тунец балиғими деб сўраганингда савдогар олабуға балиғи, деди. Номи эсингга тушмаган қайсидир адабий асарда денгиз бўйидаги ҳудуддан бўлган қаҳрамон қиз қийналган вақтларда шаҳарнинг катта аквариумига бориб, сувда сузиб юрган олабуға балиғи билан суҳбатлашиши ёдингга тушди. Қаҳрамон қиз, йиғиб қўйган пулини олиб, ўзидан ёши кичик йигит билан бошқа шаҳарга кетиб қолган онасидан норозилигини айтиб, уни ғийбат қилиб ҳам охирида “шундай бўлса ҳам мен онамни кўргим келади, шу гапимни тинглайдиган сендан бошқа ҳеч ким йўқ, олабуға”, дея ичидагиларини тўкарди. Бу ўша олабуға балиғимикин, деб ўйладинг. Балиқ номи ўзига хос бўлгани учун олабуғами деб сўраганингда, “мамбо”, деб ҳам атайди, “ниллили мамбо!” деди. “Ниллили мамбо”, деган гапни эшитган лаҳзадаёқ Брайль кутубхонасига киргандан то улар билан айрилгунча сени босиб турган ҳаяжон ёзилди. Калласи одамнинг юзидан ҳам каттароқ бўлган тирик саккизоёқлар, денгиз моллюскалари, Сеулдагидан уч барабар арзон бўлган қилич балиқ, скумбрия балиғи, зангори денгиз қискичбақаси орасида бориб келиб юрганингда нимага онанг ҳақида ўйлаган экансан? Олабуға балиғи сабаблимикин? Балиқ бозорида онанг ҳақида ўйлаганинг биринчи марта бўлаётганди. Ой календари

бўйича ўн иккинчи ойда бўладиган хотирлаш маросимига тай-ёргарлик кўриш учун онанг билан бирга кудук бўйида скат терисини артганинг ҳам эсингга тушди. Гўшт бўлагига ёпишиб турган корамтир скат терисини ажратаётганда музлаб қолган онангнинг кўли. Ёш боланинг танасидек келадиган саккизоёкни қайнатиб осиб қўйган ошхона олдидан ўтиб кетаётиб, сен ўн беш минг вон бериб битта тирик саккизоёкни сотиб олдинг. Сунъий етиштирилган бўлса-да, ламинария ўсимлиги ва денгиз карамини еб улғайган деган моллюска ҳам сотиб олдинг. Сеулга олиб кетаман деганингда, савдогар яна икки минг вон берсангиз музли қутига солиб бераман, деди. Тирик саккизоёк ва моллюска солинган музли қутини кўтариб, балиқ бозоридан чиққан вақтингда ҳам ҳали самолёт учиш вақтигача анча вақт бор эди. Сен бир кўлингда улар берган Брайль алифбосида босиб чиқарилган китобни, яна бир кўлингда музли қутини кўтарганча яна таксига чиқиб, бу сафар денгизга ҳайданг, деддинг. Балиқ бозоридан кумни босса бўладиган денгиз кирғоғигача бор-йўғи уч дақиқа кетди. Ноябрь ойидаги денгиз кирғоғида учрашаётган икки жуфт севишганлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Қумли кирғок узун бўлиб, денгиз суви келиб турган жойгача юриб бораётганингда икки марта йиқилиб кетай деддинг. Денгиз суви нақ кўз олдингда кўриниб турадиган муздек қумли кирғокка ўтирдинг. Денгизга бепарво қараб ўтирганингда орқангга ўгирилсанг, сен таксидан тушган йўлнинг қарама-қарши томонида катор жойлашган дўконлар ва кўп хонали уйлар денгизга қараб турганди. Бу ернинг одамлари иссик ёз тунларида денгизга югуриб келиб, сувда чўмилиб бўлгандан кейин уйига бориб душ қабул қилса ҳам бўларкан, деб ўйладинг. Денгизга қараб ўтириб, беихтиёр қоғоз сумкадан Брайль алифбосида босилган китобнинг бир жилдини чиқариб очиб карадинг. Ҳар бир варағидаги сон-саноксиз босилган ок нукталарга ноябрь ойининг офтоб нурлари тушиб яраклади.

Сен қирғоқдаги қуёш нурлари остида тушуниб бўлмайдиган Брайль ҳарфларини қўлинг билан ушлаб кўраётиб, сенга ҳарфни биринчи бўлиб ўргатган одам ким эканлигини ўйладинг. Кичкина аканг. Эски уйингнинг супасида мукка тушиб ётган кичкина аканг ва сен. Сизларнинг ёнингизда онангиз. Кичкина акангнинг характери юмшоқ эди. Онангнинг гапларига энг кўп қулоқ соладиган ҳам у эди. Сенга ҳарфларни ўргат деган онангнинг гапини ерда қолдира олмайдиган кичкина аканг зерикарли кўриниш қилиб, сенга араб рақамлари ва корейс тилининг унли ва ундош ҳарфларини такрорлаб ёздирди. Сен чапақай бўлганинг учун ёзувни ҳам чап қўлинг билан ёзмокчи бўлардинг. Шунда кичкина аканг ҳар сафар чап қўлингнинг орқасига бамбук чизғич билан урарди. Бу ҳам онангнинг буйруғи эди. Сенга чап қўл билан чап оёқни ишлатиш қулай эди, лекин онанг чап қўлни ишлатадиган бўлсанг, ҳаётда йиғлайдиган ишлар кўп содир бўлади, деди. Сен ошхонада димланган гуручни чап қўлинг билан солаётган бўлсанг, онанг капкирни юлиб олиб, ўнг қўлингга тутқизарди. Шунда ҳам чап қўлингни ишлатсанг, капкирни юлиб олиб, нимага гапга қулоқ солмайсан, дея чап қўлингнинг орқасига урарди. Сенинг чап қўлинг шишиб чиққанди. Шунда ҳам кичкина аканг қарамай турган вақтда сен тезда қаламни чап қўлингга ўтказиб, 8 рақамини ёзиш учун иккита айлана чизиб кўярдинг. Шундан кейин тезда қаламни яна ўнг қўлингга ўтказиб кўярдинг. Аканг сенинг 8 рақамини ёзмасдан иккита айланани бирлаштириб қўйганингни дарров билиб, қўлингнинг орқасини тут, дея бамбук чизғич билан керакли жазони берарди. Сен ҳар сафар акангдан ҳарфларни ўрганган вақтингда онанг пайпоқ ямар ёки саримсок арчиб, супада мукка тушиб ётганча ҳарфларни ёзаётган сенга қараганлари эсинга тушди. Сен мактабга боришингдан олдин ўзингнинг ва онангнинг исмини ёзганингда, ниҳоят китоб ўқий оладиган бўлганингда ялпиз гулдек бўлган онангнинг юзи сен ўқий олмайдиган Брайль ҳарфлари устида кўринди.

Сен деягиз бўйидаги кумли кирғокдан турдинг. Орқангга ёпишган кум зарраларини қокмасдан ҳам денгизни орқангда қолдирганча қадамиягни тезлаштирдиг. Деярли икки фасл давомида онангнинг юзини кўрмаганингни эслаган ҳолда Сеулга борадиган самолётдан воз кечиб, Поҳанг шаҳридан “Л” шаҳригача таксида келдинг ва онангнинг уйи жойлашган Чонгип шаҳрига борадиган поездга миндинг.

Узоқ ўтмишдаги бир синфхона эсингга тушди.

Олтмишта бола ўрта мактабга кириш аризасини тўлдирадиган кун эди. Ўша куни кириш аризасини ёзмасанг мактабга бормаслигини англатарди. Ариза ёзмаган болалар орасида сен ҳам бор эдинг. Сен юқори мактабга ўта олмаслиқнинг нима эканлигини аниқ билмасдинг. Аксинча, шундан бир кун олдин тунда оғриб ётган отангга онангнинг қичқиргани сени хавотирга солганди. Онанг “бу қишлоқда эга бўлган ҳеч нарсамиз йўқ бўлиб, яна қизимизни мактабга ҳам бермайдиган бўлсак, бу бола келажакда бу дунёни қайси кучи билан яшаб ўтади?” дея бемор бўлиб тўшакда ётган отангга қаттиқ бақирди. Отанг ўрнидан туриб, дарвозадан ташқарига чиқиб кетиб қолди. Онанг супадаги дастурхонни олиб ҳовлига отди. Болани мактабга ҳам юбора олмайдиган турмуш нимага керак, ҳаммасини синдириб ташлайман, деди. Сен мактабга бормасам ҳам майли, ойимнинг жаҳли тушса яхши бўларди, деб ўйладинг. Онанг дастурхонни ирғитиб ҳам жаҳлидан тушмай омборхона эшигини очди ва қарсиллатиб ёпиб, кир осиш ипига осилган кирларни юлиб олиб, ғижимлаб ҳовлига ирғитди. Шундай қилаётиб, қудук бўйида қараб турган сенинг олдингга келди ва бошига боғлаган рўмолни ечиб, сенинг бурнингга теккизди.

– Бурнингни қок, – деди.

Онангнинг доим бошига боғлаб юрган рўмолидан ўт-кир тер иси келди. Сен бурун қокишни хоҳламадинг. Бунинг

устига ис чиқиб турган ўша рўмолни бурнингга теккизишни хоҳламадинг. Шунда ҳам онанг тинмасдан бурнингни яхшилаб қок, деди. Сен иккиланганингда, “шундай қилсанг кўз ёшинг чиқмайди”, деди. Эҳтимол, сен деярли йиғлаб юборадиган юз ифодасида онангга қараб турганга ўхшагандирсан. Бурнингни қок дегани йиғлама дегани эди. Сен онангнинг мажбурлашини енга олмасдан онанг тутган рўмолга бурнингни қокдинг. Онангнинг рўмолидан таралаётган тер иси бурнингга кирди. Сен бурнингни қокқан рўмолни шундайлигича бошига боғлаб онанг синфхонада пайдо бўлди. Онанг раҳбар ўқитувчинг билан ниманидир гаплашди ва ўқитувчинг тезда сенга ўрта мактабга кириш аризасини олиб келиб берди. Кириш аризасига исмингни ёзаётиб бошингни кўтариб қарасанг, онанг коридор ойнасидан сенга қараб турганди. Бир-бирингизга кўзингиз тушганда онанг бошидаги рўмолни ечди ва хурсанд бўлиб уни силкитди. Онангнинг ягона беағи бўлган чап кўлидаги ўртанча бармоғига тақилган сариқ узук. Ўрта мактабда ўқиш пулини тўлайдиган вақт келганда онангнинг чап кўлидаги ўртанча бармоғидан узук ғойиб бўлиб, жуда узок вақт тақилганидан фақат чуқур ўйилган изи қолганди.

Онангнинг бош оғриғи тинмасдан танасига азоб берди.

Сен ўша куни ярим тунда чанқаб уйғонганингда, қоронғида китобларинг сенга қараб турганди. Таътилга чиққан йигитинг билан бирга бир йилга Японияга кетмокчи бўлиб нарсаларингни йиғиштирганингда энг катта муаммо китобларинг эди. Нима қилсам экан дея ўйланиб, кўп йиллар давомида сен билан бирга бўлган китобларнинг кўпчилигини онангнинг уйига юборгандинг. Онанг сенинг китобларингни олиши билан бир хонани бўшатиб, ўша жойга китобларни тахлаб қўйди. Шундан кейин қайтиб олиб кета олмадинг. Сен бу уйга келсанг доим шу хонага кийимингни ечиб, сумкангни қўярдинг. Тунаб қоладиган

бўлсанг, онанг ўша хонага тўшак солиб берарди. Қоронғида китобларингга қараб, ошхонага чиқдинг. Сув ичиб, хонангга қайтиб келаётганингда онанг яхши ухляяптимикин деб кизикдинг ва билдирмасдан онангнинг хонасининг эшигини итариб кўрдинг. Кўрпанинг ичи бўм-бўшга ўхшади. Сен “ойи!” деб чақирдинг. Жавоб йўқ эди. Деворни пайпаслаб чироқни ёқдинг. Онанг йўқ эди. Сен хонанинг чироғини ёқиб, ювиниш хонаси эшигини очиб кўрдинг, лекин у ерда ҳам онанг йўқ эди.

– Ойи! Ойи! – дея бир неча марта чақирганча кириш эшигини очиб, ховлига чиқдинг. Тонгги шамол кийимингдан сизиб кирди. Ҳовлининг чироғини ёқиб, айвондаги ёғоч каравот томонга карадинг. Онанг ўша ерда ётганди. Ҳовлига чиқадиغان зинапоядан югуриб тушиб, онангнинг олдида бординг. Онанг кундузи килганидек кошларининг орасини қаттиқ тириштириб, қўлини пешанасига қўйиб ухлаб ётганди. Оёкяланг эди. Совуқданми, оёғининг бармоқлари ичкарига юмилиб турганди. Оддий дастурхон тузатиб, кечки овқатни еган вақт ва онанг билан ховлида уйнинг атрофини айланиб юриб суҳбатлашган гапларинг чилпарчин бўлгандек туюлди. Ноябрь ойининг тонгги эди. Кўрпа олиб келиб онангнинг устини ёпдинг. Пайпоқ олиб келиб яланғоч оёғига кийдирдинг. Кейин онанг ўзига келгунча ёнида ўтиргандинг.

\* \* \*

Онанг деҳқончиликдан ташқари пул топиш йўлини излаб айвонга атала тайёрлашда ишлатиладиган ёғоч асбобни олиб келиб қўйганди. Полизда пишган буғдойни туйиб, сув билан аралаштиргач, атала тайёрлайдиган ёғоч асбобга солиб атала ачитарди. Атала ачийдиган вақт бўлганда уйнинг ҳамма жойидан атала иси чиқарди. Аталадан чиқадиغان исни ҳеч ким ёқтирмасди, лекин онанг атала иси бу пул иси, дерди. Қишлоқда тофу тайёрлайдиган уй бўлиб, онанг яхши ачиган аталани олиб бориб берса, улар уни пиво заводида топшириб,

пулини олиб онангга берарди. Онанг ўша пулни оппок чинни косага солиб кўйиб, унинг устига яна олти-еттита коса кўйиб, идиш-товоқ жавонининг энг юкорисига кўярди. Чинни коса онанг учун банк эди. Фақат атала пулини эмас, онангга пул тушса ҳаммасини шу ерга солиб кўярди. Сен ўқиш пулининг тўлов қоғозини олиб келсанг, онанг чинни косага йиғиб кўйган пулларини олиб, санаб кўриб сенинг кўлингга тутказарди.

Эртаси куни тонгда кўзингни очиб қарасанг, сен айвондаги ёғоч каравотда ухлаб ётган экансан. “Ойим-чи?” дея қарасанг онанг йўқ бўлиб, ошхона томондан тахтакач овози эшитилди. Дарров ўрнингдан туриб, ошхонага бординг. Онанг ушлаб турган пичоқ хавфли кўринди. Онангнинг пичоқни ишлатиши авваллари салат тайёрлаганда пичоқка қарамасдан ҳам турпни тўғрагандагига ўхшамасди. Пичоқни ушлаган онангнинг кўли хавфли эди ва пичоқ тез-тез турпдан чиқиб кетиб тахтакачда сирпаниб кетарди. Шундай қилаётиб турпни эмас, бош бармоғини кесиб кўядиганга ўхшади.

– Ойи! Тўхтанг! – дея чидай олмасдан сен онангнинг кўлидан пичоқни олдинг. – Мен тўғрайман, ойи, – дея тахтакач олдига бординг. Онанг иккиланаётганга ўхшади-да, шундан кейин тахтакач олдидан кетди. Дастшўйдаги темир саватда музли кутидан олинган саккизоёқ ўлган ҳолда узайиб ётганди. Газ плитага занғламас қозон кўйилган эди. Онанг қозоннинг ичига турпни ёйиб, саккизоёқни димламокчи бўлганга ўхшайди. Саккизоёқни димлаб эмас, қайнаган сувга солиб пишириб олинмайдими деб сўрамокчи бўлдинг-у, сўрамадинг. Онанг сен тўғраган турпни қозон остига ёйди. Унинг устига кўндаланг тўсинни мослаштириб, устига саккизоёқни бутунича кўйгандан кейин қопқоғини ёпди. Аввалги одати. Онанг баликқа ўргана олмади. Балиқнинг номини тўғри айтмасди ҳам. Онанг учун скумбрия, сайра ёки қилич балиқларнинг ҳаммаси бир хилда балиқ эди. Лекин ловия турларини айтганда оддий ловия, соя

ловия, оқ ловия, қора ловия дея ҳар бирини фарқлаб гапирарди. Онанг балиқ пайдо бўлса, хве<sup>1</sup> ҳам тайёрламас, ковурмас ва қайнатмас, фақат тузлагандан кейин димлаб ерди. Скумбрия балиғини ҳам, қилич балиқни ҳам майдаланган аччик қизил қалампир, саримсоқ ва кўк қалампир солинган сояли қайла зираворини кўшиб, қайнатма гуруч суви устига кўйиб димларди. Онанг олдин ҳам, ҳозир ҳам хвени оғзига теккизмасди. Хве ейдиган одамларни кўрса, “балиқнинг гўштини хомлигича ейишингиз нимаси бу”, деган юз ифодасида кўзларини ҳам бужмайтириб қарарди. Ўн етти ёшидан то ҳозиргача скатни димлаб келган онанг саккизоёқни ҳам димламоқчига ўхшади. Тез орада ошхонадан турп ва саккизоёқ пишаётган ҳид тарқалди. Ошхонада саккизоёқни димлаётган онангнинг қиёфасини кўриб скат хаёлингга келди.

Онангнинг уйи жойлашган ҳудуддаги одамларнинг хотирлаш маросими муносабати билан нишонлаб тузатадиган дастурхонида доим скат балиғи бўларди. Битта баҳорги хотирлаш маросимини, иккита ёзги ва қишги хотирлаш маросимини ўтказиш орқали онангнинг бир йили ўтарди. Янги йил ва Чусок<sup>2</sup> байрамини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак онанг қудуқ олдида ўтириб терисини артиш керак бўлган скат балиғи еттита бўларди. Одатда онанг сотиб олиб келадиган скат балиғи катта қозоннинг копқоғидек бўларди. Онанг қачондир қизил скат балиғини сотиб олиб келиб, қудуқ бўйига шалоплатиб ташласа хотирлаш маросими яқинлашаётганини билдирарди. Қишқи хотирлаш маросими вақтида сув тегиши билан дарров ер қарсиллаб овоз чиқариб музлаб қоладиган ҳавода скат балиғининг терисини артиш жуда машаққатли иш эди. Сенинг кўлинг ингичка, онангнинг кўли йўғон эди. Онанг музлаб қизарган кўллари билан скат балиғи терисини кесса сенинг кичкина

<sup>1</sup> Майда қилиб тўғраб ейиладиган хом балиқ.

<sup>2</sup> Хотирлаш байрами, ой тақвими бўйича саккизинчи ойнинг ўн бешинчи куни.

бармоқларинг уни ушлаб тортарди. Териси осонгина шилинса яхши бўларди-ю, уч сантиметр ҳам бўлмасдан узилиб қоларди. Узилган жойидан яна кесиш иши қайтариларди. Юпка музлаган қудук бўйида скат балиғининг терисини шилиб ўтирган онанг ва сенинг қиёфанг ўша уйнинг кишки манзараси ҳам эди. Худди плёнкани қайтариб қўяётгандек ҳар йили бир хилда қайтариладиган скат балиғинининг терисини шилиш. Қайсидир бир йили қишда онанг рўпарасида ўтирган сенинг музлаган қўлларингга бепарво қараб туриб, “буни шилмаганда-чи!” дея скатнинг терисини шилишни тўхтатиб, катъий равишда пичок билан саккизоёқни бўлак-бўлак қилиб кесиб ташлади. Хотирлаш маросими дастурхонига териси шилинмаган скат балиғининг биринчи марта чиқиши эди.

– Скат нимага бунақа? – деб сўради отанг.

– Оддий скат балиғи, фақат териси шилинмаган, – деб жавоб берди онанг.

– Хотирлаш маросими таомини чин юракдан қилиш керак, – дея амманг норозилигини билдирди.

– Унда ўзингиз артиб кўринг, – дея онанг ҳам бас келмади.

Ўша йили терисини артмаган ҳолда дастурхонга қўйилган скат кейинги йилги ноҳуш иш бўлганда доим суҳбат мавзусига айланарди. Хурмо ҳосил бермагани ҳам, чиллак ўйнаб юрган акангнинг кўзига учиб келаётган таёқ санчилгани ҳам, отангнинг шифохонага ётиши ҳам, холаваччалар билан уришиш ҳам ҳаммаси онанг чин юракдан скат балиғининг терисини артмасдан хотирлаш маросимини ўтказганлиги сабабли дея вайсарди.

Онанг димланган саккизоёқни тахтакачга қўйиб, пичок билан кесмоқчи бўлди. Бироқ олдингидек пичок қийшайиб кетарди. Турпни кесгандаги билан бир хил эди.

– Мен қиламан, ойи, – дея сен яна пичокни олдинг. Турп ҳиди сингиб кетган қайноқ саккизоёқни кесдинг ва шундан бир бўлагини олиб, сирка солиб тайёрланган аччик калампир

пастасига ботириб онангга узатдинг. Онанг доим сенга шундай килиб берарди. Шунда сен таёкчаларни узатиб олмокчи бўлардинг. Онанг “бундай есанг мазаси унчалик бўлмайди, оғзингни оч”, дерди. Онанг таёкчаларни ушлаб олмокчи бўлганида сен шундай деддинг:

– Унда мазаси унчалик бўлмайди, оғзингизни очинг! – очилган онангнинг оғзига димланган саккизоёкнинг бир бўлагини солдинг. Ўзинг ҳам бир бўлагини оғзингга солдинг. Димланган саккизоёк яхши пишган, иссик ва юмшоқ эди.

– Эрталабдан саккизоёк нимага керак? – дегинг келди-ю, лекин онанг билан ошхонада турганча тахтакач устидаги саккизоёкни кўл билан олиб едиларинг. Сен саккизоёкни чайнаб туриб, саккизоёк бўлагини олмокчи бўлаётганида тез-тез тушириб юбораётган онангнинг кўлига қарадинг. Сен яна олиб бердинг. Кейинчалик онанг саккизоёкни ўзи олишдан воз кечиб, оғзига сенинг солиб кўйишингни кутди. Онангнинг кўлида куч йўқдек кўринди. Саккизоёкни чайнаётиб, “она”, деддинг. Онангни биринчи марта “она”, деб чакираётган эдинг.

– Она, бугун мен билан бирга Сеулга юринг, – деддинг. Онанг “токқа борақолайлик”, деди.

– Токқа?

– Ҳа, токқа.

– Бу ерда токқа борадиган жой борми?

– Мен ясаган токқа борадиган сўқмоқ бор.

– Сеулга бориб, шифохонага борайлик.

– Кейин.

– Кейин қачон?

– Катта бола кириш имтиҳонларини тугатгандан кейин.

Онанг айтган “катта бола”, дегани катта акангнинг қизи.

– Шифохонага акам билан эмас, мен билан борсангиз бўлади-ку.

– Ҳечқиси йўқ... Мен яхшиман. Шарқий услубда даволовчи шифохонага ҳам қатнаб юрибман... Физиотерапия ҳам оляпман.

Онангни кўндира олмадинг. Онанг кейин албатта бораман, деди. Онанг сенга тикилиб қараб туриб, дунёдаги энг кичкина мамлакат қаер, деб сўради.

– Кичкина мамлакат?

Кутилмаганда дунёда энг кичкина мамлакат қаер деб сўраган онангни таний олмай сен унга термилиб карадинг: “Дунёдаги энг кичик мамлакат қаер эди?” деб ўйлаган ҳолда. Онанг тезда паришонхотир нигоҳда сенга қачонлардир ўша мамлакатга борсанг, битта атиргул тасмасини олиб келиб бер, деди.

– Атиргул тасмаси?

– Атиргулдан тайёрланган тасма-да! – онанг ҳолсиз сенга қаради.

– Тасма керакми?

– Йўқ... Ўша мамлакатнинг тасмасидан олгим келади, – онанг гапини тўхтатиб, чуқур нафас олди. – Мабодо борадиган бўлсанг олиб келиб бер.

– ...

– Сен истаган жойингга бора оласан-ку!

Онанг билан бўлган суҳбатинг ўша ерда тугади. “Сен истаган жойингга бора оласан-ку!” дегандан кейин онанг ошхонада бошқа гапирмади. Сизлар она ва киз димланган саккизоёкни нонушта сифатида еб бўлиб, дарвозадан чикдиларинг. Тоғнинг оркасидаги бир неча дала марзаларидан ўтиб, тоғ сўкмоғига кирдиларинг. Одамлар юрадиган йўл бўлмаса-да, сўкмок яхшигина эди. Ўша сўкмокка дуб дарахтининг барглари кўп тушиб ётганлиги боис оёк ости юмшоқ эди. Баъзан ўша сўкмокда турган дарахтларнинг шохлари юзингга уриларди. Олдинда кетаётган онанг дарахт шохларини оркасига қайириб ҳам турарди. Сен ўтгандан кейин дарахт шохларини кўйиб юборарди. Қушлар чуғурлаб учиб кетарди.

– Бу ерга тез-тез келасизми?

– Ҳм.

– Ким билан.

– Ким билан дейсанми! Бирга келадиган одам бўлса бўлади-да!

Ойим ёлғиз ўзи шу сўқмоқда? Сен яна бир марта ойимни яхши биламан дея айта олмайдиган бўлдим, деб ўйладинг. Ким бўлишидан катъи назар ёлғиз юришга кўркинчли сўқмоқ эди. Нимагаки, баъзи жойларда бамбук дарахтлари калин ўсганидан ҳатто осмон ҳам кўринмасди.

– Нимага бу йўлда ёлғиз юрасиз?

– Холанг ўлгандан кейин шунчаки бир марта келиб кўргандим, шундан кейин тез-тез келадиган бўлдим.

Қанча юрган экансизлар? Онанг тоғ сўқмоғининг бир тепалигида тўхтади. Онангнинг ёнига бординг ва у қараётган томонга бирга қараб туриб, “ҳа, бу йўл”, деб кичкирдинг. Бу ер ўша йўлмикин? Умуман унутиб юборган йўл эди. Ёшлигингда онангнинг ота уйига борадиган қисқа йўл. Қишлоқни кесиб ўтадиган катта йўл қурилгандан кейин ҳам одамлар тез-тез фойдаланадиган тоғ сўқмоғи. Онангнинг ота-онасиникида хотирлаш маросими бўлган кун ҳовлидаги товуклардан биттасини похолдан тайёрланган аркон билан боғлаб шу йўлдан кетаётганингда қочириб юбориб, ҳамма ерни қидирган ўша йўл. Қўйиб юборган товукни қайтиб топа олмагандинг. Ўша вақтда товук қаерга кетган экан? Ўша йўл шунчалик ўзгариб кетибдими? Кўзни юмиб ҳам топиб бора оладиган йўл бўлса-да, тепалик бўлмаганида сен ниҳоят ўша йўл эканлигини билмаган бўлардинг. Тепаликда туриб онанг ота-онасининг уйи томонга қаради. Энди у ерда ҳеч ким яшамайди. Бир вақтлар элликта оила бўлган онангнинг ота қишлоғидаги одамларнинг ҳаммаси бошқа ҳудудларга кўчиб кетди. Эски бўлмаган бир неча бўм-бўш уй қолган бўлса-да, одамлар яшамайдиган қишлоқ эди. Ойим доим ёлғиз ўзи шу ерга келиб, энди ҳеч ким яшамайдиган, туғилган қишлоғига қараганмикин? Сен онангнинг белидан кучдинг. Шундан кейин яна бир марта бирга Сеулга борайлик,

дединг. Онанг сенинг гапингга жавоб бермасдан Чиндо<sup>1</sup> ити ҳақида оғиз очди. Шусиз ҳам итхонада ит кўринмаганлиги боис ит қаерда экан деб қизикқандинг, лекин сўрашга вақт бўлмаганди. Бир йил олдин ёзда уйингга борганингда бир Чиндо ит айвон ёнида боғланиб турганди. Ҳаво жуда иссиқ бўлишига қарамасдан ит арқони жуда калта қилиб боғланганлиги боис халлослаб нафас олаётган ит дарров ўлиб қоладигандек туюлганди. Сен онангга итнинг арқонини ечинг, деддинг. Онанг арқонни ечиб қўйса одамлар кўркқанидан унинг олдидан ўта олмайди, деди. Қишлоқда яшайдиган итни бундай қилиб занжирга боғлаб қўядими?.. Сен ўша вақтда онангнинг уйига етиб келишинг билан яхшилаб кўришишдан ҳам олдин ит сабабли тортишгандинг.

– Итни нимага боғлаб қўясиз, ечиб қўйинг, – дегандинг сен.

– Энди қишлоқда ҳам итни боғламасдан бокадиган уй йўқ, ҳамма боғлаб қўяди, арқонни ечиб қўйса уйдан кетиб қолади, – деганди онанг.

– Ундай бўлса, ҳеч бўлмаса арқонини узунроқ қилиб боғлаш керак, бундай калта қилиб боғлаб қўйиладиган бўлса, бунинг устига кун ҳам иссиқ бўлса ит қандай қилиб яшайди, тили йўқ ҳайвон деб шундай муносабатда бўладими? – дея сен онангга тўнғиллагандинг.

Онанг уйда шундан бошқа арқон йўқ деганди. Эҳтимол, ўша арқон олдинги итдан қолган бўлса керак.

– Сотиб олиб келса бўлади-ку! – сен кўпдан бери энди келган бўлсанг-да, уйингга ҳам кирмасдан машинангга ўтирдинг ва шаҳарчага бориб, итни боғласа ён ҳовлини айланганда ҳам ортиб қоладиган даражадаги узун арқонни сотиб олиб келдинг. Арқонни олиб келиб яна қарасанг, итнинг уйчаси ҳам жуда кичкина эди. Сен яна итга уйча сотиб олиб келаман, деддинг.

– Қўшни маҳаллада дурадгор бор, ундан итга уйча ясаб беришни сўрайман, – деди онанг. Ҳайвон яшайдиган уйчани ҳам пулга сотиб олиш бу онанг тасаввур қила олмайдиган иш эди.

<sup>1</sup> Ит турларидан бири бўлиб, Корёя ярим оролига мансуб бўлган овчи ит.

– Нима кўп, тахта кўп, бир неча мих қокса уйча тайёр бўлади, шуни ҳам пулга сотиб оласанми, нима пулинг ачиб ётибдими? – деганди онанг.

Сен шаҳарга қайтиб кетаётганингда юз минг вонлик икки-та чекни онангга узатиб, албатта итга катта уйча ясатишга ваъда беришини сўрагандинг. Онанг шундай қиламан, деганди. Сеулга келиб ҳам бир неча марта онангга телефон қилиб, итга уйча ясатдингизми, дея сўрагандинг. Ясатдим деб алдаса ҳам бўларди-ю, онангдан ҳар сафар “энди ясаттирмоқчиман, энди қиламан”, деган гапни эшитганингда бирдан жаҳл қилгандинг:

– Мен пул ҳам бериб келдим-ку, кишлок одамлари чиндан ҳам шафқатсиз. Итга раҳми ҳам келмайди! Шундай тор жойда қандай қилиб яшайди, устига-устак бундай иссиқ ҳавода? Ит уйчанинг ичидаги ахлатига булғаниб ётган бўлса ҳам артмайди... Шунча катта гавдаси билан шундай кичкина жойда қандай қилиб яшайди? Ё бўлмаса ҳовлига қўйиб юбормайсизми! Итга ачинмайсизми?

Бир фурсат телефоннинг нариги томонида сукунат ҳукм сурди. “Қишлоқ одамлари чиндан ҳам шафқатсиз!” деб тўнғиллаб қўйиб, “нимага бундай дедим”, дея сен ҳам афсуслана бошлагандинг. Онангнинг аламли овози эшитилди:

– Сенинг кўзингга онанг кўринмай, фақат ит кўринадими? Онанг итни хўрлайдиган одамга ўхшаб кўриняптими? Ишинг бўлмасин! Мен ўзим билганимча боқаман!

Онанг биринчи бўлиб телефон гўшагини қўйиб қўйди. Ҳар доим сен биринчи бўлиб қўйиб қўярдинг:

– Ойи, кейин яна телефон қиламан, – дея қайта қилмаган вақтларинг кўп бўларди. Сен онангнинг айтган гапларига охиригача кулок солиб турмасдинг. Лекин бу сафар онанг биринчи бўлиб гўшакни қўйиб қўйди. Сен уйингдан кетгандан бери онанг биринчи марта сенга бундай жаҳл қилганди. Онангнинг бағридан кетгач, онанг сенга доим “мени кечир”, дерди. Онанг сенга “яхшилаб қарай олмаганим учун акангнинг ол-

дига жўнатдим”, дерди. Телефон қилсанг онанг иложи борица сен билан узок гаплашишга ҳаракат қиларди. Онанг биринчи бўлиб телефон гўшагини қўйиб қўйганда ҳам сен бу нарсадан кўра итни бундай боқаётган онангдан хафа бўлгандинг. Ойим нимага бундай бўлиб қолди, деб ўйлагандинг. Уйдаги шунча жониворларнинг ҳаммасига яхшилаб қараган онанг эди. Сеулга кўпроқ вақт меҳмон бўлишга келиб ҳам тўрт кун ҳам бўлмасдан онангнинг уйга кетаман деб туриб олишининг сабаби – уйга бориб, итга овқат беришим керак – деган нарсаси эди. Қандай қилиб шунчалик бефарқ бўлиш мумкин? Сен бераҳм бўлиб қолган онангдан ғазабланишгача боргандинг. Уч-тўрт кун ўтгач, онанг биринчи бўлиб кўнғирок қилди:

– Авваллари унақа эмасдинг, сен совуққон одамга айланибсан-а? Онанг шундай телефонни қўйиб қўйса, нимадир ҳам деб яна телефон қилишинг керак эмасми, шунақа ҳам ўжарлик қиласанми?

Ўжарлик қилмаган эдинг. Сен бу нарсани узок вақт ўйлаб юрадиган даражада бекор эмасдинг. Бирдан хафа бўлиб телефон гўшагини қўйиб қўйган онанг эсингга тушганида кўнғирок қилишим керак деб ўйлардинг-у, бироқ бошқа иш сабабли онангга телефон қилиш кейинга қоларди.

– Ўқимишли одамларнинг ҳаммаси шунақа бўладими?

Онанг сенга тўнғиллаб телефон гўшагини яна қўйиб қўйди. Чусок байрами арафасида онангнинг уйига яна борганингда айвон ёнида катта ит уйчаси турганди. Ит уйчаси полига похол ҳам юмшоқ қилиб тўшалган эди.

– Октябрда, эрталаб гуруч димламокчи бўлиб дастшўйда гуруч юваётсам кимдир орқамдан туртарди. Ўгирилиб қарасам ҳеч ким йўқ. Нақ уч кун давомида шундай бўлди. Мени чақираётгандек туртаётгани аниқ сезиларди-ю, ўгирилиб қарасам ҳеч ким бўлмасди. Тўртинчи куни бўлса керак. Эрталаб кўзимни очишим билан ҳожатхонага бораётсам ит ҳожатхона ёнида ётган экан. Сен мени итни хўрлайди деб жаҳл қилган-

динг-у, ўша ит темирйўл бўйида кўтир босганча дайдиб юрган экан. Раҳмим келганидан уйга олиб келдим ва боғлаб қўйиб, овқат бердим. Боғлаб қўймасам яна қаергадир кетиб қолиши ҳам, кимдир ушлаб олиб, сўйиб ейиши ҳам мумкин эди... Аввалига ухлаб ётган бўлса керак, деб ўйладим. Ёнига бориб туртсам ҳам кўзғалмади. Ўлган экан. Бир кун олдингача ҳам овқатни яхши еб, думини ҳам ликиллашиб юрганди-ю, худди ухлаб ётгандек ўлиб ётган экан. Занжирини ҳам қандай ечган билмайман. Даставвал уйга келганида кўкраги факат суяк эди. Семириб, юнги ҳам ялтиллайдиган бўлганди. Акллилигини айтмайсанми. Кротни ҳам ушларди.

Онанг бир фурсат хўрсинди.

– Одамга яхшилик қилсанг сотқинлик қилади, итга яхшилик қилсанг яхшилигингга яхшилик билан жавоб қайтаради дейишади-ку!

Бу сафар сен хўрсиндинг.

– Ўтган баҳорда ўтиб кетаётган роҳибга эҳсон берганимда у “бу йил оила аъзоларингдан бир киши камаядиган йил”, деганди. Шу гапни эшитиб кўнглим хавотирга тушди. Йил давомида шу гап хаёлимдан кетмади. Азроил мени олиб кетишга келганида мен ҳар сафар овқат емокчи бўлиб, гуруч ювиб турганим учун ўрнимга итни олиб кетганга ўхшайди.

– Ойи, нималар деяпсиз? Черковга катнайдиган одам ҳам шундай гапга ишонадими?

Сен айвон ёнида бўш ётган ит уйчасини эсладинг. Ечилиб ётган ит арқонини ҳам. Шундан кейин ғалати руҳий ҳолатга тушиб, онангнинг белидан кучдинг.

– Ҳовлига чуқур қазиб, итни ўша ерга кўмдим.

Онанг гапга чечан эди. Хотирлаш маросими бўладиган кун бўлса якин атрофда яшайдиган холанг ва янгаларинг идишга гуруч солиб олиб келарди. Озиқ-овқат танқис даврлиги боис шу тарзда моддий ёрдам қилган бўлса керак. Онанг хотирлаш

маросимини ўтказиб бўлгач, кариндошларинг гуруч солиб келган ўша идишларга хотирлаш маросимига тайёрланган таомлардан солиб юборарди. Гуруч солинган идишларни бир томонга қўйиб, хотирлаш маросимини ўтказиб бўлгандан кейин амманг, янганг ва отангнинг амакиваччасининг хотини олиб келган идишдаги гуручга қуш учиб келиб қўниб кетди, дерди. Онангнинг гапига ишонмаслигини айтганинда онанг “мен кўрдим деяпман-ку!” дерди:

– Қуш олтита эди. Ўша қушлар хотирлаш маросимининг таомларидан ейишга келган аجدодларимиз.

Бошқалар кулиб юборса-да, онангнинг ҳикоясини эшитгандан кейин гуруч солинган идишга қарасанг, оппок гуручда қуш изи босилиб тургани кўзингга кўрингандек бўларди. Бир куни онанг эрта тонгда егулик ҳам олиб, тоғ ёнбағридаги полизга борса кимдир далада ўтоқ қилиб ўтирган экан. Ундан кимсан деб сўраса, шу ердан ўтиб кетаётган одам экан ва полизда ўт кўплиги боис озгина ўтоқ қилиб бериб кетмоқчиман, дебди. Онанг нотаниш одам билан зўр бериб ўтларни ўтабди. Миннатдор бўлганидан олиб келган егуликни бирга ейишибди. У ёқдан-бу ёқдан гаплашганча кун бўйи ўша нотаниш одам билан ўтоқ қилибди ва кун ботгандагина хайрлашибди. Даладан келиб аммангга шундай одам билан кун бўйи бирга ўтоқ ўтадим деса, амманг қотиб қолибди ва кўриниши қанакалигини сўрабди. Амманг у одам ўша даланинг эгаси бўлганлигини ва ўтоқ ўтаб юрганида офтоб уруши натижасида ўлганлигини айтибди.

Онангнинг ҳикоясини тинглаб турган сен “ўлган одам билан кун бўйи далада бирга бўлдингизми? Кўркмадингизми?” деб сўраганинда онанг шундай деганди:

– Нимадан кўрқаман, агар бир ўзим ўша полизни ўтоқ қиладиган бўлсам икки-уч кун кетарди, бирга ўташганидан миннатдор бўлдим.

Бош оғриғи онангни адо қилаётганга ўхшади. Онанг тезда ғайратини ва қувватини йўқотиб, кўп ётадиган бўлди. Камдан-кам овунчокларидан бўлган юз вонлик ҳвату<sup>1</sup> ўйнашда ҳам онанг диққат-эътиборини бир ерга тўплай олмайдиганга ўхшади. Устига-устак онангнинг ҳамма ишга кизиқиши йўқолди. Бир куни латталарни қайнатиш учун газ плитага қўйгач, онанг ошхонанинг полига ҳолсиз ўтириб қолиб, ўрнидан тура олмаганди. Кирни қайнатаётган қозон қуриб қолгандан кейин латта қуйиб, ошхонани тутун босганда ҳам онанг ўзига кела олмади. Тутун буркираб чиқаётганини кўрган қўшни одам кириб карамаганида уй ёниб кетиши ҳам мумкин эди.

Уч бола тукқан синглинг бош оғриқ сабабли азоб чекаётган онанг ҳақида гапираётиб сендан “опа, ойим чиндан ҳам ошхонани хуш кўрганмикин?” дея жиддий сўраганди.

– Нимага бундай деяпсан? – дея сўраганингда синглинг “нимагадир ойим ошхонани хуш кўрмаганга ўхшайди”, деб жавоб берганди. Фармацевт бўлган синглинг биринчи ҳомиласи бўйида бўлган ҳолда дорихона очди. Болага караган кеннойинг дорихонадан узок жойда яшарди. Туғилган бола бир қанча вақт кеннойингнинг уйида улғайди. Болани суядиган синглинг фарзандини ҳафтада фақат бир мартагина кўрадиган ҳолатга ҳам чидаган ҳолда дорихонани юритишда давом этди. Синглинг ўз боласи билан учрашиб айрилаётганини кўриш жуда ачинарли эди. Ўз фарзанди билан айрилаётганлар орасида ҳам бундай айрилиқ йўқ эди. Боладан ҳам кўра она бўлмиш сенинг синглинг кўпроқ муаммога ўхшади. Бола тезда шароитга мослашиб кетди-ю, бироқ онаси ҳафта охирида болани олиб келиб, яна кеннойингга топшириб қайтаётган вақтда машина рулини ушлаган қўллари ҳўл бўлиб қоладиган даражада кўп йиғларди ва душанба куни кўзлари шишиб кетган ҳолда дорихонада турарди.

– Шартми шундай қилиб дорихона юритиш? – сен дорихона юритишни тўхтатишини хохладинг.

<sup>1</sup> Корейс халкининг карта ўйини.

Синглинг иккинчи болани тукқанда ҳам юритишни давом килдирган дорихонани эри малака ошириш учун икки йилга Америкага кетаётган вақтда ёпди.

– Болаларга ҳам фойдаси тегадиганга ўхшайди, Сеулдаги барча рўзгорни йиғиштириб қўйиб, Америкага борамиз, – деганида сен ичингдан шунақа, Америкага бориб бир оз дам олиб кел, дединг. Турмуш кургандан буён синглинг бир марта ҳам ишдан дам олиб кўрмаган эди. Синглинг Америкада яна бир бола туғиб қайтиб келди. Ўзини ҳам ҳисобга олганда оиласидаги беш кишига овқат тайёрлаш синглингнинг зиммасида эди. Синглинг бир ойда икки юзта горбуша балиғини егандик, деди.

– Бир ойда икки юзта? Ҳар куни фақат горбуша балиғини едиларингми? – деб сўраганингда ҳа, шунақа, деди.

– Америкадан жўнатган рўзгор моллари етиб келишидан олдин бўлганди, – деди. Янги кўчган уйига ўрганиб кетмаган, устига-устак эмизадиган боласи ёнидан қолмаслиги боис бозорга боришга ҳам вақти бўлмаган экан. Қайнарасидан бир кути тузлаб қуритилган кичкина горбуша балиғи келганида ўн кун ўтмасдан ҳаммасини еб қўйибди.

– Конгнамулкук<sup>1</sup> қайнатардим ва горбуша балиғи ковулардим, ковок солиб шўрва қайнатардим ва горбуша балиғини ковулардим, – дея синглинг кулди. – Горбуша балиғини яна олгим келди ва қайнанамдан қаерда сотишини сўраб, интернет орқали буюртма килиш мумкинлигини билдим. Бир кутини дарров еб бўлганимиз учун икки кути буюртма килдим, – деди.

– Олиб келинган горбуша балиғини юваётиб, санаб кўрсам икки юзта экан. Ҳар сафар ковуриб еганда қулай бўлиши учун тўрт-бештадан клеёнкага ўраб музлаткичга қўйиш мақсадида дастшўйда балиқни юваётиб, ерга улоқтириб юборгим келди, – синглинг хотиржам гапирди. – Бирдан ойим эсимга тушди. Ойим ўша эски ошхонада бир умр катта оилага овқат тайёрлаётганда кўнглида нималар кечган экан, деб ўйладим.

<sup>1</sup> Соя нишидан тайёрланадиган шўрва.

Биз тагин қандай кўп ердик? Эсингиздами? Доим иккита дастурхон тузатиш керак бўларди-ку! Гуруч дамлайдиган қозон ҳам қанчалик катта эди. Ўша қишлоқ салати билан бизга яна мактабга олиб кетадиган тушлик овқатини ҳам солиб бериши керак бўларди... Ойим шу нарсага ҳар куни қандай чидаган экан? Устига-устак отамиз оиладаги энг катта фарзанд бўлгани учун доим яна қўшилиб ейдиган иккита жон бўларди. Ойим ошхонани ҳуш кўрганга ўхшамайди.

Синглингнинг гапини эшитаётиб гангиб қолдинг. Сен ҳеч онанг билан ошхонани алоҳида ажратиб ўйлаб кўрмагандинг. Онанг ошхона бўлиб, ошхона онанг эди. “Ойим чиндан ҳам ошхонани ҳуш кўрганмикин?” деб ҳеч ўйлаб кўрмагандинг.

Пул йиғиш учун онанг ипак курти боқар, шароб аталасини тайёрлар, тофу тайёрлашда ёрдам берар эди. Пул йиғишнинг энг яхши йўли бу – пул ишлатмаслик эди. Онанг ҳамма нарсани тежарди. Бир куни бошқа ҳудуддан келган одамларга онанг уйдаги эски керосин чирокни, кийимни таёк билан уриб текислаганда остига қўйиладиган эски тошни, эски кўзани сотганди ҳам. Улар онанг ишлатиб юрган эски нарсаларни олишни хошлашди. Онанг доим бу нарсаларни ёқтирмаган бўлса-да, улар билан худди савдогарга ўхшаб нархнинг устида тортишганди. Аввалига онанг ён берганга ўхшаса-да, озгинадан кейин онангнинг хоҳлаганича бўларди. Жим тинглаб туриб, фақат фалон пулга бераман, деб нархини айтса, улар “эхҳе, бу кераксиз нарсани шунча пулга оладиган одам қаерда бор?” дея мазах қилиб қулишганди. Шунда онанг “ундай бўлса, нимага бу кераксиз нарсани сотиб олиш учун айланиб юрибсизлар?” дея керосин чирокни олиб йиғиштира, савдогарлар “хола, сиз савдо билан шуғуллансангиз, жуда зўр уддаларкансиз!” дея мингиллаб, онанг сўраган пулни берарди.

Онанг нимадир сотиб оладиган бўлса, ҳеч сўралган нархига олмасди. Кўп нарсани онанг ўз қўли билан қиларди. Шунинг

учун ҳам онангнинг кўли дам олишга вакти бўлмасди. Онанг тикувчилик, тўкувчилик қиларди, тинмасдан полиз етиштирарди. Онангнинг полизи ҳеч вақт бўш ётмасди. Баҳорда эгатга картошка кўчатини ўтказар, салат, дасторгул, тугмагул ва хушбўй пиёз уруғини сепар, қалампир экар, маккажўхори уруғини кўмарди. Девор остига ковок учун чукурча казар, шоли даласи марзаларига ловия экарди. Онангнинг ёнида доим кунжут, тут дарахти, бодринг ўсарди. Онанг ё ошхонада, ё шоли даласида, ё полизда бўларди. Картошка, батат ковлаб олар, ковок узар, қарам ва турп узиб оларди. Онангнинг меҳнати ҳеч бир нарсани уруғини сепмасдан туриб ҳосилини йиғиштириб олиб бўлмаслигини кўрсатиб берадиганга ўхшарди. Онанг фақат уруғдан кўкартириб бўлмайдиган нарсаларнигина пулга сотиб оларди: баҳорда ҳовлига кўйиб боқадиган ўрдак ёки жўжа, чўчкахонада ўсадиган чўчка боласига ўхшаган нарсаларни. Қайсидир йили супа остидаги ит тўқкизта бола туғди. Тахминан бир ойлар ўтгандан сўнг онанг фақат иккита боласини қолдириб, кучукларни саватга солди. Солишга жой қолмаган бир кучукни сенга кучоклаттириб, кетимдан юр деганди. Онанг билан бирга чиққан автобуснинг ичи шаҳарчага ниманидир сотишга кетаётган одамларга тўла эди. Қуритилган қалампир, кунжут ва қора соя дуккаси солинган халталар. Фақат уч-тўрт бош қарам ва бир неча турп солинган саватлар. Шаҳарчанинг автобус бекати олдида чўкка тушиб ўтирса, ўтиб кетаётган одамлар нархни тортишарди. Онангга эргашиб борган сен бағрингда кучиб турган иссик кучукни бошқа кучуклар ўрмалаётган саватнинг ичига кўйдинг. Шундан кейин онангнинг ёнига чўкка тушиб ўтириб, кучукларнинг сотилишини кутдинг. Онанг бир ой давомида сидқидилдан ўстирган кучуклар семиз ва соғлом эди. Хавфсираш ҳам, адоват ҳам йўқ бўлиб, итоатли эди. Кучуклар сават олдида йиғилиб ўтирган одамларга қараб думини кимириллатганча тилини чиқариб, уларнинг кўлларини ялади. Онангнинг кучуклари турпдан ҳам, қарамдан ҳам, ловиядан

ҳам олдин сотилди. Охирги кучук сотилиши билан онанг белини ёзди. Онангнинг кўлидан ушлаётган сендан “нима олгинг келади?” деб сўради. Деярли бундай сўрамайдиганлиги боис сен онангга тикилиб қарадинг.

- Нима олгинг келяпти деб сўраяпман!
- Китоб!
- Китоб?
- Ҳа, китоб!

Китоб деган сенинг буюртмангдан онанг танг аҳволга тушгандек бўлди. Бир нафас сенга қараб туриб, китоб сотадиган жой қаердалигини сўради. Сен олдинга тушиб, бешта йўл туташган бозорга киришдаги китоб дўконга онангни олиб бординг. Онанг китоб дўкони ичига кирмади.

- Фақат бир китоб танлаб, нархи қанчалигини бил, – деди.

Ҳатто бир калиш олганда ҳам ҳар қайсини кийдириб-ечдириб кўргандан кейин дўкон хўжайини сўраган нархидан камроқ берадиган онанг сенга китоб танлашни буюргач, пулидан қайттириш хаёли йўқми, нархини билиб кел, деди. Қайси китобни танлашни мутлақо билмасдинг. Китоб олгим келади деганинг доим ўқиш учун вақтинча олиб келган акангнинг китобларини ўқиётганингда аканг олиб қўйганидан хафа бўлганинг боис эди. Мактаб кутубхонасидаги китоблар ўқиш учун вақтинча олиб келган акангнинг китобларидан фарқ қиларди: “Са хонимнинг жануб сафари хотиралари” ёки “Шин Юн Бок ҳикояси”га ўхшаган китоблар. Китоб дўкони ташқарисида онангни қолдирган ҳолда сен танлаган китоб “инсоний, ҳаддан ташқари инсоний”, деган асар эди. Дарсликдан ташқари яна бошқа китобга ҳақ тўлашга мажбур бўлган онанг сен танлаб олиб чиққан китобга бепарво қаради.

- Керак китобми?

Сен онангнинг фикри ўзгарармикин деб ўйлаб, дарров бошингни қимирлатдинг. Очиғи, қандай китоблигини сен ҳам билмасдинг. Муаллиф Ницше деб ёзилган бўлса-да, Ницше-

нинг кимлигини сен ҳам билмасдинг. “Инсоний, хаддан ташқари инсоний”, деган гап ёққани учун танлагандинг. Онанг бир чақа ҳам қайтмасдан китобнинг пулини кўлингга туттирди. Сен уйингдан кучиб келган кучук ўрнига китобни кўксингга кўйган ҳолда уйингга борадиган автобусга миниб, ойнадан ташқарига қарадинг. Бели букилган кампир бир тве<sup>1</sup>дек келадиган ширадор гуручни сотиш учун келиб-кетаётган одамларга интизорлик билан қараб тургани кўринди.

Ота уйи кўринадиган тоғ сўкмоғида онанг “олтин, кўмир қазиб олишга қатнаган буванг уйга қайтиб келганида мен уч ёшда эдим”, деди. Янгидан курилаётган темирйўл бекатига ишга кетиб, ҳалокатга учраган, деди. Қишлоқдаги одамлар шу хабарни бувингга еткизишга келганида ҳовлида югуриб ўйнаб юрган онангни кўриб, “отаси ўлганини ҳам билмасдан куляпти-я, гўл бола”, дебди.

– Уч ёшингиздаги нарсаларни эслай оласизми?

– Эслай оламан.

Онанг онамдан норози бўладиган вақтларим бўлади, деди. Сенинг бувингни айтаётганди.

– Ёлғиз қолиб, бошидан нималар кечмади-ю, шунда ҳам мени мактабга юбориши керак эди-да. Акам японча мактабга борди, опам ҳам японча мактабга борди, нимага фақат мени мактабга бермаган экан-а? Нурсиз қоронғида, бутун умримни зулматда...

Онанг катта акангга айтмайдиган бўлсанг сен билан бирга Сеулга бораман дея зўрға рози бўлди. Сенга эргашиб уйдан чикқандан кейин ҳам бир неча марта акангга айтмасликка ваъда беришингни сўради. Онангнинг бош оғриғи сабабини аниқлаштириш учун катнаб юрганингда шифокордан кутилмаган гапни эшитдинг.

---

<sup>1</sup> Ўлчов бирлиги ҳамда дон солинадиган идиш номи бўлиб, сиғими тахминан 1.8 килограммга тенг.

– Анча олдин онангиз инсультни бошдан кечирган.

– Инсульт? – сен ундай бўлмаган, дединг.

Шифокор онангнинг мяси туширилган рентген суратидаги нукталарни кўрсатиб, инсультни бошидан кечирганининг аломатлари, деди.

– Қандай қилиб ўзи ҳам билмаган ҳолда инсультни бошдан кечириши мумкин?

– Ўзи билмаган бўлиши мумкин эмас. Қоннинг тўпланиб қолганига қараганда ўзи ҳам ўша шокни сезган бўлса керак. Онангизнинг танаси доим оғриб келган, – деди шифокор.

– Доим оғриб келган дейсизми? Ойим соғлом эди.

– Ундай бўлмаса керак.

Чўнтакда яшириб қўйган бигиз худди ўз жойидан чиқиб, қўлингнинг орқасига санчилгандек туюлди. Онангнинг мясида тўпланиб қолган қонни олиб ташласа-да, бош оғриғи тузалгани йўқ. Онанг одамлар билан суҳбатлашаётганида бош оғриғи бирдан бошланиб қолса, худди шу заҳоти ёриладиган шиша кўзани ушлагандек икки қўли билан бошини ўраганча дарвозани очиб кириб, айвондаги ёғоч каравотга ётарди.

– Ойи, сиз ошхонани ёктирасизми? – қачонлардир сен шундай деб сўраганингда онанг нимани назарда тутаётганлигини тушунмаганга ўхшади.

– Ошхонада бўлишни ёктирганмисиз деяпсанми? Овқат тайёрлаш, гуруч дамлаш қанақа бўлган дейсанми?

Онанг сенга бепарво қаради.

– Ошхонани ёктириш, ёктирмаслик дегани қаерда бор? Қилиш керак бўлгани учун қилганман-да. Мен ошхонада бўлсамгина сизлар ҳам овқатланиб, ҳам мактабга бора олардингизлар-да. Одам ҳаётда қандай қилиб фақат ёктирган ишинигина қилиб яшаши мумкин? Ёкиш, ёқмаслигига қарамасдан қилиш керак бўлган ишлар бўлади.

Онанг нимага бунни сўраяпсан деган нигоҳда сенга қараб, “фақат ёқтирган ишнигина қиладиган бўлсанг, ёқтирмаган ишни қим қилади?” деб минғирлади.

– Хўш, бу ёқтирганман деганингизми, ёқтирмаганман деганингизми?

Онанг қандайдир сирни ошқора қиляётгандек бир оз вақт ён атрофларни кўздан кечириб, “бир неча марта кўза қопқоғини синдирганман”, деб шивирлади.

– Кўза қопқоғини синдиргансиз?!

– Охири кўринса бўлади-да. Дехқончилик иши баҳорда уруғ қадасанг, кузда йиғиштириб оласан-ку. Исмалок уруғини сепган жойдан исмалок чиқиб, маккажўхори уруғини сепган жойдан маккажўхори униб чиқади... Бироқ ошхона ишларининг на боши, на охири бор. Нонуштани еб бўлсанг, тезда тушлик вақти бўлади, яна бир зумда кечки овқат вақти бўлади, кун ўзгарса яна нонушта ва... Салатни ҳам турли хилидан тайёрлаш имконияти бўлганда жонга тегиши камроқ ҳис қилинардиган-ю, аммо полизга экадиган нарсалар доим бир хил бўлгани учун фақат ўша кўкат-у, ўша салат эди. Шу нарсаларни чексиз такрорлайвергандан қаттиқ ғазабланган вақтларим ҳам бўларди-да. Ошхона зиндондек туюлган вақтларда ҳовлидаги қайла кўзалари сақланадиган жойга чиқардим ва кўримсиз кўза қопқоқларидан бирини танлаб, деворга қаратиб бор кучим билан отардим. Бундай қилганимни амманг билмайди. Билса, ақлдан озган аёл демасмиди, нимагаки туппа-тузук кўза қопқоғини олиб отардим-ку.

Онанг икки-уч кун ичида янги қопқоқ олиб кўзани бостириб қўярдим, деди.

– Пулни беҳуда сарфладим. Янги қопқоқ олишга бораётганда пулга ачинганимдан нима қилишни билмасдим, шундай бўлса ҳам ўзимни тўхтатолмасдим. Кўза қопқоғи синган товуш мен учун дори эди. Енгил тортиб, кўнгил ғашлик ҳам йўколарди.

Онанг биров эшитиб қолмасин дея лаби учига ўнг қўлининг кўрсатиш бармоғини теккизиб, “жим!” деди.

– Бу гапни биринчи марта айтяпман, ҳеч кимга айтма!

Онангнинг юзида шўх кулги пайдо бўлди.

– Сен ҳам овқат пиширгинг келмаса битта тарелкани бўлса ҳам синдириб кўргин. Синдириш ачинарли деб ўйласанг ҳам кўнглинг ёзилади. Лекин сен турмуш ҳам қурмадинг-ку, овқат тайёрлашнинг ёкиш, ёкмаслиги бўлармиди.

Онанг чуқур нафас чикарди.

– Шундай бўлса-да, сизлар улғаяётган вақтлар яхши эди. Ҳатто бошдаги рўмолни тўғрилаб боғлашга вақт йўқ бўлса-да, сизлар дастурхон бошига ўтириб, қошиқларингизни тақирлатиб овқат еяётганингизни кўрганимда дунёда ҳавас қиладиган нима бор деб ўйлардим. Ҳаммангиз очик кўнгил эдингиз. Қовок солинган твенжангкук<sup>1</sup> қайнатиб берсам ҳам мазза қилиб ердиларинг, баъзан балиқ димлаб берсам юзларинг ёришиб кетарди... Ҳаммангизнинг иштаҳангиз яхши бўлганидан сизлар бараварига энди ўсаётган вақтларингизда хавотирга тушгандим ҳам. Мактабдан келганда ейди дея бир қозон картошкани қайнатиб қўйгач, бир жойга бориб келиб қарасам, қозон бўмбўш турган бўларди. Чиндан ҳам омборчада турадиган кўзадаги гуруч кундан-кунга камайиб бораётгани сезилар ва ўша кўза бўшаб қолган вақтлар ҳам бўларди. Кечки овқатни тайёрлаш учун омборчага бориб гуруч олмокчи бўлаётганимда куракча кўзанинг остига теккан вақтлар бўларди. Шунда эртанги нонуштага болаларимга нима едираман дея кўнглим чўкарди. Шу боис ошхона ишларининг ёкиш-ёкмаслиги хаёлимга ҳам келмаган. Катта қозонни тўлдириб гуруч, ёнида кичкина қозонни тўлдириб шўрва қайната оладиган бўлсам, уни тайёрлаш қийин деган хаёлдан кўра мана шу нарсаларнинг ҳаммаси болаларимнинг қорнига қиради, деб ўйлаб бардам бўлардим. Сизлар ҳозир тасаввур ҳам қилолмайдиган нарсалар-у, егулик тугаб

---

<sup>1</sup> Соя пастасидан тайёрланадиган шўрва.

коладими деб хавотир оладиган давр бу бизнинг давр бўлган. Ҳамма шундай яшарди. Энг муҳими егулик топиб ейиш эди.

Егулик топиб ейиш энг муҳим саналган ўша давр ҳаётимдаги энг бахтли давр бўлган дея кулиб гапирган онанг. Бош оғриғи онангнинг ўша юзидаги кулгини олиб кетди. Бош оғриғи қизик тишли дала сичқонидек онангнинг қалбини қаттиқ тешиб, аста-секин кемирди.

\* \* \*

Варақани босиб чиқаришни илтимос қилиб мурожаат этган одамнинг пахта толасидан тайёрланган эски кийимда эди. Ким кўрса ҳам бу кийим чин кўнгилдан тикилганлигини билса бўлади. У фақат пахта толасидан тайёрланган эски кийимни кийиб юришини биринчи марта кўраётган бўлмасанг ҳам нимагадир кийимигина кўзингга кўринди. У онангнинг йўқолганлиги ҳақида аллақачон эшитганлигини ва сен тайёрлаб келган варақани намуна сифатида янгидан дизайн қилиб, мижозининг босмахонасида тезда босиб чиқартириб беришини айтди. Онангнинг яқинда тушган сурати бўлмаганлиги боис ниҳоят уканг интернетга қўйган, отангнинг етмиш ёшлик туғилган кунда олинган оилавий суратни ишлатишга қарор қилдинг. Суратдаги онангнинг юзига қараб турган у “онангиз чиройли экан-а”, деди.

– Кийимингиз жуда чиройли, – дединг сен мантиксиз.

Сенинг гапингга жавобан у жилмайди.

– Онам тикиб берган кийим.

– Онангиз оламдан ўтган эди-ку!

– Ҳаёт вақтларида тикиб берганди.

У ёшлигимдан аллергия бўлганлиги боис пахта толасидан тайёрланган кийимдан бошқасини қия олмасдим, деди. Бошқа кийим терисига тегса танаси қичиб, яра чиқаркан. Онаси тикиб берган пахта толасидан бўлган кийимларнигина кийиб улға-

йибди. Унинг хотирасида онаси доим кийим тикиб ўтирган бўларкан. Онаси унинг ички кийимидан тортиб пайпоғигача ҳаммасини ўз қўли билан тайёрлаб кийдирмоқчи бўлиб шундай қилгандир. Онаси оламдан ўтгандан сўнг жавонни очиб қараса, у ерда бутун умрига етадиган пахта толасидан тикилган кийимлар йиғилиб турган экан. Ҳозир кийиб турган кийими ҳам ўша кийимлардан бири, деди. Унинг онасининг кўриниши қандай бўлган экан? Унинг гапларини тинглаётган вақтингда кўнглинг оғриди. Ва ниҳоят суюкли онасини эслаётган унинг олдида “онангиз бахтли бўлганмикин?” деб юбординг.

– Менинг онам ҳозирги аёллардан бошқача эди.

Ҳарчи унинг гапи мулойим бўлса-да, юзидан сен онамни таҳқирладинг деяётгани билиниб турарди.

## 2-боб

### МЕНИ КЕЧИР, ҲЁНГ ЧОЛ

У тарқатган варақани олган аёл бир оз вақт қадамини тўхтатганча суратни кўздан кечирди. Доим онаси уни кутган Сеул темирйўл вокзалидаги соатли минора остида эди.

У шаҳарга келиб, турар жой топганидан сўнг Сеул темирйўл вокзалига етиб келган вақтдаги онасининг кўриниши худди уруш бўлаётган жойдан келган қочоққа ўхшарди. Онаси унга олиб келаётган нарсаларни бошига қўйиб, елкасига осиб, икки қўлига олганда ҳам ортиб қолганини белига боғлаганча Сеул темирйўл вокзали перронидан юриб чиқарди. Инсоннинг шунча нарса билан юра олиши ажабланарли эди. Агар иложи бўлганда онанг бақлажон ёки қовоққа ўхшаган нарсаларни оёғига ҳам боғлаб келган бўларди. Нимагаки, онангнинг чўнтагидан яшил қалампир, пўсти олинган каштан, газетага ўралган арчилган саримсоқ паллачалари ёғилиб чиқарди. У онасини кутиб олишга чиқса, онасининг оёғи остида ёш аёл бир ўзи кўтариб келганлигига ишониш қийин бўлган тугунлар жуда

кўп бўларди. Онаси ёноклари кизарганча ўша тугунлар орасида туриб, бошини чайқаб унинг келишини кутарди.

Аёл иккиланиб унинг олдига келди ва варақадаги онасининг суратини кўрсатиб шундай деди:

– Менга қаранг, бу одамни Ёнгсан 2-донг даҳаси идораси олдида кўрганга ўхшаяпман.

Синглиси тайёрлаган варақадаги сув рангли ханбоқ кийган унинг онаси чиройли кулиб турганди.

– Бундай кийимда эмасди-ю, лекин кўзлари жуда ўхшаш. Сигирнинг кўзига жуда ўхшаганлиги учун ҳам хотирамда қолган. – Аёл варақадаги унинг онасининг кўзига яна бир марта қаради ва шундай деди: – Оёғининг устида яраси бор эди. Кўк шиппак кийган эди, жуда кўп юрганиданми, шиппак бош бармоғи устига тешиб кирганидан гўшти чикиб, ўйилиб турганди. Ёиринг чикиб турган яра қисмига пашшалар кўнганидан безор бўлганми, кўлини чўзиб уларни кўрирди. Оғрийдиганга ўхшаса-да, ярасига бефарқдек даҳа идораси ичкарисига мўралаётганди. Бир ҳафта олдин эди.

– Бир ҳафта олдин бўлса?

Бугун эрталаб ҳам эмас, бир ҳафта олдин даҳа идораси олдида кўргандек эдим деган аёлнинг гапини, у ҳам бўлса варақадаги онасининг кўзи Ёнгсан 2-донг даҳаси идораси олдида учрашган аёлнинг кўзи билан бир-бирига ўхшаш кўринади деган аёлнинг гапини қандай қабул қилишни билмади. Аёл шошиб тез-тез қадам босиб кетиб қолгандан кейин ҳам у келиб-кетаётган одамларга варақа тарқатди. Ҳамма оила аъзолари жалб этилиб, Сеул темирйўл вокзалидан Намёнг-донг даҳасигача ошхона-ю кийим-кечак дўкони, китоб дўкони-ю интернет-кафе, ҳамма жойга варақа сочишди ва ёпиштиришди. Ноконуний деб варақани юлиб ташлашса, ўша жойга яна ёпиштиришди. Фақат у томонга эмас, Намдемун ва Чунгним-донг даҳаси, Содемунгача оила аъзолари галма-гал бориб, варақа тарқатишди,

ёпиштиришди ва сочишди. Газетадаги эълонни кўриб битта ҳам хабар бўлмаганди-ю, лекин варақани кўриб телефон қилган одамлар бўлди. Ошхонада кўргандек эдим деган хабарни эшитиб, ўқдек учиб бориб караса онаси эмас, ўша жойда ишлайдиган ёши онаси тенги бўлган одам эди. Бир сафар кимдир телефон қилиб, ўзининг уйида онасига кўз-кулок бўлиб турганини маълум қилиб, манзилини айтганида умид билан югуриб борса, ундай манзилнинг ўзи мавжуд эмасди. Варақага мукофот пули сифатида ёзилган беш миллион вонни олдиндан берсанг онангни топиб бераман деган одам ҳам бўлди. Аммо бундай ишлардан ҳам ярим ой ўтиши билан кўнгли тўлмади. Умид билан у ёқдан-бу ёққа югурган унинг оила аъзолари руҳи тушганча Сеул темирйўл вокзалидаги соатли минора олдида ўтирарди. Одамлар варақани олиши биланок ғижимлаб ерга ташласа, унинг ёзувчи синглиси варақани яна олар ва текислаб бошқа одамга берарди.

Бир кучоқ варақани кучиб Сеул темирйўл вокзалига келган синглиси унинг ёнида турди. Синглисининг қуриган кўзлари унинг кўзларига бир оз вақт қараб турди. У синглисига аёлнинг гапини айтиб берди ва сўради:

– Ёнгсан 2-донг даҳаси идорасига бориб, ўша атрофни қараб кўрсакмикин?

– Ойим нимага у ёққа борарди? Хуллас, кейинроқ бориб кўрармиз, – синглиси норози нигоҳда жавоб берди ва баланд овозда гапирганча ўтиб кетаётган одамларга варақа тарқата бошлади:

– Бу бизнинг ойимиз, илтимос, ташламасдан суратга бир қаранг.

Китоб нашр қилдирса газетанинг маданият бўлимида сурати босилиб чиқадиган синглисини танийдиган одам йўқ эди. Шунчаки тарқатишдан кўра синглисига ўхшаб кичқириб тарқатиш самаралига ўхшади. У таркатган вақтдагидек ўгири-

либ туриши биланок варақани ташлаган одам йўқ эди. Унинг уйи ёки укаларининг уйидан бошқа бу шаҳарда онаси борадиган жой йўқ эди. Мана шу нарса уни ва укаларини ўртарди. Онаси борадиган жой бўлса ўша атрофни қараган бўларди-ю, бироқ борадиган жойи йўқлиги учун бу шаҳарнинг ҳамма жойидан онасини излашга тўғри келди. Синглиси “ойим нимага у ёққа борарди?” деган вақтда ҳам у аёл айтган Ёнгсан 2-донг даҳаси идораси ўзининг бу шаҳарда ишлаган дастлабки ишхонаси эканлигини фаҳмлай олмаганди. Нимагаки, бу ўттиз йил олдинги иш эди.

Шамол анча салкин бўлса-да, унинг юзидан тер чикаётганди. У элликдан ошган бўлиб, кўп хонали уйлар қурилиши билан шуғулланадиган қурилиш компаниясида ташвиқот ишлари бўйича директор ўринбосари эди. Бугун шанба бўлгани учун дам олиш куни-ю, лекин онаси йўқолмаганида у ҳозир Сонгдодаги намунали уйда бўлган бўларди. Сонгдода қуриб битказилиши кутилаётган унинг компаниясига қарашли катта масшабли уйларнинг иккинчи тақсимланиши олиб борилаётганди. Шу вақт мобайнида 100 фоизлик тақсимланишига эришиш учун у куну тун ишлаганди. Таниқли моделларнинг чиқиши одамларнинг жонига тегди дея таъкидлаб оддий уй бекасини реклама модели сифатида танлашнинг амалий ишини ўтган баҳордан буён ўз бўйнига олганди. Намунали уйни қуриш ишлари-ю, оммавий ахборот воситалари журналистлари билан учрашиш каби ишларга кўмилганидан уйга ярим тундан олдин кириб келгани қачонлигини эслолмасди. Якшанба кунлари баъзан директор ва иш юритувчи менежерларга ҳамроҳ бўлиб Сокчо ёки Хвенгсонгга гольф ўйнашга ҳам борарди.

– Ака! Ойим йўқолиб қолибди!

Ёзнинг ўртасида тушдан кейин унга етказилган укасининг шошилиш овози худди ичи музламаган музликни босгандагидек товуш чиқариб, унинг хаётида ёрик ҳосил қилди. Отаси

онаси билан бирга иккинчи ўғлининг уйига борадиган метрога чиқаётганида факат отаси чиқишга улгурган поезд жўнаб кетиши оқибатида онаси метро бекатида ёлғиз қолгани ва шундан кейин “ойимизни топа олмадик”, деган гапни эшитиб ҳам у онасини бедарак йўқолади, деб ўйламаганди. Укаси полицияга хабар бердим деганида ҳам керакмас оворагарчилик эмасмикин деб ўйлади. Бир ҳафта ўтгандан кейингина газетада эълон бериб, шифохоналарнинг шошилишч бўлинмасига телефон килди. Ҳар туни тарафларни бўлишиб, бошпанаси йўқларни ҳимоя қилиш марказларига излаб борди-ю, аммо бефойда эди. “Сеул темирйўл вокзали” метро бекати ичида ёлғиз қолган онаси худди тушдагидек ғойиб бўлди. Отасидан ойим билан бирга Сеулга келганингиз ростми деб қайта-қайта сўрагиси келадиган даражада онасидан нишон йўқ эди. Онасининг йўқолганидан ўн кун ўтиб ҳам, ярим ой ўтиб ҳам, деярли бир ой бўлиб ҳам у ва унинг оила аъзоларининг ҳаммаси миясининг бир бурчагидан шикастланган одамдек изтиробда югуриб-еларди.

У ушлаб турган варақаларни синглисига узатди.

– Мен бориб кўрайин.

– Ёнгсангами?

– Ҳа.

– Қандайдир тахминингиз борми?

– Мен Сеулга биринчи марта келган вақтимда яшаган жойим.

У бирор нарса бўлса қўнғирок қиламан, телефонингни тез-тез текшириб тур, дея синглисига тайинлади. Энди бу кераксиз гап эди. Осонликча телефонни кўтармайдиган синглиси энди қўнғирок уч марта чалинишидан ҳам олдин кўтарарди. У такси бекатига юрди. Онаси ўттиз беш ёшдан ошиб ҳам ҳалиям турмуш қурмаган синглисидан кўп хавотирланганди. Баъзида эрта тонгда телефон қилиб шундай дерди:

– Ҳёнг Чол! Жи Ҳонникига бориб кўр, нимагадир телефонни кўтармаганидан кўркяпман. На гўшакни кўтаради, на қўнғирок қилади... Бир ойдан бери унинг овозини ҳам эшитмадим.

Асар ёзаман деб уйга қамалиб олган ёки бир жойга кетган бўлса керак деса ҳам онаси ундан синглисининг уйига бориб келишни сўрарди.

– Ёлғиз яшайди-ку, бир жойи оғриб ётган бўлиши ҳам, ванадан йикилиб тушиб ўрнидан туролмаслиги ҳам мумкин...

Онаси санаб ўтган ёлғиз яшайдиган одам билан содир бўлиши мумкин бўлган ишларга кулоқ солганида чиндан шундай бўлиши ҳам мумкиндек туюлди. Онасининг илтимосига кўра ишга бораётганда ёки тушлик вақтида синглисининг уйига бориб кўрса, синглисининг йўқлигини билдирувчи далил сифатида эшик олдида газеталар кўп йиғилиб турган бўларди. У газеталарни йиғиштирарди ва ахлат челагига солиб, қайтиб келарди. Газета ёки сутга ўхшаш нарсалар эшик олдида бўлмаган вақтда ичкаридалигининг биламан дегандек эшик кўнғироғини тинмасдан босиб турса, синглиси сочлари тўзғиган ҳолда “яна нима бўлди?” дея кўрс гапирарди. Қачонлардир эшик кўнғироғини босиб турганида синглисини излаб келган йигитни учратгани ҳам. Йигит қовушмаган ҳолда “ассалому алайкум”, деб салом ҳам бергани. У кимсан деб сўрашидан ҳам олдин йигит синглисининг исмини айтиб, “ўхшаганингиздан сўрашнинг ҳам ҳожати йўқ экан”, дегани. Йигит ҳам тўсатдан унинг синглисидан хабар бўлмаганидан излаб келдим, дегани. Онасига синглим саёҳатга кетганга ўхшайди, уйда яхши ўтирибди каби хабарларни етқизса, онаси хўрсиниб шундай дерди:

– У шундай ўлиб кетса ҳам билмасдан ўтирсак керак. – Шундан кейин онаси “унинг қиладиган иши ўзи нима?” – деб сўрарди. Синглиси ярим ойлаб, бир ойлаб хабар қилмасдан роман ёзиш билан банд бўларди. Албатта шундай ёзиш шартми деб сўраса, синглиси кейинги сафардан бошлаб ойимга телефон қиламан дея ўзига ўзи гапиргандек мингилларди. Фақат шу эди. Онаси қанчалик талаб қилмасин оила аъзолари билан синглисининг алоқалари узилиши давом этарди. У онасининг

гапини икки-уч марта шунчаки эътиборсиз колдиргач, ундан синглисининг уйига бориб келишини сўрамайдиган бўлди.

– Гапимга кулоқ солишга вақтинг йўқ экан-а, – деб бир оғиз гапирди, холос.

Синглисидан тўсатдан хабар бўлмаслик ҳоллари тинмасдан давом қилгани учун унинг ўрнига оила аъзолари орасидан кимдир онасининг топшириқларини бажариб турган бўлса керак. Онасини йўқотиб қўйгач, синглиси “нима бўлса-да, мен жазоимни олаётганга ўхшайман...”, деб минғиллади. Сеул темирйўл вокзалидан Сукмёнг аёллар университети бекатигача бўлган йўлда машиналар жуда тирбанд эди. У кўзларини очиб, машина ойнасидан ташқарига қаради. Ўтиб кетаётган одамларни бирма-бир кўздан кечирди. Ўша одамлар тўдасида эҳтимол ойим ҳам бордир, деб ўйлади.

– Мижоз, Ёнгсан 2-донг даҳаси идораси дегандингиз-а? - Сукмёнг аёллар университети бекатидан Ёнгсан юқори мактаби томонга бурилаётганида такси ҳайдовчиси сўраган гапни у эшитмади.

– Мижоз?

– Нима?

– Ёнгсан 2-донг даҳаси идораси олдида дегандингиз-а?

– Ҳа.

Йигирма ёшида ҳар куни юрган йўл бўлишига қарамасдан машинадан кўринаётган манзара нотаниш эди. Шу йўл тўғримикин, деб ўйлади. Ўттиз йил ўтган бўлса ўзгариши табиий-ку, ўзгармаганлиги аксинча ғалати бўларди.

– Шанба куни бўлгани учун даҳа идораси ишламаса керак.

– Шунақа бўлса керак.

Такси ҳайдовчиси унга яна алланима демокчи бўлди-ю индамади, шу аснода у чўнтагидан варақани чиқариб ҳайдовчига узатди.

– Йўлда юрганингизда мабодо мана шундай одамни кўрсангиз, илтимос, хабар беринг.

Такси ҳайдовчиси у узатган варақани кўздан кечирди.

– Онангизми?

– Ҳа.

– Қандай қилиб...

Ўтган кузда телефон орқали синглисидан ойим ғалати деган хабарни эшитиб ҳам у ҳеч қандай чора кўрмаганди. Энди шу ёшда у-бу жойи кўп оғрийдиган вақт деб ўйлади. Синглиси жуда ғамгин бўлиб, ойим бош оғриғи сабабли хушидан ҳам кетиб қолдиганга ўхшайди, деб хабар етказгани боис у қишлоқдаги уйига телефон қилиб кўрса, онаси “Ҳёнг Чолмисан!” дея хурсанд бўлиб телефон гўшагини кўтарарди. “Кутилмаган ишлар йўқми?” деб сўраса, онаси гўшакнинг нариги томонидан “кутилмаган иш бўлса ҳам содир бўлса яхшийди”, деб кулди:

– Биздан хавотир олма. Икки қарининг турмушида нима иш бўларди? Сизлар яхши юрсаларинг бўлди.

– Сеулга бир келинг.

Онаси хўп, бораман, дея гапининг охирини ноаниқ гапирди. Синглиси акасининг бефарқлигидан жаҳли чикиб уни иш-хонасигача излаб бориб, онасининг мияси текширилган томограмма суратини кўрсатган вақтлари ҳам бўлганди. Синглиси ойимиз ўзи ҳам билмаган ҳолда миясида инсультни бошидан кечирибди деган шифокорнинг гапини етказди. Шунда ҳам у бепарво тинглаётганида синглиси унинг кўзларига тикилиб қараб шундай деганди:

– Ака! Сиз, Юн Ҳёнг Чоллигингиз ростми?

– Ойим ҳеч нима бўлмади деганди, нимага бунақасан?

– Шу гапга ишонасизми? Ойим доим шунақа дейди-ку! Бу онамнинг ибораси-ку! Шунини билиб ҳам нимага бундайсиз? Ака, сиздан хижолат тортганидан шундай қияпти-ку!

– Мендан нимага хижолат тартади?

– Буни мен биламанми? Ака, сиз нимага ойимни хижолатга соласиз?

– Мен нима қилдим?

– Бу аллақачонлардан буён ойимнинг оғзидан тушмайдиган гап-ку. Мен сиздан сўрамоқчиман, умуман ойим нимага сиздан хижолат тортади?

\* \* \*

Ўттиз йил бурун ўша вақтда бешта даражага бўлинган давлат хизматчиси имтиҳонидан муваффақиятли ўтгач, унинг биринчи ишга тайинланган жойи Ёнгсан 2-донг даҳаси идораси эди. Қишлоқдаги юқори мактабни тугатган у шаҳар университети имтиҳонидан йиқилганида онаси ишонмаганди. Онасининг ишонмаслиги табиий ҳол эди. У бошланғич мактабдан юқори мактабгача бирон марта ҳам ўқишда биринчи ўринни бой бермаганди. Шу вақтгача у қандай имтиҳон топширмасин доим биринчи ўринни оларди. Бошланғич мактабнинг 6-синфлигида ўрта мактабга кириш имтиҳонида биринчи ўринни олгани учун ўқиш пулини ҳам тўламаганди. Уч йил давомида қаторасига биринчи ўринни олгани учун у мактабга пул тўлаб кўргани йўқ. Юқори мактабга ҳам биринчи ўринни олиб кирди. “Эҳ, мен ҳам Хёнг Чолнинг ўқишига пул тўлаб кўрсам яхши бўларди”, дейиши ундан ғурурланганида онаси ишлатадиган гап эди. Юқори мактабда ҳам доим биринчи бўлган унинг университет имтиҳонидан йиқилганини онаси тушуниши қийин эди. Биринчи ўринда кирди эмас, йиқилди деган хабарни эшитган вақтда онаси тушуна олмай шундай деганди:

– Йўқ, сен киролмасанг, ким киради?

У ўқишга кирса қунт билан ўқиб, яна биринчи ўринни олади, деб ўйлаганди. Ўй эмас, шундай бўлиши керак эди. Қандай бўлмасин стипендия олиб ўқишга қатнаши керак бўлган ҳолат эди. Бироқ йиқилгани учун бошқа йўлни танлашга тўғри келди. Қайтадан ўқишга тайёрланиш умуман хаёлига келмаган иш эди. У тезда ўзи бориши керак бўлган йўлни топди. Икки турдаги давлат хизматчиси бўлиш имтиҳонини топшириб, ик-

каласидан ҳам муваффақиятли ўтди. Аввал ишга тайинланган жойни танлаб, уйдан кетди. Бир неча ойдан кейин бу шаҳарда ўзи ўқишни хоҳлаган кечки юридик университети борлигини билиб ҳужжат топширмоқчи бўлганида юқори мактабни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома керак бўлди. Шу боис уйига шаҳодатномани бериб юборинглар деган мактуб жўнатди. Уни қишлоқдан почта орқали юборадиган бўлса, ҳужжат қабул қилиш кунлари ўтиб бўлгандан кейин келарди. Шунинг учун отасига “экспресс автобус бекатидан Сеулга борадиган одам орқали бериб юборгач, почтага бориб, даҳа идорасига телефон қилинг”, деб мактуб юборди. Даҳа идорасига телефон қилиб соат нечадаги автобуслигини айтса, ўзи экспресс автобуслар вокзалига чиқиб шаҳодатномани олмоқчи эди. Тинимсиз кутиб ўтирса ҳам ўша куни телефон бўлмади. Қишлоқдаги уйда телефон бўлмаган даврлиги боис нима бўлганлигини билишнинг иложи йўқ эди. Эртаси кунгача ҳужжат топшириш керак эди ва жуда хавотирланиб ётганида ярим тунда кимдир даҳа идораси эшигини “так-так” қилиб қаттиқ тақиллатди. Ўша вақтда унинг яшаш манзили ўша даҳа идораси эди. Ходимлар навбат билан навбатчилик қилиши керак эди-ю, бироқ унинг яшаш жойи йўқлиги боис ўша навбатчилик хонасидан фойдаланадиган бўлди. Ҳар куни навбатчиликка тураётганди. Даҳа идораси эшигини синадиган даражада қаттиқ тақиллатаётган товушдан чиқиб қараса, қоронғида бир ўсмир бола турганди.

– Бу киши онангизми?

Унинг онаси совукда зир титраганча ўсмир боланинг орқасида турганди. У бир нарса дейишидан ҳам олдин онаси “Ҳёнг Чол, болам! Менман! Ойингман!” деб олдинга чикди. Ўсмир бола соатга қараб, “етти дақиқадан кейин ҳаракат тақиқланади”, деди ва унинг онасига “майли, яхши қолинг”, дея ҳаракат тақиқланишига етти дақиқа қолган қоронғилик сари юриб кетди.

Ўша вақтларда отаси уйда йўқ эди. Синглиси мактубни ўқиб бериши биланок онаси нима қиларини билмасдан турди-да, у

ўқиган юқори мактабга бориб, шаҳодатномани олиши билан тўғри поездга чикди. Онаси ҳаётида биринчи марта поездга миниб кўраётганди. Шундай қилиб, Сеул темирйўл вокзалига келган онаси одамлардан Ёнгсан-донг даҳасига қандай қилиб борилади деб сўраётганида ўтиб кетаётган ўсмир бола кўрганга ўхшайди. Шу тунда ўғлимга албатта етказиб беришим керак бўлган нарса бор деган унинг онасининг гапини эшитган ўсмир бола ачинганидан даҳа идорасигача кузатиб кўйганди. Унинг онаси қишнинг ўртасида кўк шиппак кийиб юрганди.

– Кузда ҳосилни йиғиштириб олаётганда оёғимнинг бош бармоғи ёнига ўрок тегиб кетиб шикастланганди ва яра битмаганлиги боис олди очилган пойабзал излаб, охири шиппак топдим, – деганди.

Онаси тунги навбатчилик хонаси эшиги олдида шиппакни ечиб кирди ва “кеч қолмадимми?” дея унга юқори мактабни тугатганлик ҳақидаги шаҳодатномани узатди. Онасининг қўллари музлаб қотиб қолганди. У муз парчасига ўхшаган онасининг қўлини ушлади. Шу қўлни, шу қўлнинг эгаси бўлган аёлни қандай бўлмасин бахтли қилишим керак, деб қарор қилди. Лекин у танимайдиган одам кетимдан юринг деса эргашиб келаверасизми, дея онасини қойиди. Онаси “одам одамга ишонмаса қандай яшайди!” дея қайтанга унга танбех берди.

– Бу дунёда ёмон одамдан кўра яхши одам анча кўп! – дея онаси ўзига хос кўнгли тўқ ҳолда қулди.

У ёпик даҳа идораси олдида туриб бинони кўздан кечирди. Ойим бу ерга излаб келолмаса керак. Агар бу ерни топиб келадиган даражада бўлса, уйни топиб келган бўларди. Бу ерда унинг онасига ўхшаш аёлни кўрганлигини айтган аёл “кўзи ўхшаганлиги боис эслайман”, деганди. Кўк шиппак кийиб юрганди деганди. Кўк шиппак. Отаси айтгандики, унинг онаси кўк шиппакда эмас, пошнаси калта, оч жигар ранг сандалда эди. Жуда кўп юрганиданми, шиппак бош бармоғи устига те-

шиб кириб, гўшти чиқиб ўйилиб турганди, деб айтган аёл аник кўк шиппак деганди. Ўйқолган онаси пошнаси калта оч жигарранг сандалда эди дегани шундагина унинг эсига тушди. У ёпилган даҳа идораси ичкарисига мўралаб қаради, шундан сўнг Посонг қизлар юкори мактаби ва Инсонг черкови томонга боровчи йўллари қараб айланиб юрди.

Ҳали ҳам даҳа идорасида ўша тунги навбатчилик хонаси бормикин?

Йигирма ёшли унга шаҳодатномани олиб келиб бериш учун таваккал қилган ҳолда Сеулга борадиган поездга чиқиб келган онаси билан бирга кўрпани ёпиб, ёнма-ён ухлаган ўша тунги навбатчилик хонаси. Онаси билан бирга шундай ёнма-ён ётгани ўша вақт охиригиси бўлса керак. Кўчага қараган пардевордан совуқ шамол гувуллаб сизиб кирарди.

– Мен девор томонда ётсамгина яхши ухлайман, – онаси ўрнидан туриб, у билан жойини алмаштирди.

– Шамол киряпти... У ўрнидан туриб девор томонга сумка ва китобларни йиғиб қўйди. Ечиб қўйган кийимларини ҳам устига йиғиб қўйди.

– Ҳечқиси йўқ, – дея онаси унинг қўлидан ушлаб тортди. – Тез ухла, эртага яна ишлашинг керак-ку!

– Сеулни биринчи марта кўряпсиз, қанақа экан? – тунги навбатчилик хонасининг шифтига қараб ёнма-ён ётганча сўради.

– Айтарли хайрон қоладиган ҳеч нарса йўқ экан-а, – онаси кулди.

– Сен мен тукқан биринчи боламсан. Сен туфайли биринчи марта кўраётган нарса фақат шу эмас. Сенинг ҳамма нарсанг мен учун янги дунё. Сен менга ҳамма нарсани биринчи марта қилдириб кўрдинг-ку! Қорнимнинг чикқани ҳам, бола эмизиб кўришим ҳам биринчи марта бўлганди. Мен сени тукқан вақтимда ҳозирги сенинг ёшингда эдим. Кўзингни ҳам очма-

ган, терга ботган кип-кизил юзингни биринчи марта кўрган-  
нимда... Бошқалар биринчи болани тукқанида ҳаммаси хайрон  
колиб, хурсанд бўлади дейишади-ю, лекин мен ғамгин бўлган  
кўринаман. Шу чақалокни мен туғдимми?.. Энди нима қил-  
дим... Кўркиб кетганимдан аввалига оҳиста ҳаракатланаётган  
сенинг жажжи бармоқларингни яхшилаб ушлаб ҳам кўрол-  
мадим. Кичкина кўлингни шунчалик каттиқ сиқаётгандинг.  
Бармоқларингни бирма-бир ёзсам, жилмайиб кулишларинг...  
Жуда кичкиналигидан тез-тез ушлайверсам йўк бўлиб кета-  
диганга ҳам ўхшарди. Мен нимани ҳам билардим. Ўн етти  
ёшимда эрга тегдим, ўн тўққиз ёшга тўлганда ҳам бола бўл-  
маганидан амманг бола туғолмайдиганга ўхшайди деяверга-  
ни учун сен ҳомиламда бўлганингни билганимда энг биринчи  
хаёлимга келган нарса энди аммангдан ўша гапни эшитмайдиган  
бўлдим дегани эди, ўша нарса энг яхшиси эди. Кейинчалик  
кундан-кунга сенинг кўл ва оёқларингнинг бармоқлари ўса  
бошлаганидан жуда хурсанд бўлдим. Толиққан вақтларимда  
хонага кириб, ётган сенинг кичкина бармоқларингни ёзиб  
кўрардим. Оёғингнинг бармоқларини ҳам ушлаб кўрардим.  
Шунда менда куч пайдо бўларди. Биринчи марта оёқ кийим  
кийдирганимда чиндан ҳам кўтаринки руҳда бўлгандим. Сен  
менга қараб аранг қадам босиб келаётган вақтда шунчалик  
хурсанд бўлиб кулардимки, олтин-кумуш хазинани олдимга  
уйиб тўкса ҳам унчалик хурсанд кулмаган бўлардим. Мактабга  
берган вақтимда қанақа бўлганини биласанми? Сенинг исминг  
ёзилган ёрликни дастрўмол билан бирга кўксингга таққанимда  
нимагадир мен ўзимни савлатли ҳис қилдим. Сенинг болдир-  
ларинг катталашаётганини кўришнинг завқини ҳеч нарса би-  
лан таққослаб бўлмайди. Тезроқ улғай болагинам дея ҳар куни  
қўшиқ куйлардим. Шундай қилиб, бир куни қарасам, энди сен  
мендан ҳам катта экансан.

Онаси унга қараганча гавдасини тиклади ва унинг сочини  
силади.

– Тезрок улғай дердим-у, лекин чиндан ҳам мендан катта бўлганингда сен ўз болам бўлсанг-да, мен кўрқдим.

– ...

– Бошқа болалардан фаркли равишда сенга ўргатишнинг ҳожати йўқ эди. Ҳамма нарсани ўзинг билиб қилардинг-ку! Юзинг жуда чиройли эди, яна жуда яхши ўқирдинг. Ғурурланганимдан мен ҳозир ҳам баъзан чиндан ҳам менинг қорнимдан чиққанмикинсан дея ажабланаман... Ўйлаб қара, сен бўлмаганингда мен бу Сеулга келиб кўрармидим?

У онаси яна бу шаҳарга келганида иссик жойда ухлай оладиган қилиш учун кўп пул топишим керак, деб ўйлади. Ойимни совуқ жойда ётқизмаслигим керак, деди. Бир оз ўтиб, онаси “Ҳёнг Чол!” дея унинг исмини секин шивирлади. Уйкуга кетаётган унинг қулоғига онасининг овози зўрға эшитилди. Онаси кўлини чўзиб, унинг бошини силади. Онаси ўрнидан туриб ўтирди ва ухлаб ётган унга энгашиб қараб, сездирмасдан кўлини чўзиб унинг пешанасини силади. – Онангни кечир. – Онаси кўз ёшини артиш учун унинг пешанасидан тезда кўлини олди-ю, аммо аллақачон юзига онасининг кўз ёши томиб тушганди.

Эрта тонгда туриб қараса, онаси даҳа идораси полини супуриб юрганди. У супурманг деса ҳам онаси бўш ўтириб нима қиламан дея худди бўш ўтирса бировдан жазоланадигандек латтани ҳўллаб полни артгандан кейин ҳали ишга келмаган ходимларнинг столларини бирма-бир ҳаммасини артди. Онасининг оғзидан буғ чикиб, кўк шиппакнинг олдидан оёғи шишганча дўппайиб турганди. Соя нишидан шўрва тайёрлаб сотадиган ошхона очилишини кутиб ўтирган вақт мобайнида даҳа идораси онасининг кўли туфайли ялтиради.

Ҳали ҳам бу уй бор экан-да, хайратдан унинг кўзлари катталашди. Онасини излаган ҳолда ҳамма кўчаларга мўралаб

юриб, у ўттиз йил илгари ижарага яшаган уй олдига келиб қолганди. Дарвоза устида найзага ўхшаган учли темир ўттиз йил олдин қандай бўлса шундайлигича қоқилиб турганди. Бир вақтлар уни севган-у, лекин кута олмаган қиз баъзан ўша ерга ҳоппанг<sup>1</sup> солинган клеёнка сумка кабиларни осиб қўйиб кетарди. Ўша уйни ҳисобга олмаганда тўрт тарафи қўп хонали уйлар ва бир хонали уйлар мажмуасига айланганди.

У дарвозага ёпиштирилган ёзувни ўқиди.

Гаров пули 10 миллион вон – ойлик ижара ҳақи 100 минг вон.

Агар гаров пулини 5 миллион тўласа, ойлик ижара ҳақи 150 минг вон.

Тураржой кенглиги – 8 пхён<sup>2</sup>. Оддий дастшўй. Ҳожатхонада душ қурилмаси мавжуд.

Намсан тоғи яқин бўлганлиги боис спорт билан шуғулланишга қулай. Кангнамгача 20 дақиқа, Чонгногача 10 дақиқа ичида борса бўлади.

Камчилиги: Ҳожатхона тор. Бироқ ҳожатхонада яшалмайди-ку. Ёнгсанда ушбу нархга ижарага уй топиш амримахол.

Ҳамма шароити яхши бўлишига қарамасдан бошқа жойга қўчишимнинг сабаби: Машина олганлигим учун машина тураржойи кераклиги боис. SMS ёки электрон почта орқали муурожаат қилишингизни сўрайман.

Тўғридан-тўғри ижарага беришимнинг сабаби: Даллоллик ҳақини тежаб қолиш.

Уяли алоқа телефони рақами ва электрон почта манзилени ўқиб бўлгач, кейин у дарвозани секин итариб кўрди. Дарвоза ўттиз йил олдингидек бўлиб очилди. У ичкарини кўздан кечирди. Ҳозир ҳам ўша вақтдагидек “п” шаклидаги уйнинг ҳамма

---

<sup>1</sup> Ичига ловия пастаси каби нарсалар солиб, димлаб пишираладиган кичкина хамирли нон.

<sup>2</sup> Корея ўлчов бирлиги, 1 пхёнг 3.3058 м<sup>2</sup> га тенг.

хоналарининг эшиклари ташқарига очиларди. Бир вақтлари у яшаган хона эшигига кулф осилган эди.

– Ким бор?

У баланд овозда гапириши биланок икки-уч хонанинг эшиги очилди. Калта сочли иккита қиз билан ўн етти ёшларча кўринадиган иккита йигит юзини чиқариб унга тикилиб қаради. У ичкарига кирди.

– Мабодо мана бундай одамни кўрмадингизми?

У аввал калта сочли қизга варақани узатди. Шунчаки эшикни ёпмоқчи бўлаётган икки йигитга ҳам тезда варақани узатди. Ичкарида бир хил ёшдаги яна иккита қиз бор эди. У ичкарига қараётганга ўхшагани учун иккита йигит эшикни тараклатиб ёпиб қўйди. Хонанинг ташки кўриниши ўттиз йил олдингисига ўхшаса-да, ички тузилиши умумий бир хона шаклига ўзгартирилган эди. Ошхона билан хонани бирлаштирган кўринади. Хонанинг бир томонида дастшўй кўринди.

– Билмаймиз, – иккита қиз унга варақани қайтариб узатди. Кундузи ухлаётганмиди кўзларининг четида йиринг ёпишиб турганди. Иккита қиз яна ўтирилиб, дарвозага қараб юриб кетаётган унинг орқа кўринишини кузатди. У эндигина дарвозадан чиқмоқчи бўлаётганида ёпилган хона эшиги яна очилди ва йигит “шошманг!” дея қичкириб, уни тўхтатди.

– Бу кампир бир неча кун олдин шу ерда дарвоза олдида ўтиргандек эди...

У яқинлашиб боргач, яна бошқа бир йигит бўйнини чўзиб, “у эмасди деяпман-ку!” дея инкор қилди.

– Бу кампир ёш-ку! У кампир жуда қари эди. Сочи ҳам бунақа эмасди... Тиланчи эди-ку!

– Шунда ҳам кўзи ўхшайди-ку! Кўзига қарагин. Кўзи мана шундай эди-ку... Топиб берсак ростдан ҳам беш миллион вон берасизми?

– Топиб беролмасангиз ҳам, кўрганингизни аниқ қилиб айтиб берсангиз мукофот пули бераман.

У йигитларни хонадан ташқарига чақирди. Хона эшигини ёпган кизлар яна эшикни очиб қаради.

– У кампир анави пастдаги ковокхонада туради. Қарилик туфайли акли заифлашганлиги боис чиқармасдан камаб қўйганида билдирмасдан чиқиб, йўлидан адашиб қолганга ўхшайди. Қовокхона хўжайини келиб олиб кетди.

– У кампир эмас, бу кампирни ҳам кўргандим... Оёғининг усти тешилиб, йиринг босиб ётганди. Пашша қўнганидан уларни кўриётганди... Бироқ ис чиқиб тургани ва кир бўлгани учун батафсил қарай олмадим.

– Хўш? Қаерга кетганини ҳам кўрдингизми? – у шошиб йигитдан сўради.

– Йўқ. Мен шунчаки уйга кириб кетдим. Кетимдан кириб келмоқчи бўлганлиги боис дарвозани қаттиқ ёпгандим...

Йигитдан бошқа онасини кўрдим деган одам йўқ эди.

– Ростдан ҳам кўрдим деяпман-ку! – йигит унинг кетидан эргашди. Ундан ҳам олдинга ўтиб, йўлнинг у ёқ-бу ёғини қаради ҳам. У хайрлашаётганда юз минг вонлик битта чекни йигитга берди. Йигитнинг кўзи яраклаб кетди. У йигитга мабодо яна ўша кампирни кўрадиган бўлса маҳкам ушлаб туриб, албатта хабар бергин, деди. Йигит унинг гапига кулоқ солмасдан “ундай бўлса, беш миллион вон берасизми?” деб сўради. У бошини кимирлатди. Йигит яна бир неча варақа беринг деди:

– Мен бу варақаларни ўзим вақтбай ишчи бўлиб ишлайдиган АЁҚШга ёпиштириб қўяман. Агар шу орқали кампирни топадиган бўлсангиз, уни мен топган бўламан. Ўшанда ҳам беш миллион вон берасиз.

У хўп, дея рози бўлди.

Онасига, даҳа идорасининг тунги навбатчилик хонасида уни пардевор олдига ётқизмаслик учун мен девор томонда ётсамгина яхши ухлайман дея жойини алмаштириб ётган она-

сига қаратиб айтилган эски ваъдалар. Онаси яна бу шаҳарга келадиган бўлса, иссиқ хонада ётадиган қиламан деган аҳдлар.

У чўнтагидан сигарет олиб оғзига солди. Унинг кўнгли қачондандир бошлаб ўзиники эмасди. У қайсидир вақтдан бошлаб умуман онасини унутиб яшади. Ойим отам билан бирга метрога чиқа олмасдан нотаниш метро бекатида ёлғиз ўзи қолган ўша лаҳзада мен нима қилгандим? У даҳа идорасига яна бир марта қарагач, орқасига ўтирилиб турди. Мен нима қилган эканман? У бошини қуйи солди. Онасини йўқотиб қўйишидан олдинги кун ҳамкасблари даврасидаги зиёфатнинг охири яхши бўлмади. Сархуш бўлишидан олдин камтар ва интизомли бўлган ҳамкасби Канг бир неча пиёла ичгач, унга “каллеси зўр ишлайдиган одам”, дея пичинг қилди. Компанияда у Инчон шаҳрининг Сонгдо томонидаги, Канг бўлса Ёнгин шаҳри томонидаги кўп хонали уйларнинг тақсимланишига жавобгар эди. Канг унга “каллеси зўр ишлайдиган одам”, дея пичинг қилгани у намунали уйни кўришга келган мижозларга совға сифатида тарқатиш учун тайёрлаб қўйилган ўрта ёшдаги инсонларнинг севимли артистининг концертига бериладиган чиптани кўзлаб айтилган гап эди. Бу унинг фикри эмас, ёзувчи синглисидан чиққан фикр эди. Уйига меҳмон бўлиб келган синглисига хотини ўтган сафар уй тақсимлаш вақтида совға сифатида ишлатилган ваннахона гиламчасидан битта бераётганида синглиси шундай деганди:

– Компаниялар нимага уй бекаларини бундай нарсани яхши кўради деб ўйлашади билмайман.

Шусиз ҳам у совға сифатида нима тайёрласам экан деб ўйлаб юрганди.

– Ундай бўлса, нима совға қилса катта таассурот қолдиради? – деб сўради.

– Нима совға қилса катта таассурот қолдиришини билмадим-у, лекин бундай нарса дарров эсидан чиқиб кетади. Ундан

кўра авторучкага ўхшаш нарсалар яхшироқмасми? Турмуш ўртоғингизга туғилган кунда ошхона жихозини совға қилсангиз яхши кўрармиди? Уй тақсимлаганда совға сифатида оёқ артадиган нарса берса оддий нарса деб ҳисоблайди. Бироқ китоб ёки кинотеатр чиптасига ўхшаш нарсалар бўлса, “о”, дея уни кўздан кечиради. Шу нарсани ишлатиш учун вақт ажратиб, доим эслаб юради. Ёки фақат мен шунақаманми? – деди синглиси.

Синглисининг эсидан чиқдими, хотини берган ваннахонага тўшаладиган гиламчани унутиб қолдириб кетди. Мажлисда совға тўғрисида гап чиққанда унинг маданий совға бериш тақлифига ҳеч ким эътироз билдирмади. Айнан ўша вақтда ўрта ёшдаги одамлар яхши кўрадиган артистнинг концерти бўлаётганди. Ўша концертга чипталар сотиб олинди ва шу сабабли компания директорининг мақтовига сазовор бўлганди. Эҳтимол, директор ҳам яхши кўрадиган артистдир. Сўровномада ҳам компаниянинг нуфузи ошишида совға қилинган концерт чиптаси таъсир қилди деган хулоса чиқди. Совға туфайли шундай бўлмагандир-у, лекин у бошқарган Сонгдо уйларининг деярли ҳаммаси тақсимланган бўлса-да, Канг жавобгар бўлган Ёнгиндаги уйларнинг фақат 60 фоизигина тақсимланди. Тақсимланмасдан қолиш эҳтимоли борлиги Кангни таранг ҳолга келтирган бўлса ажабмас. У шунчаки омадим келган дея қулиб жавоб бериб қўйди-ю, лекин Канг яна бир неча пиёла ичгач, шундай деди:

– Агар шу зўр каллани бошқа ерга ишлатганда эҳтимол, бош прокурор бўлган бўлармидингиз.

Канг айнан бош прокурор деб пичинг отгани у юридик университетни тугатганлиги ва адвокатлик имтиҳонига тайёргарлик кўрганини билиб айтаётган гап эди. Компаниядаги асосий кучлар бўлмиш Ёнсе ҳамда Корё университети битирувчиси ҳам бўлмасдан туриб, қандай қилиб лавозими тез ўсган деган кесатик аралашган гап ҳам эди. Охир-окибат у Канг қуйиб берган ичимликни тўкиб ташлаб, ўрнидан турди.

Ўша куни эрталаб хотини Сеул темирйўл вокзалига ота-она-сини кутиб олишга чиқиш ўрнига Чинни кўришга бориб келишим керак, деганида у поезд етиб келадиган вақтга тўғрилаб кутиб олишга ўзим бораман, деб ўйлади. Отаси яқинда янги уйга кўчган иккинчи ўғлининг уйига боришни хоҳлаганди. Кутиб олгач, укамникига олиб бориб кўяман деб ўйлаганди-ю, бироқ ишга чиққач бадани титраб, боши қаттиқ оғрий бошладди. “Отам ўзим топиб бора оламан деганди-ку...” деб ўйлади ва у Сеул темирйўл вокзалига кутиб олишга чиқиш ўрнига компанияси яқинидаги саунага борди. Кўп ичса доим эртаси куни борадиган саунада у тер чиқариб ўтирган ўша маҳал отаси она-сини қолдириб, ёлғиз ўзи метрога чиққан вақт эди.

\* \* \*

Отасидан кўнгли қолиб уйдан кетган онасини яна қайтариб олиб келиш учун у болалигида прокурор бўлишим керак, деб ўйлаганди. Отаси олиб келган аёлнинг териси оппок бўлиб, упа ҳиди таралганди. Аёл остонадан ўтиб, уйга кириб келиши биланок онаси орқа эшик орқали уйдан чиқиб кетди. Аёл кўнгли совук бўлган, уни овутиш учун ҳар куни мактабга олиб кетадиган тушлик овқати устига тухум ковуриб солиб берди. Аёл кичкина дастурхонга чин кўнгилдан ўраб берган тушлик таомини у кўтариб чиқди ва орқа ҳовлидаги қайла кўзасининг копоғи устига қўйиб, мактабга кетди. Укалари унга билдирмасдан қараб қўйиб, аёл солиб берган тушликни секингина кўлига олиб уйдан чиқди. У мактабга борадиган йўлдаги қабристон олдида укаларини чақириб йиғди. Қабристон олдидаги ерни ковлаб, у ерга тушлик овқатини кўмдирди. Укаси гапга қулоқ солмай тушлик овқатини олиб қочиб кетаётганида ушлаб олиниб акасидан таёк еди. Синглиси акаси буюрганидек у қазиган ерга тушлик овқатини кўмди. У шундай қилсак аёл тушлик овқатини солиб беролмайди деб ўйлади. Бироқ аёл шаҳарчага бориб, янги идиш сотиб олиб келди. Бу ҳам бўл-

са сарик идиш эмас, овқатни совитмасдан бир хил ҳароратда сақлаб турувчи идиш эди. Аёл солиб берган тушлик овқатини мактабга олиб кетмасдан овқат емай оч юрибди деганини бировдан эшитдим, уйдан кетиб қолган онаси уни излаб мактабга келди. Уйига аёлнинг келганига ўн кун бўлган кун эди.

– Ойи.

У тўсатдан йиғлаб юборгани учун онаси уни мактаб орқасидаги тоққа етаклаб борди. Шундан сўнг унинг шимини кўтарди ва кучоғидан хивични чиқариб болдирига урди.

– Нимага овқат емайсан? Овқат емасанг мени хурсанд бўлади деб ўйладингми?

Онаси хивич билан қаттиқ урди. Шусиз ҳам укалари гапига кулоқ солмаганидан ғамгин эди, бунинг устига онасидан таёк егани учун у ўша ҳолатни тушунолмасдан кўнгли ранжиди. Онаси нимага бундай жаҳл қилганини ҳам у билмасди.

– Мактабга тушлик овқатингни олиб келасанми ёки йўқми?

– Олиб келмайман.

– Бу ярамас бола!

Онаси хивич билан янада қаттиқроқ ура бошлади. У онаси толиққанча бир оғиз ҳам оғрийди деган гапни оғзидан чиқармади. Қочиб кетиш у ёқда турсин, ҳатто турган ҳолатини ҳам бузмасдан оғзини маҳкам юмиб, онаси ураётган хивични қабул қилди.

– Энди ҳам олиб келмайсанми?

Болдирининг саваланган жойига қон йиғилди.

– Барибир олиб келмайман, – у ҳам қичқирди. Ниҳоят онаси хивични ташлаб, “эх ярамас-а! Ҳёнг Чол!” дея уни кучоклаб, йиғлаб юборди. Йиғидан тўхтаган онаси энди уни юпата бошлади. Ким пиширмасин овқатни ейишинг керак, деди. Сен яхши овқатланиб юрсанггина онанг камроқ изтироб чекади, деди. Изтироб. Онасидан изтироб чекаман деган гапни биринчи марта эшитаётган эди. У нимага ўзи яхши овқатланиб юрса онаси камроқ изтироб чекишини билмасди. Ўша аёл сабабли

онаси уйидан кетганлиги боис ўша аёл тайёрлаб берган овқатни еса онаси ғамгин бўлса тўғри бўладиганга ўхшарди, лекин онаси бунинг тескарисини гапирди. Ўша аёл пиширган овқат бўлса-да, уни есагина онаси камроқ изтироб чекаркан. У туншунмаган бўлса-да, онасининг изтироб чекишини хоҳламагани учун “хўп, ейман”, дея кўрс гапирди.

– Шундай қилишинг керак, – ёшга тўлган онасининг кўзлари ёришди.

– Лекин сиз албатта уйга қайтиб келаман деб сўз беринг! – у онасидан ваъда беришни сўради. Онасининг кўзлари пир-пиради.

– Уйга қайтиб боришни хоҳламайман.

– Нимага, нимага?

– Отангни бошқа кўришни хоҳламайман.

У бирдан яна йиғлаб юборди. Онаси чиндан ҳам қайтиб келмайдиган одамдек кўринди. Шунинг учун ким пиширишидан қатъи назар овқатни ейиш керак деган кўринади. Ойим умуман уйга қайтиб келмаса керак деб ўйлаб, тўсатдан кўркиб кетди.

– Ойи, ҳаммасини қиламан. Шоли даласидаги ишларни ҳам, полиздаги ишларни ҳам қиламан, ховлини ҳам ўзим супураман, сувни ҳам ташиб бераман. Шолини ҳам мен янчиб бераман, ўтни ҳам ўзим ёқаман. Сичқонларни ҳам ўзим ҳайдайман, хотирлаш маросимида хўрозни ҳам ўзим сўйиб бераман. Шундай экан, қайтиб келинг!

Онаси хотирлаш маросими ёки бошқа байрамларда дастурхонга қўядиган хўрозни сўйиб бер, деб отасидан тортиб уйдаги бошқа эркакларга ялиниб юрарди. Узок вақт ёққан ёмғир ювиб кетган тоғдаги далага бориб, кун бўйи йиқилган ловия пояларини кўтариб тиклаган, ичкиликдан маст бўлган отасини деярли орқалаб олиб келган, чўчқахонадан қочиб чиққан чўчқанинг орқасига таёқ билан уриб, яна чўчқахонага киритиб қўйган онасининг қила олмайдиган иши бу – тирик хўрозни

сўйиш эди. У ариқдан товонбалиқ ушлаб келганида онаси тирик балиққа кўлини ҳам теккиза олмаганди. “Сичқон ушлаш куни” бўлганда чиндан ҳам ушлаганлигини аниқлаштириш учун мактаб мутасаддилари сичқоннинг думини кесиб олиб келишни буюрганди. Бошқа болаларнинг онаси сичқонни ушлагач, думини кесиб, қоғозга ўраб берса-да, унинг онаси шу гапни эшитиши билан “э-э-э”, дея баданини титратди. Гавдаси катта бўлган онаси сичқонни ушлаш тугул ҳатто омборхонага гуруч олишга бораётиб сичқонни кўриб колса “ойи!” дея югуриб чиқарди. Омборхонадан чўчиб югуриб чиқаётган, юзлари қизарган онангга амманг “бу қанақаси!” дея доим ёқимсиз қарарди. Хўрозни сўйиб бераман, сичқонларни ҳайдайман деса ҳам онаси уйга қайтиб келаман деган гапни айтмади.

– Мен катта одам бўламан.

– Ким бўлмокчисан?

– Прокурор!

Онасининг кўзлари чараклаб кетди.

– Прокурор бўлишинг учун кўп ўқишинг керак бўлади. Сен ўйлаганингдан ҳам анча кўп ўқишинг керак. Мен билган одамларнинг орасида прокурор бўлиш мақсадида куну тун ўқиса ҳам ниятига эриша олмаганидан ақлдан озган киши ҳам бор.

– Ойи, сиз қайтиб келадиган бўлсангиз, мен албатта прокурор бўламан...

Онаси безовта бўлаётган унинг кўзларига жим қаради. Шундан кейин жилмайди.

– Тўғри, сен прокурор бўла оласан. Сен туғилганингга юз кун ҳам бўлмасдан менга ойи дегандинг. Ўқишни ўргатмаган бўлсак-да, мактабга боришинг биланок китоб ўқиб, энг аълочи ўқувчи бўлгандинг. Сен шу уйда бўлсанг-у мен нимага уйдан кетаман... Мен нимага шу нарсани ўйламабман. Сен ўша ердасан-ку!

Онаси хивич билан саваланганлиги сабабли қон йиғилган унинг болдирига бир оз вақт қараб туриб, уни орқаламокчи бў-

либ ўгирилиб ўтирди. У паришон онасининг орқасига қаради. Онаси бошини бурди.

– Дарров оркамга осил, уйга борамиз...

Онаси тўғри уйига кириб келди ва аёлни ошхонадан итариб чиқариб, овқат пиширди. Аёл билан отанг қишлоқда бошқа уй топиб яшай бошлаганида онанг енг шимариб ўша уйга югуриб бориб, аёл ювиб ўчоққа қўйган гуруч қозонни олиб ариқдаги сувга ташлаб юборганди. Онаси уйга қайтиб келиши учун, унга берган ваъдасида туриш учун уришқоқ бўлишга қарор қилганга ўхшади. Онасининг аралашувига чидай олмаган отаси аёл билан бирга қишлоқдан кетганида онаси уни чақириб тиззасига ўтирғизди. Ҳатто ойим ҳам уйдан кетиб қоладими деб кўркиб турган унга онаси совуққон овозда “бугун қанча ўкидинг?” деб сўради. У аъло баҳо олган имтиҳон қоғозини узатиши билан онасининг маъюс кўзига куч-қувват қайтди. Ҳамма имтиҳон саволларига қизил қаламда айланалар чизилганини кўрган онаси уни бағрига босди.

– Эҳ, болажоним!

Отаси йўқ бўлган вақт мобайнида онаси уни ўз ҳимоясига олди. Отасининг велосипедини ҳайдашга рухсат берди. Отаси тўшаган тўшакни унга берди ва отаси ёпган кўрпани унинг устига ёпди. Отаси ишлатган катта косага димланган гуруч солиб берарди. Шўрва сузадиган бўлса, биринчи бўлиб унинг олдига қўярди. Укалари овқат емоқчи бўлса, “аканг ҳали қошиғини ушлагани йўқ-ку!” дея танбех берарди. Узум тўлдирилган каучук челақни бошига қўйиб келган мева сотувчига ҳовлига ёйиб қўйган кунжутдан ярим коса бериб, узум билан алмаштирарди ва буни аканг ейди деб алоҳида олиб қўярди. Ва ҳар сафар онаси унга “сен албатта прокурор бўлишинг керак”, деб эслатарди.

У онасини уйда ушлаб қолиш учун албатта прокурор бўлишим керак деб ўйлади.

Ўша йили кузда онаси отаси йўқ бўлган уйда ёлғиз ўзи шолини ўриб, бошоғидан донини шилиб олди ва қуритди. У ёрдамлашмоқчи бўлса, сен ўқигин, дея уни стол олдига ўтирғизарди. Онаси тоғ бағридаги полиздан бататни ковлаб олиш учун унинг укаларини олиб кетаётиб ҳам уни стол олдига ўтирғизди. Батат ковлаб олишга кетган улар кун ботгандагина аравачага бататни тўлдириб юклаб, қайтиб келарди. Ўзи ҳам ўқишни хоҳлаганига қарамасдан онаси томонидан батат ковлашга олиб кетилган иккинчи фарзанд қудуққа суянганча тирноғига кириб қолган тупроқни юваётиб онасига қаршилик қилди:

– Ойи, нима фақат акам керакми?

– Ҳа! Фақат аканг керак! – онаси ўйлаб ҳам ўтирмасдан иккинчи ўғлининг бошига урди.

– Ундай бўлса, бизлар керак эмасмизми?

– Ҳа, керак эмас.

– Ундай бўлса, биз отамизни излаб борамиз!

– Нима?

Онаси иккинчи ўғлининг бошига яна бир марта урмоқчи бўлиб кўлини кўтарди.

– Ҳа! Сен ҳам кераксан! Сенлар ҳамманг кераксан! Бизлар ҳаммамиз керакмиз! Бу ёққа келинглار.

Шундагина қудуқ бўйидан қаҳ-қаҳ отган кулги овози эшитилди. Хона ичкарасида стол олдида ўтирган ҳолда қудуқ бўйидан келаётган оила аъзоларининг овозини эшитиб у ҳам кулди.

Қайсидир кундан бошлаб онаси тун бўлса ҳам дарвозани қулфламади. Яна қайсидир кундан бошлаб тонгда димланган гуруч солаётганида отасининг идишига ҳам солиб, устини ёпиб иссиқ жойга кўярди. Отаси йўқ бўлган вақт мобайнида у янада кунт билан ўқиди. Онаси унинг шоли ишларини қилишда ҳам, полиз ишларини қилишда ҳам ёрдамлашишини истамасди. Ҳовлида ёйиб кўйган қалампирни ёмғирда қолдирибсизлар дея қолган болаларини қойиётиб ҳам у стол олдида

ўтириб дарс қилаётгандек бўлса овозини пасайтирарди. У овоз чиқариб китоб ўқиётган бўлса, ҳорғинлик ва ташвиш сабабли буришиб қолган онасининг юзи упа суртилгандек ёришиб кетарди. Онаси у ўқиб ўтирган хонанинг эшигини секин очиб қарагач, яна секин ёпарди. Қайнатилган батат ёки пишган хурмога ўхшаш нарсаларни овоз чиқармасдан хона ичкарасига қўйиб, яна секин эшикни ёпарди. Ўша йили қишда қор супагача кириб турган куни отаси онаси очиб қўйган дарвозадан кириб келди ва “ҳм”, дея овоз чиқариб, қор ёпишган оёқ кийимини супага “тақ-тақ” қокқандан кейин хона эшигини очди. Кун совуқ бўлганлиги боис ҳамма бир хонага йиғилиб ётган вақт эди. Отаси унинг ва ухлаб ётган ака-укаларининг пешанасини бирма-бир ушлаб қараётганини у кўзларини ярим очиб кўрди. Онаси иссиқ жойга ўраб қўйган димланган гуручни стол устига қўйганини ҳам. Перилла ёғи суртилган дудланган денгиз ўтини чиқариб гуруч идиши ёнига қўйганини ҳам. Ёзда чиқиб кетиб, қишда кириб келган отасини худди эрталаб чиқиб кетиб, тунда кириб келган одамни қарши олгандек онаси ҳеч нима демасдан гуруч пиширилган қозонда қайнатилган гуручли сувдан сузиб олдига қўйганини ҳам.

У университетни тугатиб ҳозир ишлаётган компаниясининг кириш имтиҳонидан муваффақиятли ўтганида онаси хурсанд бўлмади. Қишлоқ одамлари Ҳёнг Чол мамлакатдаги бармоқ билан саналадиган энг йирик компаниялардан бирида ишлайдиган бўлибди, дея табриклашганида ҳам онаси хурсанд бўлмади. Биринчи маошидан онасига кийим сотиб олиб келганида онаси худди бақиргандек гапирди:

– Сен орзу қилган касб нима бўлди?

У совуққон онасига шу компанияда ғайрат билан ишлаб, икки йил давомида пул йикқач ўша пул билан яна қайтадан ўқийман, деди.

Ўша вақтдаги ёш онаси уни эркак сифатида, бир инсон сифатида қарор қила оладиган даражага етказган зот эди.

Онаси унга жиддий равишда “кечир”, деб айта бошлагани ўрта мактабни тугатган синглисини унинг ёнига олиб борган вақтдан бошланганди. У пул йиғишидан ҳам олдин, адвокатлик имтиҳонига яна уруниб кўришидан ҳам олдин, қишлоқдаги синглисини шаҳардаги унинг ёнига олиб борган онаси унинг кўзига тўғри қарай олмади.

– Қиз бола бўлгани учун... У мактабни давом қилдириши кераклиги боис. Хуллас, уни шу ердаги мактабда ўқийдиган қилгин. Унинг менга ўхшаб яшашига қараб туролмайман.

Сеул темирйўл вокзалидаги соатли минора олдида учрашиб, ўн бешга тўлган синглисини йигирма тўрт ёшга тўлган унинг қўлига топшириб, яна қайтиб кетмокчи бўлаётган онаси гуруч солинган шўрва ейлик, деди. Онаси гуруч солинган шўрва ичидаги гўштларни олиб, ҳадеб унинг идишига солди. У ҳаммасини ея олмайман, ўзингиз енг деса ҳам, онаси ҳадеб ўзининг идишидаги гўштларни яна унинг идишига ўтказарди. Гуруч солинган шўрва ейлик деб онаси бир қошиқ ҳам оғзига солмади.

– Емайсизми?

У сўраши билан “йўк, ейман...”, деб ҳам онаси тинмасдан унинг идишига гўштларни солганди.

– Лекин сен... Сен нима киласан? – онаси гуруч ёпишган қошиқни қўйди. – Ойингнинг гуноҳи кўп. Мени кечир, Хёнг Чол.

Онаси уйига қайтиб кетадиган поездга миниш учун Сеул темирйўл вокзалида тирноқлари жуда калта қилиб қирқилган кадок қўлларини бўм-бўш чўнтагига солиб, кўзлари ёшга тўлган ҳолда турарди. У ҳам ўша вақтдаги онасининг кўзларини сигирнинг кўзларига ўхшайди, деб ўйлаганди.

У Сеул темирўл вокзалидаги синглисига телефон қилди. Қош қораяётган маҳал эди. Синглиси унинг овозини эшитиб жим турганди. Аввал унинг нимадир дейишини кутаётганга ўхшарди. Варақага ҳамма ака-укаларининг қўл телефони ёзиб қўйилган бўлса-да, шу вақт мобайнида факат синглисига кўп кўнғирок бўлганди. Кўпчилиги ўринсиз маълумотлар эди. Қайсидир одам мен ҳозир ўша кампирни ўзим билан олиб ўтирибман, деди. Бу ер, дея ўтирган жойини ҳам батафсил тушунтириб берди. Синглиси шошиб таксига ўтириб бориб кўрса, излаб келинг деган пиёдалар кўприги остида онасидан жинси ҳам фарқ қиладиган маст ёш йигит жуда кўп ичганидан биров кўтариб кетса ҳам билмайдиган даражада хуррак отиб йиқилиб ётганди.

– Тополмадим.

Синглиси тутиб турган нафасини чиқарган товуш унга эшитилди.

– Ҳали ўша ерда бўласанми?

– Яна бир оз вақт бўламан... Варақани тарқатиб бўлмадим.

– Мен ўша ерга бораман. Кечки овқатни бирга еймиз.

– Овқат егим келмаяпти.

– Унда шароб ичармиз.

– Шароб?

Синглиси бир фурсат сукут саклаб, кейин оғзини очди.

– Бир кўнғирок бўлди. Ёкчон-донг даҳаси Собу бозори олдидаги Собу дорихонаси фармацевти экан. Ўғли олиб келган варақани кўрибди. Икки кун олдинми, Ёкчон-донг даҳасида ойимизга ўхшаш одамни кўргандек бўлибди... Бироқ кўк шиппак кийган эди, деди. Жуда кўп юрганми, оёғининг усти тешилиб, тирноғига йиринг ёйилиб кетганлиги боис дори суртиб бердим дейди...

– Кўк шиппак? – у қўл телефонини кулоғидан олди.

– Ака!

У яна телефонни кулоғига теккизди.

– Ўша ерга бориб кўрмоқчиман, ака, сиз ҳам бирга борасизми?

– Ёкчон-донг даҳаси дейдими? Собу бозори бўлса, аввал биз яшаган жойдаги ўша бозорми?

– Ҳм.

– Тушундим.

У уйига боришни хоҳламади. Синглиси билан учрашганда ҳам айтадиган муҳим гапи йўқ эди. Фақат у уйга боришни ис-тамаганлиги боис синглисига телефон қилганди. Ёкчон-донг даҳаси дейдими? У таксига қараб кўлини кўтарди. Тушуниб бўлмайдиган иш эди. Шу вақт мобайнида онасини кўрган-дек эдим деб телефон қилганлар орасида онасига ўхшаш кўк шиппак кийган одамни кўрдим деганлар талайгина эди. Ажаб-ланарлиси шунда эди-ки, уларнинг ҳаммаси аввал у яшаган ҳудуд номини айтарди. Ўша жойда онангизни кўргандек эдим дейишди: Кебонг-донг, Терим-донг, Оксу-донг, Тонгсунг-донг даҳасидаги Наксан кўп хонали уй олдида, Сую-донг, Шингил-донг, Чонгнинг. Излаб борса, улар ўша аёлни тўрт кун ёки бир ҳафта олдин кўрдик дейишди. Онасининг йўқолишидан бир ой олдин кўрдим деган одам ҳам бўлди. Ҳар сафар у ёлғиз ўзи ёки укалари, баъзида отаси билан ўша ҳудудларга бориб кўрди. Улар кўрган бўлса-да, у кўк шиппак кийган онасига ўхшаш одамни ҳеч қаердан топа олмади. Уларнинг гапини эшитиб, ҳар эҳтимолга қарши дея ўша ҳудуднинг симёғочига, истироҳат боғидаги дарахтларга, жамоат телефон будкаси ичига варақа ёпиштириб қайтиб келарди. Илгари яшаган эски уйнинг олдидан ўтаётганида у тўхтаб, энди бошқа одамлар яшаётган ўша уйнинг ичкарисига мўралаб қарарди. Қайси уйда яшамасин, онаси шаҳардаги унинг уйига ёлғиз ўзи келиб кўрмаганди. Оила аъзолари орасидан кимдир Сеул темирйўл вокзалига ёки экспресс автобуслар вокзалига кутиб олишга чиқиб, онасини олиб келарди. Онаси бу шаҳарга келса, кимдир бошқа жойга

олиб бормагунча ҳеч қаерга бормасди. Укасиникига борганида укаси, синглисиникига борганида синглиси олиб кетарди. Ҳеч ким оғзидан чиқармасди-ю, лекин ичидан у ва унинг оила аъзолари онасини ёлғиз ўзи бу шаҳарда ҳеч қаерга боролмайдиган деб ҳисоблашарди. Шунинг учун ҳам онаси Сеулга келса, кимдир албатта онасининг ёнида бўларди. Онасини топиш учун газетага эълон бериб, варақа тарқатиб, интернетда эълон бергандан кейин у англаб етган нарса шу эдики, у бу шаҳарда кўчиб яшаган ҳудуд ўн иккита экан. У белини ёзиб, бошини оркасига чўзди. Ёкчон-донг даҳаси у бу шаҳарда илк марта ўз номига уй олган ҳудуд эди.

– Бир неча кундан кейин Чусок байрами...

Синглиси Ёкчон-донг даҳасига бораётган такси ичида тирноғини ишқалади. У ҳам ўша нарсани ўйлаётганди. У “ҳм”, дея овоз чиқариб, пешанасини тириштирди. Чусок байрами бир неча кун давом қиларди. Ҳар йили Чусок байрами яқинлашганда бу йил айниқса чет элга саёҳатга кетаётганлар кўп деган хабар янгиликлар дастурларида чиқадиган бўлиб қолганди. Бир неча йил олдин байрамда саёҳатга кетишга танқидий қарашлар бўларди-ю, эндиликда очикчасига “аждодларим, саёҳатга яхши бориб келаман”, дея аэропортга кетишади. Бир вақтлари маҳаллий дам олиш масканига йиғилиб, аجدодларни хотирлаймиз деса, аجدодлар қанақа қилиб дам олиш масканини топиб келади дерди-ю, энди бўлса, бутунлай самолётга миниб кетишаётган эди. Эрталаб газета ўқиётган хотини “Чусок байрамида чет элга жўнаб кетаётган одамлар сони бир миллиондан ошиши кутилаётганмиш”, дея янги хабардек гапирди.

– Бизнинг мамлакатимиз одамларида пул кўп экан-да, – дея у жавоб берди.

Шунда хотини мана шундай деб мингиллади:

– Бора олмаган одамлар тентак-да.

Отаси уларга жим қараб ўтирди.

– Бошқа уйларнинг болалари Чусок байрамида чет элга саёхатга бораётгани учун болаларимиз бизлар ҳам бир марта бориб келсак яхши бўларди дейишяпти, – деди хотини. У эшитгиси келмай хотинига ёмон кўз билан тикилиб караши билан хотини шундай деди:

– Ахир, болалар бундай нарсаларга таъсирчан бўлади-ку...

Отаси столдан туриб хонага кириб кетди.

– Сен ақлдан оздингми? Ҳозир шу гапни айтадиган вақтми? – у гапни тўхтатмоқчи бўлиб шундай дейиши билан хотини жавоб қайтарди:

– Болалар шундай деяпти, дедим-ку, нима мен айтдим дедимми? Нима, болалар айтган гапни ҳам етказа олмайманми? Сиқилиб ўламан. Умуман гапирмасдан яшайми? – бу сафар хотини столдан биринчи бўлиб турди.

– Хотирлаш маросимини қилишимиз керак эмасми? – дея сўради синглиси.

– Сен қачон хотирлаш маросими ҳақида қайғургандинг? Байрам вақтида уйда қорангни ҳам кўрсатмасдан нимага тўсатдан Чусокни эслаб қолдинг?

– Мен нотўғри қилдим. Ундай қилмаслигим керак эди.

У синглиси тирноғини ишқалашни тўхтатиб, икки кўлини устки кийимининг чўнтагига солганини кўрди. Унинг олдида асабийлашганида синглиси қиладиган одат эди. “Чик”. У тилини тикиллатди. Ҳали ҳам ўша қилиғини тўғриламабди.

Улар бирга яшашганида, бир хонада укаси билан учаласи ухлашга тўғри келган вақтда, синглиси девор томонда, у ўртада, укаси эса бошқа девор томонда ётиб ухлашарди. Ухлаётганида юзига биров урганидан кўркиб кетиб кўзини очиб қараса, укасининг кўли унинг юзида турган бўларди. Секин кўлини тушириб қўйиб яна ухлай бошласа, бу сафар синглисининг кўли унинг кўкрагига уриларди. Қишлоқдаги кенг хонада

ўзи хоҳлаганча думалаб ётиб ўрганган эди. Бир сафар у кўзига урганидан чинқирди. Ухлаб ётган укаси ва синглиси унинг чинкириғини эшитиб уйғонди.

– Эй! Сен! Сен!

Ҳолатни кеч тушуниб етган синглиси нима киларини билмасдан тезда кўлини чўнтакка тикди.

– Сен агар шундай қилаверадиган бўлсанг уйга кет!

Ўша вақтда шу гапни айтмаслик керакмиди? У бошини буриб синглисига қаради. У шундай дегани учун синглиси эртаси кунни чиндан ҳам уйига кетганди. Нарсаларини ҳам олиб кетганди. Онаси яна синглисини олиб келди. Синглисига унинг олдида тиз чўкиб, хато қилдим дея кечирим сўра, деди. Синглиси оғзини маҳкам юмди.

– Кечирим сўра деяпман!

Онаси яна гапирса ҳам синглиси умуман кимир этмади. Синглиси гапга кулоқ соладиган қиздек кўринса-да, бир марта қайсарлик қилиб туриб оладиган бўлса, ҳеч ким гапга кўндира олмасди. Ўрта мактабдалигимиди, бошланғич мактаб ўқувчиси бўлган синглисига ювмайман деган спорт оёқ кийимини мажбурлаб ювишга топширганди. Одатда кулоқ солиб индамасдан тоза қилиб ювиб берадиган спорт оёқ кийими эди. Лекин ўша кунни аччиқлангандек ҳарсиллаб янги спорт оёқ кийимини ариққа олиб бориб сувга отди. Сувда оқиб кетаётган спорт оёқ кийимини топиш учун ариқнинг охиригача сув оқимининг кетидан югуришга мажбур бўлган ўша кунлар. Вакт ўтиб, бу энди ака-сингил ўзаро эслайдиган хотирага айланди. Лойка сув ёпишиб кўм-кўк рангга ўзгарган спорт оёқ кийимини, у ҳам бўлса бир пойини олиб қайтиб келишга тўғри келган ўша вақтда у ҳам жаҳли чиқиб, дарҳол онасига айтиб берганди. Онаси бундай ярамас хулқ-атворни каердан ўргандинг дея косовни кўлига олса ҳам синглиси хато қилдим, деб кечирим сўрагани йўқ. Аксинча, онасига аччиғи келганди:

– Қилмайман дедим-ку! Қилмайман деб айтгандим деяпман! Мен ўзим хоҳламаган нарсани қилмайман!

– Кечирим сўра дедим-а? Бу ерда катта аканг сенга ота-она ҳисобланади дегандим-ку! Катта аканг бир оз койиди деб нарсаларингни йиғиштириб чикиб кетадиган одатингни ҳозир тўғриламасанг, сен бир умр тўғрилай олмайсан. Турмушга чиққанингда ҳам озгина кўнглингга ёқмаса нарсаларингни йиғиштириб кетаверасанми?

Онаси ундан узр сўра деган сари синглисининг икки қўли чўнтагига чуқурроқ кирарди.

– Энди бу бола ҳам менинг гапимга кулок солмайдиган бўлдимми? Эга бўлган нарсаси, ўрганган нарсаси йўқ бўлган она дея бу бола ҳам мени менсимайдими?.. – қайтанга ғамга ботган онаси хўрсиниб кўзига ёш олди. Секин бошланган онасининг ҳасрати куюк кўз ёши томчисига айлангандагина синглиси “унақа эмас, ойи!” дея оғзини очди. Йиғисини тўхтатмаган онасини овутиш учун синглиси иложсиз “кечирим сўрайман, сўрасам бўлдимми?” дея шундагина чўнтагидан қўлини чиқариб, ундан узр сўради. Шундан кейин синглиси ухлаганида қўлини чўнтагига солиб ухларди. У овозини сал кўтарса ҳам дарров қўлини чўнтагига соларди.

Шундай бўлган синглиси онасини йўқотиб қўйгандан кейин биров бир нимага озгина танбех берса ҳам “мен нотўғри қилдим, ундай қилмаслигим керак эди”, дея паст овозда тан оларди.

– Уйда ойнани ким артади? – деб сўради синглиси.

– Нима деганинг бу?

– Мана шу вақтда телефон қилсам ойим ойнани артаётган бўларди.

– Ойна?

– Қийналиб ойнани нимага артасиз десам, Чусок бўлгани учун оила аъзолари келганда ойна кир турса бўладими, дерди.

Унинг кўз олдидан қишлоқдаги кўп сонли ойналар ўтди. Бир неча йил олдин янгидан қурилган уйда эски уйдан фарқли равишда фақат эшикда эмас, айвондан тортиб ҳамма хоналар-гача дераза ойнаси ўрнатилган эди.

– Одам чақиртириб арттиринг десам, бундай қишлоққа ким ойна артишга келади, дерди.

Синглиси чуқур хўрсиниб такси ойнасига кўлини чўзиб ишқалади. Ойим мана шу вақтда ойнани артганмикин?

– Болалигимизда Чусок пайтида ойна эмас, уйнинг эшикларининг ҳаммасини жойидан чиқариб олишларини эслай ола-сизми?

– Эслайман.

– Эслайсизми?

– Эслайман деяпман-ку!

– Ёлғон!

– Нимага ёлғон деб ўйлайсан? Эслайман. Эшикка заранг дарахти баргини ёпиштириб қўярди-ку. Аммамиздан гап эши-тишига қарамасдан.

– Ростдан ҳам эсларкансиз. Ўша заранг дарахти баргларини олиб келиш учун аммамнинг уйига борганимизни ҳам эслай-сизми?

– Эслайман.

Янги уйни қуришдан олдин онаси Чусок арафасида қуёшли кунларнинг бирида уйдаги эшикларнинг ҳаммасини жойидан қўчириб оларди. Эшикларни сув билан яхшилаб ювиб, қуёшда қу-ритгандан кейин елим тайёрлаб янги қоғоз ёпишгитарди. Эшиги кўп уй бўлганлиги боис жойидан қўчириб олинган эшиклар де-ворга қатор қилиб суяб қўйилганча қуритилаётганини кўрса, ҳа, Чусок байрами келаётган экан-да, деб ҳисоблашарди.

У “ҳм-ҳм”, дея ўринсиз томоғини кирди.

Уйда эркаклар ҳам кўплигига қарамасдан нимага онаси эшикка қоғоз ёпиштирганда ёрдам берадиган одам бўлмаган

экан? Синглиси ҳам суюқ елим солинган челакка бармоғини сукиб ўйнаганга ўхшайди. Онаси бир ўзи чўткани олиб, худди расм чизаётгандек қоғозга елим суртгач, тоза эшикка қоғозни осонгина ёпиштирарди. Тана ҳаракатлари енгил ва тетик бўлиб кўринарди. Ўша вақтдаги онасининг ёшидан анча ошган ҳозирги у ҳам қилишни истамайдиган ишларни онаси худди бармоғини букадиган оддий ишдек кўз очиб юмгунча қилиб бўларди. Бир ўзи янги қоғозни ёпиштираётган вақтда онасининг романтик кайфияти уйғонган фурсатлар бўларди. Қайсидир фурсатда чўткани ушлаган онасидан елимни қориштириб ўйнаб юрган синглиси ёки у ёрдам берайликми деб сўрашса, заранг дарахти баргини териб келинглари, дерди. Уйда хурмо, олхўри, ююба каби турли хил дарахтлар бўлса-да, онаси уйда йўқ бўлган заранг дарахти баргини олиб кел, дерди. Онаси айтган заранг баргини териш учун дарвозадан чиққач, тор кўчадан ва ариқдан ўтиб, янги қурилган катта йўлга ҳам чиққанча аммасининг уйигача борганди. Заранг баргини териб юрган ундан аммаси сўради:

– Уни нима қиласан? Ойинг буюрдими? Эҳ, ойинг буникандай романтика деб билади? Қиш ўртасида заранг барги ёпиштирилган эшикни очсанг баттар совуқ бўлади, ундай қилма десам ҳам яна ёпиштирмоқчи экан-да!

У икки кўлини тўлдириб заранг баргини териб олиб борса, онаси барча эшикларнинг нақ тутқичи ёнига текис ва чиройли иккита баргни бир-бирига қаратиб ёзгач, устидан қоғоз ёпиштирарди. Эшикни очганда қўл тегиб йиртилмаслиги учун яна бир қоғозни устига ёпиштирарди. Унинг хонасининг эшигига бошқа эшикларга қараганда учта кўп, жами бешта қоғозни гулдек қилиб ёйиб ёпиштиргач, чин кўнгилдан кафти билан маҳкам босиб, “сенга ёқдими”, деб сўрарди. Ёш бола беш бармоғини ёзиб турганга ўхшарди. Аммаси нима деса ҳам унинг кўзига чиройли кўринарди. У зўр дейиши билан онасининг юзига табассум югурарди. Ёз

давомида очиб ёпилавериши оқибатида тешик пайдо бўлган ёки ёпиштирилган қоғози йиртилган эшикни шундайлигича қўйиб, байрамни кутиб олишни хуш кўрмайдиган онаси учун эшикка янги қоғоз ёпиштириш бу кузнинг ва Чусок байрамининг бошланиши эди. Ёз ўтиб, ҳаво салқинлаганлиги боис оила аъзоларини шамоллаб қолишдан сақлаш мақсади ҳам бўлган бўлса ажабмас. Шу нарса ўша даврда онаси роҳатланган энг буюк романтика эди.

У ўзи ҳам билмаган ҳолда синглисига ўхшаб шимининг чўнтагига кўлини сукди. Эшик туткичи ёнига ёпиштирилган заранг барги Чусок байрами ўтиб, қиш келиб оппок қор ёққанда ҳам, эрта баҳор келиб, янги заранг барги куртак ёзганда ҳам ўша жойда оила аъзолари билан бирга бўларди.

Онасининг йўқолиши у бутунлай унутиб юбордим деб ўйлаган барча хотираларни эсига солди. Ўша эшиккача бўлган нарсаларни ҳам.

Ёкчон-донг даҳаси ҳам аввалги Ёкчон-донг эмас. У ушбу шаҳарда илк бора ўз номидаги уйга эга бўлган вақтда тор кўчалар ва паст уйлардан иборат даҳа эди-ю, энди бўлса кўп қаватли баланд уйлар ва кийим-кечак дўконлари қатор чўзилиб турарди. Ўша вақтда Ёкчон-донг даҳасининг марказида жойлашган Собу бозорини топа олмай у ва синглиси кўп хонали уйнинг олди ва орқасига икки марта бориб келишди ва ниҳоят ўтиб кетаётган ўқувчи қиздан Собу бозори қаерда деб сўрашга тўғри келди. Ўқувчи қиз анави томонга борсангиз чиқади деб айтган тараф улар излаб юрган жойнинг тескари томонида эди. У ҳар куни ўтиб кетаётганида қараган жамоат телефон будкаси ўрнида катта савдо мажмуаси турганди. Хотини эндигина туғилган қизи катта бўлса кийдираман дея свитер тўқишни ўрганишга қатнаган жун ип сотадиган дўкон кўзга кўринмади.

– Анави ер бўлса керак, ака!

Илгари катта йўл бўйида жойлашганди деб эслаган Собу бозори янги пайдо бўлган йўл орасида қолиб, бозор номи ёзилган ёзув тахтаси яхши кўринмади.

– Собу бозори олдида деганди.

Синглиси аввал бозорга кириш томонга югуриб бораётганди, кейин у турган томонга ўтирилиб дўконларни кўздан кечирди.

– Анави ерда экан!

Синглиси кўрсатган томонга қайрилиб қараганида ошхона ва интернет-кафе орасида Собу дорихонаси деб ёзилган ёзув тахтаси кўринди. Кўзойнак таккан эллик беш ёшлардаги фармацевт дорихонага кириб келаётган унга ва синглисига қаради.

– Ўғлингиз олиб келган варақани кўриб телефон қилгандингиз-а? – синглиси шундай деб сўраши билан фармацевт кўзойнагини ечди.

– Онангиз қандай йўқолиб қолди?

Онаси йўқолиб қолгандан то ҳозирги вақтгача одамлардан эшитган гап орасида эшитишга энг ноқулай гап эди. Онаси қандай йўқолганини айтишни эмас, йўқолган онасини топишни мақсад қилган улардан одамлар ҳар сафар онангиз қандай йўқолиб қолди, деб сўрарди. Ўша саволга қизиқиш ва танбех аралашган эди. Аввалига батафсил “Сеул темирйўл вокзалида, метро бекатида...”, дея тушунтириб берган улар эндиликда шундай бўлиб қолди дегандан кейин оғзини юмарди. Ва ғамгин кўриниш қиларди. Шундагина қандай йўқолиб қолди деган саволдан қутулса бўларди.

– Мабодо акли сустмасмиди?

Синглиси жавоб бермади, у йўқ, деб инкор қилди.

– Онангизни топиш ниятингиз бўлса, нимага бунақасиз? Телефон қилганим қачон эди-ю, энди келяпсизми?

Фармацевт худди эртарок келганида онаси билан учрашиши мумкин эди-ю, улар кеч келгани учун онаси бошқа жойга кетиб қолгандек қилиб гапирди.

– Қачон кўргандингиз? Ойимга ўхшармиди?

Синглиси варақани узатиб онасини кўрсатганида фармацевт олти кун олдин кўрдим, деди. Дорихона жойлашган бинонинг учинчи қаватида яшайдиган ўша фармацевт тонгда дорихона эшигини очмоқчи бўлиб тушиб келганида ён бинодаги ошхонанинг ахлат челаги ёнида кекса аёл ухлаб ётган экан. Кўк шилпакда эди, деди. Жуда кўп юрганми, оёғи бош бармоғи ёнидан чуқур тешилган бўлиб, суяги кўринарди, деди. Яра йиринглаб ёрилганидан қўл теккизиб бўлмайдиган даражада эди, деди.

– Мен фармацевт бўлганим учун ўша ярани кўргач, шунчаки қолдира олмасдим. Биринчи бўлиб ярани дезинфекция қилиш кераклиги боис дорихонага кириб, дезинфекция воситаси ва момик пахта олиб келсам уйқудан турган экан. Нотанишлигимга қарамасдан оёғини ушласам ҳам ҳолсиз жим ўтирди. Шу даражадаги яра бўлса дезинфекциялаган вақтда чинқирит керак эди-ю, ҳеч қандай таъсир кўрсатмагани учун мен ҳайрон қолдим. Ис ҳам жуда ёмон эди. Неча марта дезинфекция қилганимни ҳам билмайман. Дезинфекцияни тугатиб, дори суртдим, пластырь тўғри келмайдиганлиги сабабли бинт билан ўрадим. Нима бўлганда ҳам кимдир ҳимоя қилиш керакка ўхшагани боис полицияга хабар бериш учун ичкарига кирдим ва телефон қилаётиб, мабодо биладиган одамнингиз борми деб сўраш учун яна чиққанимда қорни оч бўлганми, ахлат челаққа ташланган кимпап<sup>1</sup>ни олиб еяётган экан. Ўзим овқат бераман, уни ташланг десам ҳам ташламагани учун мен кўлидан тортиб олиб ташладим. Ташланг десам ҳам ташламагани, кўлидан тортиб олгандим, яна жим турди. Аввал дорихонага кириб, дедим. Гапни тушунмайдими, шунда ҳам жим турди. Қулоғи гарангмиди?

Синглиси жим турди, у йўқ, деб яна инкор қилди.

– Қаерда яшайсиз? Биладиган одамнингиз борми? Телефон рақамини берсангиз кўнғирок қилиб бераман деб, ҳар хил

---

<sup>1</sup> Ким, яъни дудланган денгиз ўтига димланган гуруч ва турли хил салатлар қўйиб ўраб тайёрланадиган корейс таоми.

гапларни айтиб кўрсам ҳам шунчаки кўзини юмиб-очиб жим тураверди... Бўлмайдиган кўринади деб дорихонага кирдим ва полицияга телефон қилгандан кейин чиқиб қарасам йўқ, экан. Ғалати. Телефонда гаплашганимга унча вақт бўлмаганди-ю, шу орада ғойиб бўлди.

– Ойимиз кўк шиппакда эмасди. Оч жигарранг сандал кийган эди. Аник кўк шиппакдамиди?

– Шунақа. Мовий ранг кўйлак кийган эди, устидан кийган нарсаси оқ рангмиди, сарикмиди, жуда кирлигидан ажратиб бўлмасди. Юбкаси ҳам кир босганидан оқ рангдан оч жигар-рангга айланганми билмайман-у, қат-қат бурмали юбка эди. Болдири пашшага таланганидан соғ жойи йўқдек ҳамма ери қон эди.

Кўк шиппакни ҳисобга олмаганда йўқолган онасининг кийиниши тасвирланганди.

– Бу ердаги суратда ойимиз ҳанбоқ либосида-ку. Соч турмаги ҳам бутунлай бошқача... Йўқолган вақтдаги кўриниши эмас, чиройли қилиб оро бериб туширилган сурат. Ўша одамнинг киёфасини кўриб қандай қилиб бизнинг ойимиз деб ўйладингиз? – фармацевт кўрган одамнинг кўриниши жуда қайғули бўлганлиги боисми, унинг синглиси ўша одам ойиси эмаслигини хоҳлаётгандек нигоҳда эди.

– Мана шу одам эди. Кўзи бир хил эди. Мен ёшлигимда мол боқиб кўрганлигим учун мана шундай кўзни кўп кўрганман. Қандай киёфада бўлмасин кўзи бир хил-ку, нимага билмас эканман?

Синглиси дорихона стулига чўкка тушиб ўтирди.

– Полиция келдими?

– Дарров яна телефон қилдим. Ғойиб бўлганлиги боис келишининг ҳожати йўқ, дедим.

Уни кутиб ўтирган синглиси унинг мадорсиз осилиб тушиб турган елкасини ва имиллаган қадамини кўриб, болалар ўйингоҳидаги скамейкадан турди. Тун кеч бўлганлиги боисми ўйингоҳда болалар йўқ, сайр қилишга чиққан бир неча қариялар ҳар-ҳар жойда ўтирган эди. Дорихонадан чиққан у ва синглиси янги қурилган кўп хонали уйнинг болалар ўйингоҳида икки соатдан кейин кўришишга келишиб айрилишганди. У илгари ўзи яшаган вақтдаги уйлар ўрнида янги кўп хонали уйлар барпо бўлган томонни, синглиси эса эски йўллар ҳали бир оз сақланиб қолган Собу бозори томонни қаради. Эҳтимол, онаси ҳам бўлиши мумкин бўлган ўша аёл ошхона ёнидаги ахлат челақдан кимпапни олиб еганини эшитгани учунми, у ҳамма биноларнинг ахлат челаги ёнини диққат билан қаради. Кўп хонали уйларнинг ахлат ташланадиган кутилари кўйилган жойларни ҳам қолдирмасдан кўздан кечирди. Шундай қилаётиб, у ўзи яшаган уйнинг ўрни қаерда экан дея тахмин қилиб кўрди. Шу ҳудуддаги энг узун берк кўчанинг охиридан иккинчи уй. Берк кўча жуда узунлигидан кеч тунда уйга қайтадиган бўлса, икки марта орқасига қайрилиб қарагандан кейингина етиб келадиган ўша уй.

Мабодо, ойим ўша уйни излаб шу ерга келмаганмикин?

Онаси ўша уйга биринчи марта келган куни қишлоқдан катталиги димлама қозонча бўлган, қизил ловия бўтқаси тўлдирилган никель чойнакни кўлига ушлаб Сеул темирйўл вокзалига етиб келди. Ҳали машинаси бўлмаган ўша вақтда кутиб олишга чиққан у қизил ловия бўтқаси солинган чойнакни олиб, бу оғир нарсани нимага олиб келдингиз, деб жаҳл қилса ҳам онаси фақат кулганди. Берк кўчага кириши билан онаси ҳар бир уй кўринганида “мана шу уйми, анави уйми?” деб сўраганди. У ўз уйи олдида қадамини тўхтатиб, мана шу уй

деган вақтда онасининг юзига тарқалган қувончли табассум. Дарвозани секин итариб кўраётган онаси худди саёҳатга бориб келган ёш қизга ўхшарди.

– Оҳ, ҳовлиси ҳам бор экан-ку! Хурмо дарахти бор, бу нима, узумми?

Онаси уйга кириши билан чойнакдан бир коса қизил лавия бўтқасидан солиб, уйнинг бурчакларини айланганча ҳамма жойга сепди. Шундай қилсанг, бало кира олмайди, деди. Бу шаҳарда биринчи марта уйга эга бўлишликдан бир хилда хурсанд бўлган унинг хотини ҳаяжонланган овозда уч хонадан биттасини очиб кўрсатиб, энди бу хона сизнинг хонангиз, Сеулга келсангиз энди мана шу ерда хотиржам ухлайсиз деганда, онаси хона ичкарисига қараб, “менинг хонам ҳам борми?” дея хижолат тортди.

Ўша кеча ярим тундан ошган маҳал эди. Ҳовлида кимдир юргандек туюлгани учун у деразадан ташқарига қаради. Онаси ҳовлида у ёқдан бу ёққа бориб келаётганди. Онаси дарвозани, узумни ушлаб кўриб, ичкарига кирадиган зинада ўтириб кўрди. Тунги осмонга қараётиб, хурмо дарахти остига ҳам бориб турди. Туни бўйи онаси у ёқдан бу ёққа бориб келаверадиғанга ўхшагани учун у деразани очиб, уйга кириб ухланг, деди. Онаси сен нимага ухламаяпсан деб, унинг исмини биринчи марта айтаётган одамдек секин “Ҳёнг Чол, бу ёққа чиккин”, деди. У ҳовлига чиқиши билан онаси чўнтагидан хатжилд чиқариб кўлига туткизди.

– Энди эшикка уй рақамини таксанг бўлди экан-а? Уй рақамини албатта мана шу пулга ол.

У уй рақами пули солинган хатжилдни ушлаганча онасига қараганда онаси бўш кўлини ишқалади ва шундай деди:

– Мени кечир, сен уй сотиб олганинда ҳам ҳеч қандай ёрдам бера олмадим.

Ўша куни у эрта тонгда ҳожатхонага бораётиб, онаси ухлаётган хонанинг эшигини секин очиб кўрди. Онаси синглиси

билан ёнма-ён қаттиқ ухлаб ётганди. Онаси оғзи очилган ҳолда кулиб ётганди, синглисининг қўли эркин чўзилган эди.

Сеулдаги биринчи тунни йигирма ёшли ўғли билан бирга даҳа идорасининг навбатчилик хонасида ўтказгандан кейин ҳам онаси шаҳарга келса бемалол ухлайдиган жойи йўқ эди. Махсус буюртма автобусга миниб Сеулга қариндошининг тўйига келган онасини у ва укалари кўришга борган вақтда ҳам онасининг юки бирталай эди. Онаси тўй тугамаган бўлса-да, уни ва укаларини шошилтириб улар яшаётган ижара уйга келди. Онаси тўйга кийган ғарбча кийимини тезда ечди. Онасининг тугунидан газетага, клеёнкага, баъзилари эса ковок баргига ўралган нарсалар жуда кўп бўлиб чикди. Тугуннинг бир бурчагига ўраб тикиб қўйган кенг қўйлагини ва гулли иштонини алмаштириб кийишига бир дақиқа ҳам кетмади. Газета, клеёнка ва ковок баргидан чикқан салатларни жавондаги идишларга ўтказиб қўйгач, онаси қўлини қокиб, дарров кўрпа жилдини ечиб олиб ювди. Тузлаб, сувини чиқариб олиб келган карамдан кимчи тайёрлади, оловдан қорайган қозонни темир чўтка билан кириб ялтиратиб тозалади, унинг орасида томда қуёшда қуриган кўрпа жилдини тикиб берди, гуруч ювди ва твенжангкук қайнатиб, кечки дастурхонни тузатди. Онаси уйидан тайёрлаб олиб келган соя қайласида қайнатилган мол гўшти, қовурилган анчоус балиғи, кунжут баргидан тайёрланган кимчилар идишларга тўлдириб столга қўйилди. У ва укалари димланган гуручдан олишса, онаси гуруч солинган қошиқнинг устига соя қайласида қайнатилган мол гўшtidан бир дона қўйиб берарди. Онасига сиз ҳам енг дейишса, менинг қорним тўқ, деб жавоб берди. Улар еб бўлган дастурхонни артгач, жўмрак остига қўйилган каучук лаганни сувга тўлдириб, сотиб олиб келган бир дона тарвузни солди. Шундан кейин онаси яна тезда фақат тўйга киядиган ягона ғарбча либосини кийди ва мени Сеул темирйўл вокзалига олиб бориб қўй, деди. Ўша

вак்தда аллақачон тун бўлган эди. Фақат бир кеча ётиб қолишни сўраса ҳам онаси боришим керак, эртага қиладиган ишларим бор, деди. Онасининг қиладиган иши полиз ёки шоли даласидаги ишлар эди. Полиз ёки шоли даласидаги ишлар бир кеча тунаб қоладиган тақдирда ҳам ҳеч нима бўлмаса ҳам онаси ўша тунда ниҳоят поездга чиқиб кетди. Ҳаммаси улғайган учта фарзанд бемалол ҳаракатлана олмасдан сиқилиб ётишга тўғри келадиган биргина хоналиги боис онаси шунчаки боришим керак, эртага қиладиган ишларим бор, деди.

Сеул темирйўл вокзалида бўш кўли билан қишлоқдаги уйига қайтиб кетадиган тунги поездни кутиб турган онасининг ҳорғин қиёфаси уни доим янги қарор қабул қилишга мажбурларди: Тезда пул ишлаб топиб, икки хонали уйга кўчиб ўтишим керак. Ижарага уй олишим керак. Бу шаҳарда тезда уй сотиб олишим керак. Ойим бемалол тунаб қоладиган хонани тайёрлашим керак. Ҳар сафар онаси тунги поездга миниб қайтиб кетадиган вақтда чипта сотиб олиб, онаси билан бирга вокзал ичкарисига кирарди. Онаси ўтирадиган ўриндикни топиб бериб, кўлига бананли сут ёки кизил мандарин солинган пакетни узатарди.

– Ухлаб қолмасдан албатта Чонгип бекатида тушинг.

Онаси маъюс, баъзида қатъий кўринишда уни огоҳлантирарди:

– Бу ерда сен укаларингга ҳам ота ҳам онасан.

Эндигина йигирма ёшдан ошган у кўлини ишқалаб турса, онаси ўриндикдан туриб, унинг қўлларини ва елкасини тўғри қилиб ёзиб берарди.

– Ака дегани жиддий бўлиш керак. Ака намуна бўлиш керак. Ака йўлдан адашадиган бўлса, укалари ҳам шу йўлдан бориши муқаррар.

Поезд жўнаб кетмоқчи бўлса, онасининг кўзига ёш тўларди. Онаси ёшга тўлган кўзлари билан унга қараб куларди. Кейин шундай дерди:

– Мени кечир, Ҳёнг Чол!

Унинг онаси Чонгип вокзалида тушган вақтда эрта тонг бўлса керак. Қишлоққа борадиган биринчи автобус қатнови эрта бошланган тақдирда ҳам соат олтилардан ўтиб бошланса керак. Унинг онаси темирйўл вокзалида тушиб, тонгги йўлда пиёда юрганча уйига қайтиб борган бўлса керак.

– Варақадан яна бир нечасини олиб келганимизда ёпиштириб кетардик.

– Эртага ўзим олиб келиб ёпиштираман.

У эртага директор ёрдамчиларига эргашиб Ҳонгчондаги намунали уйга бориши керак эди. Қолиб бўлмайдиган иш эди.

– Хотинимни юборсаммикин?

– Кеннойим дам ола қолсин. Отамга ҳам қараб туриши керак-ку!

– Унда кичкина укангни чақир.

– Йўқ, у ёрдам берса керак.

– У?

– Ойимни топсак, у билан турмуш қурмоқчиман. Ойим менинг турмуш қуришимни хоҳларди-ку!

– Қарор қабул қилиш шунчалик осон бўлса, олдинроқ қилсанг бўлмасмиди?

– Ойимизни йўқотиб қўйгандан кейин ҳамма нарсанинг жавоби чиқаркан-а, ака. Ойим истаган нарсаларнинг ҳаммасини қила олардим. Мураккаб иш эмасди. Нимага шу ишлар сабабли ойимни изтиробга солдим билмайман. Энди самолётга ҳам чикмайман.

У маъюслашиб синглисининг елкасидан қокди. Онаси синглисининг самолётга чиқиб бошқа давлатга боришини ёқтирмасди. Ҳалокат юз берадиган бўлса бирданига икки юздан ортик киши ўлади дейишади-ю, кўркмайсанми, дерди. Агар уруш бўлаётган бўлса иложи йўғ-у, лекин қандай қилиб ўз жонингни

бекорга хавф остига кўйиб юрасан дегани онасининг фикри эди. Самолётга чикма деган онасининг аралашуви кучайгач, синглиси онасига билдирмасдан кетадиган бўлди. Мустақил равишда саёҳатга борсин, иш юзасидан борсин, самолётга чиқадиган иш рўй берса онасига айтмасдан ҳам кетаверарди.

– Ўша уйдаги атиргул жуда чиройли эди...

У қоронғида синглисига термилиб қаради. У ҳам айнан ўша уйдаги атиргул ҳақида ўйлаб ўтирганди. Уй олиб биринчи баҳорни қарши олаётганда Сеулга келган онаси унга атиргул сотиб олишга борайлик, деди.

– Атиргул дейсизми? – онасининг оғзидан атиргул деган сўз чиқиши билан у нотўғри эшитгандек қайта сўради.

– Қизил атиргул. Нима, сотадиган жой йўқми?

– Йўқ, сотадиган жой бор.

Купабал даҳасида қатор бўлиб кўчат сотадиган гул боғига олиб борганида онаси мен шу гулни яхши кўраман, деди. Онаси ўйлагандан ҳам анча кўп атиргул кўчатини сотиб олиб келиб, девор яқинига чуқур қазиди ва белини букиб кўчатларни экди. У онасининг ловия, картошка, перилла, карам, турп ва қалампирга ўхшаб уруғини сепиб ёки кўчатини экиб, ҳосилини олиб ейдиган нарса ҳам эмас, фақат манзара учун гул экаётганини биринчи марта кўрди. Онасининг ўша киёфаси нотаниш бўлганидан у деворга жуда яқин экаётганингиз йўқми, деб сўраганди. Шунда онаси девор ташқарисидаги одамлар ҳам ўтиб кетаётганида кўриши керак-ку, деб жавоб берганди. Ўша уйдан кетгунча атиргул ҳар баҳор мўл бўлиб гулларди. Атиргулни экаётган вақтдаги онасининг орзусидек ўша уйнинг олдидан ўтиб кетаётган одамлар атиргул очилган вақтда девор остида бир оз вақт қадамини тўхтатиб, атиргул ифорини хидлашарди. Ёмғирдан кейин девор остига тўкилган қизил атиргул барглари жуда кўп бўларди.

Кечки овқат ўрнига Ёкчон-донг даҳасида жойлашган катта савдо мажмуасидаги ковокхонада куйиб сотиладиган пиводан икки стакан ичган синглиси сумкасида ён дафтарчасини чиқарди ва қайсидир варағини очиб, унинг олдида узатди. Икки стакан эди-ю, оч қоринга ичгани учунми синглисининг юзи қизариб кетганди. У синглиси узатган ён дафтарчага ёзилган гапни чироқ ёруғлигига тутиб ўқиди.

Мен кўзи ожиз болаларга китоб ўқиб бермоқчиман.

Мен хитой тилини ўрганишим керак.

Мен кўп пулга эга бўлсам, кичкина театрга эга бўлишни хоҳлайман.

Мен жанубий кутбга бориб кўришни хоҳлайман.

Мен Сантьягога зиёратга боришни хоҳлайман.

Ўттиз қатордан ортик “мен”, деб бошланган гаплар пастга қараб қатор турганди.

– Бу нима?

– Ўтган йили 31 декабрда янги йилни қарши олаётиб асар ёзишдан ташқари қилишни хоҳлаган ишларни қизиқиб ёзиб кўргандим. Келажакда ўн йил давомида қатъий қилишим керак бўлган ёки қилишни хоҳлаган ишларим. Лекин ҳеч бир режамда ойим билан бирга нимадир қиламан деган иш йўқ экан. Ёзган вақтимда билмадим. Ойим йўқолиб қолгандан кейин яна қарасам шундай экан.

Синглисининг кўзи намликдан яркиради.

Маст бўлган у лифтдан чиқиб эшик қўнғироғини босди-ю, лекин ичкаридан эшикни ҳеч ким очмади. У гандираклаганча чўнтагидан калитни чиқариб, эшикни очди. Синглиси билан хайрлашгандан кейин уйига келаётиб яна иккита майхонага кирди. Эҳтимол, онаси бўлиши ҳам мумкин бўлган кўк шиппак кийган, жуда кўп юрганиданми, шиппак оёғи устини ўйиб

юбориб, суяги кўринадиган даражадаги одам ҳар сафар кўзи олдига келганда яна бир финжон ичди. Чироғи ёниб турган умумий хонада сукунат ҳукм сурарди. Онаси олиб келиб қўйган Биби Марям ҳайкали унга қараб турарди. У гандираклаганча хонасига бораётиб, отаси ётган қизининг хонасининг эшигини билдирмасдан итариб кўрди. Қизининг каравоти остига матрас тўшаб, ёнбошлаб ухлаб ётган отасининг киёфаси кўринди. У хонага кириб, тушиб ётган кўрпа билан отасининг устини ёпди ва секин эшикни ёпиб чикди. Ошхонага кириб стаканга стол устига қўйилган шишадан сув солиб ичди ва уй ичини кўздан кечирди. Ҳеч нарса ўзгармаган. Музлаткич товуши ҳам доим-гидек бўлиб, идиш ювишни кейинга колдиришни хуш кўрадиган хотини дастшўйга йиғиб қўйган идишлар ҳам ўша-ўша эди. У бошини қуйи солиб хонасига кирди ва ухлаб ётган хотинига каради. Хотинининг бўйнидаги мунчок ялтиллади. У хотини ёпиб ётган чойшабни бирдан тортди. Хотини кўзларини ишкалаганча ўрнидан турди.

– Қачон келдингиз?

“Ҳозир уйку келадими”, дея ичидан айтилган танбехни англатадиган унинг кўпол ҳаракатига жавобан хотини хўрсинди. Онаси йўқолиб қолгандан кейин кун ўтган сари у хотинига жаҳлини сочадиган бўлди. Уйига кириб келса жаҳли янада кўпроқ чиқарди. Укаси телефон килиб ҳолатни сўраса, бир-икки оғиз жавоб бергандан сўнг “менга етказадиган хабаринг йўқми, сен ўзи нима қиляпсан?” дея тўсатдан жаҳл қиларди. Отаси Сеулда бўлганим билан ҳеч қандай ёрдамим тегмаслиги боис қишлоққа кетаман деганида ҳам у “қишлоқда нима қиласиз?” дея овозини баланд кўтарди. Хотини тайёрлаб қўйган нонуштага қарамасдан ҳам ишга кетарди.

– Ичдингизми?

Хотини у ушлаб ўтирган чойшабни олиб текислаб ёзиб қўйди.

– Уйку келадими?

Хотини кийимини тўғрилади.

– Уйку келадими деяпман!

– Унда нима қилай? – чидай олмаган хотини унга бақирди.

– Сен сабабли шундай бўлди! – ўжарлик қилаётганини ўзи ҳам биларди.

– Нимага мен сабабли?

– Кутиб олишга чиқсанг бўлди эди-ку!

– Чинга овқат обориб келдим дедим-ку.

– Нимага ўша кун борасан? Ота-онамиз қишлоқдан келамиз деса, тагин туғилган куни бўлганлиги боис келган бўлса, нимага айнан ўша куни бординг деяпман!

– Отам ўзимиз бора оламиз деганди! Яна, Сеулда фақат биз яшаймизми? Устига-устак ўша куни укангизникига борамиз дейишганди. Фақат бу эмас. Қизлар ҳам бор... Кичкина укангиз ҳам бор-ку! Сеулга келадиган бўлса албатта бизнинг уйимизда бўлиши ва мен кутиб олишга чиқишим керак деган конун борми? Чинни кўришга бир ҳафтадан бери бора олмаётганим боис ейдиган ҳеч нарсаси йўқлигини аниқ билиб ҳам қанақасига бормаيمان. Мен ҳам Чинни кўришга бориш, уни-буни қилишдан адо бўлдим. Қолаверса, Чиннинг ҳам имтиҳони... Бу Чинга қанчалик муҳим имтиҳон эканлигини биласизми ўзи?

– Кап-катта қизга қачонгача овқат олиб бориб бермоқчисан. У қиз бувиси йўқолганда ҳам туркини кўрсатмади.

– Чин келиб нима қилади? Мен келиб ўтирма дедим. Биз ҳам излай олганимизча изладик-ку. Полиция ҳам топа олмаганда бизлар қандай топамиз. Сеулдаги ҳамма уйнинг қўнғироғини босиб, мабодо бу ерда бизнинг онамиз йўқми, деб сўраймизми? Катталар ҳам ожиз бўлганда, Чин нима қила олади? Мактабда ўқийдиган бола мактабга борсин-да, ундай бўлса, онамиз йўқ деб биз ҳаммамиз ўз ишимизни ташлайликми?

– Йўқ эмас, йўқотиб қўйдик-ку.

– Хўш, менга нима қил дейсиз? Ўзингиз ҳам ишга боряпсиз-ку!

– Нима?

У қаттиқ ғазабланиб, хонадаги гольф клюшқасини отмоқчи бўлаётганди.

– Хёнг Чол!

Қизининг хонасида ухлаб ётибди деб ўйлаган отаси очилган эшик олдида турганди. У кўлидаги гольф клюшқасини пастга қўйди. Унга ва унинг хотинига қараб турган отаси орқасига ўтирилди. Болаларга қулай бўлсин деб туғилган кунни ўтказиш учун Сеулга келган ота эди. Режалаштирганидек туғилган кунни ўтказилганда эди, хотини буюртма қилиб қўйган корейсча ресторандаги безатилган дастурхон олдида онаси яна “менинг туғилган куним ҳам бирга нишонланяпти!” деган гапни айтган бўларди. Онаси йўқолиб қолиши оқибатида туғилган кунни нишонламоқчи бўлган кун ҳам шунчаки ўтиб кетди. Отасининг туғилган кунидан бир неча кун кейин бўладиган қишлоқдаги хотирлаш маросимини ҳам аммаси ўтказди.

У эргашиб чиққан вақтда отаси хона эшигини очаётиб, орқасига ўтирилиб қаради.

– Ҳаммаси менинг айбим.

– ...

– Уришма. Сенинг кўнглингни тушунаман-у, лекин қандай йўли бор? Мени учратиб яхши яшай олмади-ю, лекин яхши фазилатли инсонлиги боис тирик бўлса керак. Тирик бўлса, қандайдир хабар келса керак.

– ...

– Мен энди уйга кетаман.

Отаси бир фурсат унга паришонхотир қараб туриб, ичкарига кириб кетди. У ёпилган эшикка қараб лабини тишлади. Бирдан кўксига иссиқ ҳарорат кўтарилди. У икки кафти билан кўксини силади. Одат бўлиб колгандек юзини ишқаламоқчи бўлди-ю, кўлини туширди. Онасининг мулойим ва бақувват кўлини ҳис қилди. Онаси унинг кафтларини бир-бирига ишқалаганини ва елкасини букчайтирганини ёмон кўрарди. Онасининг олдида

ўшандай киёфасини кўрсатадиган бўлса, онаси дарров унинг кафтини ёзиб, елкасини тўғрилаб кўярди. У бошини эгадиган бўлса, онаси кафти билан унинг орқасига урарди ва йигит киши савлатли бўлиш керак, дерди. У прокурор бўла олмади. Онаси унга сен орзу қилган касб деди-ю, лекин у ўша нарсани онасининг ҳам орзуси бўлганлигини ҳали ўйлаб кўролмади. У фақат ёшлигида ўзи орзу қилган истагига эриша олмадим деб ўйлади-ю, онасининг орзусини барбод қилдим деб ўйлаб ҳам кўрмади. Онаси бир умр у орзу қилган истакнинг амалга ошмаганлигида ўзини айбдор деб ҳисоблаб яшаганлигини эндигина англаб етди. Узр сўрайдиган одам менман, нимагаки мен ваъдамнинг устидан чиқа олмадим. Онасини топса, фақат онасигагина қарашни хоҳлаётган иштиёқдан унинг кўнгли ёришадигандек бўлди. Бироқ у ўзи аллақачон шундай имкониятни йўқотганлигини ҳам билди.

У умумий хона полига тиз чўкди.

### **3-боб**

#### **МЕН КЕЛДИМ**

Маҳкам кулфланган кўк дарвоза олдида ёш аёл уй ичкари-сига мўралаётганди.

– Кимсиз? – сен орқасидан йўталиб кўйишинг билан ёш аёл орқасига ўгирилиб қаради. Сочини орқасига боғлаган, силлик пешанали аёлнинг кўзига кувонч тўлди.

– Ассалому алайкум!

Сен қарашинг билан ёш аёл жилмайди.

– Бу ер Пак Со Нё холанинг уйи-а?

Кўп вақтдан бери бўш ётган уйнинг эшигидаги тахтачасига фақат сенинг исминг ёзилган эди. Пак Со Нё. Хотинингни момо демасдан хола деб айтаётган овозни кўпдан бери энди эшитяпсан.

– Нима юмуш билан келгандингиз?

– Хола йўкмилар?

– ...

– Ростдан ҳам бедарак йўқолдимми?

Сен ёш аёлнинг кўзига термилиб қарадинг.

– Сиз кимсиз?

– Ҳа, мен Намсан-донг даҳасидаги меҳрибонлик уйида ишловчи Ҳонг Тхе Ҳи бўламан.

Ҳонг Тхе Ҳи? Меҳрибонлик уйи?

– Етимлар уйи. Хола кўп вақтдан бери чиқмаётганлиги боис хавотир олиб юргандим, мана буни кўриб қолдим.

Ёш аёлнинг сенга узатган нарсаси ўғлинг берган газета эълони эди.

– Нима бўлган экан дея қизиқиб бир неча марта келдим-у, доим эшик қулфланган бўларди. Бугун ҳам шунчаки қайтиб кетаманми деб ўйлагандим... Нима бўлганлигини билиш учун келгандим. Китоб ўқиб беришим керак эди...

Сен дарвоза олдида қўйилган тошни олиб қўйдинг ва калитни чиқариб, эшикни очдинг. Кўп вақтдан буён бўш ётган уйнинг дарвозасини қўлинг билан итариб, мабодо, деб ўйлаб ичкарини кўздан кечирдинг. Жимжит эди.

Сен Ҳонг Тхе Ҳи деб ўзини таништирган ёш аёлни ичкарига бошладинг. Китоб ўқиб беришга ваъда бергандим дейдими? Хотининггамикин? Сен хотинингдан меҳрибонлик уйини ҳам, Ҳонг Тхе Ҳи деган аёл исмини ҳам эшитмагансан. Ҳонг Тхе Ҳи ховлига кириши билан ичкарига қараб, “хола!” деб чақирди. Хотинингнинг бедарак йўқолганига ишонмаётганга ўхшайди. Ҳеч қандай жавоб бўлмагач, Ҳонг Тхе Ҳи хушёр тортди.

– Уйдан кетдими?

– Йўк, йўқотиб қўйдим.

– Нима?

– Сеулда йўқотиб қўйдим...

– Холаними?

Ҳонг Тхе Ҳининг кўзи олайиб кетди. Хотинингни ўн йилдан кўпроқ вақтдан буён меҳрибонлик уйига келиб, болаларни ювинтирар, кирларини ювиб берар ҳамда меҳрибонлик уйининг ховлисига экин ҳам экиб берарди, деди.

Хотининг-а?

Ҳонг Тхе Ҳи хотинингни ҳар ойда меҳрибонлик уйига 450 минг вон ҳомийлик пулини тўлаб юрган ҳурматли инсон, деди. Неча йилдирки бирон марта ҳам қолдирмаган, деди.

450 минг вон?

Сеулдаги фарзандлар озгинадан йиғиб, ҳар ойда хотинингга юборадиган пул олти юз минг вон эди. Фарзандларинг ўша пулга икки киши қишлоқда бемалол яшаса бўлади, деб ҳисоблаган кўринади. Оз пул эмасди. Ўша пулни хотининг дастлаб сен билан бўлашиб ишлатаётганди, қайсидир кундан бошлаб бу пулнинг ҳаммасини ўзим ишлатаман, деди. Нимага тўсатдан пулга иштиёки пайдо бўлганлигига гумон қилдинг-у, лекин хотининг қаерга ишлатиши тўғрисида сўрама, деди. Фарзандларнинг ҳаммасини боққаним учун ўша пулни ишлатишга ҳақким бор деб ўйлайман, деди. Кўпдан бери ўйлаб қўйган гапга ўхшади. Ундай бўлмаса, “бу пулни ишлатишга ҳақким бор деб ўйлайман” каби гапларни айтмаган бўларди. Бу сен билган хотинингнинг гапириш тарзи эмасди. Ҳар куни телевизорда бўладиган драмада эшитган гапга ҳам ўхшади. Хотининг бир неча кун ёлғиз ўзи ўша гапни бўшлиққа қараб айтишни машқ қилган бўлса керак, деб ўйладинг.

Қачонлардир хотининг уч мажиги<sup>1</sup>шоли ерни ўзининг номига ўтказиб беришни сўраганди. Нима учун деб сўраганингда ҳаётнинг қизиғи қолмагани учун деганди. Фарзандларнинг ҳаммаси ўз йўлига кетгач, кераксиз одамга айланганга ўхшайман, деганди. Май ойидаги ота-оналар кунидамиди, фарзандларнинг ҳеч биридан хабар бўлмаганидан кейинги иш эди. Хотининг шаҳарчадаги ўқув қуроллари дўконига бориб, “дунёга

---

<sup>1</sup> Кореяда шоли ерининг ўлчов бирлиги.

келтириб, катта қилганингиз учун раҳмат”, деган ёзувли лента тақилган иккита чиннигул сотиб олиб келганди.

– Биров кўрса кулса керак! – катта йўлда турган сени кўриб, уйга кетайлик, деди. Уйга келиб ҳам сени хона ичкарасига кирдирди ва эшикни кулфлаб, жакетингнинг олдида чиннигулни тақиб қўйди.

– Менинг фарзандларим нечта-ю, ота-оналар кунида бир дона ҳам гул тақмасдан юрсак, одамлар нима дейди? Шунинг учун ҳам сотиб олиб келдим.

Хотининг ўзининг кийими олдида ҳам сотиб олиб келган гулни тақди. Гул осилиб қолавергани учун икки марта тўғри-лаб яна тақди. Сен дарвозадан чиқишинг билан гулни олиб ташладинг-у, лекин хотининг куни бўйи ўша гулни тақиб юрди. Шундан кейин эртаси куни инқиллаб касал бўлиб ётди. Бир неча кун яхши ухлай олмай у ёндан бу ёнга ағанаб ётиб, бирдан ўрнидан турди ва уч мажиги шоли ерни ўзининг номига ўткизиб беришни сўради. Шоли еримизнинг ҳаммаси сеники бўлса, тўсатдан уч мажигини ўткизиб беришни сўраяпсан-у, унда ўзинг зарар кўрасан деганингда, “тўғри, шунақа экан”, дея норози қараш қилганди. Лекин фарзандлар юборган пулнинг ҳаммасини ўзим ишлатаман деган вақтда хотининг дадил эди. Хотинингнинг истагига қарши чиқишни хоҳламадинг. Қарши бўлсанг катта жанжал чиқади деб ўйладинг. Сен шарт қўйдинг. Фарзандлар юборган пулнинг ҳаммасига хотининг эгалик қилади, лекин сендан пул олишни тўхтатиши керак. Хотининг бажонидил рози бўлди. Кийим сотиб олганга ҳам, алоҳида бир нима қилганга ҳам ўхшамасди-ю, билдирмасдан банк дафтарчасини олиб кўрсанг, бир хил санада доим 450 минг вон бирданига чиқиб кетган бўларди. Агар пул келиши кечикадиган бўлса, ака-укалари юборган пулни йиғиб, онасига жўнатадиган кизингга телефон қилиб, пулни юборишни сўрарди. Бу ҳам хотинингга ярашмаган иш эди. Пулни қаерга ишлатишини сўрамасликка келишганинг боис сўраганинг йўғ-у, ҳар ой бир

хил кунда 450 минг вон аник чиқиб кетаётганини кўриб, ҳаётнинг қизиғи қолмади деганди, пул йиғиш учун омонат ҳисоби очган бўлса керак, деб ўйладинг. Топа олмадинг-у, лекин шундай деб ишониб, ўша омонат дафтарчасини излаб кўргандинг ҳам. Ҳонг Тхе Ҳининг гапи рост бўлса, хотининг шу вақт мобайнида олти юз минг вондан 450 минг вонни Намсанг-донг даҳасидаги меҳрибонлик уйига ёрдам сифатида бериб юрган экан. Сен худди энсангдан калтаклангандек бўлдинг.

Ҳонг Тхе Ҳи холани ўзидан ҳам кўра кўпроқ болалар кутишяпти, деди. Болаларнинг орасида Кюн исмли бир бола бўлиб, хола ўша болага оналик қилганлиги боис, айниқса Кюн холанинг тўсатдан меҳрибонлик уйига чикмай қўйганидан қайғуга ботиб юрибди, деди. Туғилганига олти ой ҳам тўлмасдан, исми ҳам бўлмаган ҳолда етимхонага ташлаб кетилган бола экан. Хола унга Кюн деб исм қўйди, деди.

– Кюн дедингизми?

– Ҳа, Кюн.

Кюн кейинги йил ўрта мактабга ўтади, деди. Ўрта мактабга ўтса, хола сумка ва мактаб кийимини олиб бермоқчи бўлганди. Кюн. Сенинг кўксинг титради. Сен Ҳонг Тхе Ҳининг гапини факат жим туриб тингладинг. Хотинингнинг Намсан-донг даҳасидаги етимхонага қатнай бошлаганига ўн йил бўлди дейди-ю, сен ҳатто шундан ҳам беҳабармидинг? Ҳонг Тхе Ҳи айтаётган Пак Со Нё хола сенинг йўқолган хотинингмикин деган шубҳа пайдо бўлди. Қачон меҳрибонлик уйига борган экан? Нимага бир марта ҳам бу ҳақида айтмаган экан? Сен ўғлинг чиқарган газета эълонида чиққан хотинингнинг суратига термилиб қараб туриб, хона ичкарисига кириб келдинг. Жавон ичида турган альбомни варақлаётиб, хотинингнинг юзи аник акс этган битта суратни юлиб олдинг. Қизинг билан бирга денгиз қирғоғидаги тўғонда шамолдан тинмай ҳилпираётган кийими этагини маҳкам ушлаб турган сурат эди. Сен Ҳонг Тхе Ҳининг кўзи олдига суратни узатдинг.

– Мана шу одамми?

– Эх! Хола! – хотинингнинг ёрқин суратини кўрган Хонг Тхе Хи худди хотинингни кўргандек хурсанд бўлиб чақирди. Қуёш нури сабаблими, пешанасини буриштирган хотининг сенга қараб тургандек эди.

– Китоб ўқиб беришга келишгандим дегандингиз? Бу нима деганингиз?

– Меҳрибонлик уйидаги энг оғир ишларни хола қилиб берарди. Болаларни ювинтиришни жуда яхши кўрарди. Жуда серғайрат бўлганидан хола келиб кетган кун меҳрибонлик уйи ялтиллари. Қандай миннатдорчилик билдириш тўғрисида ўйланиб, ёрдам керак бўлган ишларингиз йўқми деб сўрасам ҳам йўқ, дерди. Бир куни мана шу китобни олиб келиб, ҳар сафар бир соатча ўқиб бер, деди. Яхши кўрган китоби экан, кўзи яхши кўрмаганидан энди китоб ўқий олмайман, деди.

– ...

– Мана шу китоб.

Сен Хонг Тхе Хи сумкасида чикарган китобга қарадинг. Қизинг ёзган китоб эди.

– Бу ёзувчи шу худуддан чиққан. Ўрта мактабгача шу ерда ўқиган экан. Шунинг учун ҳам хола шу ёзувчини яхши кўрадиганга ўхшайди... Ўтган сафар ўқиб берганим ҳам шу ёзувчининг китоби эди.

Сен қизинг ёзган китобни кўлингга олдинг. “Севгини такомиллаштириш учун”, деб номланган китоб. Хотининг қизи ёзган романи ўқишни хоҳлаган экан-да. Сенга бирон марта ҳам бу ҳақда гапирмаганди. Қизинг ёзган асарни хотинингга ўқиб беришни хаёлингга ҳам келтирмагандинг. Бошқа оила аъзоларинг хотинингнинг ўқишни билмаслигидан хабардормикин? Сен хотинингнинг ўқишни билмаслигини билган вақтингда у ўзини ҳақоратлангандек ҳис қилганди. Ёш вақтингда уйдан ташқарида санғиб юришингни, баъзан қаттиқ бақаришингни, унга “биладиган нарсанг йўқ!” дея овозингни баланд кўтари-

шингни хотининг ўзининг ўқиш-ёзишдан беҳабарлиги учун шундай қилади деб ҳисобларди. Ундай эмас, деб инкор қилганинг сари хотининг буни ижобий қабул қиларди. Эндигина сен хотининг айтганидек очиги ўзим билмаган ҳолда шундай қилган бўлишим ҳам мумкин, деб ўйладинг. Бегона одам хотинингга қизингнинг романини ўқиб бераётгани умуман ҳаёлингга ҳам келмаганди. Шу ёш аёл олдида ўқий олмаслигини билдирмаслик учун хотининг қанчалар ҳаракат қилган экан? Қанчалик қизининг романини ўқигиси келганки, шу ёш аёлга бу романни ёзган ёзувчи менинг қизим деган гапни айтолмасдан кўзим яхши кўрмагани учун ўқиб бер деган экан? Кўзинг санчиб оғрий бошлади. Хотининг шу ёш аёлга қизини макташдан ўзини қандай тийган экан?

– Чиндан ҳам ёмон одам.

– Тушунмадим, нима дедингиз? – Ҳонг Тхе Ҳи кўзларини олайтириб сенга қаради.

Шунчалик ўқигинг келган бўлса, менга айтсанг бўларди-ку! Сен қуриган ва қўпол юзингни икки қўлинг билан уқладинг. Хотининг қизинг ёзган китобни ўқиб беришни сўраса ўша вақтдаги сен ўқиб берган бўлармидинг? Хотинингни йўқотиб қўйишдан олдин сен уни деярли унутиб яшагандинг. Унутмаган вақтингда кўпинча ниманидир сўрар, айблар ёки менсимай қарардинг. Ўрганган қилиқ дегани ёмон нарсა эди. Бошқаларнинг олдида мулойим гапириб ҳам, хотинингга келганда гапиришинг қўпол бўларди. Баъзан шу ҳудуднинг одамларигина ишлатадиган ҳақоратларни ҳам қўллардинг. Сен хотинга мулойим гапирса бўлмайди дея қайсидир китобда ёзиб қўйилгандек ўзингни тутардинг. Шундай қилардинг.

– Мен келдим, – Ҳонг Тхе Ҳи қайтиб кетгандан кейин бўмбўш уйда мингилладинг.

Сен ёш бўлиб ҳам, уйланиб ҳам, фарзандли бўлганингдан кейин ҳам бу уйдан кетишни ўйладинг. Шу мамлакатнинг жа-

нубида жойлашган ҳеч қандай алоҳида хусусияти бўлмаган шу қишлоқда туғилиб, шу уйда яшаб, қариб ўлишни ўйласанг ҳамга ботардинг. Шундай вақтда индамасдан уйдан чиқиб, бутун мамлакат бўйлаб санғиб юрардинг. Шундай юриб, хотирлаш маросими вақти келганда худди ирсиятинг буюрган-дек уйингга қайтиб келардинг. Яна чиқиб кетиб, тананг оғриб ҳаракатлана олмайдиган даражага етганда зўрға қайтиб келардинг. Баданинг соғайган аллақайси куни мотоцикл минишни ўргандинг. Ўша мотоциклга хотинингга мутлақо ўхшамаган бошқа аёлни миндириб, яна уйингдан кетгандинг ҳам. Қайтиб келмайман деб ўйлаган вақтларинг ҳам бўлганди. Бу уйни бутунлай унутиб, бошқача ҳаёт кечирмокчи бўлгандинг. Бирок уч фаслни ўткиза олмадинг.

Уйдан кетиб, нотаниш нарсаларга кўникиб кетсанг, шубҳасиз хотининг тинмасдан соғинаётгани кўз олдинга келарди. Кучуклар, товуклар, қазиб олсанг ҳам яна чиқаверадиган картошкалар... Фарзандлар.

Хотинингни “Сеул темирўл вокзали” метро бекатида йўқотиб қўйгунигча сенинг учун у Ҳёнг Чолнинг онаси эди. Хотинингни қайта учрата олмаслигинг ҳам мумкин бўлган ҳолатга тушишингдан олдин сенга Ҳёнг Чолнинг онаси доим бир ерда турган дарахт эди. Кесмагунча ёки кўпормагунча ҳеч қаерга кетишни билмайдиган дарахт. Ҳёнг Чолнинг онасини йўқотиб қўйганингдан кейин сен Ҳёнг Чолнинг онасини эмас, хотинингни ҳис қила бошладинг. Эллик йилдан буён мутлақо унутиб яшаган хотининг сенинг кўнглингда жонли ҳис қилина бошлади. Йўқолгандан кейингина қўл билан ушласа бўладигандек сенга жонли яқинлашиб келгандек бўлди.

Сен эндигина охириги икки-уч йил давомидаги хотинингнинг аҳволини аниқ тушуниб етдинг. Хотининг ҳеч нарсани сезмайдиган ҳолатга тушганди. Хотинингнинг ҳеч нарсани

эслай олмайдиган фурсатлари бўларди. Хотининг қишлоқнинг жуда таниш бўлган кўчасида ҳам уйни топа олмасдан чўкка тушиб ўтирарди. Эллик йил давомида ишлатиб келган уйдаги жуда таниш бўлган қозон ёки кўзага умуман бу нима экан деган кўз билан қараб турган вақтлари бўларди. Тушган соч толалари уйнинг дуч келган жойида сочилиб ётарди. Ҳар куни телевизорда кўрадиган драма маъносини тушунмайдиган вақтлар ҳам бўларди. “Севги нима деб сўрасангиз”, дея бошланадиган бир неча ўн йил давомида оғзидан туширмасдан куйлаб юрган кўшиғини унутди. Хотининг сени унутганга ўхшаб кўринган вақтлари ҳам бўларди. Эҳтимол, ҳатто ўзини ҳам унутгандир.

Фақат шугина эмасди.

Хотининг сув остида тинимсиз излаган алланимани қайта топгандек қандайдир нарсаларни батафсил эсларди. Сен қачонлардир уйдан кетаётганингда омборхона эшиги орасига тикиб қўйиб кетган пул ўралган газетани ҳам. Бирга яшаган вақт мобайнида айтолмаган бўлса-да, уйдан кетаётиб ҳам эшик ёндорига пул қўйиб кетганингиздан миннатдор бўлдим, деганди. Газетага ўралган шу пулни топа олмаганда ўша даврда қандай яшай олардик билмайман, деганди. Хотининг оилавий суратга қайтадан тушиш керак деб ҳам айтганди. Ўтган сафар тушган оилавий суратда кенжа қизингнинг Америкада туғилган боласи йўқ, деганди.

Сен эндигина хотинингнинг чалкаш ҳолатига эътибор қаратмасдан ўз ҳолича қолдирганингни изтироб чеккан ҳолда тушуниб етдинг.

Хотининг оғриқ сабаб бошини қуршаб, ҳушсиз ётган вақтларида ҳам сен уни ухляпти, деб ҳисобладинг. Дуч келган жойда ётиб ухламаса яхши бўларди, деб ўйладинг. Ниҳоят хо-

тининг ҳатто хона эшигини ҳам оча олмасдан нима қилишини билмай турган вақтда сен “кўзингни очиб юр”, деб дағал гапиргандинг. Хотинингга қараш тўғрисида ўйлаб кўрмаган сен унинг чалкаш бўлиб қолган вақт тушунчасини тушуна олмасдинг. Бўм-бўш чўчкахонадаги идишга овқат солиб, унинг олдида ўтирганча ёшлигида бир вақтлари боккан чўчка исмини айтиб, “бу сафар битта эмас, учта туккин, шунда сени жуда яхши кўраман”, дея мингиллаганида ҳам сен хотинингни ҳазиллашяпти, деб ўйладинг. Қайсидир бир йили чўчка учта бола тукканди. Ўша учта чўчка боласини сотиб, Ҳёнг Чолга велосипед олиб берганди.

– Ичкаридамисан? Мен келдим! – сен бўм-бўш уйга қараб кичкирдинг ва кулоқ солдинг.

– Энди келдингизми? – сен хурсанд бўлаётган хотинингнинг овозини кутдинг-у, лекин бўм-бўш уй жимжит эди. Иш билан бирор жойга бориб келгандан кейин уйингга кириб, “мен келдим!” десанг, албатта бу уйнинг бир жойидан хотининг юзини кўрсатарди.

– Нимага ичишни ташлай олмайсиз? Менсиз яшай олсангиз ҳам шаробсиз яшай олмас экансиз-да. Фарзандлар ҳар сафар телефон қилганда хавотир олишяпти, шу нарсани нимага ташлай олмайсиз?

Ширин говения дарахти меваси солиб қайнатилган сувни олдинга қўйгандан кейин хотининг тўнғиллашни тўхтатмасди.

– Агар яна бир марта ичиб келадиган бўлсангиз мен уйдан кетиб қоламан... Ўтган сафар шифокор айтмаганмиди, сиз учун энг ёмон нарса шароб деб. Дунё қанчалик ажойиб бўлиб кетяпти, шундай ажойиб дунёни кўришни хоҳламасангиз ичишда давом этаверинг.

Онда-сонда одамлар билан тушлик қилишга кетиб, кундузи ичиб келсанг хотининг дунё остин-устун бўлгандек ҳафсаласи пир бўларди. Чап кулоғингдан кириб, ўнг кулоғингдан чикиб

кетган хотинингнинг койишларини бунчалик соғинишингни билмагандинг. Ўша койишларни эшитиш учун темирўл вокзалида тушгандан кейин вокзал олдидаги сундэгук<sup>1</sup> ошхонасида ичиб келдинг-у, лекин кулоғингга ҳеч қандай овоз эшитилмади.

Сен ён ҳовлининг кичкина эшиги ёнидаги ит уйчасига қарадинг. Ҳеч бўлмаганда ит садо бериш керак эди-ю, бироқ у ер ҳам жимжит эди. Ҳатто занжири ҳам кўринмаганлигидан итга овқат олиб келиб беришдан безор бўлган опанг итни олиб кетганга ўхшайди. Дарвозани ланг очиб қўйганча ҳовлига кириб келиб, супага ўтирдинг. Авваллари хотининг бир ўзи Сеулга кетадиган бўлса, сен супада шундай ўтирардинг. Хотининг Сеулдан телефон қилиб, “овқат едингизми?” деб сўраса, сен “қачон келасан?” деб сўрардинг.

– Нимага? Мени соғиндингизми? – деб сўраса, “нимани соғинаман... мен ҳақимда ўйламасдан хоҳлаганингча бўлиб келавер”, дердинг.

Сен нима десанг ҳам “қачон келасан?” деган гапингни эшитгандан кейин хотининг қандай юмуш билан Сеулга кетган бўлмасин, дарров поездга чиқиб қайтиб келарди. Сен қайтиб келган хотинингга қараб, “Нимага келдинг? Хоҳлаганингча бўлиб келавер дегандим-ку!” дея уришаётгандек бўлиб гапирсанг, хотининг “Сиз учун келдим деб ўйлайсизми? Итга овқат бериш учун келдим...”, дея кўз кири билан қарарди.

Хотининг ўстирган нарсалар сени нотаниш жойда эга бўлган нарсаларингдан воз кечиб, уйингга қайтишга мажбур қилди. Мана шу дарвозани итариб кириб келсанг, хотининг шу уйда кир босган рўмолини боғлаган ҳолда Ҳёнг Чолни стол олдида ўтирғизиб, ўзи батат қовлаб олаётган, атала тайёрлаётган бўларди. Опангнинг айтишига қараганда, уруш вақтида

---

<sup>1</sup> Чўчка ичагига гўшт, тофу, пиёз кабиларни солиб тайёрладиган корейсча ҳасипни яна қайта қайнатиб пишириладиган таом.

ҳарбий хизмат мажбуриятидан қочиш боис уйда ухлай олмай-  
диган одатинг сенинг дайдиб юриш касалингнинг ҳосил бў-  
лишига сабабчи экан. Сен ҳарбий хизмат мажбуриятидан қоч-  
ганинг йўқ. Нимагаки, қочиб юришдан чарчаб, ўзинг полиция  
маҳкамасига ҳам боргандинг. Ўша вақтда жинойт қидирув бў-  
лимида ишловчи, ёши сендан бор-йўғи беш ёш фарқ қиладиган  
амакинг сени қайтариб юборди. Барбод бўлган оила бўлса-да,  
шубҳасиз бу оиланинг энг катта невараси бўлганинг учун сен  
тирик қолишинг керак, деди. Тирик қолиб, аждодларимиз-  
нинг қабрларини сақлаган ҳолда хотирлаш маросимларини  
қилишинг керак, деди. Лекин сенинг кўрсаткич бармоғингни  
похолқирқичга қўйиб, бўғинидан кесиб ташламаса ҳам бўлар-  
ди. Нимагаки, аслида аждодларингнинг қабрларини асраб,  
ҳар фасл бўладиган хотирлаш маросимини ўтқизган одам се-  
нинг хотининг эди. Шундаймикин? Уйни қўйиб, шудрингга  
ботганча ташқарида ётишга мажбур бўлганинг сени дарбадар  
қилдимикин? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Ўша ташқарида  
ётиш одати сени дайдиб юрадиган қилган бўлиши ҳам мум-  
кин. Уйингда ухласанг дарвозани итариб кимдир сени уш-  
лашга келаётгандек туюлгани учун хавотирланиб, ярим тунда  
худди қочиб кетгандек уйдан югуриб чиқиб кетган вақтларинг  
ҳам бўлганди. Қайсидир киш тунида уйингга қайтиб келиб  
қарасанг, фарзандларинг кап-катта бўлиб қолибди. Кун совук  
бўлгани учун ҳаммаси бир хонага йиғилиб ухлаб ётган экан.  
Хотининг иссиқ жойда ўраб қўйилган димланган гуручни ва  
дастурхонни олиб келиб сенинг олдингга қўйди. Қор бўрони  
қуяётган тун эди. Хотининг манқалга солинган оловда денгиз  
ўтини дудлади. Мазали перилла ёғи ҳидидан фарзандларинг  
бирин-кетин кўзини очиб, сенинг олдингга жам бўлишди. Сен  
хотининг дудлаб бераётган денгиз ўтига димлаб пиширилган  
гуручни ўраб, фарзандларингнинг оғзига биттадан солдинг.  
Тўнғич ўғлингнинг оғзига солгандан сўнг иккинчи ўғлингнинг  
ҳамда катта қизингнинг оғзига солдинг. Ҳали кичкина қизинг

ва кенжа ўғлингнинг оғзига солишга улгурмасингдан тўнғич ўғлинг аллақачон еб бўлиб, яна ўраб беришингни кутди. Болаларинг гуручни олиб ейишидан кўра сенинг гуручни денгиз ўтига ўраб бериш тезлигинг пастроқ эди. Сен фарзандларингнинг оғзидан кўркдинг. Буларни нима қилса бўлади, деб ўйладинг. Шундагина сен энди ташқарини унутиш керак, бу уйдан кетиб бўлмайди, деб ўйладинг.

– Мен келдим!

Сен тезда хона эшигини очиб қарадинг. Хона ичи бўм-бўш эди. Бу уйдан чиқаётган вақтда хотининг тахлаб қўйган бир неча сочик ёнма-ён полда турганди. Ўша куни тонгда дори ичиб бўлгандан кейин полга қўйган стакандаги сув қуриб ётганди. Девордаги соат тушдан кейинги учни кўрсатаётганди ва орқа ҳовлига қараган деразадан бамбук сояси тушиб турганди.

– Мен келдим деяпман, – бўм-бўш хонага қараб ўзингга ўзинг минғиллаётган сенинг елканг кўзга ташланадиган даражада осилиб ётганди. Қандай қилиб бундай хаёл келди экан? Ҳеч ким йўқ бўлган уйга ёлғиз ўзингиз нима қилиш учун борасиз, дея бу ерга келишингга бутунлай қаршилиқ қилган ўғлингга рад жавобини берганча бугун тонгда поездга чиқиб, шу уйга келганингда сенинг кўнглингнинг бир четига ўрнашиб олган умид бор эди. Бу умид шундан иборат эдики, уйга кириб келишинг билан “ичкаридамисан? Мен келдим!” десанг, хонани артаётган ёки омборхонада сабзавот тозалаётган ёки бўлма-са ошхонада гуруч юваётган хотининг “келдингизми!” деган ўша самимий овозда қарши оладиганга ўхшаганди. Нимагадир шундай бўладигандек эди. Бирок уй бўм-бўш эди. Кўп вақтдан бери бўш қўйилганлиги учун уй ҳатто қаровсиз қолган ҳаробадек эди.

Сен ўрнингдан туриб, бўм-бўш уйнинг ҳамма хоналарини очиб кўрдинг.

– Ичкаридамисан? – Ётокхона, кичкина хона, ошхона ва иситиш қозонхонасининг ҳам эшигини очиб, тинмасдан “ичкаридамисан?” деб сўрадинг. Шу уйда яшаётган вақт мобайнида сен хотинингни бундай чин кўнгилдан излашинг биринчи марта бўлаётган эди. Сен бу уйдан кетган вақтингда ҳам хотининг сени шундай излаганмикин? Сен қуриган кўзларингни очиб-юмганча ошхона деразасини очиб, айвон томонга нигоҳингни қаратдинг ва “шу ердамисан?” деб мингилладинг. У ерда фақат ёғоч каравотгина турарди. Шу жойда турганча айвонда кўлларини қимирлатиб, ниманидир ғайрат билан қилаётган хотинингга қарасанг, чақирмаган бўлсанг ҳам хотининг бирдан сен турган томонга қарарди ва шундай деб сўрарди:

– Нима, бир нима керакми?

– Шаҳарчага бориб келмоқчи эдим, пайпоғим қаерда? – десанг хотининг кўлига резинка кўлқоп кийиб турган бўлса ҳам дарров ечиб кўйиб, ичкарига кириб келарди ва кийиб кетадиган кийимларингни шай қилиб берарди. Сен бўм-бўш айвонга бепарво қарадинг.

– Менга қара... Менинг қорним очди. Бир нима есам яхши бўларди, – сен айвонга кўйилган бўш ёғоч каравотга қараб мингирладинг. Хоҳ қалампир юлиб ўтирган бўлсин, хоҳ перилла баргини ёйиб ўтирган бўлсин, хоҳ қарам тузлаётган бўлсин, сен “бир нима есам яхши бўларди”, десанг, хотининг ҳеч иккиланмасдан қилаётган ишини тўхтатиб ёнингга келарди ва шундай дерди: – Тоғда аралия ўти ўсиб чиққан экан, қовлаб олиб келгандим, шуни қовуриб берайми? Ейсизми?

Ўша вақтда нимага шу осойишталик ва бахтни билмаган экансан? Хотинингга ҳатто бир марта ҳам денгиз ўтидан шўрва қайнатиб бермасдан у тайёрлаб берган ҳамма нарсани нимага фақат табиий ҳол дея қабул қилавергансан? Қачонлардир шаҳарчага бориб келган хотининг шундай деганди:

– Бозордаги сиз тез-тез борадиган кассобхона бор-ку, бугун шу ердан ўтиб кетаётсам ўша уйнинг бекаси мени кўярда-қўй-

май чакириб, денгиз ўтидан тайёрланган шўрвадан еб кетинг, деди. Нима муносабат билан денгиз ўтидан шўрва пиширдинглар деб сўрагандим, бугун туғилган куним бўлгани учун эрта-лаб эрим қайнатиб берди, деди.

Сен шунчаки кулоқ солиб турганингда “унчалик мазали эмас-у, лекин қассобхона бекасига жуда ҳавасим келди”, деди. Сенинг курук кўзларинг пирпиради.

– Қаердасан?.. – хотининг шу уйга кириб келадиган бўлса денгиз ўтидан шўрва эмас, ҳар хил ўсимлик қўшиб тайёрландиган қатлама ҳам ковуриб беришга тайёр эдинг. – Мени жазо-лаяпсанми?.. – сенинг курук кўзларинг намланди.

Сен бу уйни хоҳлаганча ташлаб кетиб ва қайтиб келиб ҳам хотининг бу уйдан кетиши мумкинлигини бирон марта ҳам ўй-лаб кўрмагандинг.

Хотинингни йўқотиб қўйгандан кейингина сен уни илк марта кўрган вақтингни эсладинг. Юзини бир марта ҳам кўрмасдан никоҳ куришга келишилгандан кейин эди. Пҳанмунжомда БМТ қўшини қўмондони билан Коммунистик қўшин қўмондони ўртасида яраш аҳди тузилиб, уруш тутаган бўлса-да, уруш давридагидан ҳам нотинчроқ вақт эди. Тунда қорни оч бўлган Шимолий Корея халқ қўшини тоғдан тушиб келиб, кишлоқ-ни ағдар-тўнтар қилиб юрган вақт эди. Бўйи етган қизи бор одамлар тун тушиши билан қизларини яшириш билан овора эди. Тоғдан тушиб келган одамлар қизларни олиб кетади деган миш-миш у кишлоқдан бу кишлоққа тарқалаётганди. Темир-йўлга ўра қазиб, қизини яширган одамлар ҳам бўлганди. Бир неча хонадон бир уйга йиғилиб, тун бўйи ухламасдан чиқарди. Шошиб, қизини тезда турмушга чиқарган одамлар бўлганди. Хотининг туғилганидан то сен билан турмуш кургунга қадар Чинмои кишлоғида яшаган эди. Опанг сени Чинмоилик қиз билан унаштирадиган бўлдик деганида сен йигирма ёшда

эдинг. Юлдузи сеникига жуда мос келадиган киз, деди. Чинмои сен туғилган кишлокдан 10 ри<sup>1</sup> узокликдаги масофада жойлашган тоғли худуд эди. Ҳамма юзини бир марта ҳам кўрмасдан никоҳ кураётган давр эди. Никоҳ маросимини шолини йиғиб олгандан кейин октябрь ойида кизнинг ховлисида ўтказамиз, деди. Никоҳ куни белгилангандан кейин сен мабодо куладиган бўлсанг, ҳамма уйланаётганингдан хурсандга ўхшайсан деб ҳазиллашарди. Сен хурсанд ҳам, хафа ҳам эмасдинг. Опанг рўзгор ишларини бир ўзи қилаётганлиги боис, ҳамма сенга тез уйланишинг керак, деди. Тўғри гап эди-ю, лекин юзини бир марта ҳам кўрмаган аёл билан яшай олмайман деб ўйладинг. Б кишлокда бир умр дехкончилик қилиб ҳаётингни ўтказиш ҳаёлинг йўқ эди. Қўл кучи етишмаганидан болаларни ҳам шоли даласига чақириб ишлатаётган вақтда сен бир неча ўртоғинг билан шаҳарчага бориб, санғиб юрардинг. Кўнглингга ёқадиган иккита дўстинг билан бошқа шаҳарга қочиб кетиб, у ерда шароб тайёрлайдиган завод куриш режасини тузгандинг. Турмуш куришдан кўра ҳар куни қандай қилиб пул топишни ўйлаган сен нима мақсадда тўсатдан Чинмоига борган экансан? Октябрда сен билан турмуш қурмоқчи бўлган кизнинг уйи – орқа ховлисида бамбук калин бўлиб ўсиб ётган кичкина уй эди. Уйнинг томига ва ховлисига ёруғ нур тушиб турган бўлса-да, киз ғамгин кўринарди. Қиз пахта толасидан тикилган кофта кийиб, супада олдида керги чамбаракни қўйганча кашта тикиб ўтирганди. Вақти-вақти билан бўйнини ховлига чўзиб осмонга қарарди. Қатор бўлиб учиб кетаётган ёввойи ўрдаклар кўзга кўринмай кетгунча қараб коларди ҳам. Қиз ўрнидан туриб, уй ташқарисига чикди. Кетидан пахта даласига бординг. Бўлғуси қайнананг бўлган аёл ўша ерда тиз букиб ўтирганча пахта тераётганди. Қиз узокдан “ойи!” деб чақирди. Пахта тераётган қайнананг орқасига ҳам қарамасдан “нима?” деб жавоб берди. Она ва киз ўртасида турган оппок пахта чаноғи ша-

<sup>1</sup> Узунлик ўлчов бирлиги, тахминан 0,393 км га тенг.

молда ҳилпиллади. Қиз яна “ойи!” деб чақирди. Қайнананг яна қайрилиб ҳам қарамасдан “нима?” деб жавоб берди.

– Мен турмушга чикмасам ҳам бўладими?

Сен нафасингни ютдинг.

– Нималар деяпсан?

– Сиз билан яшасам бўлмайдами?

Пахта чаноғи яна ҳилпиллади.

– Бўлмайди!

– Нимага бўлмайди? – киз деярли йиғлаётганди.

– Унда тоғдан тушиб келган одамлар олиб кетаверсинми?

Бир фурсат сукут сақлаб турган қиз пахта даласига чўкка тушиб ўтирди ва оёғини чўзиб, йиғлаб юборди. Супада ўтириб кашта тикаётган покиза кўринишда эмасди. Жуда ғамгин бўлиб йиғлаётганидан ҳатто орқадан кузатиб турган сен ҳам йиғлаб юборай дединг. Шундагина қайнананг пахта даласидан юриб келиб, қизнинг ёнига борди.

– Менга қара! Сен ҳали ёш бўлганинг учун шундай деяпсан. Мен ҳам бу уруш бўлмаганида икки-уч йил сени яна ёнимда олиб юрардим-у, замон жуда хавф-хатарли бўлса на илож. Турмушга чиқиш унчалик ёмон нарса эмас. Модомики шу тоғли ҳудудда туғилган экансан бундан қутулиб қололмайсан. Мен сени мактабга ҳам беролмагандим, агар эрга тегмасанг қандай одам бўласан? Мен юлдузларингизни кўргандим, иккалангиз жуда бахтли бўларкансизлар. Болаларинг кўп бўларкан, ҳаммаси соғ-омон катта бўлиб, фаровон ҳаёт кечираркан. Яна нимани хоҳлайсан? Одам бўлиб дунёга келгандан кейин жуфтини учратади, аҳил бўлиб яшайди, бола туғиб, эмизади ва катта қилинади. Мана шу пахта толасидан солиб кўрпа тикиб бераман, йиғлашни бас қилгин.

Шунда ҳам хўнграб йиғлаётган қизнинг орқасига қайнананг кафти билан урди.

– Бўлди, йиғлашни бас қил...

Шунда ҳам тўхтамаганидан энди ҳатто қайнананг ҳам йиғлаб юборди.

Она ва киз пахта даласида бир-бирини қучиб йиғлаётганини кўрмаганингда ўша вақтда эҳтимол, сен октябрь келишидан олдин уйингдан кетиб қолардинг. Супада керги чамбаракни қучганча қакнус қуши накшида кашта тикиб ўтирган, пахта даласига бориб, “ойи!” дея онасини чакираётиб, оёғини чўзиб йиғлаб юборган ўша киз қайсидир бир тунда ҳеч ким сезмаган ҳолда тоғдан тушиб келган одамлар томонидан олиб кетилиши ҳам мумкин, деб ўйлаганингдан кейин кета олмадинг.

Сен хотинингни йўқотиб қўйиб, бўм-бўш уйингга қайтиб келгандан кейин икки тун-у, тўрт кундуз давомида фақат ухладинг. Ўғлингнинг уйида умуман уйқунг келмай тунда ҳам фақат кўзингни юмиб ётардинг. Қулоғинг сезувчан бўлиб қолиб, нариги хонадан кимдир ҳожатхонага бормокчи бўлиб эшикни очиб чикса ҳам кўзинг очиларди. Овқат егинг келмаса ҳам овқатланиш вақти бўлганда бошқа оила аъзоларини ўйлаб стол олдига ўтирадиган сен ҳеч нарса емасдан бўм-бўш уйда худди ўликдек ухладинг.

Супада ўтирганча қакнус қуши накшида кашта тикаётиб, пахта даласига бориб қаттиқ йиғлаётган хотинингнинг юзини бир марта кўриб турмуш қурганинг учун қаттиқ кўнгил қўйманман деб ўйлардинг-у, уйингдан кетиб озгина вақт ўтса нимагадир шубҳасиз хотининг эсингга тушарди. Хотинингнинг қўллари ҳамма нарсани жонлантирадиган қобилиятга эга эди. Асли бу уйда жониворлар яхши ўсмасди. Хотининг бу уйга келишидан олдин ит олиб боқсаларинг битта ҳам бола туғмасдан ўларди. Сичқон дори еб ёки бўлмаса ҳожатхона чуқурчасига тушиб ўлиб қоларди. Қачонлардир итингнинг ўчоқли пол ичига кириб қолганлигини билмасдан ўчоққа ўт ёқдинг. Ҳайвоннинг

гўштидан чиқадиган сассиқ ис келганида полга кириб кўриб, ўлган итни тортиб чиқардинг. Бу уйда ит яхши ўсмайди деб сенинг опанг айтиб берганди-ю, хотининг бошқа уйда эндигина туғилган битта кучукнинг кўзини бекитган ҳолда олиб келди. Хотининг ит жуда ақлли бўлгани учун олиб келганда кўзини бекитмасанг онаси олдига қайтиб кетади, деди. Шундай олиб келинган кучук супа остида хотининг берган овқатни еб тез улғайди ва беш-олти марта болалади. Супа остида ўн саккизта кучук ғиж-ғиж қайнаб ўсганди ҳам. Ҳар баҳор тухум бостириб товукка ўттиз-қиркта жўжа чиқартирган ва шулардан фақат калхат олиб қочган икки-учтасидан ташқари бирортасини ҳам ўлдирмасдан катта қилган ҳам хотининг эди. Уй олдидаги ерга уруғ сепса, кўкатларни ягана қилиб олиб ейишга улгурмасдан яшил ниҳоллар гуркираб униб чиқарди ва картошкани йиғиб олса сабзи экар, сабзини йиғиб олса батат экиб, тинмасдан ҳосил оладиган ҳам хотининг эди. Баклажон кўчатини ўтказса ёз ўтиб то кузгача ҳам бинафша ранг баклажон мўл бўларди. Хотинингнинг кўли теккан ҳамма нарса мўл-кўл бўлиб ўсарди. Тер босган рўмолини бошидан ечишга ҳам вақт йўқ эди. Полиздаги бегона ўтлар чикқан захотиёк хотинингнинг қўллари томонидан юлиб олиб ташланарди. Дастурхонда қолган овқатларни майдалаб кучукларнинг идишига соларди. Қурбакани ушлаб қайнатиб, майдалаб товукларга егулик қилиб берарди ва у ердан чикқан товук ахлатини олиб, уй олдидаги ерга кўмиш ишларини тинмасдан такрорларди. Хотинингнинг кўли теккан жой тезда серҳосил бўлиб, ҳамма нарса униб чиқар, ўсиб, мева берарди. Ҳатто доим норози бўлган сенинг опанг ҳам хотинингни чакириб полизга уруғ септирар ва қалампир кўчатини ўтказиб беришни сўрарди.

Уйингга қайтиб келгач, учинчи кун ярим тунда уйғониб, паришонхотир шифтга қараб ётдинг. Анави нима экан? Сен

жавон устида турган тэгик<sup>1</sup> накши чизилган кутига караб тезда ўрнингдан турдинг. Кайсидир бир тонгда эрта уйғониб, у ёндан бу ёнга ағанаб ётган сени чақирганини эсладинг. Сен уйғок бўлсанг-да, ёкмагани учун жавоб бермадинг.

– Ухлаётганга ўхшайди, – хотининг чуқур хўрсинди. – Мендан кўп яшаманг.

– ...

– Мен кафанни ҳам тайёрлаб қўйдим. Анави жавон устидаги тегик накшли кутида турибди. Меники ҳам бор. Мабодо мен аввал ўладиган бўлсам, изтиробга тушмасдан ўшани биринчи бўлиб ишлатинг. Мен бир оз дабдабали килдим. Энг зўр матодан тайёрладим. Сотувчи бу матони айнан ўзи эккан нашадан тўкиган экан. Кўрсангиз сизнинг ҳам кўзингиз камашади. Жуда чиройли.

Сен эшитяпсанми, йўкми, буни хотининг билмасдан афсун ёдлаётгандек мингиллади.

– Аввал Тамянгда яшовчи отамнинг амакиваччаси хотини ўлганида кўп кўз ёш килганди. Хотини казо қилишидан олдин эридан ваъда беришни сўраган экан. Асло киммат кафан килманг, турмуш курганимизда кийган ҳанбокни яхшилаб текислаб қўйибман, ўшани кийдириб кузатинг, дебди. Қизимни турмушга ҳам узата олмасдан ўлиб кетаётганимдан хижолатдаман, мен учун пул сарфламанг, дебди. Отамнинг амакиваччаси менга суяниб, ўша гапни айтганча кўп кўз ёш килганидан менинг кийимим хўл бўлиб колганди.

– Шу вақтгача фақат азоб бердим. Энди сал яхши яшайдиган бўлганимизда ўлиб кетди, хатто ўлганда ҳам бир дона яхши кийим қилишимга йўл қўймай ваъда бердириб кетди, – деганди.

– Мен бундай қилмайман. Мен яхши кийим кийиб кетаман. Бир кўрасизми?

---

<sup>1</sup> Корея Республикаси байроғидаги рамз.

Сен ҳеч қандай садо бермаганингдан хотининг яна чуқур хўрсинди.

– Сиз мендан олдин кетинг. Шундай бўлгани яхши. Бу дунёга келишнинг навбати бўлса-да, кетишнинг навбати йўқ дейишади-ю, лекин биз келган навбат бўйича кетайлик. Мендан уч ёш катта бўлганингиз учун уч йил олдин кетинг. Агар алам қиладиган бўлса уч кун олдин кетинг. Мен шунчаки бир амаллаб шу уйда яшайман. Агар ҳеч ёлғиз яшай олмайдиган бўлсам, катта ўғлимизнинг уйига бориб, саримсок арчиб бўлса ҳам, уйини артиб бўлса ҳам яшайман-у, сиз нима қиласиз? Бир умр бировнинг қўлига қараб яшаган сизнинг қила оладиган нимангиз бор? Кўрмасам ҳам аниқ. Кам гапирадиган қари чол хонани эгаллаб, ис тарқатиб ётса ким ёктиради? Бизлар энди фарзандларимизга ҳеч қандай кераги йўқ юкмиз. Қари бор уйини ичкарига кирмасдан билса бўлади, дейишади. Ис чиқади, дейишади-ку. Шундай бўлса-да, аёл киши бир амаллаб ўзига қараб яшаса ҳам, эркак киши ёлғиз қолса ачинарли бўлиб қоладигани учун асло тўғри келмайди. Узок умр кўргингиз келса ҳам мендан кўп яшаманг. Ўзим яхшилаб дафн қилиб, кейин кетингиздан бораман... Шунгача бўлгани менинг вазифамдир.

Сен стулга чиқиб, жавон устидаги тегик нақшли қутини олдинг. Қути битта эмас, иккита эди. Катталигидан олдидагиси сеники, орқасидаги хотинингникига ўхшади. Ётиб кўрганингдигидан ҳажми анча катта эди. Сен қутини полга қўйиб, оғзини очдинг. Умримда бундай чиройли матони кўрмадим, буни топиш учун узок жойга бориб келдим деганди. Қутини очишинг билан кўзни камаштирадиган оппоқ пахта толаси тугунига ўралган матолар турганди. Сен бирма-бир тугунни ечиб кўрдинг. Тўшакни, кўрпани, қўлингни ўрайдиган матолар тартиб бўйича қўйилганди. Мени дафн қилиб кетаман дегандинг... Сен кўзингни пирпиратиб, ўлгандан кейин хотинингнинг ва сенинг тирноқларинг ўраладиган халтачага паришонхотир қарадинг.

Кичкина эшикдан кириб келган иккита бола “буважон!” дея олдингга иккаласи бирдан югуриб келди. Арик бўйида яшайдиган Тхэ Сопнинг болалари. Болалар тезда сенинг олдингдан кетиб, уй ичини кўздан кечиришди. Хотинингни излаётганга ўхшади. Тэжон шаҳрида хитойча ресторан юргизади деган Тхэ Сопнинг қандайдир иши яхши юришмаганми, қариганидан ўзининг овқатини ҳам тўғри ея олмайдиган кекса онасига иккита боласини топшириб, бир марта ҳам корасини кўрсатмаганди. Хотининг ҳар сафар болаларни кўрганда тилини тақиллатиб, “Тхэ Соп-ку майли-я, унинг хотини қандай инсон билмайман”, дерди. Қишлоғингдаги одамлар Тхэ Сопнинг хотини бош ошпаз билан бир-бирини ёқтириб қолиб, уйдан кетиб қолибди, дейишганди. Болаларга овқат берадиган одам бувиси эмас, сенинг хотининг эди. Бир сафар овқат ея олмасдан ўтирганини кўрган хотининг болаларни олиб келиб, нонушта қилдирганди. Болалар эртаси куни тонгда ковоғини ҳам зўрға очган ҳолда яна келди. Яна иккита қошиқ қўйиб, болаларни дастурхон олдига ўтирғизди. Шундан кейин улар ҳар овқатланадиган вақтда келадиган бўлишди. Бир сафар овқат тайёр бўлишидан олдин келиб, полга қорни билан ётган ҳолда ўйнаётган иккала қиз дастурхон тузатилиши биланок лип этиб келиб ўтирганди ҳам. Болалар оғзи ёрилгудек бўлиб овқат ерди. Сен ҳайратда қолдим десанг, хотининг худди ўзининг яширин набирасидек иккита қизнинг ёнини олиб, жуда қорни оч қолган-да, дерди.

– Илгари замондагидек овқат топиб ейиш қийин давр бўлмаса... Болалар келгани яхши, биз ҳам ёлғиз қолмаймиз, – деди.

Болалар овқат ейишга кела бошлаши билан эрталабки дастурхонга янгидан димланган бақилажон қўйилар, газплита остидаги панжарада эрталабдан скумбрия ковурилар эди. Сеулдаги фарзандларинг олиб келган мева ёки тортларни хотининг айнамайдиган қилиб олиб қўярди ва болалар тушдан кейин соат тўртларда анави кичкина эшикдан юзини кўрсатса, ичка-

рига кирдириб едириб юборарди ҳам. Бир-икки марта шундай қилгач, болалар фақат овқат эмас, овқатлар орасида ейдиган егуликни ҳам хоҳлайдиган бўлишди. Хотининг ҳам тезда албатта шундай тайёрлаб бериш керак, деб ҳисоблайдиган бўлди. Бир куни шаҳарчага бориб, автобусга чиқа олмасдан бекатда гаранг бўлиб ўтирган хотинингни коғоз маҳсулотларини сотадиган Пёнг Шик кўриб қолиб уйингга олиб келган, шунингдек, уй олдидаги ердан турп олишга кетганида темирйўл кўтармасидан ўтиб, шоли даласига бориб ўтирганида ўтиб кетаётган Ок Чол кўриб қолиб, уйингга олиб келган вақтлар эди. Уйига келаётганда қайси автобусга миниш эсимга тушмади, нимага шоли даласига келганимни билмасдан шунчаки ўтиргандим деган хотининг шу хотираси билан қандай қилиб болаларнинг овқатини шунчалик яхши тайёрлаб едирганини билмасдинг. Шу вақт мобайнида бу болалар қандай овқатланган экан? Сен Сеулдалигингда бу болалар тўғрисида умуман ўйлаб ҳам кўрмагандинг.

– Буважон, бувим қаерда? – айвонни ва орқа ҳовлини айланиб қараб, ҳатто хонасининг эшигини ҳам очиб кўргандан кейингина хотинингнинг йўқлигини билган катта қиз сендан сўради. Катта қиз сўраган бўлса-да, кичкина қиз сенинг олдингга жуда яқин келиб жавобингни кутди. Сен сўрашни хоҳлаган савол. Чиндан ҳам хотининг қаерда экан? Бу дунёда бормикин ўзи? Сен болаларга кутиб турунглар, дея кўзадан гуруч олдинг ва ювиб, гуруч димлайдиган электр қозонга солдинг. Болалар кутмасдан хоналар эшикларини очиб кўриб юришди. Қайсидир хонадан хотининг чикадигандек туюлди. Сен бир марта ҳам гуруч димлаб кўрмаганинг боис қанча сув солишни билмасдан турдинг ва яна ярим косача сув қуйиб, электр қозоннинг ёкиш тугмасини босдинг.

Ўша куни, “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатидан жўнаган поезд вағони ичида хотинингнинг йўқлигини англаб ети-

шингга неча дакиқа кетган экан? Поезд жўнади-ю, хотиним чикмади деган ҳақиқатни тушуниб етишинг давомида окиб ўтган вақт. Сен албатта хотиним орқамдан эргашиб поездга чиққан бўлса керак, деб ўйладинг. Поезд Намёнг бекатида тўхтаб туриб, яна жўнаб кетган фурсат бошингга қандайдир зарба берилгандек бўлди. Ўша зарбани аниқлаб кўришингдан ҳам олдин орқага қайтариб бўлмайдиган катта хато қилдим деган рухий тушкунлик сенинг миянгга уриб ўтиб кетди. Ўша фурсатда юрак уриш товушинг қулоғингга эшитиладиган даражада баландлашди. Сен орқангга қарашга кўркдинг. Хотинингни “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатида қолдирган ҳолда фақат ёлғиз ўзинг вагонга миниб, бир бекатдан ўтиб кетганлигингни аниқлаштирган ҳамда ёнингдаги одамнинг елкасига урилиб, орқангга қайрилиб қараган ўша фурсатда сен ҳаётинг кескин бузилганини англаб етдинг. Ўн етти ёшли хотининг билан турмуш кургандан буён эллик йил давомида ёшлигингда ёш хотинингдан, қариганингда кекса хотинингдан олдинда юрган сен ўша тез юрадиган қадамнинг сабабли ҳаётинг қаергадир бориб, ботиб қолганлигини англаб етишингга бир дакиқа ҳам сарф бўлгани йўқ. Вагонга чиққандан кейин бўлса-да, дарров орқангга қараб аниқлаштирганингда бундай бўлмасмиди? Ёшлигидан буён хотининг сенга айтиб келган гаплар. Қаергадир бирга борадиган бўлсаларинг доим қадами секинлигидан орқада қолиб кетган хотининг ҳамиша пешанасини тер босганча сенга эргашиб, “бир оз секинроқ юрсангиз яхши бўларди, бирга юрсак яхши бўларди... қандайдир шошилишч ишингиз борми?” дея орқангдан минғир-минғир қиларди. Истар-истамас сен кутиб турсанг, хотининг ачинганиданми қулиб, “менинг қадамим жуда секин-а?” дерди.

– Узр... Лекин одамлар кўрса нима дейди? Бир уйда яшайдиган одамларнинг биттаси анча олдинда, яна биттаси анча орқада юрса, анавилар бирга юришни хоҳламайдиган даражада бир-бирини ёмон кўради шекилли, демайдими? Бошқаларга

шундай кўринишнинг нимаси яхши? Қўл ушлашиб кетайлик демайман, лекин сал секинроқ юринг. Шундай кетаётиб, мени йўқотиб қўйсангиз нима қиласиз? – деганди.

Сен хотининг худди шундай бўлишини билгандек гапирган деб ҳисобладинг. Йигирма ёшингда учратган вақтингдан эллик йил ўтиб, ҳозирги ёшингга етгунга қадар хотинингдан энг кўп эшитган гапинг сал секинроқ юрайлик деган гап эди. Бир умр хотинингдан “сал секинроқ юрайлик”, деган гапни эшитиб ҳам нимага секинроқ юрмаган экансан? Анча олдинга биринчи бўлиб бориб, кутиб турган бўлсанг-да, хотининг хоҳлаганидек у билан бирга ўзаро суҳбатлашиб, ёнма-ён юриб кўрмадинг.

Сен хотинингни йўқотиб қўйгандан кейин ҳар сафар ўзингнинг тез юришингни ўйлаганингда кўксинг ёриладигандек бўларди.

Бир умр доим хотинингдан олдинда юрдинг. Баъзида орқангга қайрилиб ҳам қарамасдан йўл муюлишидан бурилардинг ҳам. Орқада қолган хотининг сени чақирса, сен нимага бунча секин юради, деб тўнғиллардинг. Шундай қилиб, эллик йил ўтиб кетди. Хотинингнинг юриши секин бўлса-да, сен бир оз кутиб турсанг юзлари қизарганча ёнингга келиб, доимгидек “сал секинроқ юрсангиз яхши бўларди”, деб куларди. Қолган умрингни шундай яшаб ўтаман деб ўйлагандинг. Бирок фақат бор-йўғи бир ёки икки қадам орқада қолган ўша “Сеул темир-йўл вокзали” метро бекатида сен биринчи бўлиб минган вагон жўнаб кетгач, хотининг ҳанузгача ёнингга қайтиб келмаяпти.

Гуруч яхши пишмаган ва кимчидан бошқа салат йўк бўлса-да, болаларнинг зўр иштиёқ билан еяётганига қараб, сен бўғинидан операция қилинган оёғингни супа устига кўтариб қўйдинг. Операциядан кейин оғрик йўқолган бўлса-да, чап оёғингни букиб ўтира олмайдиган бўлдинг.

– Иссик сувда ҳўлланган сочик қўйиб берайми?

Қулоғингга хотинингнинг овози эштилгандек бўлди. Сен жавоб бермасанг ҳам тоғорага сув солиб, газ плитага қўйгандан кейин қайнаган сувга ботириб олган сочикни сикиб, сенинг тиззангга қўйган ўша қора доғлар билан қопланган қўллар. Ҳар сафар тиззангга қўйилган сокични қаттиқ босаётган ўша бақувват қўлларни кўрганингда ўзинг ҳам хотинингнинг сендан кўра бир кун бўлса-да кўпроқ яшашини истадинг. Сен ўлгандан кейин хотинингнинг қўли охириги марта сенинг кўзингни юмишини, фарзандларинг олдида сенинг совиётган танангни артиб беришини ва ўша қўллари билан кафан кийдиришини истадинг.

– Умуман қаердасан?

Болалар овқатни еб бўлиб, камон ўкидек тез югуриб чикиб кетгач, хотинини йўқотиб қўйиб ёлғиз қолган сен бўм-бўш уйнинг супасида оёғингни чўзганча тўсатдан бакирдинг. Хотининг йўқолгандан кейин доим томоғинггача кўтарилиб келган йиғининг ўрнига чиқаётган кичкирик эди. Ўғлинг, кизинг, келинингнинг олдида кичкириб ҳам, йиғлай ҳам олмаган ғазабмиди ёки бошқа нарсамиди, тўхтатиб бўлмайдиган даражада кўз ёшинг тўкила бошлади. Қишлоқда вабо тарқалган даврда икки кун орасида кетма-кет оламдан ўтган ота-онангни одамлар тоққа кўмган вақтда ҳам чикмаган кўз ёши. Йиғламоқчи бўлсанг ҳам кўз ёши чикмаган эди. Ота-онангни кўмиб, тоғдан тушиб келаётганингда фақат совуқдан ва кўркувдан титрагандинг. Уруш вақтида ҳам оқмаган кўз ёши. Бир бош молнинг бор эди. Корея Республикаси қўшини қишлоқда бўлган қуни молни етаклаб шоли ерни ҳайдардинг. Тун бўлиши билан тоғдан Шимолий Корея қўшини тушиб келиб, одамларни ва жониворларни ушлаб олиб кетаётган давр эди. Қуёш ботиши билан сен молни етаклаганча шаҳарчагача борардинг ва полиция маҳкамаси ёнига боғлаб қўйиб, молнинг қорнига суяниб ухлардинг. Тонг отиши билан яна молни етаклаганча қишлоққа

қайтиб келиб, полизни ҳайдардинг. Шимолий Корея қўшини тоғдан узоклаштирилди деб ўйлаб, полиция маҳкамасига бормаган бир туни Шимолий Корея қўшини қишлоққа бостириб киришди. Улар молни етаклаб кетишмоқчи бўлишди. Шимолий Корея қўшини аскарлари сени тепкилаётган бўлса-да, сенда молни қўйиб юбориш хаёли йўқ эди. Олдинга чиқиб, сени қайтармоқчи бўлган опангни ҳам силкиганча молнинг кетидан югуриб бораётиб, милтиқ билан урилганинда ҳам йиғламаганинг. Жиноят қидирув бўлимида ишловчи амакинг сабабли реакционер сифатида айбланиб, қишлоқнинг бошқа одамлари билан бирга сувга тўлган шоли даласига чўктирилганинда ҳам, бамбук найзаси томоғингни санчиб ўтиб кетганда ҳам йиғламаган сен қаттиқ овоз чиқариб йиғлаяпсан. Хотинингнинг сендан кўра кўпроқ яшадини хоҳлаганинг қанчалик худбинлик эканини эндигина тушуниб етдинг. Ўша хоҳиш сабабли хотинингнинг оғир хасталикка дучор бўлганини тан олмаганигни ҳам англаб етдинг. Иш билан бирор жойга бориб келганинда худди ўлгандек ухлаб ётган хотининг аслида ҳатто кўзини ҳам очолмайдиган даражада боши оғриб, кўзини юмиб ётганини сен билардинг. Фақат буни билдирмасдинг, холос. Қачондандир бошлаб хотининг итга овқат бермоқчи бўлиб, ит уйчаси турган жойга бормасдан қудук бўйига қараб кетаётганини, бир жойга бориш ниятида уйдан чиқиб кетаётиб, дарвоза олдида паришонхотир турганча яна уйга қайтиб кириши тез-тез бўлаётганини сен билардинг. Сен хотинингнинг ҳолдан тойгандек хонага эмаклаб кириб, зўрға ёстикни топгач, пешанасини тирштирган ҳолда ётганини фақат кузатардинг. Ҳамиша оғрийдиган одам сен бўлиб, оғриган сенга қарайдиган эса хотининг эди. Баъзан хотининг қорним оғрияпти деса, сен менинг белим оғрияпти, дердинг. Сен оғрисанг хотининг манглайингни ушлаб кўрар, қорнингни силаб кўрар, дорихонадан дори олиб келиб берар, мош ва гуручдан бўтқа қайнатиб берарди-ю, сен бўлсанг фақат дори олиб ич дердинг, холос.

Сен эндигина ҳатто хотинингнинг ичи оғриб, бир неча кун давомида ҳеч нарса емай ётган вақтида ҳам бир коса илиқ сувни олдига олиб бориб кўймаганингни англаб етдинг.

Дўмбира чалишга берилиб, бутун Кореяни айланиб юрган вақтда эди. Ярим ойдан кейинми, уйингга қайтиб келсанг, хотининг қиз тукқан экан. Қизни олган сенинг опанг осон туғилди деган бўлса-да, хотинингнинг тинмасдан ичи кетаётганди. Ичидаги нарсаларни қанчалик тўкканки, юзи оқарган, эндигина бола туккан аёллигига қарамасдан жуда озиб кетиб, ёноғининг суяклари кўриниб турганди. Мадори қуриш ҳолати такрорланаверди. Шунчаки ўз ҳолича ташлаб кетган хотининг касаллик сабабли ўладигандек кўринди. Сен опангга корейс табобати дорисидан олиб, янги тукқан онага қайнатиб ичиринг дея пул бердинг.

Бўм-бўш уйнинг супасида йиғлаётган овозинг янада баландлашди.

Бутун умр давомида хотининг учун дорига фақат бир мартагина пул тўлаганлигинг эндигина хаёлингга келди. Опанг корейс табобати дорисидан олиб, қайнатиб хотинингга ичирди. Баъзида ичи оғриб, мадори қуриган вақтида хотининг “ўшанда бор-ку”, деб гапирарди:

– Ўша вақтда корейс табобати дорисидан яна икки пакет еганимда бутунлай тузалган бўлардим.

Қариндошларингнинг кўпчилиги хотинингни яхши кўрарди. Кимдир келса, сен “келдингми?”, кетса “кетяпсанми?” дейишдан бошқани билмасангда сенинг уйингга қариндошларнинг кўп келиши фақат хотининг туфайли эди. Одамлар хотининг димлаган гуручни жуда иштаҳали, дерди. Хотининг дарров уй олдидаги ердан тугмагул узиб олиб келиб, твенжангкук қайнатса ва қарам узиб олиб келиб, тузлаб салат тай-

ёрлаб берса ҳам ҳамма бир коса димланган гуручни иштаҳа билан ерди. Шўрванинг тузи жойида ва салат мазали, дерди. Таътил бўлиши билан мактаб кийимини кийиб меҳмонга келган жиянларинг қайтиб кетадиган вақтда семириб, кийимининг тугмасини тақа олмасдан мингиллаб юрарди. Ҳамма хотинингнинг пиширган гуручини семиртирадиган гуруч, дерди. Шоли кўчатини ўтқазиш вақтида хотининг полиздан янги ковлаб олинган картошкани қилич балиқ билан ковуриб, шоли даласида ишлаётганларга олиб келса, ҳамма оғзи ёрилгудек бўлиб ерди. Ўтиб кетаётган одамлар тўхтаб, овқатдан еб кетарди. Бошқа қишлоқдаги одамлар ҳам сенинг уйингнинг ишини қилишга келмокчи бўларди. Хотининг пишириб келган овқатни еса қорни тўқ бўлиб, ишни икки баробар қилса ҳам қорин оч бўлмайди, дерди. Оила аъзоларинг супада ўтириб тушлик қилаётган вақтда мева ёки кийим сотиб келган савдогарлар дарвозадан мўраласа, хотининг бир бурчакдан жой бериб, овқатлантириб юборарди. Нотаниш одамлар билан ҳам бирга овқат еб, очикчасига гаплашган хотининг хуш кўрмай қарайдиган фақат битта одам бўлиб, у ҳам бўлса сенинг опанг эди.

– Ўша вақтда корейс табобати дорисидан яна икки пакет еганимда яхши бўларди... Безътибор бўлган хатто сиз ҳам янги туккан она бутунлай тузалиши керак дея яна икки пакет олиб ичиринг, дегандингиз-у, болаларнинг аммаси ўша ғазабли қарашда “яна қандай дори ичаман дейди! Шу ичгани етади”, деб олиб бермаганди... Ўша вақтда шу доридан яна икки пакет ичганимда бундай азоблар бўлмасди.

Сенинг хотирангда ҳам йўқ бўлган ишни хотининг вақти-вақти билан диареядан азоб чекканида худди кеча бўлган ишдек гапирарди. Шундай гапни эшитиб ҳам сен диарея сабабли ичи кетаётган хотинингга дори олиб келиб бермагансан.

– Дорини ўша вақтда ичиш керак эди. Энди ҳеч қандай дори фойда бермайди.

Хотининг ҳар сафар ичи кетиши бошланганда ҳеч нарса емасди. Одам қандай қилиб ҳеч нарса емасдан бир неча кун

чидаб юраркан, деб ҳайрон бўлардинг. Ёш вақтингда ўзингни билмаганликка олардинг, қариганингда бир нима ейишинг керакмасми, деб сўрардинг. Шунда хотининг тепаликдан қулаб тушаётгандек қиёфада сенга караб шундай дерди:

– Ҳайвонлар ҳам шундай эмасми? Мол ҳам, чўчка ҳам... оғриса ҳеч нарса емайди. Ҳатто товук ҳам шунақа. Анави ит ҳам бир жойи оғриса ейишни тўхтатади-ку! У бир жойи оғриса қандай мазали нарса берсанг ҳам карамасдан уйчаси олдидаги ерни икки оёғи билан ковлаб, ўша ерга қорнини босиб ётади. Жим кузатиб юрсанг, бир неча кундан кейин силкиниб туради. Овқатни ҳам шундагина ейди. Одам дегани бошқача бўлармиди? Қорин шундай оғриб турганда бунинг ичига кирадиган овқат қандай мазали бўлмасин у менга заҳардек бўлади.

Ич кетиши тўхтамаса хотининг қуритилган хурмони кириб бир қошиқ ерди. Умуман шифохонага бормасди.

– Қуритилган хурмо фойда берадими? Шифохонага бориб даволан, дорихонадан дори олиб е, – десанг ҳам хотининг гапга қулоқ солмади. Сен чидай олмасдан қистасанг, “мен шифохонага бошқа бормаيمان демадимми!” дея қаттиқ гапириб, сенга қайта гап очтирмасди. Қайсидир йили сен ёзда уйингдан чикиб кетдинг ва кишда қайтиб келсанг, хотинингнинг чап кўкрагида шиш бор экан. Сен ғайритабиий десанг ҳам хотининг аҳамият бермади. Кўкрак учи ўйилиб, кўкрак безларидан йиринг чикқандагина сен тердан ҳўл бўлган рўмолни бошига боғлаган хотинингни олиб шаҳардаги шифохонага бординг. Қандай касаллигини дарров билиб бўлмасди. Фақат текширтириб кўргандинг холос, натижаси ўн кундан кейин чиқади деганда хотининг чуқур ҳўрсинганди. Ўша ўн кун орасида нима бўлганди? Қандай иш билан банд эдинг-ки, натижасини кўришга бормадинг. Натижасини кўришга боришингни нимага шунча орқага сурдинг экан? Кўкрак учи йиринг босгандан кейингина сен яна хотинингни олиб шифохонага бординг. Шифокор хотининг кўкрак беzi саратони билан оғриган, деди.

– Саратон дейсизми? – хотининг бўлмайди, деди. Оғриб ётишга вақтим йўқ, қиладиган ишларим кўп, деди.

Шифокор айтган кўкрак беги саратони касалига чалиниш мумкин бўлган барча эҳтимолларидан хотининг холи эди. Кеч туккани ҳам йўқ, бешта боланинг ҳаммасини эмизган, сен билан турмуш қурган йили дастлабки ҳайз келиши бошланган деди, демак ҳайз келиши ҳам эрта бошланмаган, бунинг устига гўштни кўп истеъмол қилмасди, кўп истеъмол қиладиган шароит ҳам йўқ эди. Шунга қарамасдан хотинингнинг чап кўкрагида саратон хужайралари ўсаётганди. Текширув натижасини кўришга тезроқ борганинга, эҳтимол, кўкрагини кесиб ташламаса ҳам бўларди. Саратон хужайралари ўсаётган кўкрагини кесиб ташлаб, бинт билан ўраб қўйган ҳолда полизга картошка экканди. Операция пулини топиш учун аллақачон сотиб юборганлигинг боис бошқа бировнинг мулкига айланган полизда энди униб чиқаётган картошкаларни кўмиб, “бу дунёда қайтиб шифохонага бормайман!” деди. Нафакат шифохонага бормади, балки сени яқинига ҳам йўлатмайдиган қилди.

Туғилган кунни ўтказиш учун Сеулга бормокчи бўлган ўша вақтда ҳам хотининг диареядан азият чекиб юрганди. Жуда қуввати йўқ бўлганидан Сеулга бора олармикин деб ҳавотир олиб юрганинга хотининг қаердан нимадир эшитганими, сендан шаҳарчага бориб, банан олиб келишингни илтимос қилди. Сеулга боришдан олдин кунига уч маҳал иккита хурмога ярим банан аралаштириб, кириб ерди. Шунча бола тукканда ҳам хонада бир ҳафтадан кўп ётиб кўрмаган одам вақти-вақти билан бўладиган ич оғриғи тутганда ўн кунлаб ётарди. Шундай қилиб, хотининг хотирлаш маросими кунини эсидан чиқарди. Кимчи тузлаётди ҳам паришонхотир ўтирарди. Сен нима бўлди деб сўрасанг, “билмадим, саримсок солдимми, солмадимми билмайман...”, дея ҳолсиз минғирларди. Чонггукчанг қайнаб турган қозонни эҳтиётсизлик билан ушлаганлиги оқибатида кўлини қуйдириб ҳам қўйганди. Сен энди ёш эмас деб

ўйладинг. Ўзинг ҳам ўша завқланиб чалган дўмбирани унутиб яшаётганингни ўйладинг. Шунча яшагандан кейин тана ҳам ёшликдагидек бўлармиди? Ҳамма жой ишдан чиқиши табиий ҳол деб ҳисобладинг. Бу ёшда касаллик билан ошно бўлиб яшалади деб ўйладинг. Хотининг ҳам шундай жараёнда деб ўйладинг.

– Ичкаридамисан?

Сен опангнинг овозини эшитиб, бирдан кўзингни очдинг. Бундай эрта тонгда сенинг уйингга келадиган одам фақат опанг эканлигини билсанг-да, тўсатдан хотинингнинг овозини эшитгандай бўлганинг учун шундай килгандинг.

– Мен кирапман, – аллақачон супага чиққанмиди, гапи тугаши билан хона эшиги очилди. Опангнинг кўлида патнис бўлиб, овқат ва салат идишлари ок тугун билан ёпилган эди. Опанг патнисни полга қўйиб, сенга паришонхотир каради. Аввалига шу уйда бирга яшаётиб, кейинчалик янги йўл томонга уй қуриб чиқиб кетган опанг қирқ йилдан буён тонгда кўзини очиши билан бир дона сигарет чеккач, сочига сочтўғноғични илган ҳолда тартибга келтириб, сен яшаётган шу уйга йўл оларди. Опанг тонгги шафак тушаётган сенинг уйингни бир айлангандан кейин яна қайтиб кетарди. Қадамнинг товушини чиқармаган ҳолда олд ҳовли, ён ҳовли ва орқа ҳовлини айланиб юрган опангнинг кадам товушини хотининг дарров биларди. Хотининг учун опангнинг кадам товушлари уйқудан уйғотадиган товуш ҳам эди. Инграган товуш чиқарганча ўгирилиб ётаётиб, “яна келдими?..” дея минғирлаб, ўрнидан турарди. Опанг шунчаки уйни бир айланиб чиққандан кейин қайтиб кетарди. Ўтган тунда сенинг уйингга ҳеч нима бўлмаганлигини аниқлаштираётганга ўхшарди. Ёшлигида бирданига иккита акасини йўқотган, ота-онасини ҳам икки кун давомида кетма-кет йўқотган бўлиб, уруш вақтида ҳатто сени ҳам йўқотишига сал колганди. Эрининг қишлоғига боришнинг ўрнига,

поччанг бу кишлокқа келиб яшаётганди, бироқ уйи ёниши натижасида поччанг куйиб ўлганлиги боис опангнинг кўнглидаги яра эски дарахтдек илдиз отганди.

– Тўшак ҳам тўшамасдан ётдингми?

Битта ҳам фарзандсиз ёш бева бўлиб қолган, ёшлигида кескин ва ҳатто шиддатли кўринган опангнинг кўзлари мадорсиз эди. Яхшилаб таралган ва сочтўғноғич тақилган сочлари оппоқ эди. Сендан саккиз ёш катта бўлса-да, бели сеникига нисбатан текис эди. Опанг ёнингда ўтирди ва сигарет чиқариб оғзига солди.

– Чекишни ташламаганмидингиз?

Жавоб бермасдан опанг шаҳарчанинг қаеридадир жойлашган майхона номи ёзилган ўт олдиргични ёқиб, сигаретига ўт олиштирди.

– Итни уйимда боғлаб қўйибман. Хоҳласанг олиб кел.

– Ҳозирча ўша ерда қўяверинг... Менимча яна Сеулга боришим керак.

– Бориб нима қиласан?

– ...

– Бир ўзинг нимага келдинг, келсанг, топиб келмайсанми?

– Нимагадир бу ерда кутиб ўтирганга ўхшагани учун.

– Агар бу ерда бўлганида мен дарров телефон қилардим-ку, шундай эмасми?

– ...

– Одам ҳам шундай бўладими?.. Ярамас одам! Бошқа одамни ҳам эмас, эр дегани ўз хотинини йўқотиб келадими? Қандай виждон билан келади?! У бечорани каерга ташлаб келдинг?

Сен сочлари оқарган опангга паришонхотир қарадинг. Опанг хотининг тўғрисида бундай гапираётганини сен биринчи марта эшитаётгандинг. Ҳамиша опанг хотинингни кўрса нимадандир норози бўлиб тилини тақиллатарди. Хотининг сенга турмушга чиққандан кейин икки йил давомида бола бўлмади дея юзига солиб, Ҳёнг Чолни тукқанда “нима, бошқалар қилмайдиган нарсани қилдими?” деганди. Ҳар сафар гуруч пиши-

риш учун ўғирда шоли туйиш керак бўлган даврларда опанг бирга яшаса-да, бир марта ҳам шоли туйиб бермаган одам эди. Лекин хотининг ҳар тукқанда опанг унга ғамхўрлик қиларди.

– Ўлишимдан олдин бир марта айтмоқчи бўлгандим... Лекин ўзи йўқ бўлса кимга айтасан?

– Нимани айтмоқчи эдингиз?

– Фақат бир-иккита нарса эмас-да...

– Унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганингизими?

– Ҳёнг Чолнинг онаси мени шафқатсиз муносабатда бўлди деганмиди?

Сен кулмасдан шунчаки опангга паришонхотир карадинг. Ундай бўлса, унақа эмас деганимикин? Опанг хотининг учун қайнопа эмас, қайнана бўлганлигини билмайдиган одам йўқ. Ҳамма шундай деб ўйларди. Опангнинг энг ёмон кўргани шу гап эди. Уйда катта одам бўлмагини учун шундай бўлишдан бошқа иложи йўқ дерди. Эҳтимол, шундайдир.

Опанг полга қўйган сигарет пачкасидан яна бир дона чиқариб оғзига солди. Сен ўт ёкиб бердинг. Хотинингнинг йўқолиши опангни яна сигарет чекишга мажбур қилган кўринади. Лекин опангнинг оғзи сигаретсиз турганини тасаввур қилиб бўлмасди. Эрталаб уйкудан туриши билан пайпаслаб сигаретини излайдиган опанг кун бўйи қандай ишни бошламасин, аввал сигаретини кидирарди. Бирор жойга бормоқчи бўлганида ҳам, овқат ейишидан олдин ҳам, ухлашидан олдин ҳам. Ҳаддан ташқари кўп чекади деб ўйлардинг-у, лекин бир марта ҳам опангга чекишни ташланг деб айтмагансан. Йўқ, айта олмасдинг. Ўша оловда поччанг қуйиб ўлгандан кейин дастлабки кўрган опангнинг қиёфаси ёниб кетган уйга қараб сигарет чекаётган қиёфа эди. Йиғламасдан, кулмасдан тинмай сигарет чекиб ўтирганди. Овқат ҳам емасдан, ухلامасдан қиладиган иши сигарет чекиш эди. Ўша уй ёниб кетганидан кейин уч ой ҳам ўтмасдан опангнинг кўлига никотин иси сингиб қолиб, ёнига яқинроқ бормасанг ҳам сигарет ҳиди келарди.

– Мен энди яшасам яна қанча яшайман? – опанг элликка киргандан кейин доим айтадиган гапи шу эди.

– Бу дунёга келиб шу вақтгача яшаганим... чиндан ҳам фақат менинг ҳаётимгина бешафкат ва қайғулига ўхшайди... Менда на фарзанд, на бошқа нарса бор. Акамлар ўлганида мен ўлиб, улар тирик қолса яхши бўларди деб ўйлагандим-у, ота-онамизни у дунёга кузатгандан кейин ўзимни йўқотиб қўйганда ҳам кўзимга сен билан Кюн кўрингандиларинг. Ер юзида фақат биз ёлғиз қолдик деб ўйлагандим... Ўтда қуйиб ўлган ўша турмуш ўртоғимга нисбатан меҳр пайдо бўлишидан ҳам олдин шундай кўргулик бўлди... Сен менга нафақат ука, балки ҳам фарзанд, ҳам суюкли ёр эдинг...

Опангнинг гаплари рост бўлса керак.

Агар шундай бўлмаганида сен ўрта ёшларингда фалаждан оғзинг қийшайган ҳолда касал ётганинда шудрингдан бир коса олиб ичса тузалиб кетади деган гапни қаердадир эшитиб, бир йил давомида баҳор, ёз ва кузда қўлига коса олиб, шудринг йиғиш учун шоли далаларининг марзаларида санғиб юрармиди? Қуёш чиқишидан олдин бир коса шудринг йиғиш учун опанг тонг отишидан олдин туриб, кун ёришишини кутарди. Хотининг опангдан норози бўлишни бас қилгани, опангга қайнопага эмас, қайнанага бўлгандек муносабатда бўла бошлагани ҳам ўша ишдан кейин эди. Хотининг чўчиган кўринишда “мен сизга бундай қила олмаган бўлардим!” деганди.

– Ўлишимдан олдин Ҳёнг Чолнинг онасидан уч нарса учун узр сўраб кетмокчи эдим.

– Нимани айтяпсиз?

– Кюн борасида... Ўрик дарахтини кесиб ташладинг дея қаттиқ ғазабланганим ва корни оғриганида ўз вақтида дори олиб бермаганим...

– Кюн, – сен гапиришдан тўхтадинг. Опанг ўрнидан турди.

– Бу димланган гуруч, корнинг оч бўлса егин. Ҳозир ейсанми? – опанг оқ тугун ёпилган патнисни кўрсатди.

– Йўк, хозиргина уйкудан турдим, туришим билан овқат ёкармиди?

Опанг уй теварагини бир марта айланганида сен ҳам унга эргашдинг. Хотининг қарамаётган уйнинг ҳамма жойи чанг эди. Опанг қайла кўзачалари сакланадиган жойга бориб, кўза қопқокларидаги чангни кафти билан артди.

– Кюн жаннатга тушганмикин-а?

– Нимага у ҳақда гапиряпсиз?

– Кюн ҳам Хёнг Чолнинг онасини излаётганга ўхшайди. Тўсатдан тушимда Кюнни кўрдим. У тирик қолганида қандай бўлган бўларди?

– Сиз билан менга ўхшаб у ҳам қарирди-да... нима бўларди?

Ўн етти ёшли хотининг йигирма ёш бўлган сен билан турмуш қурганида Кюн бошланғич мактабнинг битирувчи синфида эди. Ўша болалар орасида кўзга ташланадиган даражада ақлли бола эди. Гапга яхши тушунадиган, истараси иссиқ, яхши ўқийдиган ва кўриниши чиройли эди. Ким бўлса ҳам ўтиб кетаётиб Кюнни бир марта кўрса, қайси уйнинг боласи экан, дея орқасига ўгирилиб қарарди. Бошланғич мактабни тугатгандан кейин ўрта мактабга бора олмагач, Кюннинг тақдири сенга ва опангга боғлиқ бўлди. Унинг айтган гаплари ҳозир ҳам эшитиладигандек эди: Мени мактабга юборинг, ака. Мени мактабга юборинг, опа... Ҳар куни мактабга юборинг деб йиғлаган бола. Уруш тутаганига бир неча йил бўлган бўлса-да, аҳволингиз ачинарли эди. Қанақасига шу даражада камбағал бўлиш мумкин? Баъзан сенга ўша даврлар тушдек туюларди. Уруш вақтида бамбук найзаси томоғингга санчилган бўлса-да, тирик қолганинг учун оиланинг тўнғич ўғли сифатида оила аъзоларингни боқишга жавобгар бўлган мушкул вазиятга тушгандинг. Эҳтимол, шу нарса кийин бўлганидан бу уйдан кетишни хоҳлагандирсан. Укангни мактабга юбориш тугул, ҳатто егуликни ҳам топиш кийин бўлган давр эди. Сен ва опанг Кюннинг гапига кулоқ солмагач, у хотинингга ялинди:

– Кеннойи, кеннойи, мени мактабга юборинг. Ўрта мактабга юборинг, илтимос. Агар шундай қилсангиз бир умр сиздан миннатдор бўламан.

– Шунчалик хоҳлаяпти, Кюнни қандай қилиб бўлса ҳам мактабга бериш керак эмасми? – деди хотининг.

– Мен ҳам мактабга бора олмадим! Шунда ҳам у ҳеч бўлмаганда бошланғич мактабга борди-ку, – дединг сен.

Мактабга бора олмаганингга отанг сабабчи эди. Корейс табобати табиби бўлган отанг юқумли касаллик сабабли иккита ўғлидан айрилгач, сени у хоҳ мактаб, хоҳ бошқа жой бўлсин, одам кўп жойга юбормасди. Отанг сени ёнига ўтирғизиби, иероглифларни ўтгатарди.

– Ҳёнг Чолнинг отаси ... Кюнни мактабга юборайлик.

– Қандай қилиб юборамиз?

– Анави уй олдидаги ерни сотсак бўлмайдами?

Опанг ўша гапни эшитиб, рўзгорни хароб қиладиган хотин, дея хотинингни онасиникига ҳайдаб юборди. Ўн кунларча ўтгандан сўнг бир туни сен маст бўлганча хотинингнинг уйига йўл олдинг. Тоғ йўлидан айланиб-айланиб, ўша уйга етганингда бамбук қалин ўсиб ётган орқа ҳовли томондаги хонанинг деразаси олдида тўхтадинг. Ўша ергача хотинингни олиб келиш учун бормаганинг. Ер ҳайдаганинг учун сенга қуйиб берилган шаробнинг кучи сени ўша ерга олиб борганди. Ким ҳайдаб юборганидан қатъи назар уйингдан кеткизгандан кейин ҳеч нарса бўлмагандек хотинингнинг уйига дарров кадам қўйишинг ноқулайлиги боис шундай тургандинг. Кекса қайнананг билан хотинингнинг гаплашаётган овози ташқарига эшитилди. Қайсидир гапнинг охирида қайнананг овозини кўтариб, “ўша махлукнинг уйига кирмасдан нарсаларингни йиғиштириб, бутунлай чиқиб кет”, деганида хотининг бурнини тортганча қайнанангга қарши турди:

– Ўлсам ҳам ўша уйга кириб ўламан. Ўша уй менинг уйим бўлса, нимага мен кетишим керак? – деди.

Хотининг бурнини тортганча қайнанангга айтган гапини эшитгандан кейин сен ўша деворга суянган холда бамбукзорга тонг нурлари кириб келадиган вақтгача турдинг. Эрталабки овқатни пишириш учун хонадан чиқаётган хотинингни ушлаб олдинг. Туни бўйи йиғлаб чиққанми, сигирнинг кўзидек катта бўлган хотинингнинг кора кўзлари шишганидан кичкина бўлиб қолганди. Кўркиб кетганидан кўзини катта қилиб очганда ҳам хотинингнинг кўзи кичкина эди. Бамбукзордан кесиб ўтиб, хотинингни орқангга эргаштирганча мана шу уйга қайтиб келдинг. Бамбукзордан ўтгандан кейин хотинингнинг қўлини қўйиб юбориб, олдинда юрдинг. Шимингга шудринг тўкиларди. Ўша вақтда ҳам орқада қолган хотининг сенинг орқангдан “сал секинроқ юринг!” дея қийналиб нафас чиқарганча кетингдан келди.

Шудрингдан ҳўл бўлган холда уйингга қайтиб келишинг биланок Кюн “кеннойи”, дея хотинингга югуриб келди.

– Кеннойи... мен мактабга бормаيمان, энди уйдан кетманг!

Қандайдир орзусидан воз кечгандек Кюннинг кўзлари ёшга тўлди. Ўрта мактабга бора олмаган Кюн хотинингга ёрдамлашиб, уй ишларини ғайрат билан қилди. Тоғ ёнбағридаги полизда бирга ишлаб юрганида узун жўхори пояси панасида қолганидан хотининг кўринмаса, Кюн “кеннойи!” деб чақирарди. “Нима?” дея сенинг хотининг жавоб берса, Кюн қулиб, яна “кеннойи!” деб чақирарди. Кюн чақирар ва хотининг жавоб берар, Кюн яна чақирар ва хотининг яна жавоб берарди... Иккаласи шундай қилиб чақирган ва жавоб берганча тоғ ёнбағридаги полиз ишларини тугатарди. Фақат ташқарида санғиб юрган сен билан қиёслаганда Кюн хотининг учун мустаҳкам йўлдош эди. Кюннинг кучи янада кўпайиши билан баҳорда молни етаклаб ер ҳайдар, йиғим-терим фаслида ҳамма ишчилардан эрта шоли даласига чиқиб шоли ўрарди. Кимчи тузлаш фаслида эрта тонгда чиқиб, полиздаги қарамларнинг ҳаммасини суғуриб қўйган ҳам Кюн эди. Шоли даласига похол

тўшак тўшаб, шоли бошоғини шилиб оладиган вақтлар эди. Қишлоғингдаги хотинларнинг ҳаммаси биттадан дон шилгични олиб, ўша кунни шоли шилиб оладиган уйнинг даласига йиғилишар ва жой танлаб, дон шилгичларини ўрнатарди. Ва кун ботгунча шоли донини шилиб оларди. Қайсидир бир йили Кюн шаҳарчадаги вино ишлаб чиқарадиган заводга ишлашга кетди. Кўлига пул тушиши билан Кюн дон шилгич сотиб олди ва уйингга қайтиб келиб, хотинингга узатди.

– Бу шилгични нимага олдинг? – хотининг шундай деб сўраганида Кюн кулди:

– Бу қишлоқда кеннойимнинг дон шилгичи энг эскиси бўлгани учун... Тиклаб қўйса ҳам яхши турмайдиганга ўхшагани учун...

Хотининг эски асбоблиги боис шоли донини шилиб олганда бошқа хотинларга нисбатан икки баробар куч сарфланади, дея янги дон шилгич бўлса яхши бўларди, дерди. Сен хотинингнинг гапига эътибор қаратмагандинг. Ишлатса бўлади-ку, янгисини сотиб олишнинг нима кераги бор деб ўйладинг. Кюн узатган янги дон шилгични олган хотининг Кюнгами ёки сенгами қаттиқ жаҳл қилганди.

– Бу нарсани нимага олиб келасиз? Сизни мактабда ҳам ўқита олмаганда.

Кюн “кеннойи, сиз ҳам қизиксиз-да!” дея юзи кизариб кетди. Кюн хотинингни жуда хурмат қиларди. Хотинингни она деб ҳисоблаган ҳам кўринади. Дон шилгични сотиб олгандан бошлаб, Кюн пул топса дарров рўзғор буюмларини сотиб олиб берарди. Ҳаммаси хотинингга керак бўлган нарсалар эди. Мельхиор тоғорани сотиб олиб келган ҳам Кюн эди. У хижолат тортгандек шундай деганди:

– Бошқа уй аёлларининг ҳаммаси мана шундай тоғора ишлатаркан, кеннойи, фақат сиз оғир каучук тоғорадан фойдаланаётганингиз учун...

Хотининг Кюн сотиб олиб берган мельхиор тоғорада қарам ва турпдан кимчи тайёрлар ҳамда пиширган овқатларини

солиб шоли даласига борарди. Ишлатиб бўлгандан кейин ялтиратиб артиб, идишлар жавонига қўярди. Мельхиор тоғорани то тўзиб, оқориб кетгунча ишлатганди. Сен бирдан ўрнингдан туриб ошхона томонга чиқдинг. Ошхонанинг орқа эшигини очдинг ва қўшимча хонадаги тахтадан ясаб қўйган тоқчага карадинг. Овқатланиш столининг оёқлари йиғиб қўйилган ҳолда турарди. Унинг оркасида қирқ йил олдинги мельхиор тоғора турарди.

Хотининг иккинчи фарзандини тукқанда ҳам сен уйда йўқ эдинг. Хотинингнинг ёнида Кюн бор эди. Совуқ киш бўлишига қарамасдан уйда ўт ёқишга ўтин йўқ экан. Бола туғиб, муздек хонада ётган кеннойиси учун Кюн уйдаги эски ўрик дарахтини кесиб ўтин қилибди. Кеннойиси ётган хонанинг ўчоғига ўт ёқибди. Ўша нарсани кўрган опанг янги тукқан она ётган хонанинг эшигини қаттиқ очиб, уйдаги дарахтни ҳуда-беҳудага кесса одам ўлади дейишади, нимага ундай қилдинг, деб сўрабди. Кюн “Мен қилдим! Нимага кеннойимни айблаяпсиз?” дея қичқириб ташланганида опанг Кюнни бўғзидан олибди:

– Кеннойинг кес дедими? Ярамас! Разил бола!

– Ундай бўлса, бола туғиб муздек хонада ўлиши керакми? – Кюн бир гапда ҳам бўш келмасдан кеннойисининг ёнини олган экан.

Ўрик дарахтини кесган ўша жой эди. Пул ишлаш учун уйдан чиқиб кетган Кюннинг қайтиб келганидан йигирма кунларча ўтганди. Кюннинг қайтиб келганидан энг кўп хурсанд бўлган одам хотининг эди. Шу вақт мобайнида Кюн анча ўзгарганди. Шунчалик ҳурмат қилган хотинингни кўриб ҳам кулмаганди. Сен фақат ташқарида ҳаёт кечириб юрганида оғир кўнгилсизлик рўй берганга ўхшайди деб ўйладинг, холос. Бир куни хотининг юзлари оқарган ҳолда ют<sup>1</sup> ўйини бўлаётган дўконга нафаси қисилган ҳолда югуриб келди. Кюннинг мазаси йўқ

<sup>1</sup> Корейс миллий ўйин турларидан бири.

тезрок уйга боринг деса ҳам сен ют ўйинига берилиб кетиб, хотинингга сен аввал бориб тур, дединг. Ҳушини йўкотгандек бўлиб турган хотининг ют ёйилиб турган похол тўшакни тўн-тариб ташлаб, жаҳл билан бакирди:

– Кюн ўляпти! Тез бориб кўриш керак деяпман!

Хотинингнинг ҳаракати ҳаддан ташқари кўпол бўлганидан нохуш нарсани ҳис қилган сен уйингга йўл олдинг.

– Тезрок! Тезрок! – дея кичқирганча хотининг олдинда югурди. Хотининг сендан олдинда югургани ўша вақт биринчи марта бўлганди. Ўрик дарахти кесилган жойда Кюн танасини букиб ётганди. Кўпик тўлиб турган оғзидан тили чиқиб, буралиб турганди.

– Унга нима бўлди? – сен хотинингга қарадинг-у, лекин у аллақачон эсини йўқотиб турганди.

Энг биринчи бўлиб Кюнни кўрган хотинингни бир неча марта полиция маҳкамасига чақиришди. Ўлим сабаби аниқла-нишидан ҳам олдин янгаси қайнукасига агрохимикат едирибди деган мишмиш кўшни қишлоққача ёйилиб кетди. Опанг кўзи кизарганча хотинингга “укамни ўлдирган хотин!” дея бакир-ди. Терговчининг сўроғига хотининг совуққонлик билан жавоб берди:

– Агар мени ўлдирди деб ўйласангиз, сўрок қилмасдан мени қаманг.

Уйга бормайман, қамокхонага юборинг деган хотинингни терговчи бир неча марта уйингга олиб келганди ҳам. Хотининг уйга қайтиб келиб, сочини юлар ва кўксини тирнарди. Эшик-ни кенг очиб қудукка югуриб борар ва муздек сувни апил-та-пил ичарди. Сен деярли ақлдан озган ҳолатда эдинг. Хотининг сўрок қилиниш учун катнаб юрган вақтда сен “Кюн! Кюн!” дея ўлган укангнинг исмини чақирганча тоққа бориб, ақлдан озгандек югуриб юрардинг. Кўксингдан ўт чиқиб, тананг қай-наганидан чидаб бўлмасди. Ўлган одам гапирмас, тирик қол-ганлар шундай ақлдан озаётган вақт эди.

Шўрпешана. Сен эндигина ўзингнинг қанчалик кўрқок бўлганлигингни англаб етдинг. Хотинингга ўша яранинг ҳаммасини юклаб яшаб келганинг эндигина хаёлигга келди. Таскин берадиган сўзларни эшитиши керак бўлган одам хотининг эди, бироқ сен оғиз очмаслик орқали хотинингни қайтанга мушкул аҳволга солиб қўйганингни ҳам фаҳмладинг.

Эси ўзида бўлмаса ҳам шу орада одам ёллаб, Кюнни кўмдирган ҳам хотининг эди. Қанча вақт ўтса ҳам сен Кюнни қаерга кўмганлигини сўрамаганингдан хотининг шундай деганди:

– Қаерга кўмилганлигини билишни хохламайсизми?

Сен ҳеч нима демадинг. Билишни хохламасдинг.

– Шундай ўлиб кетди деб ранжиманг... Ота-онаси ҳам бўлмаса, сиз акаси бўлсангиз, вақти келганда бориб кўришингиз керак... Аждодларимиз ётган қабристондан жой топиб қайтадан яхшилаб кўмсак яхши бўларди.

Сен хотинингга “у шафқатсиз боланинг қаерга кўмилганлигини мен нима учун билиб қўйишим керак?” дея кичкирдинг. Қачонлардир қаергадир бирга кетаётиб, хотининг бирдан тўхтади.

– Кюннинг қабри шу ерга яқин жойда жойлашган, бориб кўрмайсизми? – деб сўради.

Сен ўзингни эшитмаганга солдинг. Нимага ўша юкни фақат хотинингга юклаган экансан? Икки йил олдингача ҳам хотининг доим Кюн оламдан ўтган кунда овқат тайёрлаб, Кюн кўмилган жойга борарди. Тоғдан қайтиб келаётган хотинингнинг оғзидан сожу<sup>1</sup> ҳиди чикиб, кўзлари кизариб турарди.

Кюннинг вафотидан кейин хотининг ўзгариб кетди. Илгари хушчакчак бўлган одам энди кулмайдиган бўлди. Онда-сонда кулаётиб ҳам дарров кулгиси йўқоларди. Шоли ва полиз ишларини қилиб юрган вақтларида полга орқаси тегиши биланок

---

<sup>1</sup> Корейс ароғи.

ухлаб қоладиган одам доим чала ухлаган ҳолда тунларни ўтказарди. Кичкина қизинг фармацевт бўлиб, уйқу дорисини тайёрлаб бермагунча хотининг каттиқ ухлаб ётолмасди. Хотиржам ухлай олмаган хотининг. Эҳтимол, бедарак йўқолган хотинингнинг бошида эрмаган уйқу дорилари қат-қат бўлиб йиғилиб тургандир. Шу вақт мобайнида эски уйни бузиб, ўрнига икки марта янги уй қурдинг. Ўша вақт уйнинг ҳар хил бурчакларига ташлаб қўйилган эски рўзғор буюмлари ташлаб юбориладиган вақт ҳам эди. Ҳар сафар рўзғорни қайта тартибга солаётган вақтда хотининг бошқа одам тегиб юрмасин дея ўша мельхиор тоғорани алоҳида олиб қўярди. Бошқа рўзғор буюмлари билан аралашиб турадиган бўлса, нарсалар орасида кўринмай қолиб, топа олмаслигим мумкин деб ўйлаганми, уй битгунча вақтинча фойдаланиб туриш мақсадида ёмғир ўтмайдиган қилиб қуриб қўйган чодир ичига энг биринчи бўлиб ўша мельхиор тоғорани киритиб қўярди. Қурилиш битгач, биринчи бўлиб янги уйнинг тоқчасига мельхиор тоғорани қўярди.

Кюнга нисбатан бўлган сенинг сукунатинг хотинингга канчалик азоб бергани уни йўқотиб қўйгунигча хаёлингга келмаганди. Энди эски ишларни ўйлаб, ўша вақтда шундай бўлганди деган билан нима ўзгаради, деб ўйлагандинг.

– Шифокор онангизга каттиқ таъсир қилган ишлар рўй берганми, деб сўради. Мен билмайдиган қандайдир нарса борми? – дея қизинг сендан сўраганида ҳам сен бош чайқандинг. – Рухшуносга кўринишни тавсия қилди, – деганида ҳам сен психиатр нимага керак дея қизингнинг гапига кулок солмадинг. Кюн билан бўлган воқеани сен ёш ўтиб борган сари унутиш керак бўлган иш деб ҳисобладинг ва энди унутилгандек бўлганди. Элликдан ошгандан кейин хотининг ҳам шундай деганди:

– Кюн энди тушимда ҳам кўринмайди. Энди жаннатга кетганга ўхшайди.

Хотининг ҳам худди сендек ўйлаяпти, деб ҳисобладинг. Шундай унутди деб ўйлагандинг, лекин охирги йилларда хотининг яна Кюн ҳақида гапира бошлаганди.

Қайсидир бир куни ухлаётган хотининг туриб, сени туртиб уйғотди.

– Кюнни айтаман, агар мактабга юборганимизда ундай қилмаган бўлармиди?

Ундан сўраётганмиди ёки ўзига ўзи минғир-минғир қилаётганмиди, билиб бўлмасди:

– Бу уйга келин бўлиб тушганимдан кейин менга энг яхши муносабатда бўлган одам Кюн эди... Кеннойиси бўлиб шунчалар боргиси келган ўрта мактабга юбора олмадим. Яна уни тушимда кўрдим. Ҳали ҳам жаннатга кета олмаган кўринади.

Сен “инг”, дея овоз чиқариб, ўгирилиб ётганингдан кейин ҳам хотининг қандайдир узок йўлга қараётган одамдек ўзига ўзи гапирди:

– Ўша вақтда сиз нимага ундай қилдингиз? Нимага Кюнни мактабга юбормадингиз? Шунчалик боргим келяпти деб йиғлаганда ҳам ачинмадингиз? Факат мактабга кирдирсангиз бўлди, колганининг иложини ўзим кўраман деганди-ку!

Сен Кюн борасида ҳеч ким билан гаплашишни хоҳламадинг. Кюн сен учун ҳам кўнгил яраси эди. Ўрик дарахти кесилган бўлса-да, сен Кюн ўлиб ётган ўша ерни яхши эслардинг. Хотининг тез-тез эсини йўкотгандек ўша жойга қараб туришини ҳам билардинг. Сен ярангни тирнашни истамадинг. Ҳаётда янада дахшатли ишлар ҳам кўп. Сен ёлғондакам йўталиб кўйдинг. Ўша вақтда Кюн борасида хотиним билан очикчасига гаплашишим керак эди деган хаёл хотинингни йўқотиб кўйгандан кейингина келди. Бўшаб бораётган хотинингнинг кўнглида Кюн қолган эди. Ухлаб ётган хотининг тўсатдан ювиниш хонасига югуриб бориб, унитаз ёнида чўнкайиб ўтириб қолган бўларди. Худди кимдир уришиб бераётгандек қўлини силки-

тиб, “мен эмас, мен эмас”, дея кичкирарди. Сен ёмон туш кўрдингми деб сўрасанг, хотининг кўзини очиб-юмиб, hozиргина ўзи нима қилганини унутиб юборгандек сенга паришонхотир қарарди. Бундай ҳолат тез-тез қайтариладиган бўлди.

Хотининг Кюн сабабли полиция маҳкамасига тез-тез қатнаганлиги тўғрисида нимага ўйламаган экансан? Қотил деган миш-миш чиққанлигини ҳам. Кюн билан боғлиқ воқеалар хотинингнинг ҳалокатли бош оғриғи билан алоқаси бўлиши ҳам мумкин деган фикр нимага эндигина хаёлингга келди экан? Ҳеч бўлмаганда бир сафар хотинингнинг гапига қулоқ солишинг керак эди. Айтгиси келган гапларини айтишга қўйиб беришинг керак эди. Шундай айблаб қўйиб, тегишлича таскин бермаган ҳолда индамасдан келган давр. Эҳтимол, ўша зулм хотинингнинг укубатига сабабчи бўлгандир. Хотинингнинг хаёли қочган ҳолда туриши кўпайди.

– Нима қилмоқчилигим эсимга келмаганидан шундай турибман, – дерди. Боши оғриганидан юра олмайдиган даражада бўлса-да, хотининг асло шифохонага бормаيمان, деди. Фарзандларга ўзининг бош оғриғи тўғрисида умуман айтмаслигинг учун сени назорат қилди.

– Билиб нима қилади? Ўзларининг ишларини қилишга ҳам вақти бўлмаганда.

Тасодифан билиб қолишса, дарров “кеча оғриётган эди-ю, энди яхши!” дея яширарди. Ярим тунда ёлғиз ўзи паришонхотир ўтирганида сен садо чиқарсанг, совуққон нигоҳда “сен мен билан шу вақтгача нимага яшадинг?” деб сўраган кунлар ҳам бўлганди. Шундай бўлса-да, хотининг вақти келганда соя қайласини тайёрлар, олхўри шарбатини тайёрлаш учун тоғ олхўрисини териб келиш учун кетарди. Якшанба кунларида сен ҳайдайдиган мотоциклнинг орқасига миниб ибодатхонага борарди ҳам, баъзан биров тайёрлаб берган овқатни егим келяпти, салати кўп чиқадиغان ошхонага овқатланишга бораи-

лик, деб айтарди ҳам. Ҳар фаслда бўладиган хотирлаш маросимларини бирлаштирайлик деган гап чикқанида хотининг шундай деганди: – Катта келиннинг хотирлаш маросимини ўтказадиган даври келганида шундай қилар, лекин шу вақтгача қилиб келдимми, энди ҳаётимнинг охиригача ўзим шундайлигича давом эттираман. Ўша вақтда хотининг олдингиларидан фарқли равишда хотирлаш маросими дастурхонига керак бўладиган нарсаларни харид қилишга кетганида ҳар сафар ниманидир эсдан чиқариб, тўрт-беш марта шаҳарчага бориб келишига тўғри келарди. Сен бу даражадаги ҳолатлар ҳаммада бўлиб туради деб ҳисоблардинг.

Эрта тонгда телефон жиринглади. Бу вақтда ким бўлиши мумкин? Сен эҳтимол, дея умид қилиб, дарров гўшакни кўтардинг.

– Ота.

Катта қизинг эди.

– Ота?

– Ҳа.

– Нимага гўшакни энди кўтарасиз? Қўл телефониға нимага жавоб бермайсиз?

– Нима бўлди?

– Кеча акамнинг уйига телефон қилиб кўриб, кўрқиб кетдим... Нимага тўсатдан уйга кетдингиз? Кетадиган бўлсангиз кетяпман, деб айтсангиз бўлади-ку! Шундай кетиб, нимага гўшакни кўтармайсиз?

Уйингга келганингни катта қизинг энди билган кўринади.

– Ухлаб ётгандим.

– Ухладингизми? Тўхтовсиз ухладингизми?

– Шунақа шекилли.

– Бир ўзингиз у ерда нима қилмоқчисиз?

– Эҳтимол бу ерга келар деб ўйладим.

Қизинг бир оз вақт сукут сақлади. Сен жуда безовта бўлдинг.

– Мен ҳам борайми?

Фарзандларинг орасида хотинингни излашда энг фаоли катта қизинг эди. Ҳали турмуш қурмагани учун ҳам шундай-дир. Хотинингга ўхшаган одамни кўрдим дея қўнғирок қиладиганлар ҳам Ёкчон-донг даҳасидаги фармацевтдан кейин бошқа бўлмади. Ўғлинг газетага яна эълон бериб кўрди-ю, лекин фойдаси бўлмади. Ҳатто полиция ҳам ҳамма усулни қўллаб кўрдик, энди кимдандир хабар келишини кутишдан бошқа илож йўқ дея қидиришни тўхтатган бўлса-да, катта қизинг ҳар тунни шифохоналарнинг шошилинич бўлимига бориб, ҳеч кими йўқ бўлган ҳолда олиб келинган беморларни бирма-бир текширди.

– Йўқ... агар бирор нарса бўлса дарров телефон қил.

– Ота, агар ёлғизликдан зериксангиз тезда Сеулга келинг. Ёки бўлмаса, аммамни чақириб, бирга бўлинг.

Қайтадан тинглаб кўрсанг, қизингнинг овози ғалати эди. Ичганга ўхшади. Маст бўлганда чиқадиган овоз эди.

– Ичдингми?

– ... бир-икки пиёла.

Тонггача ичиб ўтирганмикин? Сен гўшакни қўймоқчи бўлаётган катта қизингнинг исмини шошилиб чақирдинг. Қизинг ҳолдан тойган овозда “эшитаман!” деб жавоб берди. Гўшакни ушлаб турган сенинг қўлингдан тер чикди. Оёғингда куч қолмай полга ўтирдинг.

– Ўша куни онанг Сеулга борадиган аҳволда эмасди. Сеулга бормаслигимиз керак эди... Бир кун олдин бошим оғрияпти дея тоғорани музга тўлдириб, ичига бошини тикиб ўтирганди. Чақирган овозни ҳам эшитмасдан... Тунда қарасам, музлаткичнинг музхонасига бошини қўйиб турган экан. Қанчалар оғриганки шундай қилади? Эрталабки нонуштани тайёрлашни ҳам эсидан чиқарган ҳолатда бўлган одам Сеулга боришимиз керак, деса бўладими. Сизларни кутяпти, деди. Шунда ҳам мен боришига йўл қўймаслигим керак эди. Мен қариганимдан энди бировнинг гапига кулоқ соладиган бўлиб қолганга ва фикр юргизишим ҳам сусайганга ўхшайди. Нимагадир бир

томондан кўнглимда бу сафар Сеулга борсак, мажбурлаб бўлса ҳам шифохонага ётқизиш керак деган хаёл ҳам бўлди... Нима бўлганда ҳам шундай одамни олиб борган бўлсам кўлидан ушлаб юришим керак эди... Мен онангнинг касаллигига эътибор қаратмай Сеул темирйўл вокзалида тушишимиз билан ўзимча олдинга қараб юриб кетдим... Бир умр шундай яшаганим учун шунчаки ўша одат яна пайдо бўлган. Воқеа шундай бўлганди.

Болаларинг олдида шу вақтгача айта олмаган гапларинг оғзингдан ёғилиб чикди. Гўшакнинг нариги томонида қизинг нафасини чиқармай турганди.

– Ота...

Сени чақираётган қизингнинг овозига кулоқ солиб турдинг.

– Одамларнинг ҳаммаси ойимни унутиб юборганга ўхшайди. Ҳеч ким кўнғироқ қилмайди. Ойимнинг ўша куни нимага боши оғриганини биласизми? Мени ярамас қиз, деганди.

Қизингнинг овози титрай бошлади.

– Ойинг сенга шундай дедими?

– Ҳа... туғилган кунида мен иштирок қила олмаслигим учун Хитойдан телефон қилиб, нима қилаётганини сўраганимда, шишага шароб қуйяпман, деди. Укангга олиб бораман, деди. Укам ичишни яхши кўради-ку. Билмадим. Жаҳл қиладиган иш эмасди-ю, нимагадир жуда жаҳлим чикди. Укам ичишни ташлаши керак эди... Ойим шунчаки ўғли яхши кўргани учун олиб бормокчи бўлиб, шишага шароб қуяётганди. Шунинг учун ойимга ўша оғир нарсани олиб борманг, уни ичгандан сўнг яна маст бўлиб, тўполон қиладиган бўлса сиз жавоб берасизми, сал оқилона иш қилинг, дегандим. Ойим ҳолсиз “тўғри”, деди ва шаҳарчага гуручли пирог олиб келишга боришини айтганди... Ҳар йили сизнинг туғилган кунингизда Сеулга келганида гуручли пирог тайёрлаб келарди-ку. Мен “яна қанақа гуручли пирог, ҳеч ким емайди, ойи, сизнинг олдингизда бўлашиб олиб кетиб, музлаткичга солиб қўяди, қишлоқчилик қилмасдан шунчаки бораверинг”, дедим. Шунда мендан гуручли пирог-

ни музлаткичга солиб қўйибсанми, деб сўради. Ҳа, шунақа, уч йил олдингиси ҳам қандай бўлса шундайлигича турибди деганимда ойим йиғлади. Йиғлаяпсизми, деб сўраганимда ойим “сен ярамас қизсан”, деди. Мен ойим ҳаракатланганида сал қулайроқ бўлсин деб шундай дегандим. Ойимдан ярамас қиз деган гапни эшитиб, гангиб қолганга ўхшайман. Ўша куни Пекинда ҳаво жуда иссиқ эди. Жуда жаҳлим чиқиб, шунақа, ойи, сиз ярамас қиз туғиб яхши қилгансиз, шунақа, мен ярамас қизман, дея бақирганча гўшакни қўйиб қўйдим.

– ...

– Ойим бақирганни жуда ёмон кўрарди... биз ҳаммамиз ойимга бақирардик-ку. Яна кўнғироқ қилиб, узр сўрамокчи эдим-у, лекин овқатланиш, шаҳарнинг диққатга сазовар жойларини томоша қилиш, одамлар билан суҳбатлашиш каби ишлар билан овора бўлиб, эсимдан кўтарилди. Яна кўнғироқ қилиб узр сўраганимда ойимнинг боши унчалик оғримаган бўларди... Шундай қилганимда ойим орқада қолиб кетмасдан сизга эргашиб юрган бўларди.

Қизинг йиғлаётганга ўхшади.

– Жи Ҳон.

– ...

– Ойинг сендан жуда ғурурланарди.

– Нима?

– Мабодо сен газетада чиқадиган бўлсанг уни буклаб, сумкасига солиб юрарди ва тез-тез сумкасидан чиқариб олиб кўрарди... Шаҳарчага бориб кимни учратса, ўша газетани кўрсатиб мақтанарди.

– ...

– Қизингиз нима қилади деб сўрашса, асар ёзади, дерди... Ойинг сен ёзган китобни анави Намсан-донгдаги меҳрибонлик уйида ишлайдиган аёлдан ўқиб беришни сўраган экан. Онанг сенинг қандай асарлар ёзганингни биларди. Ўша аёл ўқиб берганда ойингнинг юзи ёришиб, хурсанд бўлар экан. Шундай экан, сен нима бўлганда ҳам асарларни яхши ёзишинг керак.

— ...

— Ҳар гапнинг ўз айтиладиган мавриди бўлади. Мен бир умр ойингга гапирмадим ёки гапирадиган фурсатни қўлдан бой бердим. Ё бўлмаса тўғри тушунар, дея яшадим. Энди қандай гап бўлса ҳам айта оламан-у, лекин эшитадиган одам йўқ.

— ...

— Жи Ҳон?

— Эшитаман.

— Сендан ўтиниб сўрайман... Ойингни... Ойингни назарда тутяпман.

Қизинг чидай олмасдан гўшакнинг нариги томонидан инг-раган овоз чиқариб йиғлади. Сен гўшакни кулоғингга маҳкам қўйганча бузокнинг овозига ўхшаган қизингнинг йиғисини тингладинг. Қизингнинг йиғиси борган сари кучайди. Сен ушлаб турган гўшак симидан қизингнинг кўз ёши оқаётганга ўхшади. Сенинг юзинг ҳам кўз ёшига тўлди. Ҳамма унутса ҳам қизинг эсласа керак: хотинингнинг ҳаётни жуда яхши кўрганини ва сен хотинингни севганингни.

#### 4-боб

### ЎЗГА БИР АЁЛ

Қарағайлар жуда қалин экан-а!

Қандай қилиб бу шаҳарда бундай кишлоқ бор экан-а? Кўзга кўринмайдиган жойда жойлашибди. Бир неча кун олдин қор ёғдими? Дарахтлар оппоқ қор билан беланган. Уйингнинг олдида карасам, уч туп қарағай бор. Ўша одам мени ўтиради деб экиб қўйган кўринади. Мен ўша одам ҳақида гапиряпманми? Шунда ҳам сени учратгандан кейин ўша одамни кўришга бормоқчи эдим. Шундай бўлса керак. Шундай бўлиш керак деб ўйлайман.

Сенинг ака-укаларинг яшаётган кўп хонали уйлар-у, бир хонали тураржой бинолари ҳаммаси менинг кўзимга бирдек

кўринади. Қайси уй қайси эканлигини билмай саросимага тушасан. Шунчалар ҳам ўхшаш бўладими! Қандай қилиб бир хил маконда яшайсизлар? Ҳар ким ҳар хил кўринишдаги уйда яшагани маъкул кўринади. Айвони ҳам, болохонаси ҳам бўлгани яхши эмасми? Болалар яширинадиган жой бўлган уйда яшаган яхши эмасми? Сен сенга иш буюрмоқчи бўлиб келаётган аканглардан қочиб, ўша уйнинг болохонасига яширинганингдек. Энди қишлоқда ҳам бир хил кўринишдаги кўп хонали уйлар жуда кўпайиб кетибди-да. Бизнинг уйимизнинг томига чикиб кўрдингми? Ўша ердан шаҳарчадаги янги пайдо бўлган кўп хонали баланд уйлар кўринади-а? Сен улғаяётган вақтда ҳатто автобус ҳам юрмайдиган қишлоқ эди. Қишлоқ ҳам шундай-у, одам кўп бўлган бу ерни айтмаса ҳам бўлади. Шунчаки фақат кўриниши бир хил бўлмаса яхши эди. Жуда ўхшаш бўлганидан умуман ҳеч қаерга бора олмайман. Акангларнинг уйига ҳам, опанг турадиган жойга ҳам бора олмайман. Бу менинг муаммом. Менинг кўзимга ҳаммаси бир хил кўринишдаги кириш, бир хил кўринишдаги эшик-у, лекин одамлар ярим тунда ҳам уйларини топиб бора оларкан. Ҳатто болалар ҳам.

Сен бу ерда яшаб юрган экансан-да.

Бу ер қаер эди? Сеул шаҳри Чонгно-гу тумани Пуам-донг даҳаси... Бу ер Чонгно-гу туманими? Чонгно-гу тумани... Чонгно-гу тумани... Ҳа, Чонгно-гу тумани! Аввалари ўша сенинг катта аканг янги турмуш курганида яшаган уйнинг манзили Чонгно-гу тумани деб бошланарди. Чонгно-гу тумани Тонгсунг-донг даҳаси эди-а?

– Ойи, бу ер Чонгно-гу тумани. Ҳар сафар манзилни ёзганда хурсанд бўламан. Чонгно-гу тумани Сеулнинг марказидир. Шу ерда мен яшаб юрибман. Қишлоқи бола ниҳоят Чонгно-гуга кирди, – шундай деганди.

Ўша вақтда ҳам Сеулнинг маркази Чонгно тумани деганди-ю, лекин менинг хотирамда Наксан деганми бир тик тоғ этагига зич ҳолда хавфли бўлиб ёпишиб турган кўп хонали уй

эди. Ўша ергача юриб чикқанимда жуда ҳансираб қолгандим. Ўша вақтда ҳам “эх, қандай қилиб бу шаҳарда бундай жой бор экан, бизнинг қишлоқдан ҳам баттар бўлган қишлоқ-ку”, деб ўйлагандим. Лекин бу ер ҳам шунақа экан. Ўша вақтдагидек хаёл келади. Қандай қилиб бу шаҳарда бундай жой бор экан!

Ўтган йили сенинг оиланг уч йилдан ошиқроқ бўлган чет эл ҳаётини тугатиб, яна Сеулга қайтиб келган вақтда эга бўлган пулга олдинги яшаган ижара уйини ҳам олиб бўлмайди дея ҳафсаланг пир бўлганда, мана шу қишлоқни топган кўринасан. Бу ер мутлақо қишлоқ жойига ўхшайди. Қаҳвахона, санъат галереяси бўлса-да, тегирмон ҳам бор экан-а. Тегирмонда гуруч унидан оппоқ пирог тайёрлаб турган экан. Аввалги даврлар эсимга тушиб, анча вақт томоша қилиб турдим. Янги йил яқинлашяптими? Тегирмонда оппоқ пирогни тайёрлаётган одамлар анчагина эди. Ҳали ҳам янги йилда оппоқ пирог тайёрлайдиган шундай қишлоқ бу шаҳарда бор экан-а! Янги йил кириб келаётганда бир тоғора гуручни аравачага ортиб, пирог тайёрлаш учун тегирмонга борардим-ку. Навбат кутиб турган вақтда музлаган қўлларимни нафасим билан иситардим.

Бу ер учта бола билан яшашга ноқулай бўлса керак. Эрингнинг Соллингга ишга қатнашига ҳам узок. Яқин атрофда бозор борми? Бир вақтлар сен шундай дегандинг:

– Савдо мажмуасига бориб, ниманидир кўпроқ олиб келсам ҳам дарров еб тугатилади. Йогуртни биттадан едирадиган бўлсам ҳам учта олишим керак. Уч кунга етадиган қилиб оладиган бўлсам шунинг ўзи ҳам тўққизта бўлади, ойи! Кўркқанимдан ўлай дейман. Шунча олган бўлсам ҳам дарров йўқ бўлади! – сен қўлингни катта қилиб, шунча деган сўзга урғу бергандинг. Учта бола бўлгандан кейин бу табиий ҳол.

Тўнғич фарзандинг юзи қизарган ҳолда миниб келган велосипедини дарвоза олдига суяб қўймоқчи бўлаётиб, кўркиб кетди. “Ойи!” дея сени чақирганча шошиб, давозани итариб

кирди. Кулранг жунли жакет кийган сен учинчи фарзандингни кўксингга кучганча “нима?” деган қарашда эшикни итариб чикдинг.

– Ойи! Куш!

– Куш?

– Ҳа, дарвоза олдида.

– Қанақа куш?

Тўнғич фарзандинг жавоб бермасдан бармоғи билан дарвозани кўрсатди. Сен қучиб турган учинчи фарзандингни совқотмасин дея устки кийимингга тақилган қайтарма қалпокни тортиб юзини ёпдинг ва дарвоза томонга чиқиб қарадинг. Танасининг ҳамма жойи кулранг бўлган куш дарвоза олдида чўзилиб ётарди. Бошидан қанотигача қора доғлар билан қопланган эди. Қанотлари музлаб қолибди-ку. Кушга қараб турган сенинг кўзларинг ўйнади. Мени ўйлаяпсан-а? Бирок болам, сенинг уйингнинг атрофида кушлар кўп экан. Нимага кушлар бунча кўп? Қиш кушлари овоз ҳам чиқармай уйингнинг устида айланиб юрибди.

Бир неча кун олдин уйингнинг олдидаги беҳи дарахти остида қалтираб ўтирган қарғани кўриб, қорни оч бўлса керак деб ўйладинг ва уйингга кириб, болангдан қолган нонни майдалаб беҳи дарахти остига сепдинг. Ўша вақтда ҳам сен онанг ҳақида ўйлагандинг. Қиш фаслида яланғоч хурмо дарахтида ўтирган кушлар есин дея эски гуручдан бир коса олиб, хурмо дарахти остига сепиб юрадиган мени эслагандинг. Сен нон ушоғини сепган куни кечкурун беҳи дарахти остига йигирмадан ошиқ кушлар учиб келди. Қаноти сенинг кафтингча келадиган куш ҳам бор эди. Ўша кундан бошлаб сен ҳар куни қорни оч қолган қиш кушлари учун нон ушоғини беҳи дарахти остига сепиб қўядиган бўлдинг. Лекин куш беҳи дарахти остида эмас, дарвоза олдида чўзилиб ётганди. Ўша кушнинг номини мен биламан. Ржанка қуши. Ғалати-а. Бир ўзи юрмайдиган куш бўлмаса, нимага бу ерда экан? Денгиз қирғоғида юриши керак бўлган куш-ку. Ўша одам яшайдиган

Комсода кўрган куш. Сув қайтган вақтда ўша боткоқда егулик излаб юрган ржанка кушларини кўргандим.

Сен жим турганингда тўнғич фарзандинг сенинг кўлингдан ушлаб силкитди.

– Ойи!

– ...

– Ўлганми?

Тўнғич фарзандинг сўраса ҳам сен жавоб бермадинг. Ғамгин кўринишда шунчаки кушга жим қараб турардинг.

– Ойи! Куш ўлганми?

Ташқаридаги шовқинни эшитиб югуриб чиққан иккинчи фарзандинг келиб сўраганда ҳам сен учинчи фарзандингни кучганча чурқ этмадинг.

Телефон кўнғироғи жиринглади.

– Ойи, холам сўраяпти!

Катта қизим телефон қилган кўринади. Сен иккинчи фарзандингдан гўшакни олдинг. Гўшакни олган сенинг кўринишинг яна ғамгин бўлди.

– Опа, сиз кетсангиз қанақа бўлади?

Катта қизим яна самолётга чикмоқчи кўринади. Сенинг кўзларингда кўз ёши пайдо бўлди. Лабларинг ҳам қалтираётганга ўхшайди. Тўсатдан сен телефон гўшагига каттиқ бақирдинг. Болам, сен ундай бола эмассан-ку. Нимага опангга бақирасан?

– Ҳамма ҳаддидан ошяпти... Ҳамма ҳаддидан ошяпти!

Ҳатто гўшакни ҳам “тарак” килиб кўйиб кўйдинг. Аслида опанг сенга ва менга шундай киларди. Дарров телефон кўнғироғи яна жиринглади. Анча вақт гўшакка фақат қараб турдинг, лекин кўнғироқ товуши тўхтамагач, сен гўшакни олдинг.

– Узр, опа.

Шу орада овозинг ҳам хотиржам бўлиб, ўз холига қайтди. Сен гўшакнинг нариги томонида опанг айтаётган гапларни

жим туриб тинглаётгандинг. Шундай қилаётиб, яна юзинг кизариб кетди. Тўсатдан бақирдинг.

– Нима? Сантьяго? Бир ойга?

Сенинг юзинг янада кизарди.

– Ҳозир мендан борсам бўладими деб сўраяпсизми? Аллақачон боришга қарор қилиб қўйиб, яна нимага сўрайсиз? Шунақа ҳам бўладими?

Гўшакни ушлаб турган сенинг қўлинг қалтираётганди.

– Дарвоза олдида бир куш ўлиб ётганди. Кайфиятим яхши эмас. Ойимга нимадир бўлганга ўхшайди! Нимага шу вақтгача ҳам ойимизни топа олмадик? Нимага? Шундай вақтда яна қарга бормокчисиз? Ҳаммангиз нимага бунақасиз? Опа, сиз ҳам шунақа қияпсизми? Шундай совуқ кунда ойим қаердалигини ҳам билмаганда ҳаммангиз ўзингиз хоҳлаган ишни қилиб юраверасизми?

Болам ўзингни бос. Опангнинг кўнглини ҳам тушунгин-да. Ўтган уч фасл давомидаги опангнинг ҳолатини кўриб ҳам шундай дейсанми?

– Нима? Менга онамни топгин деяпсизми? Менга? Мен учта бола билан нима қила олишим мумкин? Қочиб кетяпсиз-а? Чарчаганингиздан қочиб кетяпсиз-а? Опа, сиз доим шунақа эдингиз.

Болам, хотиржам бўлгандек эдинг, яна нимага бунақа қияпсан? Гўшакни яна “тарак” қилиб қўйиб, хўнграб йиғлаяпсан. Учинчи фарзандинг ҳам қўшилиб йиғлаяпти. Учинчи фарзандингнинг бурни дарров кизариб кетди. Манглайи ҳам кизариб кетди-ку. Иккинчи фарзандинг ҳам кетингдан йиғлади. Тўнғич фарзандинг хона эшигини очиб чиқаётиб, йиғлаётган учалангизга паришонхотир қараб турибди. Телефон кўнғироғи яна жиринглади. Йиғлаётган сен дарров гўшакни кўтардинг.

– Опа...

Сенинг кўзларингдан кўз ёши томди.

– Кетманг! Кетманг, опа!

Нихоят катта қизим сени юпатяпти. Юпата олмагач, катта қизим сенинг уйингга келаман, деди. Гўшакни кўйиб, сен бошингни эгганча жим ўтирибсан. Учинчи фарзандинг сенинг тиззангга чикиб ўтирди. Сен учинчи фарзандингни кучдинг. Иккинчи фарзандинг келиб, юзингни силади. Сен кўлингни чўзиб иккинчи фарзандингнинг орқасидан қокиб кўйдинг. Тўнғич фарзандинг сени хурсанд қилиш учун олдингда мукка тушиб ётиб, математика масалаларини ечяпти. Сен тўнғич фарзандингнинг бошини силадинг. Очик дарвозани итариб, катта қизим кириб келди.

– Эҳ, Юн! – дея катта қизим эшикни очган сенинг кўлингдан учинчи фарзандингни олди. Ҳали ётсираши кучли бўлган учинчи фарзандинг холаси бўлмиш катта қизимнинг кучоғидан сенга бормоқчи бўлиб, кўлини чўзиб типирчилаяпти.

– Тўхтаб турсанг-чи! – катта қизим юзидан ушламоқчи бўлганди, учинчи фарзандинг ҳўнграб йиғлаб юборди.

Катта қизим сенга болани узатди. Онасининг бағрига қайтгандан кейингина бола кипригида кўз ёши осилганча холасига қараб кулди.

– Эҳ, сени кара-я! – катта қизим боланинг юзини силади. Сиз опа-сингиллар индамасдан ўтирибсизлар. Телефон орқали бўлмагач, шундай қорли йўлда елиб келган катта қизим ҳеч нима демаяпти. Кўриниши яхши эмас. Юзлари шишганидан ўша катта кўзлари кичкинагина бўлиб қолибди. Юзидан кўп вақтдан буён умуман ухлай олмагани билиниб турибди.

– Кетасизми? – анча вақт сукут сақлагандан кейин сен опангдан сўрадинг.

– Бормайман.

Оғир юкни тушириб кўйгандек катта қизим диванга худди йиқилиб тушгандек юз тубан йиқилди. Мудроқ сабабли гавдасининг мувозанатини сақлай ололмаяпти. Бечора. Ўзини кучлидек кўрсатади-ю, лекин ичи дарз кетган. Ўз танангни шунча қийнаб нима қилмоқчисан?

– ... Опа! Ухляяпсизми?

Сен катта қизимнинг елкасини силкитиб кўраётиб, кафтинг билан силадинг. Ухлаётган опангга паришонхотир қараб турибсан. Ёшлигингизда ҳам қандайдир иш сабабли ўзаро қарши бўлиб, қаттиқ тортишаётиб ҳам сизлар дарров тинчирдиларинг. Қойимокчи бўлиб қарасам, ўзаро қўл ушлашганча ухлаб ётган бўлардиларинг. Сен хонага кириб, жун адёлни олиб келиб катта қизимнинг устини ёпдинг. Катта қизим пешанасини тириштирди. Эҳтиётсиз қизгинам-а. Шундай мудраган ҳолда машина ҳайдаб келасанми?

– Опа, узр!

Сен минғирлагач, катта қизим кўзини очиб, сенга қаради. Ўзига ўзи гапираётгандек минғирлади.

– Кеча унинг онаси билан учрашдим. Турмуш кургандан кейин менга қайнана бўладиган одам. У опасининг уйида яшаб юрганди. Унинг опаси “Швейцария”, деб номланган кичкина ресторанни юритади. Турмушга чикмаган. Унинг онаси кичкина ва ёқимли. Доим қизига эргашиб юради ва қизини “опа”, деб чакиради. Қизи доим онасини овкатлантиргани, уйкуга ётқизгани, ювинтириб, доим “ойи, сиз жуда мулойимсиз”, дегани учун қайсидир кундан бошлаб “опа”, деб чакирибди. Унинг опаси шундай деди:

– Онам сабабли ҳали турмуш курмаётган бўлсанг, хавотир олма. Ўзим опасидек бўлиб, доим онам билан бирга яшайман. Янги йил бошланса январда онамни санаторийга топшириб, саёҳатга кетаман, мен йўғимдагина хабар олиб турсанг бўлди.

Унинг опаси ресторан юритганидан қолган пулга ҳар йили бир ойга саёҳатга бораётганига йигирма йил бўлди, деди. Онаси уни “опа”, деб чакираётган бўлса-да, бахтли кўринди. Шунчаки тортинмасдан “шу вақтгача мени онам ўстирганди, энди вазифамизни алмаштирдик, бу нарса адолатли эмасми?” дея кулди.

Катта қизим гапини тўхтатиб, сенга жим қаради:

– Ойим ҳақида гапириб бер.

– Ойим ҳақида?

– Ҳа... фақат сен биладиган ойим ҳақидаги гапларни.

– Исми: Пак Со Нё. Туғилган йили: 1938 йил 24 июль.

Ташқи кўриниши: Соч толалари оқарган калта жингалак соч, ёноғининг суяклари кўзга ташланади. Йўқолган вақтида ҳаворанг кўйлак, оқ жакет ва оч жигарранг қат-қат тахли юбкада бўлган. Йўқолган жойи: ...

Катта қизим сенга караб кўзини сал кисаётиб, мудрок босганидан яна кўзини юмди.

– Ойимни билмайман. Ойимни йўқотиб қўйганимиздан бошқа нарсани билмайман.

Энди кетишим керак эди-ю, кетолмайман. Бу ерда ўтирган ҳолда бир кун ўтиб кетибди.

Ия!

Шундай бўлишини билгандим. Бу комедияда чиқадиган эпизод-ку. Эҳ, бошим чалкаш-чулкаш бўлиб кетди. Шундай ҳолатда сенинг кулгинг келадими? Тўнғич ўғлинг анави ерда шапка кийганча сенга нимадир деяпти. Нима деяпти? Тўхтаб тургин! Ҳа, чанғи учиш майдончасига юборинг деяётган экан-ку. Сен бўлмайди, дединг. Сеулга қайтиб келгандан бери ўқишларингни яхши ўзлаштира ололмаяпсан, кейинги чоракда ўқишни яхши ўзлаштира оладиган бўлишинг учун бу таътилда отанг билан бирга шуғулланишинг керак, дединг. Агар шундай қилмасанг, келажакда доим қийин бўлади, дединг. Сен гапираётган вақтда энди юришни ўрганган учинчи фарзандинг стол остига тушган гуручни олиб емоқчи бўляпти. Сенинг қўлингнинг кўзи борми? Тўнғич ўғлингга караб гапираётган бўлсанг-да, қўлинг билан учинчи ўғлингдан чанг босган гуручни олдинг. Учинчи фарзандинг “инга”, дея йиғлаб юбормоқчи бўлаётиб, оёғингга ёпишди. Ҳали ҳам тўнғич ўғлингга нима

учун ўқиш кераклигини тушунтиришда давом этиб, йиқилиб кетмоқчи бўлаётган учинчи фарзандингнинг кўлидан ушладинг. Гапингга кулок соляптими, йўқми, ҳар ёққа қараётган тўнғич фарзандинг “яна кетгим келяпти! Бу ер ёкмайди!” деб қичқирди. Хона ичкарисидан иккинчи фарзандинг бўлмиш қизинг сенга қараб, “ойи!” дея қақирганча югуриб чиқяпти. Сочларим чигал бўлиб қолди, деб минғиллаяпти. Бир оздан кейин мактабга боришим керак, тезда сочимни ўриб беринг, деяпти. Тўнғич фарзандингга гапиришда давом этган ҳолда сенинг кўлларинг энди қизингнинг сочини ўряпти.

Эҳ, учта бола бирданига сенга ёпишиб турибди.

Қизим. Сен учта болангнинг гапини бароварига тинглаб турибсан. Сенинг тананг учта болага қарашга жуда яхши чиникибди. Сен иккинчи фарзандингни стулга ўтирғизиб сочини тараяпсан. Тўнғич ўғлинг ҳали ҳам чанғи учиш майдончасига боришни хоҳлайман деганида зўрға муроса йўли сифатида отанг билан маслаҳатлашиб кўраман, дединг. Шу вақтда учинчи фарзандинг йиқилиб кетганидан дарров тарокни кўйиб, йиқилган болани ўрнидан турғиздинг ва бурнини силаб, яна тарокни олиб иккинчи фарзандингнинг сочини тараяпсан.

Шундай қилаётиб, сен бирдан деразадан ташқарига қараяпсан. Беҳи дарахтида ўтирган мени кўряпсан. Бизнинг нигоҳларимиз бир-бирига тушди. Сен минғиллаяпсан:

– Бу қушни биринчи марта кўряпман.

Сенинг учта боланг ҳам сен қараётган томонга қаради.

– Кеча дарвоза олдида ўлиб ётган қуш оила аъзомизга ўхшайди, ойи!

Иккинчи фарзандинг сенинг кўлингдан ушлади.

– Йўқ... У қуш бундай эмасди.

– Йўқ, ўша!

Сизлар дарвоза олдида ўлиб ётган қушни мана шу беҳи дарахти остига кўмдинглари-а. Тўнғич фарзандинг ерни казиёт-

ганда иккинчи фарзандинг ёғоч хоч ясади. Питир-питир қилиб юрган учинчи фарзандинг инжиқлик қилиб йиғлади. Сен қушни олиб, қанотларини йиғган ҳолда тўнғич фарзандинг қазиган ерга қўйганингда иккинчи фарзандинг “омин!” деди. Қушни қўмиб бўлгач, иккинчи фарзандинг иш жойида бўлган отасига телефон қилиб, қушни қўмганлиги ҳақидаги ҳикояни айтиб берди:

– Мен хоч ясаб бердим, ота! – деди.

Шамолдан ўша хоч қулаб ётибди.

Болаларингнинг минғир-минғир қилаётган овозини эшитганча сен мени яхшилаб қўриш учун дераза олдига юриб кел-япсан. Болаларинг сенга эргашганча дераза томонга яқинлашиб келиб, менга қараяпти. Эҳ, бўлди шу қараганларинг. Мен сизлардан хижолатдаман. Сизлар туғилганингизда сизлардан кўра кўпроқ онангиз ҳақида ўйладим. Сочи ўриб бўлинган иккинчи фарзанд менга тикилиб қараяпти. Сен туғилган вақтда онанг сени эмиза олмаганди. Аканг туғилганида бир ҳафта ҳам ўтмасдан туғуруқхонадан чиққанди, сени тукқандан кейин дарров соғлиғини тиклай ололмаганлиги боис онанг бир ойдан ортиқроқ вақт мобайнида шифохонада ётди. Ўша вақтда мен сенинг онангга қарадим. Отангнинг онаси бўлмиш сенинг бувинг шифохонага келганида сен йиғлагандинг, шунда бувинг онангга қараб, бола йиғлаяпти, тез эмиз, деди. Сут чиқмайдиган бўм-бўш кўкрагини сенга сўрдириб ўтирган онангни кўриб, мен янги туғилган чакалоқ бўлган сенга кўз қирим билан қараб қўйдим. Бувингни тезда қайтариб юборгандан сўнг онангнинг қучоғидан сени худди тортиб олгандек қилиб олиб, орқангга қафтим билан ургандим ҳам. Бола йиғласа, ота томондан бўлган буви бола йиғлаяпти, тезда эмиз деса, она томондан бўлган буви бу бола онасини қийнаб нимага бундай йиғлайди, дейишади-ку. Шундай экан, мен ҳам бундан мустасно эмасман. Сен

буни билмайсан-у, лекин сен хайрон қолгудек ота томондан бўлган бувингни кўпроқ яхши кўрардинг. Мени кўрсанг “буви, ассалому алайкум!” дердинг-у, лекин ота томондан бўлган бувингни кўрсанг “буви-и-и!” дея югуриб бориб, кучардинг. Шунда ҳар сафар мен ўша вақтда орқангга кафтим билан урганимни билармикинсан, деб ўйлардим.

Жуда чиройли киз бўлиб улғайдинг.

Қалин, қора сочларингни қара. Ўриб қўйганда ҳам муштдек келади. Сенинг онангнинг ёшлигидагиси билан бир хил. Мен сенинг онангнинг сочини бир марта ҳам ўриб бера олмадим. Онанг сочини ўстиришни хоҳларди-ю, лекин мен доим онангнинг сочини қалта қилиб қирқардим. Тиззамга ўтирғизиб сочини тарашга ҳам вақтим бўлмади. Ёшлигидаги сочини узун қилиб ўриб юриш орзусини онанг сен орқали амалга ошираётганга ўхшайди. Кўзи менда бўлса-да, қўли сенинг сочингни пайпаслаяпти. Сенинг онангнинг кўзлари хиралашаяпти. Э, яна мен ҳақимда ўйлаяпти.

Болам, онангман. Шу қий-чувда сен менинг гапимни эшита олармикинсан? Сендан узр сўраш учун келгандим.

Сен учинчи болангни қучиб қайтиб келганингда мен афтимни буриштирганим учун мени кечир. Сен “ойи!” дея хайрон қолиб, менинг юзимга тикилиб қараган ўша кун ҳали ҳам кўнглимдан кетмайди. Нима сабабдан эди? Учинчи фарзандни туғиш режангда бўлмагани учунмиди? Ёки ҳали турмушга чиқмаган опанг бўлиб, учинчи бола бўлганлигини айтиш аянчли туюлганиданми? Учинчи ҳомила бўлганини ўша узок юртда яширганча бир ўзинг ҳомиладорлик токсикозини бошдан кечириб, кўзинг ёрий дегандагина бизларга айтдинг. Мен ўша учинчи болангни тукқанингда ҳеч қандай ёрдам бермасдан болани қучиб қайтиб келган сенга шундай дегандим:

– Нима қилмоқчисан? Учта болани нима қилмоқчисан?

Узр болам. Сенинг учинчи фарзандингдан ҳам, сендан ҳам узр сўрайман. Бу сенинг шахсий ҳаётинг бўлса, устига-устак муаммони ечишда фикрни бир жойга тўплай оладиган ажойиб қобилиятга эга бўлган менинг қизим бўлсанг, албатта ўша муаммони еча олмасмидинг? Мен бир лахза сенинг қандай одамлигингни эсдан чиқариб айтган гап эди. Америкадан қайтиб келганингдан кейин ҳар сафар сени кўрганимда ўзим ҳам билмаган ҳолда афтимни буриштирганларимни ҳам кечир. Сен жуда банд бўлардинг. Баъзида уйингга бориб кўрсам, сен болаларга қараш билан банд бўлардинг. Кийимларини йиғиштириш, овқатлантириш, йиқилиб тушган болани турғизиш, мактабдан қайтиб келган болангнинг сумкасини олиш, “ойи!” дея чақириб сенинг кучоғингга югуриб кирган болани кучиш... Бачадонингдаги ўсма сабабли операция қилдириш учун кетаётиб ҳам сен бир кун олдингача болаларингнинг егулигини ғамлаш билан овора бўлдинг. Болаларингга қараб туриш учун сенинг уйингга бориб, музлаткич эшигини очиб кўрганимда мен қанчалик ғамгин бўлганимни сен билмасанг керак. Музлаткич ичида болаларга едирадиган тўрт кунлик нарсалар батартиб тахлаб қўйилган эди. Менга “ойи, эртага энг устки токчасидаги анавини едиринг, индинга унинг остидагини едиринг...”, дея тушунтираётган сенинг қовоғинг жуда уйилиб кетганди. Сен шундай одам эдинг. Қандай иш бўлмасин, ҳаммасини ўз қўлинг билан қилишинг керак бўлган одам ҳам эдинг. Шу нарсани билганим учун ҳам сен учинчи болани туғиб келганингда “нима қилмоқчисан?” дегандим. Ўша туни сен душ қабул қилиш учун ювиниш хонасига кириб кетганингда ташқарига ечиб қўйган кийимларингни ушлаб кўрдим. Енгининг учи тўзиб қолган қўйлагингга олхўри суви томчи-томчи бўлиб ёпишган, тиззаси ҳайратда қоладиган даражада чўзилган шиминг чокидан сўкилиб кетган, қачон сотиб олгансан билмайман-у, эскирган сийнабанд боғичида туклар қалин бўлиб чикиб турганди. Ўраб қўйилган ички кийимингдаги нақшнинг нимали-

гини билиб бўлмасди. Гулмиди, сув томчисимиди ёки айикмиди, ажратиб бўлмасди. Сен опангдан фаркли равишда ҳаддан ташқари озода қиз эдинг. Оқ спорт оёқ кийимингда нўхатдек келадиган бир доғча ҳосил бўлса ҳам қайтадан ювиб киярдинг. Мана шундай яшаш учун шунча ўкидингни, деб ҳайрон бўламан. Менинг суюкли қизим. Ўйлаб қарасам, сен ёшлигингдан опангдан фаркли равишда ёш болани жуда яхши кўрардинг. Сен ўзинг ейишни хоҳлаган нарсани кўлингда ушлаб туриб ҳам қишлоқдаги ёш болалардан кимдир ўша нарсани ейишни хоҳлаётгандек кўринса, ҳеч иккиланмасдан берадиган бола эдинг. Сен ўзинг бола бўлган вақтингда ҳам йиғлаётган болани учратсанг, ёнига бориб, кўз ёшини артиб кўяр ва кучоқлардинг. Шундай бола бўлганингни бутунлай унутиб юборибман. Қайтадан ишлашни ҳам ўйламасдан эски кийимда сочингни орқага таранг қилиб боғлаб, шунчаки бола ўстириш ишига берилган ҳолда жуда банд бўлган сени орқадан кузатиш ачинарли эди. Латтани ювиб хонани артаётган сен билан нигоҳларимиз учрашганида “сен шундай яшайсанми?” дегандим. Шу гапим учун ҳам кечирим сўрайман. Бирок ўша вақтда сен менинг нима деганимни тушунмаганга ўхшайсан. Ниҳоят, мен сенинг уйингга бормайдиган бўлдим. Шунча ўкиб, одамлар ҳавас қиладиган қобилиятга ҳам эга бўлган сен нимага шундай фақирона яшаётганингни кўришни хоҳламагандим. Менинг одобли қизим! Сен сенга рўбарў келаётган ҳолатлардан қочмасдан, уларни қабул қилганча олдинга интиладиган одам эдинг-у, лекин мен нимага бундай яшаяпсан дея баъзида жаҳлим чиқарди.

Болам.

Сен менинг учун доим қувонч манбаи бўлганлигингни унутма. Сен менинг тўртинчи фарзандимсан-а. Ҳеч айтмаганман-у, лекин ростини айтадиган бўлсам, сен бешинчи фарзандимсан. Сендан олдин туғилиб, у дунёга кетган бир бола бор эди. Болани амманг олиб, ўғил бола деди-ю, лекин бола

ййгламади. Кўзини ҳам очгани йўқ. Ўлик туғилган бола эди. Амманг одам ёллаб, ўлган болани кўмиш кераклигини айтди, лекин мен керакмас, дедим. Отанг ўша вақтда ҳам уйда эмасди. Ўлган бола билан тўрт кун давомида хонада бирга ётдим. Қиш эди. Тун бўлиши билан ҳовлига ёғаётган қор дарпардада акс этарди. Бешинчи куни ўрнимдан туриб, ўлган болани сопол идишга солдим ва орқадаб бориб, тоққа кўмдим. Музлаган ерни казиган одам отанг эмас, ўша одам эди. Ўша бола музлаган ерга кўмилмаганида сенинг учта аканг бўлган бўларди. Кейин мен сени ёлғиз ўзим туғдим. Бир нима бўлганми дейсанми? Йўқ... йўқ. Ҳеч нима бўлгани йўқ. Мен сени бир ўзим туғаман деганимда қайтанга амманг қаттиқ хафа бўлганди. Бунини гапиряпман-у, мен болани бир ўзим туғишдан кўра яна ўлик бола туғиладими дея шундан кўпроқ кўрдим. Ҳеч кимга кўрсатишни хоҳламагандим. Яна ўлик бола туғиладиган бўлса, энди ўша одамнинг ҳам кўмагини олмасдан ўз кўлим билан кўмиб, ўзим ҳам тоғдан қайтиб келмайман деб ўйладим. Тўлғоқ тута бошлаганда аммангга билдирмасдан сув киздириб хонага олиб кириб қўйиб, ёш опангни бошим томонда ўтирғиздим. Ўлик бола туғиладими деб кўркиб, кичкирганим йўқ. Лекин ичимдан секин қимирлаётган ва илик бўлган сен чикдинг. Устингнинг ҳўлини артмаган ҳолда орқангга урганимда дарров ййглаб юбординг. Сени кўриб, ёш опанг ҳам ййглаб юборди. “Чақалок”, дея кафти билан сенинг нозик юзингни силади. Сенинг тирик туғилганингдан хурсанд бўлиб, мен ҳатто оғриқни ҳам сезганим йўқ. Кейин карасам, тилим қонга ботган экан. Сен шундай туғилдинг. Яна ўлик бола туғаманми дея қайғу ва ваҳимага тушган мени овутганча дунёга келган бола сенсан.

Болам.

Яна мен сенга бошқа оналар болаларига қиладиган ишларни қилиб кўрдим. Сутим ҳам кўп чиқиб, саккиз ойдан кўпроқ сени эмиза олдим. Болаларимнинг орасида биринчи бўлиб сени боғча деган жойга бердим. Резинка оёқ кийими эмас, спорт оёқ

кийимини дастлабки оёқ кийими сифатида сотиб олиб, кийдириб кўрдим. Шунақа, бошланғич мактабга бораётганингда исминг ёзилган ёрликни ҳам ўзим ясагандим. Сенинг исминг мен ёзиб кўрган биринчи ёзув эди. Шунини ёзиш учун шунчалар кўп машқ қилгандим. Дастрўмол билан бирга мен илк марта ёзиб кўрган ёзув бўлмиш сенинг исминг ёзилган ёрликни кўксингга тақиб, сени мактаб стадионигача олиб боргандим. Бунинг нимаси муҳим дейсанми? Менинг учун муҳим иш-да. Нимагаки, катта аканг бошланғич мактабга кирганида мен мактабга бормагандим. Бирор нарсани ёзишга тўғри келадими деб кўрқиб, аммангни юбордим. Ўша вақтда катта аканг бошқа болаларнинг ҳаммаси онаси билган келганда фақат мен аммам билан келдим деб тўнғиллаган овози ҳозир ҳам эшитилаётгандек. Кичкина аканг мактабга борганда акасининг қўлига ушлатиб юбордим. Опангни ҳам акасининг қўлига ушлатиб юбордим. Шаҳарчага бориб, китоб сумкаси ва бурмали кўйлакни ҳам биринчи марта сенга сотиб олиб кийдирдим. Шундай қила олганимдан бахтлиман. Сен учун бор-йўғи овқатланадиган столдек бўлса-да, ўша одамга илтимос қилиб, ёзув столи ҳам ясаттириб бердим. Опангнинг ёзув столи йўқ эди. Ҳозир ҳам вақти-вақти билан айтади-ку. Полга ётиб дарс тайёрлаганим учун елкам кенгайган деб. Сен ўша ерда ўтириб китоб ўқиётганингни кўриш мен учун катта қувонч эди. Ўқишга кириш учун тайёрланиб юрган сенга тушки овқат ҳам тайёрлаб, ўраб берардим. Тунги мустақил ўқишни тугатиб қайтиб келаётган сени кутиб туриб, олиб келардим ҳам. Сен ҳам менга шунга яраша қувонч ҳадя этдинг. Қишлоғимизда энг яхши ўқийдиган сен эдинг-ку! Сеулнинг антропология университетига, у ҳам бўлса фармацевтика факультетига ўқишга кирганингда сен ўқиган қизлар мактабида қутлов плакати ҳам осилганди. Баъзан одамлар мен билан шундай жуда ақлли кизни тарбиялабсиз деб сўрашганида, эҳтимол, оғзим қулоғимга етгудек бўлиб жилмайгандирман. Сен билмасанг керак. Сени ўйлаганда она сифатида кайфиятим

қанчалик кўтарилишини айтаман-да. Бошқа фарзандларимга нисбатан бундай ҳис бўлмайди. Нимагаки, қилишим шарт бўлган ишларни уларга қилиб бера олмадим. Ўз фарзандим бўлса-да, хижолатдаман. Сен мени шундай ҳисдан эркин қилган боласан. Сен университетга киргандан кейин намоёишларга қатнашиб юрганинга ҳам акангнинг ҳолатидагидек аралашганим йўқ. Мёнг-донгдаги ибодатхонада очлик эълон қилиб ўтирган вақтда ҳам излаб бормадим. Кўздан ёш оқизувчи газ сабаблими, юзингга хуснбузарлар тошган ҳолда юрганинга ҳам шунчаки ўз ҳолингга қўйдим. Мен аниқ қандай ишлигини билмайман-у, қилса бўладиган ишлиги боис қилаётгандир, деб ўйладим. Дўстларинг билан қишлоқдаги уйга келиб, тунги дарслар ташкил қилган вақтингизда сизларга овқат ҳам тайёрлаб бергандим. Амманг қизингни бундай ўз ҳолига қўйиб қўйсанг коммунистларга қўшилиб кетиши мумкин деганда ҳам сенинг эркин гапиришингга ва ҳаракатланишингга монелик қилмадим. Акаларингга бундай қила олмадим. Панд-насихат қилар ва койир эдим. Кичкина аканг тартибни сақловчи полиция ходимларидан таёқ еб, бели шикастланган вақтда ҳам тузни киздириб белига қўяётганимда агар шундай қилишда давом этадиган бўлсанг, мен ўламан, деб дўқ қилгандим ҳам. Шундай дўқ қилсамда, аканг нодон она деб ўйлайдими дея кўрққандим. Ёш бўлгани учун ёшларга хос ҳаракат саналса-да, мен иложи борича бу нарсаларга йўл қўймасдим. Лекин сенга ундай қилмадим. Сен ўзгартиришни хоҳлаётган ишнинг нималигини билмасам-да, сенга тўсқинлик қилмадим. Қайсидир бир йили август ойида талаба бўлган сен билан бирга дафн маросимида борганларга эргашиб, шаҳар ҳокимияти майдонига ҳам бориб кўргандим-ку! Ўша вақтда жиянинг дунёга келгани учун Сеулга келган эдим.

Эслаш қобилиятингиз ҳам яхши экан дейсанми? Шунини айт.

Эслаш қобилияти эмас, унутиб бўлмайдиган кун эди. Мен учун ўша кун шундай кун эди. Сен эрта тонгда уйдан чиқиб

кетаётганингда мени кўриб, “ойи, сиз ҳам бирга борасизми?” деб сўрагандинг-а.

– Қаерга? – деб сўрагандим.

– Кичкина акам ўқиган университетга! – дегандинг.

– У ерга нима учун борасан? Сенинг ўқиш жойинг бўлмаса?

– Дафн қилиш маросими бор, ойи.

– Устига-устак... У ерга мен нимага боришим керак?

Менга паришонхотир қараб туриб, эшикни ёпиб чиқмоқчи бўлаётган сен яна қайтиб кирдинг. Эндигина туғилган неварамнинг таглигини йиғиштираётган менинг кўлимдан тагликни юлиб олдинг.

– Ойи, сиз ҳам бирга боринг!

– Тезда нонушта вакти бўлади. Кеннойингнинг ейиши учун денгиз ўтидан шўрва тайёрлашим керак.

– Бир кун денгиз ўтидан шўрва емаса кеннойим ўлиб қоладими? – сен ўзингга ўхшамаган ҳолда кўрс гапириб, мени мажбурлаб меҳмонга борганда киядиган кийимимни кийдирдинг. – Ойи, шунчаки сиз билан бирга боргим келяпти, бирга боринг!

Шу гапинг менга ёқканди. Университет тугул, ҳатто оstonасига ҳам яқинлашиб кўрмаган менга “ойи, шунчаки сиз билан бирга боргим келяпти”, дея университетга боришни таклиф қилган сенинг овозингнинг баландлигини ҳали ҳам эслайман. Ўша куни шунча кўп одам йиғилганини биринчи марта кўрдим. Кўздан ёш оқизувчи снаряд тегиши натижасида ҳалок бўлган, ҳали йигирмадан ошмаган деган ўша ёш боланинг исми нима эди? Мен неча марта сўраб, сен неча марта айтган бўлсанг ҳам эсимда қолмасди. Ўша ёш бола ким бўлганки шунча кўп одам йиғилган? Қандай қилиб шунча одам йиғилган? Ўша дафн маросимини ўтказаётганларнинг кетидан эргашганча шаҳар ҳокимияти майдонига бораётган вақтда сени йўқотиб қўйишдан кўрқиб, тинмай сенинг кўлингдан маҳкам ушлаганимни кўриб сен шундай дегандинг:

– Ойи! Мабодо мени йўқотиб кўядиган бўлсангиз у ёкдан-бу ёкка юрмасдан ўша жойингиздан кимирламасдан турунг. Шунда биз яна учраша оламиз.

Нимага ўша гапинг энди ёдимга тушди билмайман. “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатида отангнинг кетидан вагонга чиқа олмаган ўша вақтда ёдимга тушиши керак эди.

Болам, сен менга шундай кўп яхши хотираларни қолдирган одам эдинг. Сен менинг кўлимдан ушлаб юриб айтган кўшиқлар, ўша сон-саноксиз одамлар келишиб кўйгандек бир овоз бўлиб қичқираётган овозлар, мен тушунмаган ва кўшилиб айтолмаган бўлсам ҳам ўша вақтда майдон деган жойга биринчи марта бориб кўргандим. Мени ўша ерга олиб борган сендан фахрланаман. Ўша ерда сен менинг кизимга ўхшамадинг. Уйдагидан жуда бошқача бўлиб кўриндинг. Сен ёвуз лочинга ўхшадинг. Лабларинг шунчалик дадил ва овозинг шунчалик кескин экинлигини илк марта ҳис қилдим. Менинг суюкли кизим. Сен ўша вақтдан бошлаб Сеулга келганимда мени оила аъзоларимиз орасидан олиб чиқиб кетиб, театрга ҳам, кироллик макбарасига ҳам олиб боргандинг-а. Китоб дўконидаги диск сотадиган жойга ҳам олиб бориб, кулокчинни кулоғимга тутгандинг ҳам. Бу Сеулда Квангхвामун<sup>1</sup> деган жой борлигини, шаҳар ҳокимияти майдони борлигини, бу дунёда кино ва мусиқа борлигини сен орқали билдим. Мен сени бошқалардан ўзгача ҳаёт кечиради, деб ўйлагандим. Ака-укаларингнинг орасида ночорликдан озод бола бўлганинг учун нима бўлса ҳам сени эркин кўймоқчи бўлгандим, холос. Ўша эркинлик орқали менга ўзгача дунёни кўрсатганинг учун мен янада чин дилдан сенинг эркин бўлишингни хоҳлагандим. Иложи борица янада эркинрок бўлиб, ҳаммадан ҳам кўпроқ бошқалар учун яшашингни истагандим.

<sup>1</sup> Кёнгбоккунг саройининг бош дарвозаси.

Мен энди кетаман.

Лекин э...

Учинчи фарзандингнинг уйқуси келганга ўхшайди. Оғзидан тупук оқизиб, кўзи ярим юмилган. Иккита боланг мактабга ва ўқув курсига кетгани учун уйинг тинчиди-а. Лекин бу нима? Эҳ, уйинг жуда айқаш-уйкаш-ку! Ажабо, бундай бетартиб уйни биринчи марта кўряпман. Мен тартибга келтириб беришни хоҳласам ҳам... Энди мен ҳам ҳеч нима кила олмайман. Болани ухлатаётиб, кизим ҳам ухлаб қоляпти. Ҳа, ҳолдан тойган бўлсанг керак. Менинг болам боласини кучиб ухлаб ётибди. Қиш бўлса ҳам шунча тер тўкяпти. Менинг суюкли кизим. Юзингни бир оз ёзгин. Бундай ҳолдан тойган кўринишда ухласанг ажин пайдо бўлади. Ёш болаларникига ўхшаган юзинг йўк бўлиб кетибди-ку! Ҳилолдек кичкина кўзларинг янада кичрайибди. Энди кулсанг ҳам ёшлигингдэгидек ёкимли кулишингларинг йўк экан-а! Сенинг юзингни бундай ажин босадиган вақтгача яшаган бўлсам, менинг ҳаётимни қисқа деб бўлмайди. Шунда ҳам, болам, мен сени бундай уч болани кучиб яшайди деб тахмин ҳам қилмагандим. Сен кўп жаҳл қиладиган, йиғлайдиган, юз ўгирадиган, нимадир ўз хоҳишидек бўлмаса ғазабланадиган опангдан бошқача эдинг. Сен вақт жадвалини тузиб, тузилган режа бўйича ишларингни амалга оширишга ҳаракат қилардинг-ку. Шундай бўлган сен “ўзим ҳам билмабман, ойи, учта бола туғишимни билмабман, модомики ҳомила пайдо бўлган экан, энди туғишим керак, бошқа на илож”, деганингда мен чиндан ҳам сени танимай қолгандим. Бола тукқанда ҳам сенинг опанг кўпроқ туғса керак, деб ўйлагандим. Сен асло жаҳл қилмасдинг. Ака-укаларингнинг орасида жуда жаҳли чиқиб турган одамнинг олдида ҳам ҳолатни хотиржам, бирма-бир аниқлаштирганча гапира оладиган одам фақат сенсан. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, бола тукқанда ҳам фақат биргина бола туғсанг керак деб ўйлагандим. Акамларникига ўхшаган

стол олиб бер деб жаҳл қилган опангдан фаркли равишда сен бир марта ҳам бир нима олиб беришни сўрамадинг. Сочингни икки ўрим қилиб боғлаб, полга мукка тушиб ётганингда нима қияпсан, деб сўрасам, математика масаласини ечяпман, дердинг. Опанг ёшлигидан арифметика китобини ушлаб ҳам кўрмаганди. Сен жуда масалаларни зўр ечардинг. Масалаларни ечишда ҳайрон қоладиган даражада эътиборни бир ерга қарата олиш қобилиятини намоён қилган бола сенсан. Жавобини топсанг “ҳи”, деб кулардинг. Бироқ мен билан нимага бундай воқеа содир бўлганининг жавобини топа олмасанг керак. Шунинг учун ҳам азоб тортаётган бўлсанг керак. Сен учта боланг сабабли мени хотиржам қидира олмадинг. Ҳар куни кун ботганда опангга кўнғироқ қилиб, опа, бугун ойим ҳақида хабар бўлмадим, деб сўрашдан бошқа чораси йўқ бўлган одам сенсан. Мени йўқотиб қўйиб ҳам болалар сабабли хотиржам қидира олмаган ва йиғлай ҳам олмаган сенсан. Менинг суюкли қизим. Танам кўнглимга кулоқ солмаган бўлса-да, ақлим тиниклигида сен ҳақингда кўп ўйладим: эндигина юришни ўргана бошлаган кенжа фарзандингни ҳам ҳисобга олганда учта фарзандни ўстириши керак бўлган сени, сенинг ҳаётингни. Ўшандай вақтда фақат кимчи тузлаб жўнатишдан бошқа ёрдам бера олмаслигим ачинарли туюларди. Сен болангни қучиб қишлоқдаги уйга келганингда оёқ кийимингни ечаётиб, “ойи, мен ҳар хил пайпоқ кийибман-ку”, деб кулган вақтингда менинг юрагим эзилганди. Жуда покиза бўлган сен пайпоқни ҳам тўғрилаб пойи билан кийишга вақтинг бўлмайдиган даражада шунчалик банд яшаётган экансан-да, деб ўйлагандим. Вақти-вақти билан ақлим тиниклашганида сен ва сенинг болаларинг учун қилишим керак бўлган ишлар ҳаёлимга келарди. Ўша вақтда яшашга иштиёқ ҳам пайдо бўларди-ю, лекин бундай бўлиб қолди. Мен кийиб юрган пошнаси бутунлай тўзиган кўк шиппакни ечгим келади. Мен кийиб юрган чанг босган ёзги кийимни ҳам. Энди ўзимни ўзим таниб бўлмайдиган бу кўри-

нишдан қутулишни истайман. Бошим ёриладигандек. Қани, болам, бошингни кўтар. Сени кучгим келяпти. Мен энди кетаман. Бир фурсат тиззамга бошингни қўйиб ёт. Бир оз дам ол. Менга қайғурма. Сен туфайли менинг қувончли кунларим кўп бўлди.

★ ★ ★

Эҳ, сен шу ерда экансан!

Комсодаги уйингни излаб боргандим, уйинг бўш қолганига анча бўлганми, денгиз соҳилига қараб турган ёғоч дарвоза синган, хона эшиги кулфланган эди. Хона эшигини шундай маҳкам кулфлаб, ошхона эшигини нимага очик қолдирган экансан? Денгиз шамоли ўша ошхона эшигини қанчалар очиб-ёпганки ёғочдан бўлган эшикнинг ярми синиб ётибди.

Бироқ сен нимага шифохонадасан? Яна шифокор нимага ундай қиляпти? Даволаш ўрнига тинмасдан фақат бемаъни саволлар беради. Сендан қайта-қайта исмингни сўрайди. Нимага бунақа? Яна сен нимага исмингни айтмайсан? Ли Ин Гю деб айтсанг бўлди-ку, шуни айтмаганинг учун қайта-қайта сўраётгани йўкми? Чиндан ҳам анави шифокор нимага бундай экан? Энди болалар ўйнайдиган ўйинчоқ кемани олиб, бу нималигини биласизми, деб сўраяптими? Ҳазиллашяптими, нима ҳам бўларди, кема-ку! Лекин чиндан ҳам ғалатиси сенсан. Нимага жавоб бермайсан? Э, ростдан билмайсанми? Исминг кимлигини унутдингми? Анави ўйинчоқ кема ростдан ҳам нималигини билмайсанми?

Шифокор яна сўраяпти.

– Ёшингиз нечада?

– Юз ёшда!

– Ундай қилмасдан ёшингизни айтинг.

– Икки юз ёшда!

Жуда аччиғинг чиққан кўринади. Сенинг ёшинг қанақасига икки юз ёш бўлсин? Мендан беш ёш кичкинасан-ку, шунда неча ёш бўлади? Шифокор яна сенинг исмингни сўраяпти.

– Шин Гу!

– Яхшилаб ўйлаб кўринг!

– Пэк Ил Соп!

Шин Гу? Актёр Пэк Ил Сопни айтяпсанми? Мен ёктирган ўша Шин Гу ва Пэк Ил Сопни айтяпсанми?

– Ундай қилмасдан яхшилаб ўйлаб кўриб жавоб беринг.

Сен бурнингни тортяпсан. Нимага бундайсан? Нимага бу ердасан ва сенга нимага бунақа аҳмоқона саволлар бериляпти? Ҳозир сен ёшинг нечадалигини билмасдан жавоб бера олмай, бурнингни тортиб, йиғлаб ўтирибсанми? Сенинг кўз ёш қилаётганингни биринчи марта кўряпман. Йиғлаш борасида гапирадиган бўлсак, фақат мен йиғлардим-ку. Менинг йиғлаганимни сен кўп кўргандинг-у, сенинг йиғлаётганингни биринчи марта кўряпман.

– Қани, яна бир марта исмингизни айтиб кўринг-чи!

– ...

– Яна бир марта айтиб кўринг!

– Пак Со Нё!

Бу сенинг исминг эмас, менинг исмим. Сен илк марта менинг исмимни сўраган кунинг эсимга тушди. Сен эски катта йўлдек менинг қалбимда сақланиб қолгансан. Тошлоқ ердаги шағалдек, тупроқ ичидаги тупроқдек, чанг ичидаги чангдек, ўргимчак ини ичидаги тўрдек. Ёш вақтимда эди. Умримда ҳеч бир даврни мана шу менинг ёшлик даврим деб ҳис қилмаганга ўхшайман-у, лекин сени илк марта учратган вақтни ўйласам, ёш юзим эсимга тушади. Ёш бўлган мен ун солинган мельхиор тоғорани бошимга қўйганча катта йўл оркали тегирмондан уйга бораётгандим. Кюн сотиб олиб берган мельхиор тоғора эди. Уйга қайтиб келгандан кейин тоғорадаги унни хамир қилиб, болаларимга кечки овқатга сужеби<sup>1</sup> пиширмоқчи бўлиб, тез-тез юриб келаётгандим. Тегирмон кўприкдан ўтгандан кейин тўрт-беш ри келадиган масофада жойлашганди. Ун билан

---

<sup>1</sup> Хамирли шўрва.

тўлдирилган мельхиор тоғорани бошимга қўйган менинг пешанамни тер босди. Ўша янги йўлдан велосипед миниб ўтиб кетаётган сен олдинда тўхтаб туриб, мени чакирдинг.

– Хола.

Ёш бўлган мен фақат олдинга караганча юришда давом эдим. Иштон устидан кийган чоғори<sup>1</sup> орасидан кўкрагим чиқиб кетмоқчи бўлаётганди.

– Бошингизда кўтариб юрган тоғорани тушириб, менга беринг. Мен велосипедимда олиб бориб бераман.

– Ўтиб кетаётган одамга қандай қилиб ишониб буни бераман? – шундай десам-да, ёш бўлган менинг қадамим секинлашди. Очиги, бошим эзилиб кетадиган даражада оғир эди. Тоғора остига рўмол ўраб қўйган бўлсам ҳам пешанам ва бурним чўкиб қолаётгандек эди.

– Барибир велосипедимда бўш кетяпман-ку. Қаерда яшайсиз?

– Анави кўприкнинг нариги томонидаги кишлоқда...

– У ерга кираверишда дўкон бор-а? Ўша дўкон ёнига қўйиб кетаман, шундай экан, менга бериб ўзингиз енгил кадам босиб келаверинг. Мен бўш велосипедда кетяпман-ку, жуда оғир кўрингани учун ёрдам бермоқчиман. Тоғорани туширсангиз қадамингиз ҳам тезлашади ва уйингизга ҳам тезроқ борасиз.

Ёш бўлган мен тоғора остига ўраб қўйилган рўмолнинг четини тишлаганча велосипеддан тушган сенга тикилиб қарайдим. Менинг эрим билан солиштирадиган бўлсак, ўша вақтда ҳам ҳозир ҳам сен эл қатори оддий кўринишдаги одамсан. Чўзинчоқ юзинг ишлаб кўрмаган одамникидек оппоклигидан ва кўзларингнинг чети пастга тушиб турганидан сени жуда келишган деб бўлмасди. Қалин қошларинг бир қатор бўлиб чўзилиб турганидан софдил бўлиб кўриндинг. Оғзингнинг тузилиши ҳам ишонса бўладигандек кўринди. Жим қараб турган кўзларингни қаердадир кўрганга ҳам ўхшадим. Мен дарров бошимдаги тоғорани бермасдан сенинг кўринишингни кўз-

<sup>1</sup> Корейс миллий кийими бўлиб, устки қисм, яъни кофта.

дан кечираётганим учун сен қайтиб велосипедингга чиқмоқчи бўлдинг.

– Менда ўзгача хаёл йўқ. Шунчаки жуда оғир кўрингани учун бор-йўғи юкингизни енгиллаштирмоқчи бўлгандим, холос. Қанчалик ёрдам беришни хоҳламай, агар сиз истамасангиз иложим қанча.

Сен велосипедингнинг мустаҳкам педалига яна оёғингни қўйдинг. Мен шундагина тезда сенга қараб раҳмат, дедим. Қадамимни тўхтатиб, бошимдаги тоғорани сенга бердим. Сен велосипедингнинг орқасига боғланган қалин резина боғични ечдинг. Тоғорани устига қўйиб, резина боғич билан кўзғалиб кетмайдиган қилиб қайтадан боғлаётганингга паришонхотир қараб турдим.

– Ундай бўлса, дўконга топшириб кетаман!

Биринчи марта учрашган сен болаларимга едирадиган унни ортиб, чанг чиқадиган катта йўлда олдинда ғизиллаб кетдинг. Мен бошимга боғлаган рўмолни ечдим ва иштонимга ёпишган чангни кокқанча олдинда ғойиб бўлиб кетаётган сенга ва велосипедингга орқадан қараб қолдим. Тинмасдан кўтарилаётган чанг сени ва велосипедингни пана қилиб турганини кўзимни ишқалаганча кузатдим. Бошим енгиллашганидан ўзим ҳам анча енгил тортдим. Қўлларимни секин силкитганча катта йўлдан юриб бордим. Ёқимли шамол кийимимдан сизиб кирди. Қўлимда ҳеч нарса кўтармасдан, бошимга ҳеч нарсани ортмасдан, белимга ҳеч нарсани орқаламасдан ёлғиз ўзим йўлда юрганим қачон бўлганлигини ҳам эслолмасдим. Осмонда учиб юрган қушларни ҳам кузатиб, ёшлигимда онам билан бирга айтган қўшиқни хиргойи қилганча дўконга етиб келдим. Кўзларим узоқдан тоғорани излади. Яқинлашиб бориб, дўкон эшиги томонга қараганимда эшик олдида туриши керак бўлган тоғора кўринмади. Бир фурсат юрагим “дук-дук” этиб тез урди. Қадамим ҳам тезлашди. Дўкончи аёлдан ҳеч ким тоғора қолдириб кетмадими деб сўрашдан кўрқдим. Қолдириб кетга-

нида аллақачон кўзимга кўринган бўларди. Дўкончи аёл рў-молни ушлаганча шоша-пиша югуриб келаётган менга нима бўлди экан дегандек қараб турарди. Шундагина сен мендан болаларимнинг кечки овқатини олиб қочиб кетганингни тушуниб етдим. Кўзларимга бирдан ёш келди. Мен қандай қилиб биринчи марта кўрган сенга ишониб, бошқа бировнинг ҳам эмас, ўз болаларимнинг овқати солинган тоғорани берган эканман? Нимага ишондим экан? Нимага ундай қилдим экан? Велосипеднинг узоқлашиб кўринмай кетганда бир оз кўнглимдан ўтган хавотир ҳақиқатга айланган ўша ҳолатни ҳозир ҳам ҳис қиламан. Шундайлигича бўш қўл билан уйга бора олмасдим. Хуллас, ун солинган ўша тоғорани излаб боришимга тўғри келди. Ўша куни нонушта тайёрлаш мақсадида омборчадаги кўзадан ғалла олмоқчи бўлганимда чўмич бўш кўзага тегиб, кирилиб кетган товуш хаёлимга келди. Ўша тоғорадаги ун бемалол ўн кунга етадиган озиқ бўларди деб ўйлаганимда, умидимдан янада воз кечолмадим. Ўша дўкондан ғизиллаб ўтиб кетган сени ва велосипеднинг излаб, шунчаки юра бошладим. Учратган одамимдан шундай одамни кўрмадингизми деб сўраб, олдинга юравердим. Сенинг асл қиёфанг дарров фош бўлди. Сен шу даражада мулоҳазасиз бўлгансан. Узоқда ҳам яшамас экансан. Қишлоғимиздан беш ри ўтиб, шаҳарчага кираверишдаги черепицали уй жойлашган қишлоқдан ажралиб турган овлоқ уйда яшашингни билишим биланок худди чопиш билан шуғулланувчи спортчидек сенинг уйингга қараб югуриб бордим. Нимагаки, ўша тоғорадаги унни ишлатиб юборишингдан олдин сени учратсамгина тоғорани бутунича қайтариб олиб кела олардим. Қишлоққа кирадиган йўлдан ажралган, далалар орасидаги тепаликда жойлашган эски уй олдида сенинг велосипеднинг кўрган маҳал “эх!” дея кичқирганча дарров уйингга югуриб кирдим. Шундан кейинги манзарани кўриб қотиб қолдим. Эски супада кўзлари ботган кекса онангни ва бармоғини сўриб ўтирган уч ёшли ёш болангни ҳамда қийналиб туғаётган

хотинингни кўрдим. Ўғирлатиб қўйган тоғорани излаб келгандим-у, ўша қоронғи ва тор ошхона деворига осилган қозонни олдим ва сув солиб қайнатдим. Кўзи ёриётган аёлининг ёнида нима қилишни билмасдан фақат депсиниб юрган сени четга итардим ва умримда биринчи марта кўраётган сенинг хотинингнинг қўлини ушлаб, “Кучанинг! Кучанинг!” дея кичқирдим. Чақалокнинг йиғи овози эшитилгунча қанча вақт ўтиб кетди билмайман. Денгиз ўтидан шўрва қайнатай десам уйингда бир дона ҳам денгиз ўти йўқ экан. Сенинг кекса онангнинг кўзи ожиз эди. Бунинг устига аллақачон у дунё одамига айланганга ўхшади. Чақалокни олиб қўйгач, тоғорадаги ундан хамир қилиб сужеби қайнатдим ва бир неча косага сузиб, шўрвасини янги тукқан она ётган хонага олиб бориб қўйдим... Тоғорани яна бошимга қўйиб уйимга қайтиб келаётган ўша вақт неча ўн йиллар олдин бўлган экан? Анави одам ўша вақтда туғилган болами? Сенинг қўлларингни артяпти. Сени орқангга ўтиртириб белингни ҳам артяпти. Кўп вақт ўтиб кетибди. Бўйнинг орқасини ажин босибди. Қалин қошларинг тўкилган, текис оғзингни ҳам таниб бўлмайди. Энди шифокорнинг ўрнига ўғлинг сендан сўраяпти:

– Ота! Исмингизни айтиб кўринг! Исмингиз нималигини биласизми?

– Пак Со Нё!

Бу исм менинг исмим дегандим-ку.

– Ота, Пак Со Нё ким у?

Буни мен ҳам билгим келади. Мен сенга кимман? Қандай одамман?

Етти-саккиз кун ўтгандан кейин хавотирландим ва денгиз ўтидан олиб сенинг уйингга борганимда тукқан она йўқ бўлиб, фақат чақалок бор эди. Хотининг бола тукқач, уч кун давомида иситмаси чиқишдан азоб чекиб, охири оламдан ўтган экан. Ҳаддан ташқари чалакурсак бўлиб яшагани боис туғишга бардош бера олмаган бўлса керак, дегандинг. Бу ҳолатни билармиди, йўқми, сенинг кўзи ожиз кекса онанг ўша вақтда ҳам эски

супада кўзлари ботган ҳолда уч ёшли бола билан бирга ўтирганди. Эҳтимол, сенинг каравотинг ёнидаги анави одам ўша вақтда туғилган бола эмас, уч ёшли бола бўлиши ҳам мумкин.

Мен сен учун қандай одамлигимни билмадим-у, сен менинг ҳаётимдаги ўртоғим эдинг. Болаларимга едирадиган унни ўғирлаб кетиб кўз олдимни қоронғи қилган одам билан бундай узоқ вақт ўртоқ бўламан деб ўйламагандим. Болаларимиз бизни тушунмаса керак. Сен билан мени тушунишдан кўра уруш вақтида юз минглаб одамлар ўлиб кетганини яхшироқ тушунса керак. Аллақачон чақалокнинг онаси бу дунёда йўқлигини билдим-у, лекин шунчаки чиқиб кетиб бўлмаслиги боис олиб борган денгиз ўтини сувда ивитдим. Бир кун олдин тоғорамдан олиб қўйган ундан хамир қилиб, денгиз ўтини солиб сужеби қайнатдим ва бир косадан сузиб, дастурхон устига қўйдим. Қайтиб чиқаётиб, хона ичкарисидаги чақалокни эмиздим. Ўз қизимни эмизишга ҳам сутим етмаётган вақт эди. Сен чақалокни қучганча қишлоққа келиб, эмиза оладиган одамларга эмиздириб юргандинг. Одамнинг жони ҳаддан ташқари нозик-у, лекин баъзан баъзи бировларнинг жони ҳайрон қоладиган даражада қаттиқ бўлади. Катта қизим айтганди, трактор билан ёввойи ўтларни кесиб ташласа, кесилаётган ўша фурсатда ҳам ёввойи ўт трактор ғилдирагига осилиб, кўпайиш учун уруғини сепаркан. Сенинг боланг кўкрагимни ниҳоятда қаттиқ сўрди. Шунчалар қаттиқ сўрдик, мени ютиб юборадиганга ўхшагани учун ҳали туғма ҳарорати қайтмаган кизил чақалокнинг орқасига кафтим билан урдим ҳам. Шунда ҳам бўлмагач, мажбурлаб олдим. Туғилиши биланок онасини йўқотган бола кўкрак эмадиган бўлса, кўкрак учини ихтиёрий равишда қўйиб юбормасди. Болани қўйиб қайтиб турмоқчи бўлаётган ўша фурсат сен мендан исмингиз ким, деб сўрадинг. Турмуш қурганимдан то ўша вақтгача менинг исмимни сўраган биринчи одам сен эдинг. Тўсатдан хижолат бўлиб, бошимни ярим эгдим.

– Пак Со Нё.

Ўша вақтда сен кулдинг. Нимага бундай хаёл пайдо бўлганини билмайман-у, мен сени яна бир марта кулдиришни хоҳладим. Шунақа, сен сўрамаган бўлсангда, опамнинг исми Те Нё, дедим. Сен яна бир марта кулдинг. Шундан сўнг сен менинг исмим Ин Гю, акамнинг исми Ким Гю, деддинг. Отам болаларим кўп пул топиб, бой бўлиб яшасин деган мақсадда кумуш ва олтин маъноларини англатувчи шундай исм қўйган, деддинг. Сизларни чақирганда ҳам олтин сандик ва кумуш сандик деб чақирган экан. Шунинг учунми, олтин сандик бўлган акам кумуш сандик бўлган менга нисбатан сал яхшироқ яшайди, деддинг. Бу сафар мен кулдим. Менинг кулаётганимни кўриб сен ҳам кулдинг. Ўша вақтда ҳам, ҳозир ҳам сенинг кулаётганингдаги юз кўринишинг ёқимли. Шундай экан, шифокор олдида бундай юзингни буриштирмасдан кулгин. Кулганингга пул кетмайди-ку.

Гўдак туғилганига 21 кун тўлгунча кунига бир марта сенинг уйингга бориб, уни эмизиб келдим. Эрта тонгда борган вақтларим ҳам, ярим тунда борган вақтларим ҳам бўлди. Шу нарса сен учун кишанга айланганга ўхшайди. Нимагаки, мен сенинг учун қилган нарса бор-йўғи шу эди-ю, шундан кейин ўттиз йил давомида ҳар сафар қийин аҳволга тушганимда сени излаб борардим. Кюн шундай бўлиб қолгандан сўнг мен сени излаб бора бошлаганга ўхшайман. Нимагаки, яшашни хоҳламагандим. Ҳамма мени мушкул вазиятга солаётганда фақат сен мендан ҳеч нарсани сўрамадинг. Бардош беринг, деддинг. Вақт ўтса, ҳар қандай жароҳат тузалади, деддинг. Нима содир бўлмасин, ҳеч нарсани ўйламасдан вазмин бўлинг, деддинг. Агар сен бўлмаганингда ўша вақтда менга нима бўларди билмайман. Нимагаки, ақлим нотинч эди. Ўлик туғилган тўртинчи боламини ҳам тоққа кўмган сен эдинг. Энди ўйлаб қарасам, мабодо мен сени қийин аҳволга солганим сабабли Комсога кўчиб кет-

маганмикинсан? Сен денгиз соҳили ёки балиқчилик кабиларга мос келмайдиган одам эдинг. Сен ер ҳайдаб, уруғ сепадиган одам эдинг. Сен ўз еринг бўлмаганидан бировларнинг ерига ишлов берадиган одам эдинг. Шундай бўлган сен Комсога кетганингда шуни ўйлашим керак эди. Чиндан ҳам мен кийнаб қўйганимдан Комсога қочиб кетган деган ҳаёл энди пайдо бўляпти. Энди ўйлаб қарасам, мен сенинг учун жуда ёмон одам бўлганман.

Ҳа, илк учрашув муҳимга ўхшайди.

Мен сени мендан қарздор деб билганим шубҳасиз. Сенга шундай ўз хоҳлаганимча муносабатда бўлганимдан шундай деса бўлади. Велосипедингга менинг тоғорамни ортиб қочиб кетганингда сени излаб топганимдек индамасдан Комсога қўчиб кетганингда ҳам сени топдим. Сен Комсога мос келмадинг. Шоли даласи олдида эмас, денгиз олдида турган сен чиндан ҳам қовушмаган ва нотаниш эдинг. Денгиз соҳили бўйидаги туз даласида туриб қараган қарашингни ҳозир ҳам эслайман. Ўша қиёфанг ҳеч эсимдан чиқмасди. Ҳозир ўйлаб қарасам, бу қиёфанг “бу ердан ҳам мени топдингизми?” деган маънони англатган экан.

Комсо сен туфайли менга унутилмас жойга айланди. Мен доим уддалаш қийин бўлган иш юзага келгандагина сени излаб бордим. Ва мен етарлича хотиржам бўлган вақтимда сени унутдим. Унутдим деб ўйлагандим. Комсога сени излаб борганимда ҳам менга “нима бўлди?” дегандинг. Энди айтяпман-у, ўшанда нимадир рўй бергани учун эмас, илк марта фақат сени кўриш учун излаб боргандим.

Ўшанда бир сафар Комсога қочиб кетганингни ҳисобга олмаганда мен сени излаб келгунимча доим ўша жойда бўлардинг. Ўша жойда бўлиб турганингдан миннатдорман. Эҳтимол, шунинг учун ҳам мен яшай олгандирман. Кўнглим безовта бўлганида тинмасдан сени излаб боравериб ҳам ҳатто қўлим-

ни ҳам ушлатмаганим учун узр. Мен шундай сеникига борардим-у, лекин сен меникига келмоқчи бўлсанг бешафкатларча қаршилик қилдим. Ўйлаб кўрсам, чиндан ҳам яхши иш эмасди. Жуда хижолатдаман. Аввалига нокулай бўлганидан, озгина вақт ўтгандан кейин ундай қилиш тўғри келмайдиганга ўхшаганидан шундай қилдим, кейинчалик эса мен қариган эдим. Сен мен учун гуноҳ ва бахт эдинг. Мен сенинг олдингда иззатли кўринишни хоҳлардим.

Баъзан сенга китоб ўқидим деб айтиб берган ҳикояларим ўзим ўқиган ҳикоялар эмас. Очиғи, кизимдан эшитганларимни айтгандим. Испания деган мамлакатдами Сантьяго деган жой борлигини айтгандим. Сен ўша номни ёдлаб қолиш ҳам қийинлигидан у ер қаер, деб сўрадинг. Қайта-қайта сўрадинг. У ерда зиёрат қиладиган йўл бўлиб, ўттиз уч кун пиёда юриб борилади, дедим. Менинг кизим ўша ерга боришни хоҳларди. Шунинг учун баъзан менга шу жой ҳақида айтиб берарди ва мен худди ўша ерга ўзим боришни хоҳлагандек қилиб сенга айтиб бергандим ҳам. Ўшанда сен шундай дегандинг:

– Шунчалик боришни хоҳласангиз қачонлардир бирга бориб кўрайлик.

Сендан қаергадир бирга бориб кўрайлик деган гапни эшитгач, юрагим орқага тортиб кетди. Шундан сўнг мен сени қайта излаб бормаган бўлсам керак. Очиғи, мен у жойнинг қаерлигини ҳам билмасдим ва боришни ҳам хоҳламасдим. Ўтмишда бирга қилган ишларимизга нима бўлишини сен биласанми?

Сендан сўрамоқчи бўлган шу гапни кизимдан сўраганимда кизим шундай жавоб берди:

– Ойи, саволингиз жуда ғалати, – деди-ю, яна шундай деб қўшиб қўйди:

– Йўк бўлиб кетмасдан ҳозирги даврга сизиб кирмайдими, ойи!

Тушуниш қийин бўлган мураккаб гап-а. Сен тушунасанми? Энди ўтиб кетди деб ўйлаган ишлар аслида ҳаммаси ҳо-

зирги даврга сингиб кириб тураркан. Бор-йўғи сезилмайди холос, лекин олдинги ишлар ҳозиргиси билан, ҳозирги ишлар келажакдагиси билан ҳаммаси аралашиб тураркан. Бироқ энди бу ишларни давом қилдириб бўлмайди.

Биз сеза олмаймиз холос, лекин ҳозир содир бўлаётган ишлар, аввалги ва келгуси ишлар билан ҳаммаси боғлиқ деб ўйлайсанми? Билмадим, шунақамикин? Мен баъзан невараларимга карасам, биз билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳолда шунчаки осмондан тушган болаларга ўхшайди. Мен билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳолда дейманда.

Ун солинган тоғорани бошимга қўйиб, катта йўлдан кетаётганда илк бора кўрган ўша велосипеднинг ҳам ўғирланганлиги, мени учратишингдан олдин ўша ўғирланган велосипедни сотиб, денгиз ўти сотиб олмоқчи бўлган сенинг режаларинг ҳам қаергадир сингиб турганмикин? Натижада ўша велосипедни сота олмай яна ўз жойига олиб бориб қўяётганингда эгаси кўриб қолиб, қўлга тушганинг ҳам. Эҳтимол, ўша ишлар ўтган даврнинг қайсидир бир оралиғига сингиб туриб, бизни шу ергача бошлаб келганмикин?

Бедарак йўқолганимдан кейин мени излаб дайдиб юрганингни биламан. Сеулга бир марта ҳам келиб кўрмаган одам Сеул темирйўл вокзалида тушиб, метрода юрганча менга ўхшаш одамни кўрсанг, ушлаб тўхтатганингни ҳам биламан. Мабодо мен ҳақимда хабар эшитармиканман дея уйимнинг яқинига сон-саноксиз келиб кетганингни ҳам. Менинг фарзандларим билан учрашиб, нима бўлганлигини эшитишни хоҳлаганингни ҳам. Шунинг оқибатида сен шундай оғриётганмикинсан?

Сенинг исминг Ли Ин Гю. Шифокор яна сўраса, Пак Со Нё демасдан Ли Ин Гю дегин. Энди сени ўз ҳолингга қўйишим керак. Сен менинг сирим эдинг. Ҳамма мени ўйлаганида ҳатто тахмин ҳам қилолмайдиган сен менинг ҳаётимда бор эдинг. Ҳеч ким сени менинг ҳаётимда борлигингни билмаса ҳам мен

мушкул вазиятга тушганда сен мени ўша вазиятдан кутқарган одам эдинг. Сенинг борлигингдан хурсанд эдим. Бахтли онларимдан кўра хавотирли дамларимда сени излаб бора олганим туфайли мен ҳаётимни давом қилдира олдим деган ўша гапни айтиш учун келдим.

Мен энди кетаман.

\* \* \*

Уй музлаб қолибди.

Дарвозани нимага қулфлаб қўйибди? Маҳалла болалари кириб ўйнайдиган қилиб очиб қўйса бўлади-ку. Ҳеч қандай ҳарорат йўқ. Муз палахсасига ўхшайди. Шунча кўп қор ёққан бўлса-да, ҳеч ким қорни артмабди. Ҳовли оппоқ қорга тўла. Ҳамма жойда сумалаклар осилиб турибди. Болаларимиз ўсаётган вақтда ўша сумалакларни олиб қилич уриш қиларди. Мени йўқ деб ҳеч ким бу уйга кириб кўрмайдиганга ўхшайди. Уйга ҳеч ким келмаганига анча бўлибди. Сиз ҳайдаган мотоцикл омборхонага суяб қўйилибди. Эҳ, шунчалик музлаб қолибди. Мотоцикл ҳайдамасангиз яхши бўларди. Бир қараб кўринг, шу ёшда мотоцикл миниб юрган одам борми? Ҳали ҳам ёшман деб ўйлайсизми? Менинг одатий даккиларим. Лекин, мотоцикл ҳайдаётганингизда қишлоқли одамга ўхшамасдан башанг кўринасиз. Ёшлигингизда сиз сочингизга бўёқ сурганча чарм куртка кийиб, мотоциклда қишлоққа кириб келсангиз ҳамма тикилиб боқарди. Қаердадир ўша вақтдаги сурат бор эди... Ётоқхона эшиги устидаги сурат рамкаси орасидади... Ҳа, анави ерда экан. Ўттизга ҳам қирмаган вақтингиздаги кўринишингиз-а. Ҳозир топиб бўлмайдиган ҳарорат тарқалиб турган юз.

Бу уйни ҳозиргидек янгидан қуришдан олдин яшаган уйни аниқ эслайман. Мен ўша уйни жуда яхши кўрардим. Яхши

кўриш деб айтиб қўйиб қарасам, фақатгина яхши кўриш эмасга ҳам ўхшайди. Энди бу ер юзида йўқ бўлган ўша уйда қирқ йилдан ошиқроқ яшадик. Мен доим ўша уйда бўлардим. Доим бўлардим. Сиз бўлган вақтлар ҳам, бўлмаган вақтлар ҳам бўларди. Умуман келмайдиган одамдек сиздан хабар ҳам бўлмасди, лекин шунда ҳам сиз қайтиб келардингиз. Шунинг учун бўлса керак. Бу уйни янгидан қуришдан олдинги ўша уй доим менинг кўз олдимдан кетмайди. Ҳаммаси эсимда. Ўша уйда бўлган ишларнинг ҳаммаси. Болаларимиз туғилган йиллардаги ишлар, сизни кутган, унутган, нафратланиб, яна кутиб юрган воқеаларнинг ҳаммаси. Энди уйнинг ёлғиз ўзи қолибди. Ҳеч ким йўқ бўлиб, фақат оппоқ қор ҳовлини қўриқлаб турибди.

Уй дегани чиндан ҳам ғалати. Ҳамма нарса одам қўли тегса тўзийди, баъзан ҳатто одамга жуда яқин борадиган бўлсанг, одамнинг ғазаби сенга ўтаётгандек ҳам бўлади-ю, лекин уй ундай эмас. Яхши уй ҳам одам яшамаса тезда вайрон бўлади. Одам яшасагина уй яшаётганга ўхшайди. Бунга қаранг. Қор йиғилиб томнинг бир томони чўкибди. Баҳор келса, томни тузатадиган устани чақириш керак. Умумий хонадаги телевизор турган жавончанинг ички томонига ҳар йили баҳорда томни тузатиб берадиган устахонанинг телефони ёзилган ёрлик ёпиштириб қўйилганди, лекин сиз бундан хабардормисиз, билмайман. Ўша ерга телефон қилсангиз, келиб кўриб берарди. Қиш бўйи уйни бундай бўш қўйса бўлмайди. Одам яшамаса ҳам вақти-вақти билан келиб, иситиш қурилмасини ёқиб туриш керак.

Сеулга кетдингизми? У ерда мени излаяпсизми?

Катта қизимиз Японияга кетаётганида юборган китоблар тахланиб қўйган хона ҳам совуқ экан. Китоблар ҳам музлаб қолганга ўхшайди. Қизимиз мана шу китобларни бу уйга жўнатгандан кейин менинг уйдаги энг яхши кўрган хонам шу хона

эди. Бошим оғримокчи бўлса, шу хонага кириб ётардим. Аввалига бир қанча вақт мобайнида яхши бўлгандек эди. Мен оғриганимни сизга маълум қилишни хоҳламагандим. Охир-оқибат кўзимни очган фурсатдан бошлаб азоб бошланиб, овқатни ҳам тўғри тайёрлаб беролмаган бўлсам-да, сизнинг олдингизда бемор бўлиб кўринишни хоҳламадим. Шу сабабли ёлғиз бўлган вақтларим кўп эди. Ўша вақтда ҳам қизимиз жўнатган китоблар турган хонага кириб, қимирламасдан ётардим. Бир куни бошимни кўлим билан қисган ҳолда ўзимга ўзим ваъда ҳам бергандим. Қизим Япониядан қайтиб келадиган вақтгача у ёзган китоблардан бирини ўқиб қўяман деб. Шундай қилиш учун оғриган бошимни қисган ҳолда ўқишни ўрганишга қатнадим ҳам. Давом қилдира олмадим. Нимагаки, ўқишни ўрганишга қатнаб юрганимда бошимнинг ҳолати жадаллик билан янада ёмонлашди. Ўқишни ўрганишга қатнашимни сизга айта олмай ёлғизлангандим ҳам. Бундай гапни айтишга ғурурим йўл қўймасди. Ўқишни ўргансам, қизим ёзган китобни ўз кўзим билан ўқишдан ташқари яна қилгим келган бир нарса бор эди. Мен бундай ҳолатга тушишдан олдин оила аъзоларимизнинг ҳаммасига алоҳида хайрлашув хатини ёзиш эди.

Шамол жуда кучли эсяпти. Ҳовлидаги қор шамол сабабли юмалаб учиб юрибди.

Бу ҳовлидаги энг яхши вақт ёзги тунда катта манқалдонни қўйиб, чинпанг<sup>1</sup> димлаган дамлар эди. Ҳёнг Чол компост йиғиб, чивинни ҳайдаш учун ўт ёкиб қўйса, укалари ёғоч каравотга ўтириб олиб, манқалдонга қўйилган қозондаги чинпангнинг тайёр бўлишини кутишарди. Бир қозонни димлаб патнисга солсак ҳар бири биттадан олиб кетиб, дарров йўқ бўларди. Чинпангнинг тайёр бўлишидан кўра болаларнинг ейиш тезли-

<sup>1</sup> Ичига ловия пастасига ўхшаган нарсалар солиб, димлаб пишириладиган кичкина ҳамирли нон.

ги тезроқ эди. Яна бир қозон тайёр бўлгунча манқалдонга ўтин солиб, ёғоч қаравотда усти устига қўйилгандек бўлиб ётган болаларга қарасам бир оз ваҳима босарди ҳам. Ҳайрон қоладиган даражада иштаҳаси яхши эди. Чивинга қарши ўт ёкиб қўйилган бўлса-да, чивинлар шиддат билан менинг қўлим-у сонимга нишини қадаб қонимни сўрарди, кеч тунгача тинмасдан чинпанг пиширсам ҳам болалар ҳаммасини еб қўйиб, яна кутиб ўтирарди. Чинпанг яна тайёр бўлишини кутиб ўтириб, бир-иккитаси бир-бирининг устига ётганча ухлаб қолган ўшандай ёзги тунлар бўларди. Ухлаб қолган вақт орасида қолган чинпангларни саватга солгандан кейин қопқоғини ёпиб, ёғоч қаравотга қўйиб ухлардим. Эрталаб шудринг тушиб, саватдаги чинпангнинг фақат сирти сал қотган бўларди. Кўзини очиши билан чинпанг солинган саватни олдига қўйиб, яна биттадан ейишарди. Шунинг учун ҳам менинг болаларим ҳали ҳам сирти сал қотган совук чинпангни яхши кўришади. Ўшандай ёзги тунлар бўларди. Осмондан юлдуз ёғилаётган ўшандай ёзги тунлар. Йўлда тентираб юрган вақтда ҳеч нарса эсимга тушмасдан бошим гаранг бўлганда ҳам мен бу ерни жуда соғинардим. Бу ерни, мана шу уйнинг ҳовлиси-ю супанинг остини, гулзори-ю қудуғини ва бошқаларини қанчалик соғинганимни билмайман. Тентираб юраётиб, йўл четига ўтирардим ва эсимга келганича ерга мана шу уйнинг расмини чизиб кўрардим. Дарвозани, гулзорни, қайла кўзаларини, супани чизардим. Ҳеч нарса эсимга тушмас-да, фақат мана шу уй, мана шу уйдан олдинги уй, ер юзидан йўқ бўлиб кетганига кўп бўлган ўша уй, эски ошхона ва петаситес ўти ўсган орқа ҳовли ҳамда чўчкахона ёнидаги айвони бўлган ўша уйгина аниқ эсимга тушди. Бўёғи тушиб қолган икки эшикли ўша кўк темир дарвоза. Чап томонига кичкина эшик, ўнг томонига мактублар солинадиган қутича ўрнатилган ўша уйнинг дарвозаси. Икки эшикли дарвоза очиладиган ҳоллар бир йилда фақат уч-тўрт марта бўларди-ю, ёғоч тутқич қистирилган кичкина эшик тор кўчага қараб доим очик турарди.

Эшикни кулфлаган вақтимиз деярли бўлмасди. Бизнинг оила аъзоларимиз уйда бўлмаса ҳам кишлок болалари ўша кўк дарвозанинг кичкина эшигидан кириб келиб, қуёш ботгунча ўйнаб кетарди. Дала ишлари қизиган вақтда мактабдан эрта қайтиб келган катта қизимиз ҳамма далага кетганидан бўш қолган уйнинг хурмо дарахти тагига суяб қўйилган велосипеднинг устига чиқиб педалини айлантирарди. Даладан қайтиб келсам, супа четида ўтирган қизим “ойи!” дея менинг кучоғимга югуриб келарди. Иккинчи боламиз уйдан қочиб кетганида ўчок яқинидаги полга овқатнинг устини ёпиб қўйиб, дарвозанинг иккита эшигини ҳам ланг очиб қўярдим. Овқат идиши оёқ учи-га тегиб кетиб тўнтарилиб қолса, яна тўғрилаб қўярдим. Ярим тунда шамол товушидан уйғониб кетсам, ўша шамолдан эшик ёпилиб қолмасин дея ташқарига чиқиб, дарвозага оғир тошни тираб қўярдим. Дарвоза кўзгалса, менинг кўзим-у қулоғим, бутун вужудим ўша садони кўздан кечирарди.

Жавон ҳам қаттиқ музлаб қолибди.

Ҳатто эшиги ҳам очилмайди. Жавон бўшаб ётгандир. Бошим ёрилгудек бўлиб оғрий бошлаши билан кўп вақт давомида излаб бормаган ўша одамнинг олди-га яна боргим келди. Шундай қилсам яхши бўладигандек бўлди. Лекин бормадим. Боргим келса-да, ўзимни босиб, нарсаларимни тартибга солдим. Мен ҳушимни йўқотиб қўйиб, ҳеч нарсани билмай қоладиган кун яқинлашиб келаётгани сезилди. Қўлимга ўрганган нарсаларни ўзим билладиган вақтда йиғиштириб қўйишни хоҳладим. Ташлай олмасдан осиб қўйган кийимларни тугунга ўраб, далага олиб бориб ёқиб юбордим. Ҳёнг Чол илк маошидан сотиб олиб берган кийим ҳатто ёрлиғи ҳам олинмаган ҳолда шундай-лигича бир неча ўн йил давомида жавон ичида турганди. Ўшани ёқаётган вақтда менинг бошим пачақ бўладиганга ўхшади. Ёкса бўладиган нарсанинг ҳаммасини ёқдим. Болалар байрамда шу уйга келиб, тунаб кетганида ёпса бўладиган кўрпа ва

ёстикларнигина қолдирдим, холос. Турмуш қурган вақтимда онам пахта толасини солиб тикиб берган кўрпани ҳам ёкиб юбордим. Кўп вақтдан буён мен билан бирга бўлган рўзғор буюмларининг ҳам ҳаммасини олиб, қайтадан кўрдим. Авайлаб қўйиб, бир марта ҳам қўлланмаган нарсалар, катта қизим турмуш қурганида бермоқчи бўлиб, сотиб олиб қўйган идишлар. Катта қизим синглиси турмуш қуриб, учта бола тукқан вақтгача ҳам турмуш қурмаслигини билганимда бу идишларни кичкина қизимга бериб юборган бўлардим. Тентакка ўхшаб, катта қизга атаб олингани боис фақат унинг ўзига бериш керак деб ўйладим. Иккиланиб туриб, уларни ҳам олиб чиқиб чилпарчин қилдим. Мен билардим. Бир кун келиб ҳеч нарсани эслай олмаслигимни билардим. Шундай бўлишидан олдин ишлатган нарсаларимни ўзим йиғиштиришни хоҳладим. Қолдириб кетишни хоҳладим. Идишлар турган жавоннинг пастки тоқчалари ҳам бўм-бўш бўлиб тургандир. Нимагаки, синадиган нарсаларнинг ҳаммасини синдириб, ерга кўмгандим.

Анави музлаб қолган жавонни очиб кўрса, қишки кийим, қачонлардир қизим сотиб олиб берган коракузан мўйнасидан бўлган пальто осилиб турибди. Эллик беш ёшга тўлган йили овқатланишни ҳам, ташқарига чиқишни ҳам хоҳламасдим. Юзим тирналганга ўхшаб, ёқимсиз кайфиятда бўлардим. Оғзимни очсам мендан ис чиқадиганга ўхшарди. Ўн кундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида бир оғиз ҳам гапирмагандим. Пессимистик хаёллардан қутулишга қанча ҳаракат қилмай ҳар куни битта ғамгин хаёл келиб қўшиларди. Совук киш кунида муздек сувга қўлимни босиб, қайта-қайта ювардим. Шундай қилиб, бир куни ибодатхонага бордим. Ибодатхона ҳовлисидан ўтиб кетаётиб кадамимни тўхтатдим. Ўлган боласини қучиб турган Биби Марям оёғи остида бош эгдим. Бошқа чидай олмайман дея мени руҳий тушкунликдан чиқаргин, менга раҳминг келсин, деб илтижо қилмоқчи бўлдим. Бироқ шундай қилаётиб, бу нарсани ҳам тўхтатдим. Ўлган ўғлини қучиб турган одамдан

яна нимани сўраш мумкин деб ўйладим. Ибодат қилинаётган вақтда олдимда ўтирган аёл кийган қоракузан мўйнасидан қилинган пальтони кўрдим. Ўзим ҳам билмаган холда ўша юмшоқликка яқинлашиб, қоракузан мўйнасидан қилинган пальтога сездирмасдан юзимни теккизиб кўрдим. Баҳор шамолига ўхшаган қоракузан мўйнаси менинг қари юзимни майин ва илиқ қилиб чулғади. Чидаб турган кўз ёшим қуйилиб чикди. Мен тез-тез бошимни қоракузан мўйнасидан қилинган пальтога теккизмокчи бўлаётганлигим учун ўша аёл секин ўзини четга олди. Уйга қайтиб келгандан кейин кичкина қизимга телефон қилиб, қоракузан мўйнасидан қилинган пальто сотиб олиб бер, дедим. Ўн кун деганда биринчи марта гапираётгандим.

– Қоракузан мўйнасидан қилинган пальто дедингизми, она?

– Ҳа, қоракузан мўйнасидан қилинган пальто.

Кичкина қизим сукут сақлади.

– Сотиб олиб берасанми ё йўқми?

– Ҳаво илиқ-ку! Қоракузан мўйнасидан қилинган пальтони кийиб борадиган жойингиз борми?

– Бор.

– Бир жойга борасизми?

– Йўқ, бормаيمان.

Менинг кескин жавоб берганимдан қизим қаҳқаҳлаб кулди.

– Ундай бўлса, Сеулга келинг. Сотиб олишга бирга борамиз.

Супермаркетга кирганда ҳам, қоракузан мўйнасидан қилинган пальто сотадиган бўлими олдида ҳам қизим менга фақат диққат билан қараб турганди. Мен юзимни теккизиб кўрган, ўша аёл кийиб турганидан сал калта бўлган Қоракузан мўйнасидан қилинган пальто шунчалик қиммат кийим эканлигини билмагандим. Нимагаки, қизим ҳам ҳеч нима демаганди. Қоракузан мўйнасидан қилинган пальтони сотиб олиб борганимда келинимнинг кўзи чакчайиб кетди.

– Қоракузан мўйнасидан қилинган пальтоми, она!

– ...

– Она, сизга яхши-да! Шундай қиммат кийимни иккиланмасдан сотиб олиб берадиган кизингиз бор. Мен ўз онамга тулки мўйнасидан қилинган битта бўйинбоғ ҳам сотиб олиб бера олмаганман. Қоракузан мўйнаси мерос қилиб қолдирилади дейишади. Дунёдан ўтаётганингизда менга қолдириб кетинг.

– Ойим менга бир нима сотиб олиб бер дегани биринчи марта бўлди! Нимага бундай деяпсиз!

Кичкина кизим жаҳл қилгандек келинимга тўнғиллаган вақтдагина билдим. Қизимнинг тинмасдан нарх кўрсаткичига ва менга тикилиб караганининг сабабини. Қизим ўша вақтда энди университетни тугатиб, шифохонанинг дорихонасига ишга кирган дамлар эди. Сеулдан қайтиб келиб, қоракузан мўйнасидан қилинган пальтони кўлимга олганча шаҳардаги супермаркетга кирдим ва шундай пальто сотадиган бўлим сотувчисидан бунинг канча туришини сўраб билгач, ўша жойда қотиб қолганга ўхшадим. Бир дона кийимнинг нархи ҳам шунча қиммат бўладими! Телефон қилиб, пальтони қайтариб берайлик деганимда кизим шундай деди:

– Ойи, сиз ўша кийимни кийишга ҳақкингиз бор. Шундай экан, кийинг.

Бу ҳудудда кишда ҳам кун илик бўлгани учун қоракузан мўйнасидан қилинган пальтони киядиган вақт деярли бўлмади. Уч йил давомида бир марта ҳам киймаган вақт бўлганди. Умидсизликка тушадиган хаёллар бўлганида қоракузан мўйнасидан қилинган пальтога юзимни босиб кўрардим. Шундай қилаётиб, ўйлагандим. Ўладиган вақтимда кичкина кизимга қайтариб бериб кетишим керак деб.

Ҳозир шундай музлаб турган бўлса-да, баҳор келса девор томонга такалиб турган гулзор атрофи яна шовқин-суронли бўлса керак. Қўшни уйдаги нок дарахти гуллаб, кейин ўша гуллар яна ранг-баранг бўлиб тарқалса керак. Оч пушти ранг

очиладиган атиргул тупи завкланиб, тиканларини ўстирса керак. Девор остидаги бегона ўтлар ҳам баҳор ёмғири ёғиши билан тезда ўса бошласа керак. Шаҳардаги кўприк остидан ўттизтача ўрдак жўжасини сотиб олиб ҳовлига қўйиб юборсам ўрдак жўжалари гулзорга тўда бўлиб кириб бориб, гулларни янчиб ташларди. Она товук тухум босиб чиқарган жўжалар билан бирга тўда бўлиб юрганида ўрдак жўжасими ё товук жўжаси, билиб бўлмасди. Хуллас, баҳорда ҳовли улар сабаб-ли шовкин-суронли бўларди. Гул тубига гўнг солсанг гул кўп гуллайди дея атиргул остини қазийтган қизимиз тупроқ орасида биланглаётган чувалчангни кўриб, чопкини отиб уйга югуриб кириши оқибатида ўша чопки жўжага тегиб ўлгани каби воқеалар ҳам бу ҳовлида бўлганди. Ёз қунида тўсатдан ёмғир қуйиб юборганида, ҳовлида бориб келиб юрган ит, товук ва ўрдак ҳар бири товукхонага, айвон остига, супа остига сукилиб кирганида анкиган шу ҳовлининг тупроқ ҳиди. Тўсатдан қуйган ёмғир томчисидан думалок бўлиб ўралган лой томчилари. Шамол эсаётган кеч куз тунида ён ҳовлидаги хурмо барглари шитирлаб тўкилиб, шу ҳовлида коришиб учиб юрарди. Туни бўйи ҳовлида супурилиб юрган товушни эшитардим ҳам. Қор ёғадиган қиш тунида шамол эсса, ҳовлига йиғилган қор супа-гача кириб келарди ҳам.

Кимдир дарвозани очяпти. Ҳа! Амма!

Болаларимга амма-да, менга опа бўлади, лекин мен бир марта ҳам опа деб айта олмадим. Опа эмас, қайнанага ўхшагани учун. Қор ёғиб, шамол эсгани учун уйни кўришга келибсиз-да. Мен бўлсам бу уйга қарайдиган одам йўқ деб ўйлагандим. Ам-манинг борлигини унутибман. Бирок, нимага оқсаяпсиз? Қан-чалик бақувват ва тетик эдингиз-а. Сиз ҳам қариган кўринасиз. Йўлак қор бўлиб ётибди. Эҳтиёт бўлинг.

– Ким бор?

Овозингиз ҳали ҳам аввалгидек кучли экан-а.

– Ҳеч ким йўк-а?

Одам йўқлигини билиб ҳам чақираётган кўринасиз. Жавобни ҳам кутмасдан супа четида ўтирдингиз. Нимага бундай юпка кийиниб келдингиз? Шамоллаб қоласиз. Нимани бунчалик чуқур ўйлаб ўтирибсиз? Ақлдан озгандек фақат ҳовлидаги қорга қараб ўтирибсиз.

– Нимагадир аниқ кимдир келганга ўхшайди...

Ярим арвоҳман, амма.

– Шундай совуқ кунда қаерда тентираб юрган экан-а?

Мен ҳақимда гапиряпсизми?

– Ёз ҳам, куз ҳам ўтиб, киш келди... Сенинг бундай бағри-тош одам эканлигингни билмагандим. Сенсиз бу уй нима бўлади?.. Фақат сиртки кўринишигина ялтироқ, ичи бўш уй бўлади, холос. Ёзги кўйлак кийиб чиққан одам киш келганда ҳам қайтиб келмаса... Аллақачон у дунё одамига айландингмикин?

Йўк, ҳали бўлмадим. Шундай тентираб юрибман.

– Дунёда энг ачинарли одам, бу уйдан ташқарида ўлган одам... Ақлингни йиғиб олиб, қайтиб кел.

Йиғлаяпсизми?

Ён томонга кўзини кийшайтириб кулранг осмонга қараётган амманинг кўзларининг чети намланди. Сиз бундай бўлганингиздан энди ўша кўзлар ҳам мен учун кўркинчли эмас. Нимагадир доим кўркинчли бўлиб туюларди, очиғини айтдиган бўлсам, сизнинг ўша кўзларингизга тўқнаш келмаслик учун юзингизга тўғри қарамаган вақтларим кўп бўларди. Лекин амма, сизнинг шунчаки кучли ва бардам бўлган вақтингиз яхшироққа ўхшайди. Бундай елкангизни қуйи осилтириб ўтирганингиздан ўзингизга ўхшамайсиз. Ҳаётлигимда сиздан битта ҳам яхши гап эшитмасдан яшагандим, нима, энди мен сизнинг бундай мадорсиз қиёфангизни кўришим керакми? Сизни мадорсиз қиёфада кўриб кўнглим оғрияпти. Мен сиздан фақат кўркқаним йўк. Ёлғиз ўзим удалай олишим кийин бўлган ишлар содир бўлганида бундай ҳолатда амма нима қилган

бўларди, деб ўйлардим. Ва амма шундай иш тутган бўларди деган хаёл пайдо бўлган йўлни танлардим. Сиз менга шундай намуна бўлиб хизмат қилардингиз ҳам. Менинг ҳам табиатим бор-ку! Дунёдаги ҳамма муносабат бир-бирига боғлиқ бўлиб, факат бир томонлама қарор қилинмайди. Энди барибир сиз ёлғиз ўзи қолган Ҳёнг Чолнинг отасига тез-тез қараб туришингиз керак эмасми? Менинг ҳам кўнглим ғаш. Шундай бўлса-да, сиз Ҳёнг Чолнинг отаси ёнида бўлганингиздан бир оз бўлса ҳам хотиржамман. Ҳаёт вақтимда ҳам сиз ёлғиз бўлганингиз сабабли Ҳёнг Чолнинг отасига қанчалар суяниб яшаганингизни аниқ билганлигим учун ҳам ҳамма ишни бошқача ўйлаганим ёки хафа бўлганим йўқ. Ҳайиқиш керак бўлган оиламиз қаттаси деб ҳисоблардим. Онадек ҳис қилинардингиз, қайнопа деб чақира олмайдиган даражада эди. Лекин амма, мен бир неча йил олдин аجدодларимиз қабристонида мен учун тиклаб қўйилган қабрга бормайман. У ерга боришни хоҳламайман. Бу уйда яшаган вақтимда ақлим хиралашиши тарқганида бир ўзим пиёда юриб, мен учун тайёрлаб қўйилган қабрга бориб кўрардим. Ўлганимдан кейин борадиган жойим бўлгани учун олдиндан ўша жойга кўнгил қўйишим керак, деб ўйлаганим учун эди. Офтоб тушиши ҳам, у ерга энгашганча баланд осилиб турган қарағай ҳам кўнглимга ёқди-ю, ўлгандан кейин ҳам шу уйнинг одами бўлиб қолиш оғир эди ва кучим етмасди. Кўнглимни юпатиш учун кўшиқ айтганча ўтларни юлиб, жой ёзиб қуёш ботгунча ўтириб кўрсам-да, кўнглим ўрнашмади. Эллик йилдан кўпроқ шу уйда яшадим, шундай экан, энди мени қўйиб юборинг. Қабр ўрнатаётган ўша вақтда сиз менинг ёнимдан жой олмоқчи бўлаётганингизда мен кўзимни ғилайлатиб, “эх, ўлгандан кейин ҳам сизнинг топшириқларингизни қиламанми?” деб айтган ўша гапим хаёлимга келди. Хафа бўлманг, амма. Кўп ўйлаб кўрдим, лекин бу бошқа хаёл бўлганидан эмас. Шунчаки мен ўз уйимга бормоқчиман. Бориб дам олмоқчиман.

Айвон эшиги очик экан.

Шамол айвон эшигини синдирмоқчидек унга қаттиқ урил-  
япти. Мен яхши кўриб ўтирадиган ёғоч каравотни юпка муз  
коплаган. Кимдир билмасдан ўтирса сирпаниб кетса керак. Бу  
айвонда кичкина қизим бургага таланган ҳолда китоб ўқирди.  
Чўчкахона ва гўнгхона орасида жойлашган айвонга кичкина  
қизим китобни қўлига олганча сездирмасдан кириб олганини  
мен билардим. Уни изламасдим. Акаси синглисининг каерда-  
лигини сўраса, билмайман, дердим. Нимагаки, мен қизимнинг  
китоб ўқиётган киёфасини ёктирардим. Халакит беришни  
хоҳламасдим. Чўчкахонани ёпиб қўйган тахта устида сомон  
уюми тўла эди. Шу сомон уюмининг бир томонини эгаллаган  
товуқ остидаги тухумларни кучганча тухум қўяётган бўларди.  
Шунинг орасига сукилиб кирган ва сомон устида ўтириб, бур-  
га чаққан жойига тупугини суртганча китоб ўқиётган болани  
топиб бўлармиди? Акаси уни топмоқчи бўлиб, хона эшигини,  
ошхона эшигини очаётган товушни тинглаганча ўша ерда бе-  
киниб китоб ўқиш хурсандчилиги қандай бўлган экан? Яна  
товуқларга қанчалик кийин бўлган экан? Чўчкахона устидаги  
сомон уюмида остидаги тухумларни кучиб ётган товуқ қизим-  
нинг китобни варақлаган товушидан диққат бўларди. Инида  
битта тухум бўлмаса, тухум ҳам қўймайдиган товуқ айвондаги  
қизимнинг шивирлашидан диққати ошиб қағағлаши оқибати-  
да акаси уни топиб олган вақтлар ҳам бўлганди. Ён томони-  
да чўчка хурхурлаган, устида тухум қўяётган товуқ қағағла-  
ган, кетмон, паншаха, белкурак каби турли хил дехқончилик  
асбоблари ҳамда сомон уюми қўйилган айвонда катта қизим  
нафасини чиқармасдан яшириниб ўқиган китоб қандай китоб  
экан? Баҳор келса, оила аъзоларимизнинг кишки оёқ кийимла-  
ри ёйилиб ётган супа остида болалаган она ит доим ириллаб  
ётарди. Тарновдан ёмғир суви тушаётган товуш эшитиларди.  
Ўша ювош ит болаласа, нимагадир шунчалик ёвузлашарди.  
Оила аъзоларимиздан бошқа ҳеч ким ёнига ҳам яқинлаша

олмасди. Шунақа, бу уйдаги ит болаласа, ўша кўк дарвозада доим ёзилиб турган “итдан эҳтиёт бўлинг”, деган ёзувни Ҳёнг Чол қайтадан қуюқ қилиб бўярди. Она ит кечки овқатни еб бўлиб ухлаётган вақтда супа остидаги битта кучукни олиб саватга солдим ва рўмол билан ёпгач, кўзи ўрнини кафтим билан бекитган ҳолда амманикига олиб бориб бергандим.

– Ойи, ўзи қоп-қоронғи бўлса, яна нимага кўзини ёпиб олиб кетяпсиз?

Кичкина қизим кетимдан эргашиб юрган ҳолда шундай деб сўраганди. Шундай қилмасанг уйга қайтиб келади десам ҳам тушунмасди.

– Шундай қоронғидаям-а?

– Ҳа шундай қороғида ҳам.

Боласи йўқолганини билган она ит инграб оғриб, овқат емасди. Овқат еса сут пайдо бўлади, эмизса болалари улғаяди. Шундайлигича қўйса ўлиб қолиши ҳеч гап эмаслиги боис кўзини ёпиб олиб кетган боласини қайтариб, елини остига қўйгандан кейингина она ит овқат ея бошлаганди. Шундай она ит ўша супа остида яшаганди.

Эҳ, баҳорги куртаклардек тинимсиз пайдо бўлаётган бу хотираларни қаерда тўхтатишни билмайман. Унутилган нарсаларнинг ҳаммаси хаёлимга келяпти. Ошхона тоқчасидаги косалар-у, соя қайлалари сақланадиган жойдаги катта-кичик кўзалар, томга чиқадиган тор ёғоч нарвон-у, пахса девор остидан униб чиқиб, деворга ўрмалаган ҳолда жуда тез ўсаётган қовоқ палагигача.

Уйни бундай музлатиб қўйманг.

Агар сизга оғирлик қиладиган бўлса, кичкина келиндан ёрдам сўранг. У ҳатто ижарага яшаётган уйини ҳам доим сидқидилдан саранжом қилиб қўяди-ку. Бир кўрган нарсасини дарров ўзлаштира оладиган қобилияти бўлиб, пухта ва очик

кўнгил. Ишлашига қарамасдан ҳеч кимдан кўмак олмаса ҳам унинг рўзғори доим ялтиллаб турарди. Уйга қараб туриш кийин бўлса, кичкина келин билан гаплашиб кўринг. Айтяпман-ку, унинг кўли тегса, эски нарса ҳам янгига айланади. Қачонлардир қайта қуриш бўлаётган ҳудудда эгасининг бутунлай эътибори йўқолган ғиштли уйда ижарага яшаётганида ҳам цементни ўз кўли билан қориштириб, ўша уйни тузатган одам кичкина келин бўлади. Уй дегани одам бор-йўқлигига, яшаётган одамнинг қандайлигига қараб, жуда чиройли ёки жуда ғалати уй бўлади. Баҳор келса ҳовлига гул экиб, супа полини ҳам артиб, қор сабабли чўкиб қолган томни ҳам тузатиб туринг.

Ҳёнг Чолнинг отаси, сиз бир неча йил олдин сархуш турганингизда кимдир уйингиз қаерда, деб сўраган экан. Шунда сиз Ёкчон-донг даҳасида, деб жавоб берган экансиз. Ҳёнг Чолнинг оиласи ўша Ёкчон-донг даҳасидан кўчиб кетганига йигирма йилдан ошганди-ку. Ҳатто менинг хотирамда ҳам Ёкчон-донг даҳаси деган ҳудуд ғира-шира эсга тушади. Хурсандчиликда ҳам ғамгинликда ҳам асло ўз туйғусини билдирмайдиган одам эдингиз. Ҳёнг Чол Сеулда Ёкчон-донг даҳасида ўзининг биринчи уйини сотиб олганида шунчаки жим ўтирган бўлсангиз ҳам ичингиздан жуда ғурурланган бўлсангиз керак. Шунинг учун ҳам сархушлигингизда бу уйни эсдан чиқариб, бир йилда кўпи билан уч-тўрт марта бир-икки кунга меҳмонга борган ўша уйни айтгансиз. Бу уйдан ҳам шундай ғурурлансангиз яхши бўларди. Бу уйнинг ҳовлисига янгидан уруғ сепмаса ҳам кичкина гуллар ҳар йили ўзидан-ўзи ўсиб чиқиб очилар, чиройли бўлиб ўз даврини яшаб, яна сўларди. Ҳовли, супа ости, айвон, орқа ҳовлида нимадир йиғилар, келар, кетар ва ўлар эди. Кийим осадиган ипга ҳам қушлар учиб келиб ўтириб, қир ювиш ҳақида гапираётгандек вижир-вижир қилган ҳолда сайраб ўйнашарди. Нима бўлганда ҳам уй дегани ўша уйда яшовчи эгасига ўхшаб кетадиган кўринади. Ундай бўлмаса, ўша

уйда яшаган ўрдак шунчаки ҳовлида кезиб юрганча дуч келган жойга тухум қўйиб кетармиди? Қуёшли кунда майда тўғралган, офтобда куритилган турпни ёки қайнатилган колоказия поясини патнисга солиб, пахса деворга кўтариб қўйган манзара бунчалик аниқ эсга тушармиди? Қизим тоза қилиб артиб қўйган оқ спорт оёқ кийимининг офтобда қуриётган кўриниши бундай кўз олдимдан ўтармиди? Катта қизим анави кудукда акс этадиган осмонни кузатишни яхши кўрарди. Сув олаётиб, кудук бўйида иягини қўлига тираб турган киёфаси анави ерда турганга ўхшайди.

Яхши колинг... Мен энди бу уйдан кетаман.

Ўтган ёзда “Сеул темирйўл вокзали” бекатида бир ўзим қолиб кетганимда мен фақат уч ёшимдаги ишларнигина эслай олгандим. Ҳамма нарсани унутиб юборган менда юришдан бошка илож қолмаганди. Нимагаки, мен ҳатто ўзимнинг кимлигимни ҳам билмадим. Мен юрдим ва яна юрдим. Ҳамма нарса ноаниқ эди. Уч ёшимда югуриб ўйнаган ўша ҳовли аниқ эсимга тушди. Олтин казиб олишга ҳам, кўмир қазиб олишга ҳам қатнаган отам уйга қайтиб келган ўша уч ёш вақтим. Мен юра олганимча юрдим. Кўп хонали уйлар орасида, ўт босган тепаликдаги йўлда, футбол майдонида юрдим ва яна юрдим. Шундай юрганча мен бормокчи бўлган жой қаер экан? Уч ёшимда югуриб ўйнаган ўша ҳовлимикин? Отам қайтиб келиб, ҳар тонгда ўн ри йўл босиб янги қурилатган темирйўл вокзалига ишга кетарди. Отам учраган ҳалокат қандай ҳалокат экан? Қандай ҳалокат эдики, шундай жонини қўйиб юборган? Қишлоқдаги одамлар онамга отам ҳалокатини билдиришга келган вақтда уч ёш бўлган мен ҳовлида югуриб ўйнаб юрган эканман. Юзи сарғайган ҳолда гандираклаётган онамни кўшнилари кўлидан ушлаганча ҳалокат юз берган жойга олиб бораётганини кўриб ҳам мен ўйнадим. Мен қулиб ўйнаб юрганимда ўтиб кетаётган

биров “отаси ўлганини ҳам билмасдан куляпти-я, гўл бола”, дея оркамга урди. Мен фақат ўша хотира билан ҳолдан тойиб, мукка тушиб ўтириб қолгунча юрдим ва яна юрдим.

Ана, мен туғилган қоронғи уйнинг супасида онам ўтирибди.

Онам юзини кўтариб менга қараяпти. Мен шу уйда туғилган бўлганимда бувим туш кўрган экан. Сарик юнги ялтиллаб турган сигир энди тиззасини ёзиб, керишиб турган экан. Сигир куч билан энди ўрнидан тураётган вақтда туғилган болалиги боис жуда серғайрат бўлиб, бу бола туфайли хурсандчилик кўп бўлади, шундай экан, болага яхшилаб қара, деган экан. Онам кўк шиппак жуда ботганидан ўйилган менинг оёғимга тикилиб қараяпти. Оёғимдаги ўйилиб кетган ярадан суяк кўриняпти. Онамнинг юзи қайғудан буришди. Бу юз мен ўлик бола туккан вақтимда жавон кўзгусида акс этган менинг юзим-ку. “Болам”. Онам икки қўлини очяпти. Онам ҳозиргина ўлган болани кучоғига кучгандек менинг қўлтиғимга қўлини қўйди. Кўк шиппакни ечдириб, оёқларимни тиззасига кўтариб қўйяпти. Онам кулмаяпти. Йиғламаяпти ҳам. Онам билармикин? Менга ҳам бир умр онам керак бўлганлигини.

## Эпилог

### АТИРГУЛ ТАСМАСИ

Онангнинг йўқолганига тўққиз ой бўлди.

Сен ҳозир Италиядасан. Ватикан давлатининг авлиё Пётр майдони кўринадиган мармар зинапояда ўтириб Мисрдан келтирилган обелискка қараяпсан. Пешанасини тер босган гид бу ёққа йиғилинглари, дея қичқириб, катта қарағай сояси тушиб турган зинапоянинг пастки қисмига одамларни бошлади.

– Бу ерда музей ва ибодатхона ичкарасида овоз чиқариб гапириш тақиқланади. Шундай экан, музейга киришдан олдин

муҳим саналадиган қисмларини олдиндан айтиб бераман. Ҳар кимга биттадан қулоқчин бераман, қулоғингизга тақиб тингланг.

Сен қулоқчинни олдинг, бироқ қулоғингга такмадинг.

– Қулоқчиндан овоз эшитилмаслиги сизларнинг мендан жуда узоқда эканлигингизни англатади. Одамлар жуда кўплиги боис мен ҳар бирингизга қарай олмайман. Доим менинг овозим эшитиладиган доирада бўлсангизгина тушунтиришни тўғри олиб бора оламан.

Сен қулоқчинни бўйнингга осганча қўлингни ювиш учун хожатхонага йўл олдинг. Гуруҳингдаги одамлар тўсатдан ўрнингдан туриб хожатхонага кетаётган сенинг орқа кўринишингга тикилиб қарашди. Хожатхона дастшўйида қўлингни ювиб бўлгач, сувини артиш учун сумкангдан дастрўмолингни олмоқчи бўлаётганингда сумкада ғижимланиб ётган синглингнинг мактубига секин қарадинг. Уч кун олдин йигитингга эргашган ҳолда Сеулдан жўнаб кетаётган кун уйингдаги мактублар қутичасидан олган хат эди. Жўнатувчи деган жойига ёзилган синглингнинг исмини сен ғилдиракли сумкани бир қўлинг билан ушлаганча ўкидинг. Синглингдан мактуб олаётганинг биринчи марта бўлаётганди. Бунинг устига электрон почта орқали ёзилган мактуб ҳам эмас, қўлда ёзилган мактуб эди. Хатжилдни йиртиб кўрмоқчи бўлаётиб, шунчаки мактубни қўл сумкангга солдинг. Ўша мактубни ўқисанг, йигитинг билан бирга самолётга чиқа олмаслигинг ҳам мумкин деган хаёл пайдо бўлганга ўхшайди. Сен хожатхонадан чикиб, яна гуруҳингдаги одамлар орасига кириб ўтирдинг. Қулоқчинни тақиш ўрнига сен синглингнинг мактубини олдинг ва бир оз вақт ушлаб ўтириб, кейин хатжилдни йиртдинг.

Опа.

Америкадан қайтиб келиб, ойимникига борганимда ойим тиззамдан келадиган бир туп ёш хурмо дарахтини берди. Ойимга топшириб қўйган рўзғор буюмларимни олиб келиш учун боргандим. Ойим ўша вақтда мен қўйиб кетган газ пли-

таси, музлаткич, овқатланиш столи каби нарсаларим турган айвон ёнидаги омборхонада йиқилиб ётганди. Оёқ-қўлларини чўзган ҳолда ётганди. Ойим овқат берадиган маҳалла мушуклари унинг атрофида ўтиришган эди. Мен шошиб ойимни кўзгаганимда, ҳушига келгандек зўрға кўзини очиб, менга қараб кулди ва “кичкина қизим келибди-ку!” деди. Ойим яхшиман, ҳеч нарса бўлгани йўқ, деганди. Ҳозир ўйлаб кўрсам, ҳушидан кетиб йиқилган, лекин ойим йўқ, ундай эмас, деб инкор қилганди. Мушукка овқат бериш учун омборхонага кирдим, деганди. Ойим мен топширган рўзғор буюмларини бут-бутун сақлаб қўйганди. Америкага жўнаб кетаётиб, ойимга ишлатинг деб берган резина қўлқопни ҳам қандай бўлса шундайлигича сақлаб қўйганди. Хотирлаш маросимини ўтказаяётган вақтда кўчма газ плитасидан фойдаланишга тўғри келганида бир оз иккиланиб турдим-у, лекин ишлатмадим, деганди. Нимага, деб сўраганимда сен қайтиб келганингда, қандай бўлса шундайлигича беришни хоҳладим, деганди.

Юк машинасига рўзғор буюмларини ортиб бўлганда ойим хижолат тортгандек соя қайлалари сақланадиган жойда турди ва бир туп хурмо дарахтини олиб келиб узатди. Илдизи тупрок билан бирга клеёнкага ўралган эди. Кўчиб борган уйимнинг ҳовлисига деб атайлаб тайёрлаб қўйган экан. Жуда ёш кўчат бўлганидан қачон мева беради, деб ўйлагандим. Очиғи, олиб келишни хоҳламагандим. Ҳовлиси бўлса-да, ўзимнинг хусусий уйим бўлмаса, кўчатга ким қарайди, деган ёқимсиз хаёллар ҳам келди. Ичимдагини ўқий олган ойим шундай деди:

– Хурмо дарров мева беради, ҳатто етмиш йил ҳам дарров ўтиб кетди.

Шунда ҳам олиб кетишни хоҳламаётган менга ойим яна шундай деди:

– Мен ўлсам, хурмо узиб олиб еганингда мен ҳақимда ўйла деган мақсадда беряпман.

Ойим доим “мен ўлсам...” деган гапни оғзидан туширмасдан яшарди-ку. Кўпдан бери бу гап ойимнинг қуроли эди-

ку. Гапига кулок солмаётган фарзанд олдидаги ойимнинг ягона куроли. Қачондандир бошлаб, қандайдир иш ойимга ёкмаса шундай дерди-ку: Буни мен ўлгандан кейин қил. Ўсиш-ўсмаслиги номаълум бўлган ёш хурмо кўчатини машинага ортиб келиб, илдизини ойим кўрсатиб берган жойгача тупрокқа кўмдим. Кейинчалик ойим Сеулга келганида кўчатни кўриб, деворга жуда яқин тақабсан, баҳор келса бошқа жойга кўчириб эк, деди. Баҳор келиши билан бошқа жойга ўтказдингми, деб сўради. Мен кўчириб ўтказмаган бўлсам ҳам ҳа, деб жавоб бердим. Кузда келиб кўрганида эринчоксан, дея қойиб, баҳор келса, албатта анави ерга ўтказ, деди. Ойим кўрсатган анави ер дегани мен кейинчалик пул топиб шу уйни оладиган бўлсам, бир туп катта дарахт экишни хаёл қилган бўш жой эди. Шохчаси ҳам бор-йўғи уч-тўртта бўлган, бўйи белимга ҳам етмайдиган ёш дарахтни ўша ерга ўтказиш тўғрисида заррача ҳам хаёл қилмасдан яна ҳўп, деб жавоб бердим. Бу йил баҳор келиши билан кун оша “кўчириб экдингми?” дея кўнғирок қиларди. Кунлар бир оз исиса ўтказаман, деб жавоб бердим. Опа. Мен фақат кечагина боламни орқалаган ҳолда таксида Соорингга бориб, товук гўнгини сотиб олиб келдим. Ойим анави ер деган жойга чуқур казиб, хурмо дарахтини кўчириб экдим. Ойимдан олган ёш хурмо кўчатини деворга тақаб эккандан кейин ҳам умуман мулоҳаза қилмагандим, лекин кўчириб ўтказаётганда ҳайрон қолдим. Кўчатни олиб келган вақтимда илдизи жуда нимжонлигидан бу ерга илдиз отармикин дея шубҳаланиб қарагандим, бироқ кўчириб ўтказмоқчи бўлиб қарасам, аллақачон ер остига чуқур илдиз отган ҳолда чувалиб ёпишиб ётган экан. Унумсиз ерда ҳам яшаш учун бор кучини ишга солган ҳолда ўрнашиб олган ҳаёт кучидан ҳайратда қолдим. Шундай ёш хурмо дарахтини поясининг шиддат билан ўсаётганини ва катталашаётганини кўр деган маънода берганмикин? Мевасини олмоқчи бўлсанг, яхшилаб қарашинг ҳам керак деганимикин? Эҳтимол, шунчаки катта кўчат сотиб олишга пули бўлмагандир. Илк бор хурмо дарахтига меҳр қўйдим. Чиндан ҳам бу дарахт мева

берармикин деган гумон орқага чекинди. “Мен ўлсам, хурмо узиб олиб еганингда мен ҳақимда ўйла деган маънода”, деб айтган ойимнинг гапи яна эсимга тушди. Опа, сиз ўтган сафар факат мен биладиган ойим ҳақидаги гапларни айтиб беришни сўрагандингиз-а? Мен ойимни билмайман, деб жавоб бергандим-а? Ойимни йўқотиб қўйганимиздан бошқа нарсани билмайман, дегандим. Ҳозир ҳам бу нарса ўша-ўша. Айниқса, ойимнинг кучи қаердан чиққан, мен буни билмайман. Ўйлаб кўринг. Ойим оддий бир одамнинг қўлидан келадиган ишларнигина қилиб яшаган эмас. Ойим қўлидан келмайдиган ишларни ҳам қилиб яшаганга ўхшайди. Шундай қилиши оқибатида ойим бўшашиб қолган. Охир-оқибат болаларининг уйини ҳам топа олмайдиган бўлиб қолган. Ойимни йўқотиб қўйиб ҳам ўз болаларимни овқатлантириш, сочини тараб, мактабга юбориш билан овора бўлиб, яхшилаб ойимни излай олмаган ўзимни таний олмайман. Опа, сиз мени ҳозирги ёш оналарга ўхшамаган ўзига хос хусусиятга эга дегандингиз. Албатта, менда бир оз шундай томонлар бор-у, бироқ барибир ойимдек бўла олмайман. Ойимни йўқотиб қўйгандан кейин тез-тез ўйладим. Мен ойимга яхши қиз бўла олганмидим? Мен ҳам болаларимга ойимга ўхшаб қарай оламанми? Бир нарсани биламан. Мен ойимдек бўла олмадим. Бўла олмайман ҳам. Мен болаларимни овқатлантираётиб ҳам тез-тез безор бўламан. Болаларим менинг тўпиғимдан маҳкам ушлаб олгандек ҳис қилинади ва баъзан малол келади ҳам. Болаларимни яхши кўраман ва шу болаларни чиндан ҳам мен туғдимми дея ҳаяжонланаман-у, лекин ойимга ўхшаб ҳаётимни бутунлигича болаларга бағишлай олмайман. Мен баъзида болаларим учун кўзимни ҳам ўйиб бера оладигандек ҳаракат қилсам-да, барибир ойимдек бўла олмайман. Учинчи болам тезроқ улғайишини тилаб юрибман. Болалар сабабли ҳаётим тўхтаб қолди деб ўйлайдиган вақтларим ҳам кўп. Учинчи болам яна озгина улғайса болалар боғчасига топшираман ёки болага қарайдиган одам топиб, мен ўз ишим билан шуғулланаман. Шундай қиламан. Нимагаки, мен

ўзим учун ҳам яшашим керак. Ҳар сафар шундай табиатга эга бўлган ўзимни англаб етганимда ойим қандай қилиб бутун ҳаётини болаларига бағишлаган экан, ойимни яхши билмаган эканман, деган ҳаёллар бўлади. Ойимнинг ҳолатида фақат бизни ўйлашдан бошқа чораси йўқ бўлган деб ҳам олайлик. Бирок бизлар нимага ойимни бошидан фақатгина она деб ҳисоблаб яшадик? Мен ҳам она бўлсам-да, орзуларим кўп, болалигим, ёшлигим, ўспиринлик давримни умуман унутмасдан эсда сақлаб юрганимда нима учун биз ойимни бошидан фақатгина она деб ўйлаб юрган эканмиз? Ойим ўз орзуларини амалга ошириб кўриш имконияти ҳам бўлмаган ҳолда ночорлик ҳамда ғам-қайғу, даврнинг барча қийинчиликлари билан бир ўзи курашган ва албатта уларни енгишдан бошқа йўли йўқ бўлган оғир қисмат билан бор кучини ишга солиб, жонини бахшида қилиб яшаган. Мен нимага ойимнинг орзулари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман?

Опа.

Хурмо дарахтини кўчириш учун қазиб қўйилган чуқурга юзимни яширишни хоҳладим. Мен ойимга ўхшаб яшай олмаганда ойим шундай яшашни хоҳлаганмикин? Ойим ёнимда бўлганида нимага мен бир марта ҳам буни ўйлаб кўрмаган эканман? Ҳатто кизи шундай бўлганида ойим бошқалар олдида қанчалик ёлғизланиб қолганлигини ҳис қилган экан? Ҳеч биримиз ойимизни тушунмаганда, ойим бизлар учун ўзини қурбон қилишга тўғри келган шундай адолатсизлик бўлиши мумкинми?

Опа. Фақат бир кун бўлса-да ойимиз билан бирга бўлиш имконияти келармикин? Ойимни тушуниш, гапларига кулок солиш, ўтган давр оралиғида кўмилиб қолган орзуларига тасалли берганча ойим билан бирга бўлиш имконияти келармикин? Бир кун эмас, фақат бир неча соат бўлса-да шундай имконият берилса, мен ойимга айтаман. Ойим қилган ҳамма ишларни, шу ишларни қила олган ойимни, ҳеч ким эсламаган ойимнинг ҳаётини севаман ва ҳурмат қиламан, деб айтаман.

Опа, сиз ойимдан воз кечманг, ойимни топиб беринг.

Синглинг хайрлашиш сўзини ҳам, санани ҳам ёза олмаган кўринади. Мактуб ёзаётиб йиғлаганми, қоғозда юмалок доғлар бор эди. Сен сарик доғга тикилиб караётиб, мактубни букладинг ва яна сумкангга солдинг. Эҳтимол, мактубни ёзаётганда стол остида ниманидир олиб еб ўтирган бола яқинлашиб келиб, синглингнинг орқасидан ушлаганча ковушмаган талаффузда “она айик...” деган кўшиқни куйлаган бўлиши ҳам мумкин. Синглинг ғамгин кўринишда, лекин боланинг кўзига қараб, “хушбичим!” дея кўшиқни давом килдирган бўлса ажабмас. Онасининг кўнглида нималар кечаётганини билмайдиган бола илжайиб кулган бўлиши ҳам мумкин. Эндигина гапиришни ўргана бошлаган бола яна “ота айик...”, дея онасининг кейинги мақомни давом килдиришини кутган бўлса керак. Синглинг кўз ёшини тийган ҳолда “сеп-семиз!” дея кўшиқни давом килдириш билан овора бўлиб, хайрлашиш сўзини ёза олмаган бўлиши ҳам мумкин. Синглингнинг оёғидан маҳкам ушлаб тирмашмоқчи бўлаётган бола чалқанчасига йикилиб, бошини полга уриб олган бўлиши ҳам мумкин. Бола дарров бакириб йиғлаб юборган бўлиши ҳам мумкин. Кўк моматалок боланинг юпка терисидан кўтарилиб чиқаётганини кўриб, тийиб турган кўз ёшини тўкиб юборган бўлиши ҳам мумкин.

Мактубни буклаб сумкангга солгач, худди кутиб қолдик дегандек гиднинг жўшқин овози қулоғингда садо чиқарди:

– Ушбу музейнинг энг ёрқин манзараси бу – биз энг охирида кўрадиган Систина капелла ибодатхонасининг шифтига чизилган “одамнинг яратилиши”дир. Микеланжело тўрт йил давомида шифт тўсинига осилганча шифтга ишлов бергани учун кейинчалик унинг кўриш қобилияти сусайиб, ёзувни ўқий олмайдиган ҳамда ташқаридан бошқа жойда расмни кўра олмайдиган бўлиб қолган экан. Фреска<sup>1</sup> оҳак қуйиш орқали ба-

---

<sup>1</sup> Деворга солинган расм.

жариладиган ишлиги боис, оҳак куриб қолишидан олдин тугатиш керак бўлган. Бир ойча сарф қилинадиган иш кўламини бир кунда бажармаса, кейинчалик оҳак қотиб қолиши сабабли яна қайтадан қилишга тўғри келган экан. Тўрт йил давомида шундай шифтга осилиб турганидан юзи қийшайиб қолганлиги табиий ҳол бўлса керак.

Самолётга чиқишингдан олдин аэропортда қилган охирги ишинг қишлоқдаги отангга телефон қилганинг эди. Онангни йўқотиб қўйгандан кейин отанг Сеул ва қишлоқдаги уй ўртасида бориб келиб юрди ва баҳор келиши билан яна қишлоқдаги уйга қайтиб кетди. Сен ҳар куни эрталаб ёки кечкурун отангга телефон қилардинг. Телефон қўнғироғи бир марта чалиниши биланок отанг худди кутиб ўтиргандек гўшакни кўтарарди. Сен кимлигингни билдиришдан ҳам олдин отанг дарров сенинг исмингни айтарди. Илгари доим онанг шундай қиларди. Онанг ҳовлидаги гулзорда ўт юлиб ўтирганида ичкаридан телефоннинг жиринглаган товуши эшитилса, отангга “гўшакни кўтаринг, Жи Ҳон қўнғирок қияпти!” дерди. Қандай қилиб қўнғирок товушидан ким телефон қилаётганини биласиз деб сўраганингда, онанг бошини қуйи солиб “шунчаки, шунчаки ўз-ўзидан биламан”, деб жавоб берганди. Онанг йўқ бўлган бўш уйда ёлғиз ўзи яшаётган вақт давомида отанг ҳам фақат телефон қўнғироғини эшитиб сен эканлигингни биларди. Римдан ҳам телефон қилсанг бўлади-ю, лекин вақтдаги тафовут боис отангнинг уйғоқлигида қўнғирок қилиш мураккаб кўринганлиги учун сен бир қанча вақт давомида қўнғирок қила олмаслигим ҳам мумкин, деган гапни отангга етказдинг. Сенинг гапингни эшитаётганмиди, йўқми, отанг тўсатдан ойингнинг бурун бўшлиғини операция қилдириш керак эди, деди.

– Ойимнинг бурни ҳам оғрирмиди?

Сен чўккан овозда қайта сўраганингда, отанг онангни фасл ўзгарган вақтларда йўталавериш ухлай олмасди, деди.

– Мен сабабли шундай бўлди. Мен сабабли ойингда ўз соғлиғига қарашга ҳам вақт бўлмади.

Агар бу бошқа вақт бўлганида сен “ота, бунда ҳеч кимнинг айби йўқ”, деган бўлардинг-у, лекин сенинг оғзингдан “тўғри, сиз сабабли”, деган гап чиқди. Гўшакнинг нариги томонидаги отанг бирдан нафасини ичига ютди. Аэропортдан кўнғирок қилаётганингдан отанг беҳабар эди.

– Жи Ҳон, – отанг анча вақтдан кейин гўшакнинг нариги томонидан сенинг исмингни айтди.

– Ҳа.

– Ойинг ҳатто тушимда ҳам кўринмайди.

– ...

Бир оз вақт нафасини ичига ютиб турган отанг дарров олдинги ишларни гапира бошлади: Бир куни аканг юборган қилич баликни қовуриб егандик. Ойинг тоғ бағридаги полиздан қовлаб олиб келган кўк турпнинг тупроғини қоқиб тушириб, пичоқ билан пўстини тозалагандан сўнг так-тук қилиб кесганча қозон остига ёйди ва турли хил зираворлар солгач, қизартириб димлаганди. Биз шу қилич балиқ димламасини егандик. Ойинг лўппи бўлиб димланган қилич балиқ гўштини олиб, оқ гуруч устига қўйиб берганди. Эрталаб димланган қилич баликни тушлиқда ҳам бир бўлакдан бўлашиб еб, корин тўйгач, ойинг билан иккаламиз хонада оёқни чўзган ҳолда кундузи ухлаб олган шундай баҳор кунлари бўлганди, – отанг шу гапларни айтаётганда сездирмасдан хўрсиниб йиғлади.

– Ўша вақтда шу нарса бахт эканлигини билмабман. Ойингдан хижолатдаман. Доим мен касалман дегандим.

Шунақа эди. Отанг уйда йўқ бўлар ёки бўлганида доим касал ётарди. Шундан афсусланаётганга ўхшади. Кекса отангнинг хўрсиниб йиғлаши кучайди.

– Мен касал бўла бошлаганимда, ойинг ҳам оғрий бошлаган кўринади.

Онанг отангнинг касаллиги билан овора бўлиб, бир жойим оғрияпти деган гапни айта олмаганмикин? Оила аъзо-

ларинг боис онанг оғришга хақи йўқ бўлган одам эди. Отанг эллик ёшга тўлгач, қон босимига қарши дори ичадиган бўлди ва бўғинлари қотиб қолиб, кўз гавҳари хира торта бошлади. Онангни йўқотиб қўйишдан олдин отанг бир йил давомида узлуксиз тиззасини операция қилдирди. Ёзила олмаганидан простата беги операцияси ҳам қилинди. Инсулытдан йиқилиши оқибатида бир йилда уч марта шифохонага тушиб ярим ой, бир ой ётиб чиқиши такрорланарди. Шунда ҳар сафар онанг шифохонага борарди. Отангга қараб турадиган ҳамширани ёллаган бўлсаларинг ҳам тунлари ёнида онанг тунаб қолишга тўғри келганди. Ҳамшира шифохонада тунаб қолган куни отанг ярим тунда хожатхонага кириб олиб, эшигини кулфлаб, ичидан чиқмаганди. Отангнинг кутилмаган ҳаракатидан саросимага тушган ҳамширадан хабар келганида онанг акангнинг уйида ухлаб ётганди. Онанг ўша ярим тунда шифохонага бориб, хожатхонадан чиқишдан бош тортаётган отангни юпатганди.

– Ҳёнг Чолнинг отаси, менман. Эшикни очинг, менман, де-япман-ку.

Ким нима деса ҳам эшикни очмаётган отанг онангнинг овозини эшитгандан кейингина эшикни очганди. Отанг дастшўй ёнида чўкка тушиб ўтирганди. Онанг отангни қўлидан тутган ҳолда олиб чиқиб, яна каравотга ётқизганди. Отанг онангга тикилиб қараб туриб, охири ухлаб қолганди. Отанг буни эслай олмайман, деганди. Эртаси куни нимага ундай қилганини сўраганингда отанг “мен шундай қилдимми?” дея аксинча қайта савол берганди. Яна сўрамасин дея отанг дарров кўзини юмганди.

– Ойим ҳам сал дам олиши керак, ота.

Отанг ўгирилиб ётиб қолди. Онанг билан гаплашаётган суҳбатингни отанг ўзини ухлаганга солган ҳолда тинглаб ётганини сен билардинг. Онанг отангни кўркқанидан шундай қилган бўлса керак, деди. Ўз уйида эмас, шифохонада уйқудан кўзини очганида оила аъзоларимиздан ҳеч ким йўқ, факат нотаниш одамлар бўлганидан бу ер қаер экан, дея кўркқанидан шундай қилган бўлса ажабмас, деди.

– Нимадан кўркади?

Сенинг кўрс гапираётган овозингни отанг ҳам эшитган бўлса керак.

– Сен кўркиб кўрмаганмисан? – онанг отанг тарафга секин қараб, жуда паст овозда шундай деди: – Отанг айтадики, мен ҳам баъзан шундай қиларканман. Тунда уйғонганида мен йўк бўларканман. Излаб қараса, айвонда ёки кудук орқасида бекиниб ўтирган бўларканман. Қўлимни силкитганча “менга бундай қилманг”, дея калтираб ўтирарканман.

– Сизми, ойи?

– Мен эслай олмайман. Отанг мени олиб бориб ётқизиб, сув ичиргандан кейингина қайтадан уйкуга кетарканман. Мен ҳам шундай бўлганда отанг ҳам кўркса керак.

– Нимадан кўркасиз?

Онанг ноаниқ мингиллагандек гапирди:

– Ҳар кунги ҳаётдан кўрккан кўринаман. Энг кўркинчлиси кўзада дон тугаган вақтда бўларди. Қоринингиз оч қолишини ўйласам... оғзим қуриб қолганга ўхшарди. Шундай кунлар ҳам бўларди.

Отанг онангнинг шу куйга тушгани ҳақида сен ва сенинг ака-укаларингни хабардор қилмаганди. Онангни йўқотиб қўйиб, қишлоқдаги уйда ёлғиз яшаётган отангга ҳар сафар кўнғирок қилганингда отанг сени биринчи бўлиб гўшакни қўймасин дея эски ҳикояларни тинмасдан айтиб берган бўлса-да, онангнинг тунда уйғониб, қаердадир яшириниб ўтирганлиги ҳақида гапирмади.

Сен соатга қарадинг. Соат тушдан олдин 10:00. Йигитинг уйғондимикин? Нонушта қилдимикин?

Сен бугун тонгги соат олтида Термини метро бекати олдидаги эски меҳмонхонада уйқудан турдинг. Онангни йўқотиб қўйгандан кейин худди сув остига чўкиб кетаётганга ўхшаш умидсизлик сенинг хаёлингни қуршаб олганди. Каравотдан турмоқчи бўлаётганингда ёнбошлаб ухлаб ётган йигитинг сен томонга ўтирилиб,

сени кучмокчи бўлди. Сен унинг қўлини секин олиб, каравотга қўйдинг. Рад қилинган қўлини пешанасига қўйиб, у шундай деди:

– Яна бир оз ухла.

– Уйкум келмаяпти.

У пешанасидан қўлини олиб ўгирилиб ётди. Сен матонатли кўринган унинг белига паришонхотир қарадинг ва қўлингни чўзиб силадинг. Онангни йўқотиб қўйгандан кейин бир марта ҳам илик қилиб куча олмаган йигитингнинг белини силадинг.

Онангни излаб толиққан сенинг оила аъзоларинг бир жойга йиғилса, бирдан сукунатга ғарқ бўлишарди. Шундан сўнг кутилмаган ҳаракат қилишарди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетишар ёки тўсатдан пиво стаканига сожу қўйиб ичишарди. Тинмасдан ёғилиб чиқаётган онанг билан бирга бўлган хотираларни четга суриб қўйиб ҳам ҳаммангиз бир хил нарсани ўйлардингиз: Шу ерда ойим бўлса эди. Ойим яна бир марта гўшакнинг нариги томонидан “менман!” деб айтса эди. Онанг доим “менман!” дерди. “Менман!” деб айтадиган онангни йўқотиб қўйгандан кейин сенинг оила аъзоларинг ҳеч бир суҳбатни ўн дақиқадан кўп давом қилдира олмасди. Нимани хаёл қилсанг ҳам ўша хаёл орасига “ойим ҳозир қаерда экан?” деган савол хавотирга солганча оқиб қирарди.

– Бугун мен ёлғиз бўлмокчиман.

– Ёлғиз ўзинг нима қилмокчисан? – ўгирилиб ётган ҳолда у сўради.

– Авлиё Пётр черковига бориб кўрмокчиман. Кеча меҳмонхона фойесиди сени кутиб ўтирган вақтда карасам, бугунги кун тартибида Ватикан саёҳати бор экан, шунга ёзилиб қўйгандим. Ҳозир тайёргарлик кўриб боришим керак. Меҳмонхона фойесидан соат 7:20 да жўнаб кетилади дейилганди. Соат тўққизгача етиб борилмаса, навбат чўзилиб кетиб, ичкарига киришга икки соатдан кўпроқ вақт сарф қилинар экан.

– Эртага мен билан бирга борақол.

– Бу ер Рим. У жойдан ташқари ҳам сен билан бирга бориб кўрадиган жойлар кўп.

Сен унга халакит бермаслик учун секин юз-қўлингни ювдинг. Сочингни ювишни хоҳладинг-у, лекин оқаётган сув товуши шовкинли бўлгани учун кўзгуга қараб шунчаки орқа томонга ўрам қилиб қўйдинг. Кийимингни алмаштириб кийиб, хонадан чиқаётганингда худди эсингга тушгандек унга гапирдинг.

– Мени бу ерга олиб келганинг учун раҳмат.

У чойшабни тортиб юзини ёпди. Ҳозир у имкони бори-ча чидаб юрганини сен яхши билардинг. У бу ерда учрашган одамларга сени хотиним, деб таништирди. Онангни топганингда, эҳтимол, сен ҳозир унинг рафикаси бўлардинг. Бугун тушдан олдинги семинар тугагач, бошқа бир неча жуфтликлар билан тушлик қилишга ваъдалашиб қўйилганини ҳам сен билардинг. Эҳтимол, улар тушликка ёлғиз ўзи борган ундан “рафикангиз бир жойга кетдими”, деб сўрашса керак. Чойшабни тортиб юзини ёпган унга тикилиб қараб туриб, секин хонадан чиқдинг. Онангни йўқотиб қўйгандан кейин сенда пайдо бўлган ғайриихтиёрий ҳаракатлар. Сен беихтиёр шароб ичардинг, йўлда кетаётиб ғайриихтиёрий равишда қишлоқдаги уйингга борадиган поездга чиққанинг ҳам. Уйингда паришонхотир шифтга қараб ётиб, хоҳ ярим тун, хоҳ тонг бўлсин, беихтиёр югуриб чиқиб, Сеул кўчаларида варақа ёпиштириб юрардинг. Ғайриихтиёрий равишда полиция маҳкамасига бостириб кириб, ойимни топиб бер, деб бакирардинг ҳам. Хабар қилинганидан полиция маҳкамасига келган аканг сенга тикилиб қараганди. Қачондандир бошлаб онангнинг йўқолганини хотиржам қабул қилиб, яна гольф ўйнашга чиқа бошлаган акангга ҳам сен беихтиёр кичкирдинг:

– Ойимни топиб бер!

Онангни биладиган одамларга бўлган қаршилик ҳамда онангни йўқотиб қўйган ўзингга бўлган нафрат қўшилиб чиқаётган кичкирик эди. Аканг ҳамлага яқин бўлган сенинг кичкиригинг такрорланганда уни ҳам индамай қабул қилди.

– Қанақасига бундай қилиш мумкин?.. Нимага ойимни изламайсиз? Нимага? Нимага?

Акангнинг кўлидан сен билан бирга шаҳарнинг тунги кўчаларида дайдиб юришдан бошқа нарсаси келмасди. Ўтган кишида сен кишлоқдаги уйдан онангнинг жавонидан олиб келган Қоракузан мўйнасидан бўлган пальтоси кийганча ёки кўлингга осганча шаҳарнинг тунги метросида сандироклаб кезиб юрдиги. Мабодо ёзги кийимда йўқолган онангни учратадиган бўлсанг, албатта кийинтириб қўйиш учун эди. Газета ёки рамён кутисини кўрпа сифатида ёпиб ухлаб ётган бошпанасиз одамлар орасида қоракузан мўйнасидан бўлган пальтоси олганча сандироклаб кезиб юрган сенинг қиёфанг биноларнинг мармартошларида фақат соя бўлиб акс этди, холос. Доим телефонингни ёкиб қўйган бўлсанг-да, энди онангга ўхшаган одамни кўрдим дея кўнғирок қиладиган одам йўқ эди. Бир куни онангни йўқотиб қўйган “Сеул темирйўл вокзали” метро бекатига бораётиб, ўша ерда паришонхотир турган акангни учратдинг. Сизлар ака ва сингил метро қатнови тўхтайдиган вақтгача метронинг келиб-кетишига қараганча ўша ерда ўтирдигизлар.

– Аввалига бу ерда шундай турсам, ойим пайдо бўлиб елкамга урганча “Хёнг Чол!” дея чакирадигандек туюларди. Бирок энди бундай фикр ҳаёлимга келмайди. Ҳеч нарсани ҳаёл қилмаганимдан бошим бўшаб қолди. Ишдан қайтаётганимда уйга тўғри кириб боришни хоҳламасам шу ерга келаман, холос, – деди аканг.

Сен қайсидир бир дам олиш куни акангнинг уйига борганингда гольф клюшкарини кўлига олганча машинадан тушаётган унга қараб, “ярамас!” дея қичкириб, шовқин кўтарганинг:

– Ҳатто сиз ҳам ойимнинг бедарак йўқолишини қабул қиладиган бўлсангиз, умуман ким ойимни қидиради?

Сен акангнинг гольф клюшкасини юлиб олиб, ерга отиб урганинг. Ҳаммангиз секин-аста онасини йўқотиб қўйган фарзанд ва турмуш ўртоққа айланиб бораётганингизлар. Онангиз бўлмаса ҳам кундалиқ ҳаётингиз давом қиладиганди. Бир куни эрта тонгда онангни йўқотиб қўйган ўша жойга бориб кўрганингда яна акангни учратганинг. Сен тонг шуъласида турган акангни орқасидан кучдинг.

– Ойимнинг бутун ҳаётини фақат укубат ва ўзини қурбон қилишдан иборат дея эслашимиз бизнинг фикримиз бўлиши ҳам мумкин. Биз ўзимизни айбдор ҳис қилганимиз боис ойимни фақат ғамгин эслаётгандирмиз. Бу нарса аксинча ойимнинг бутун ҳаётини арзимаган ҳаёт деб ҳисоблаётган иш бўлиши ҳам мумкин, – деди аканг.

Аканг онанг доим оғзидан туширмасдан яшаган гапни эслади. Онанг озгина бўлса ҳам қувончли иш рўй берса, “Ташақкур! Миннатдорман!” дерди. Онанг ҳамманинг ҳаётида бўладиган арзимаган хурсандчиликка ҳам ўз миннатдорчилигини билдирарди. Аканг онангнинг ҳамма нарсага чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирганини айтди ва миннатдорчиликни биладиган одамнинг ҳаёти фақат бахтсизликдан иборат бўлиши мумкин эмас, деди. Аканг хайрлашаётиб, “ойим қайтиб келганда ҳам мени таний олмайди деб кўрқяпман”, деди. Сен унга онанг учун бу дунёдаги энг қадрли инсон аканг бўлганлигини айтдинг. Онанг акангни қаерда бўлмасин, қанчалик ўзгармасин таний олишини айтдинг. Қачонлардир аканг ҳарбий хизматга чақирилиб, ҳарбий тайёргарлик бўлимига юборилганида ота-оналарни ўша ерга таклиф қилишганди. Онанг ўзи пиширган токни<sup>1</sup> бошига кўйганча сени олиб акангни кўришга борганди. Юзлаб аскарлар бир хил кийим кийиб таэквондо машқларини намойиш қилаётганда ҳам онанг ўшаларнинг орасидан акангни таниганди. Сенинг кўзингга ҳаммаси бир хил кўринса-да, онангнинг юзида дарров табассум ёришиб, “аканг анави ерда!” деб кўрсатганди. Кўпдан бери энди аканг билан онанг ҳақида хотиржам гаплашаётганингда сен яна акангга қараб, нимага ойимни бошқа изламаяпсиз, дея овозингни кўтаргандинг.

– Нимага ойимни бошқа қайтиб келмайдиган одамдек гапиряпсиз? – дея акангга ташлангандинг.

– Қандай, умуман қандай қилиб топаман, – дея аканг костюми ичидан кийган оқ кўйлакни ечаётиб, охир-оқибат сенинг олдингда йиғлаганди. Шундан сўнг аканг сен қилган телефон кўнғироқларига жавоб бермади.

<sup>1</sup> Гуруч унидан бўғлаб пишириладиган пирог тури.

Онангни йўқотиб қўйгандан кейингина сен онанг ҳақидаги ҳикоялар ичингда чексиз йиғилиб ётганлигини ҳис қилдинг. Тинмасдан қайтарилиб турган онангнинг кундалик ҳаёти. Онанг ёнингда бўлган вақтда чуқур ўйламаган майда ва ҳатто баъзан арзимаган деб билган онангнинг гаплари сенинг қалбингда цунами тўлкинларини ҳосил қилгандек қайта жонланди. Сен англаб етдинг: Уруш тугагандан кейин ҳам, бемалол овқатланиб яхши яшай оладиган бўлгандан кейин ҳам онангнинг ҳолати ўзгармаганлигини. Узоқ вақт учрашмаган оила аъзоларинг отанг билан бирга дастурхон атрофида ўтириб, президент сайлови тўғрисида суҳбатлашаётган вақтда ҳам онанг овқат тайёрлаб келиш, идишларни артиш, латтани ювиб олиш билан банд бўлганини. Онанг дарвоза, том ва супани тузаташ ишларини ҳам ўз бўйнига олишга тўғри келганини. Онанг тинимсиз қайтариб қилиши керак бўлган ишларга ёрдам бериш тугул, ҳатто сен ҳам буни одат дея қабул қилиб, бутунлай онангнинг зиммасига юклаб қўйганча табиий ҳол деб ҳисоблаганингни. Аканг айтганидек, баъзан онангнинг ҳаётини ҳатто умидсизликка тушган деб ҳисоблаганингни. Ҳаётида бир марта ҳам фаровонликда бўлмаган онанг сенга доим энг яхши нарсаларни беришга интилганини ҳам. Ёлғизликдан сиқилган вақтларингда орқангни силаб юпатган одам ҳам айнан онанг эди.

Шаҳар ҳокимияти олдидаги гинкго дарахтида тирноқча келадиган янги куртаклар бўрта бошлаганида сен Самчонг-донг даҳасига чиқадиган катта йўлдаги йўғонлиги бир қулоқ келадиган катта дарахт остида чўкка тушиб ўтиргандинг. Онанг йўқ бўлса ҳам баҳор кириб келаётганди. Музлаган ер эриб, дунёнинг барча дарахтлари шира ола бошлаганди. Шу вақт мобайнида сенинг бардош беришингга қуч бўлган орзу, ойимни излаб топа оламан, деган ишонч чилпарчин бўлди. Ойимни йўқотиб қўйганда ҳам шундай ёз, куз келиб, яна қиш ҳам кириб келса керак. Мен ҳам шунинг орасида яшаб юрсам керак. Бўм-бўш хароба йўл кўз олдингга келди. Ўша йўлда судралиб юраётган кўк шиппакли бедарак йўқолган аёл кўз олдингга келди.

Сен оила аъзоларингнинг ҳеч бирига айтмасдан Римда бўладиган семинарда иштирок этиш учун жўнаб кетаётган йигитингга эргашиб чикдинг. Бирга борайлик деб таклиф қилган бўлса-да, у сенинг рози бўлишингни кутмаган кўринади. Чиндан ҳам боришга қарор қилганингда бир оз довдираб қолди-ю, сен ҳамроҳ бўлганингдан ўзгартириш киритилган бир неча кун тартибини жим аниқлаштирди. Жўнаб кетишга бир кун қолганда ҳам қўнғирок қилиб, қароринг ўзгармадими, деб сўради. У билан бирга Римга жўнаб кетадиган самолётга чикқанингда “эхтимол, ойимнинг орзуси саёҳат қилиш бўлгандир”, деган ўй биринчи марта хаёлингга келди. Онанг доим хавотирли нигоҳда самолётга чикмагин, деб айтарди-ю, лекин қаердандир қайтиб келсанг, сен бўлган жой тўғрисида жуда синчиклаб сўрагани хаёлингга келди:

– Хитойликлар қандай кийим кийишади? Индеецлар болаларни қандай орқалаб юришади? Японияда энг мазали таом нима? – каби сенга берилган онангнинг саволлари.

– Хитойлик эркаклар ёзда устки кийимини бутунлай ечиб юришади. Перуда кўрган индеец аёли болани сават сумкага солганча ёнига осиб юрганди. Япон таомлари ҳаддан ташқари ширин, – дея сен доим қисқа жавоб берардинг. Онанг яна сўраса, жонингга текканидан “кейин айтиб бераман, ойи!” дердинг. Сиз она ва қизга кейинчалик яна бундай суҳбат куриш имконияти бўлмади. Чунки сенинг доим бошқа ишларинг бўларди. Сен самолёт ўриндиғига суяниб, чуқур хўрсиндинг. Сенга жуда узок жойга бориб яша деган одам онанг эди. Сени туғилган жойингдан энг узок шаҳарга юборган одам ҳам онанг эди. Ўша вақтдаги онанг сени шаҳарга олиб келиб, яна қишлоқдаги уйига қайтиб борадиган тунги поездга чикқан ўша вақтдаги онангнинг ёши ҳозирги сенинг ёшинг билан бир хил эканлигини сен аламли равишда англаб етдинг. Бир аёл. Дунёга келганининг қувончини ҳам, ёшлигини ҳам, қизалоклигини ҳам, орзусини ҳам унутган ҳолда ҳайз бошланишидан ҳам олдин турмуш куриб, бешта бола туккан ва ўша болаларни улғай-

тириш давомида борган сари йўк бўлиб кетган аёл. Болалари учун ҳеч нарсадан қўрқмаган ва иккиланмаган аёл. Бутун ҳаёти қурбонликдан иборат бўлиб, охир-окибат бедарак йўқолган аёл. Сен онанг билан ўзингни таққослаб кўрдинг. Шунга қарамасдан онангнинг ўзи бир олам эди. Агар сенинг ўрнингда онанг бўлганида ҳозирги сенга ўхшаб кўркувдан қочиб бундай юрмасди.

Римда бутун шаҳар том маънода тарихий обидалардан иборат эди. Сен Рим ҳақида кўп ёмон мишмишларни эшитгандинг. Темирйўл ходимлари сал нарсага иш ташлаш намоёишини қилиб ҳам йўловчилардан узр сўрашмайди, кўриб турганингда ҳам қўлингни тортиб, соатни ечиб олиб кетишади дейишганди. Тунги кўчалар девор ва йўлга ёзиб кетилган ҳар хил ёзувлар ҳамда ахлатлар билан тўлиб ётади, дейишганди. Сен бефарқ одамга ўхшадинг. Такси ҳақини олаётганда лакиллантишаётган бўлса ҳам, кимдир сен ечиб қўйган қора кўзойнагингни олаётган бўлса ҳам сен фақат қараб турардинг. Шундай бўлса-да, сен ўтган уч кун давомида йигитинг семинарда иштирок этаётган вақтда ёлғиз ўзинг Рим кўчаларининг ҳамма жойида учратиш мумкин бўлган харобаларни кўришга бординг. Рим форуми, Колизей, Каракалла терми, Катакомбани бориб кўрдинг. Катта шаҳардаги кенг харобалар ичида сен паришонхотир тургандинг. Рим цивилизация тимсоли бўладиган макон эди. Қарерга борма, ҳамма ерда ўтган давр излари чексиз намоён бўлиб турса-да, сен ҳеч нарсага катта эътибор қаратмадинг. Ҳозир ҳам сен нима биландир бутунлай қуршаб олинганга ўхшаган юмалок майдонда чўзилиб турган бутларга нигоҳ ташлаётган бўлсанг-да, сенинг кўзинг ҳеч қаерда тўхтагани йўқ. Гид Ватиканни нафақат дунёдаги бир давлат, балки худонинг мамлақати ҳамдир, деб тушунтирди. Худуди атиги 44 гектар бўлса-да, мустақил давлат бўлиб, ўз пул бирлигига ва почта маркаларига эга, деди. Сен гиднинг тушунтиришларига ҳам қулоқ солмадинг. Сенинг кўзларинг одамлар орасида сандироклаб кезиб юрганди, холос. Фақат бир неча киши йиғилиб турган бўлса-да, шуларнинг орасида эҳтимол, ойим йўқмикин, дея улар-

нинг орасини кезиб юрган сенинг нигоҳинг бетинч тебраняпти. Европалик сайёҳлар орасида йўқолган онангнинг бўлиши асло мумкин бўлмаса-да, ҳозир ҳам сенинг кўзларинг бир жойда тўхташни билмайди. Сенинг кўзларинг “вокал мусикани ўрганиш учун бу ерга келганимга етти йил бўлди”, деган гиднинг кўзига тушди. Сен шундагина кулоқчинни ҳам такмасдан турганингдан хижолат бўлдинг ва уни тортиб кулоғингга такдинг.

– Ватикан давлати дунёдаги энг кичкина мамлакат. Бирок бир кунда ўттиз мингга яқин киши бу ерга ташриф буюради.

Кулоқчинни такқач, гиднинг тушунтиришини эшитган заҳоти сен дарров лабингнинг ички томонини тишлаб юбординг. Бирдан лов этиб ёнганга ўхшаб эсингга тушган онангнинг гапи. Ўша вақт қачон эди? Онанг дунёдаги энг кичкина давлат қаер, деб сўраганди. Сенга қачонлардир ўша давлатга борадиган бўлсанг, атиргулдан тайёрланган тасма олиб келиб бергин, деганди. Бу дунёдаги энг кичик давлат?! Сен ўзингга келдинг. Шу ермикин? Шу Ватикан давлатимикин?

Сен кулоқчинни такқанча офтобдан чекиниб, мармар зинанинг пастки қисмида ўтирган гуруҳингдигилар орасидан чиқдинг ва бир ўзинг музейга кириб кетдинг. Атиргулдан тайёрланган тасма деганди. Сен кўз олдингда чексиз намоён бўлган музейнинг шифтига чизилган ва ўйилган ҳашаматли расмлар ҳамда нақшлар орасидан сизиб ўтгандек ўтиб кетдинг. Қаердадир эсдалик совғалари сотиладиган дўкон бўлса керак. Ўша ерга борсам, атиргул тасмаси ҳам бўлиши мумкин. Атиргул тасмасини излаб, одамлар орасидан шошиб ўтиб бораётган сен Систина капелла ибодатхонаси олдида тўхтадинг. Тўрт йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳар куни анави баланд шифтнинг тўсинига осилганча шифтга ишлов берганмикин? Катта фреска шу вақтгача китобда кўрганингдигидан фаркли равишда катталигидан тортиб ҳамма томонлама устун эди. Бу ишни тугатган вақтда юзи қийшайиб қолмаса, аксинча ғалати иш бўлган бўларди. “Одамнинг яратилиши” манзараси остида турган сенинг юзингга расмни ишлаган рассомнинг уқубати ва эхтиро-

си сувдек тўкилди. Сенинг тахмининг тўғри чикди. Систина капелла ибодатхонасидан чиқишинг биланок китоб ва эсдалик совғалари сотиладиган дўкон нақд кўзингга тушди. Оқ кийим кийган роҳибалар токчанинг рўпарасида туришганди. Сенинг кўзинг шуларнинг орасидаги бир роҳибанинг кўзига тушди.

– Корейликмисиз? – роҳиба корейсча гапирди.

– Ҳа.

– Мен ҳам Корейдан келганман. Бу ерга келганимдан бери биринчи марта учратган Корейлик одамсиз. Тўрт кун олдин бу ерга келганман, – роҳиба яна кулди.

– Атиргул тасмаси борми?

– Атиргул тасмаси?

– Атиргулдан тайёрланган тасма?

– Ҳа, – роҳиба сени токчанинг бир бурчагига олиб борди. – Сиз мана шуни айтяпсизми?

Роҳиба узатаёган тасма кутичасини олиб, қопқоғини очиб кўрдинг. Маҳкам ёпилган тасма кутиси ичидан бирдан атиргул ифори таралди. Бу хидни ойим билганмикин?

– Бу эрталаб Руҳоний дуо қилган тасма.

Қачонлардир ойим айтган атиргул тасмаси шумикин?

– Бу атиргул тасмасини фақат шу ердан топиш мумкинми?

– Йўқ, ҳамма ердан топиш мумкин. Бирок бу ер Ватикан-ку... Бу ернинг атиргул тасмасининг маъноси катта.

Сен тасма кутисига ёзиб қўйилган 15 евро деган ёзувга тикилиб қарадинг. Роҳибага тасма пулини узатаётган сенинг қўлинг қалтиради. Роҳиба тасма кутисини сенга узатаётиб, совғами, деб сўради. Совға? Буни ойимга бера оламанмикин? Шундай бўлиши мумкинми? Сен бошингни кимирлатишинг билан роҳиба токчанинг ичкари томонидан тиззасида чормихга тортилгандан кейинги Исо пайғамбарни кучиб ўтирган Биби Марям ҳайкали тасвирланган оқ хатжилдни чиқарди ва тасма кутисини солиб, ёрлик билан хатжилдни муҳрлаб берди.

Сен атиргул тасмасини қўлингга олганча Авлиё Пётр черковига қараб юрдинг. Кириш жойидан ичкарига қарадинг.

Бронзадан тайёрланган маҳобатли гумбаз устидаги юмалок шифтдан ёруғлик ёғилиб тушаётганди. Шифтдаги фресканинг ок булутлари ичида фаришталар тўда бўлиб учиб юришганди. Сен Авлиё Пётр черкови ичига бир кадам кириб туриб, узоқдан локланган катта нур чамбарга қарадинг. Ўша жойни кўриш учун марказий залдан юриб бораётган сенинг кадамларинг ишончсиз ҳаракатланди. Ичкарига киришдан ҳам олдин нимадир сени маҳкам тортди. Бу нима экан? Сен одамлар орасидан оралаб ўтиб, магнитдек тортаётган нарсага қараб яқинлашиб бординг. Одамлар нимага қараб турганлигини кўриш учун бошингни кўтариб қарадинг. Чормихга тортилгандан кейинги Исо пайғамбарни кучиб ўтирган Биби Марям ҳайкали эди. Ўлган болани кучиб ўтирган Биби Марям зирҳли ойна ичига қўйилган эди. Сен худди эргаштириб олиб кетилаётгандек одамлар орасидан оралаб ўтиб, чормихга тортилгандан кейинги Исо пайғамбарни кучиб ўтирган Биби Марям ҳайкали олди-га чиқдинг. Эндигина жони узилган ўғлининг жасадини кучиб турган Биби Марямнинг нозик киёфасини кўрган фурсат сен музлаб, ёпишиб қолганга ўхшадинг. Бу мрамормикин? Ўлган ўғил ҳали ҳам тана ҳароратини саклаб тургандек туюлди. Тиззасига ётқизиб қўйилган ўғлининг жасадига қараб ўтирган Биби Марямнинг кўзлари дард-аламга ботган эди. Улар аллақачон ўтиб кетишган бўлишса-да, она ва боланинг танаси худди жонлидек ҳис қилинарди. Она бўлганлиги инкор қилинган бўлса-да, ўғлининг жасадини тиззасига қўйган аёл. Улар худди тирикка ўхшаб жонли кўринди. Кимдир орқангни секин силагандек бўлгани учун сен дарров орқанга ўгирилиб қарадинг. Орқангда онанг тургандек туюлди. Сен англаб етдинг. Нимадир нотўғри бўляпти деган ҳаёл келса, одат бўйича онангни ўйлаб яшаб келганлигингни. Онангни ўйласанг, нимадир бир оз тўғриланганга ва ичингдан қандайдир куч қайтадан кўтарилиб чиқаётганга ўхшарди. Онангни йўқотиб қўйгандан кейин ҳам сен одат бўйича онанга қўнғироқ қилмоқчи бўлардинг. Онанга қўнғироқ қилмоқчи бўлаётиб, паришонхотир турган

кунлар. Сен чормихга тортилгандан кейинги Исо пайғамбарни кучиб ўтирган Биби Марям хайкали олдига атиргул тасмасини кўйиб, тиз чўкдинг. Тиззасидаги ўлик ўғлининг қўлтиғида турган Биби Марямнинг қўли ҳаракатлангандек бўлди. Азобга бардош бераётиб, охир-окибат оламдан ўтган ўғлини кучиб турган Биби Марямнинг ғам-ғуссасига қарай олмасдинг. Қулоғингни тўлдириб турган барча товушлар тўхтади ҳамда шифтдан ёғилиб тушаётган ёруғлик ҳам ғойиб бўлди. Бу дунёдаги энг кичик мамлакат черковининг ичи чуқур скунатга ботди. Яраланган лабингнинг ички юмшоқ терисидан қон тинмасдан сизиб чиқаётганди. Сен тинмасдан йиғилаётган қонни ютиб юбординг ва юзингни кўтариб, Биби Марямга қарадинг. Сенинг кафтинг ўз-ўзидан зирхли ойнага суянди. Агар қўлинг етадиган бўлса, Биби Марямнинг ғамга ботган кўзларини юмиб беришни хохладинг. Кеча тунда бир кўрпани ёпиб ухлаб, бугун тонгда ўша кўрпа ичида уйғониб онангни кучгандек жонли равишда унинг танасининг ифोरини ҳис қилдинг.

Қачонлардир кишда ташқаридан совқотиб уйга қайтиб келган сенинг жажжи қўлларингни ўша бақувват қўллари билан қуршаб, ошхонадаги ўчоқ олови олдига олиб борган онанг. “Буни қара, қўлинг музлаб қолибди-ку!” дея ўчоқ олови олдида сени қучиб ҳам тез исисин дея сенинг икки қўлингни қуршаб, тинмасдан силаётганда онангдан таралган муаттар хид.

Жони узилган ўғлининг қўлтиғидан ушлаб ўтирган Биби Марямнинг бармоқлари чўзилиб чиқиб, сенинг юзингни силаётгандек туюлди. Черковдан одамлар тарқайдиган вақтгача сен миҳ изи аниқ бўлган ўғлининг қўлини зўрға кўтараётган Биби Марям олдида тиз чўкканча ўтирдинг. Бир маҳал сен бирдан кўзингни очдинг. Ғамга ботган кўзлари остида турган Биби Марямнинг лабларига тешгудек тикилиб қарадинг. Ҳеч ким буза олмайдиган даражада маҳкам ёпилган хушбичим лаблар. Сенинг оғзингдан чуқур нафас сизиб чиқди. Биби Марямнинг хушбичим лаблари кўзларидан қолишмаган ҳолда чуқур ғамга ботган эди. Сен ўлган ўғлига яна қарадинг. Ўғлининг қўл ва

оёқлари онасининг тиззасидан хотиржам чўзилиб турганди. Ўғил ўлиб ҳам тассали олаётганди. Сен саёҳатга бораман десанг, оила аъзоларинг сени онангни излашдан воз кечган деб қабул қиларди. Шундай шубҳани бартараф қилишнинг йўли йўқлиги боис Римга боришингни билдирмасдан шу ерга келганинг мана шу чормихга тортилгандан кейинги Исо пайғамбарни кучиб ўтирган Биби Марям хайкалини кўриш учун бўлганмикин? Йигитинг семинарга отланаётиб, сенга Италияга бирга боришни таклиф қилган ўша фурсатдан бошлаб сен беихтиёр ўғлининг жасадини кучганча хотиржам ачинишга ботган шу она хайкални эслаган бўлишинг ҳам мумкин. Шу ерга келади-ган бўлсанг, сен илтижо қилмоқчи бўлган самимий истак жуда узокдаги Осиё китъасининг бир чеккасида жойлашган кичкинагина мамлакатда яшаб кетган бир номсиз аёлни яна бир марта кўрадиган қилгин, топа оладиган қилгин, деган нарса эди. Йўқ. Балки ундай ҳам эмасдир. Эҳтимол, онанг ер юзиде энди мавжуд эмаслигини сен билиб юргандирсан. Балки сен ойимни унутма, ойимга шафқат қилгин, деб айтиш учун бу ерга келгандирсан. Эҳтимол, ҳозир тиник ойнанинг нариги томонидаги пьедесталда ўтириб, дунё яратилгандан буён инсониятнинг бутун қайғуларини нозик кўллари билан кучиб ўтирган аёл хайкалини кўриб, ҳеч қандай гап айта олмагандирсан. Сен маҳлиё бўлиб Биби Марямнинг лабларига қарадинг. Бир томчи кўз ёши сенинг қора кўзларинг остига оқиб тушди. Сен гандираклаб, орқага чекингандек ўша жойдан нари кетдинг. Рухонийлар ибодат қилишмоқчимиди, қатор бўлиб сенинг ёнингдан ўтиб кетишди. Сен черковга кириш жойигача юриб чикиб, узун йўлакка ҳамда кўзни камаштирадиган ёруғликка чулганган майдонга паришонхотир қарадинг. Шундагина аёл хайкали олдида айта олмаган бир оғиз сўз сенинг лабларинг орасидан сизиб чикди:

– Ойимни, ойимни ўз паноҳингда асра.

## МУАЛЛИФДАН

Ўтган кишда деярли ўттиз йилдан кейин онам билан бирга ўз уйимда ярим ойларча бирга яшадим. Балоғатга етган вақтда онамнинг ёнидан жўнаб кетганимдан буён шунча кўп кунни онам билан бирга ўтказаётганим биринчи марта эди. Ҳар куни тонгда онам ухлаётган хонага кириб кўрардим. Мен қайси вақтда хона эшигини очмай, онам аллақачон уйғонган бўларди. Мен ичкарига кирсам, онам “нимага келдинг”, дерди-ю, ёнида ётсам, “сен билан бирга бўладиган шундай кунлар ҳам бор экан-а... қандай яхши”, дерди. Биз шифтга қараб ётганча эски хикояларни гаплашардик. Деярли бутунлай унутиб юборилган олдинги ишлар биз она ва киз ётган хона ичига тўла бўлиб кириб келарди. Ўшандай кунлар бир неча кун ўтиши давомида онамнинг қалбида ҳали ҳам ечимини топмаган эски ишлар дарахт илдизига ўхшаб дардли бўлиб, чувалашиб ётганини билдим. Баъзан онам жуда кичрайиб, менинг қучоғимда йиғлади ҳам. Шундай қилаётиб, ақлимни йиғиб олган мен “нимага бундай қиласиз?” дея дарров онамнинг ўрнига қайтардим. Онамга ҳеч нима керак эмаслигини, шунчаки онамнинг гапларига кулоқ соладиган одам кераклигини англадим.

Бирок мен жим бўлиб онамнинг гапларига кулоқ солганим йўқ. Қандайдир иш борасида “унақа эмас-ку! Нимага бундай ўйлайсиз?” дея овозимни кўтариб тортишардим ҳам. Бир кўрпа остида ўзаро нафас олганча ўгирилиб ётган фурсатлар ҳам бўлди. Кўнгли яраланган онам уйга кетаман дея нарсаларини йиғиштирган фурсатлар ҳам бўлди. Шундай бўлса-да, мен ўша тонгнинг ҳар бир лаҳзасидан аниқ бахтни ҳис қилдим. У ҳам бўлса мукамал бахтни. Ўша бахт қолдирган таассурот кўлами бениҳоялигидан умуман бу туйғу қаердан оқиб чиққан экан дея узоқ вақт ўйга солди. Онам ҳали менинг ёнимдалиги, бирга ётиб, тонг отишини

кутганча онамнинг ҳикояларини эшитиш бахтига муяссар бўлганлигим. Шулар эди.

Ўша вақтда ҳис қилган бахт бу романни давом қилдиришга туртки бўлди десам ишонасизми? Романдаги онамни шунчалик бахтсиз қилиб қўйиб дейман-да. Бироқ бу ҳақиқат. Ўша тонгнинг бахтидан фақат ўзимгина роҳатланишим тўғри келмайди деган ҳаёл пайдо бўлди. Ифодаламасликнинг иложи йўқ бўлган бахт эди. Бу роман ҳаммага ҳали кеч эмас, деб айтмоқчи бўлган ўзимга хос услубимдир. Менинг шундай хоҳишим “онангнинг йўқолганига бир ҳафта бўлди”, деган биринчи жумлани яратди. Журналда қисмларга ажратган ҳолда нашр қилиб бўлиб ҳам онани қайта тирилтириш учун “атиргул тасмаси”, деган эпилог қисмини ёздим. Ўша биринчи жумлани “онангнинг йўқолганига тўққиз ой бўлди”, деб танлаганимнинг сабаби ҳам биз оналаримизни тушунишга, севишга ва кўнглини олишга ҳали вақт бор эканлигини айтмоқчи бўлганим учун эди. Фақат йўқотиб қўйган бўлиб, топа олиш умидини қолдиришни хоҳладим. Бугунги бизнинг орқамизда кераксиз бўлиб турган оналаримиз яратган нарсаларнинг ҳаммасини қандай қилиб санай олиш мумкин? Ўша юракни эзадиган севги, эҳтирос ҳамда қурбонликни қайта тиклаб кўришга интилдим, холос. Шу орқали кўмилиб ётган оналарнинг ҳаёти озгина бўлса-да ижтимоий мазмунга эга бўлишини тилаш ёзувчи сифатидаги менинг оддий истагим.

Қўлёзмани тугатгач, энг биринчи қилган ишим кишлоқдаги онамга кўнғирок қилганим эди. Соат тунги ўндан ошганди. Гўшакни отам кўтарди. Онам ухляптими, деб сўраганимда, айвонда ўтирибди, деб жавоб берди.

– Айвонда? У ерда нима қилади? Шу вақтда-я? – деб сўраганимда саримсоқ арчиб ўтирибди, деди. Мен ёшлигимда китоб ўқиб ўтирган ўша айвонда онам ҳозир саримсоқ арчиб ўтирибди? Онамнинг қўл телефонига яна кўнғирок қилдим. Тунда саримсоқ арчиб нима киласиз дея овозимни кўтариб каттик гапирганимда онам шунчаки хотиржам овозда уйқум келмаганидан шундай қиялпман, деди. Тез орада қишга қимчи тайёрлаш керак бўлгани учун ҳар куни бир неча бош бўлса-да олдиндан арчиб қўйганим яхши деди. Эртаси куни қўлёзмани юборгандан кейин яна онамга

телефон қилиб кўргандим, бу сафар нўхатзорда эди. Қурғокчиликдан нўхат сўлиб қоладиганга ўхшайди, деб нолиди.

Етмишдан ошганда ҳам саримсоқ арчийдиган, ёмғир ёғмаганидан ачиниб, нўхатзорга бориб турган одам менинг онам деган хаёл ёзувчилик орқали кун кечираётган менинг хаётимни доим тўлқинлантиради. Қачонки кўлёмаларим яхши ёзилмаётганда ёки мен мувозанатни йўқотиб, бир томонга оғмоқчи бўлган вақтда онамга кўнғироқ қилаётганимни англадим. Ўшандай вақтда онам худди ашула куйлагандек мен бу дунёга келишимдан олдин яшаб ўтган одамларнинг ҳикояларни чексиз айтиб берарди. Мен жим туриб онамнинг гапларини ёзган вақтлар ҳам бўлганди. Айби бўлмаган ҳолда хаёти жуда оғир аҳволга тушганда ҳам ҳаётдан кўнгли совимасдан умид қилиб, севгисини ошириш орқали ҳар сафар олдинга бир қадам босган одамлар бошидан ўтказган сир-асрорлар тезда менинг романимга айланди ҳам. Онам менга айтиб берган ҳикояларни бу менинг ҳикоям эмас, деди. Онам ҳам бу ҳикояларни кимлардандир эшитганман, деди. Онам менга айтиб берган ҳикояларни бу дунёда тез-тез пайдо бўлиб, кейинчалик яна ғойиб бўладиган шунчаки чексиз ишлардан бири холос, дейдиган бўлсак ҳам бу асарни ёзган вақт давомида мен ногаҳоний англаб етдим: ўша ҳикоялар тинмасдан менга умид бағишлашини ҳамда онам айтган ҳикоялар мен орқали дунёнинг бошқа одамларига етказилишини истаганини.

Ёзувчилик қилишдан бошқа ҳеч нарса менга ярашмаслигини билганим бахтми, бебахтликми, мен билмайман. Бу йўлни ўзим танлаганга ҳам, бошдан белгиланган йўлга кирганга ҳам ўхшайман. Онам доим менга ўхшаб яшама деган бўлса-да, мен бу йўлда онамга ўхшаб яшашни хоҳлайман. Онам бизлар сабабли адо бўлган танаси билан ҳам уйқуси келмаса, саримсоқ арчиб, ўша саримсоқ билан кимчи тайёрлаб менга юборади. Нўхат ҳосили яхши бўлмаганлиги боис бозордан нўхат сотиб олиб келиб, чонгтукчанг тайёрлаб менга юборади.

Ўша онанинг кизи бўлганим учун мен ҳам бу йўлдан шундай бора олсам керак, деб ўйлайман.

Шин Кёнг Сук  
2008 йил, кўз.

---

## **МУНДАРИЖА**

|                                   |     |
|-----------------------------------|-----|
| 1-боб. Ҳеч ким билмайди .....     | 3   |
| 2-боб. Мени кечир, Ҳёнг Чол ..... | 64  |
| 3-боб. Мен келдим .....           | 113 |
| 4-боб. Ўзга бир аёл.....          | 162 |
| Эпилог. Атиргул тасмаси.....      | 209 |
| Муаллифдан.....                   | 232 |

*Адабий-бадий нашр*

**Шин Кёнг Сук**

**ОНАМНИ ЎЗ  
ПАНОҲИНГДА АСРА**

*Роман*

Мухаррир *Илҳом Зойиров*  
Бадий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*  
Техник муҳаррир *Дилмурод Жалилов*  
Мусаххих *Доно Тўйчиева*  
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Алиева*

Нашр. лиц. АІ № 290. 04.11.2016.  
2017 йил 2 ноябрда босишга рухсат этилди.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет босма. Times New Roman гарнитураси.  
13,7 шартли босма табок. 11,3 нашр табағи.  
Адади 1000 нусха. 472-ракамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
иждодий уйида чоп этилди  
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

**www.gglit.uz      info@gglit.uz**




Шин Кёнг Сук

# ОНАМНИ ЎЗ ПАНОҲИНГДА АСРА



ISBN 978-9943-5013-7-9



9 789943 501379